

Шуҳрат Сирожиддинов

ЎЗБЕК

МУМТОЗ АДАБИЁТИНИНГ
ФАЛСАФИЙ САРЧАШМАЛАРИ



ШУҲРАТ СИРОЖИДДИНОВ

ЎЗБЕК МУМТОЗ
АДАБИЁТИНИНГ
ФАЛСАФИЙ
САРЧАШМАЛАРИ



Тошкент

2011

УДК: 821.512.133

ББК: 83.3(5Ўзб) 2

С – 60

Сирожиддинов Ш. Узбек мумтоз адабиётининг фалсафий сарчашмалари / Монография. –Т.: «Янги аср авлоди», 2011, 200 б.

ISBN 978-9943-08-776-7

Монография ўзбек мумтоз адабиёти тадқиқотчилари, шеърият ихлосмандларига мўлжалланган бўлиб, ўзига хос мумтоз адабиётга кириш вазифасини ўтайди. Унда ўзбек мумтоз адабиёти намуналари ни таҳлил этиш, тушуниш, муаллифнинг ғоявий позициясини аниқлашда кўрсаткич вазифасини бажарувчи диний-фалсафий таълимотлар моҳияти ҳақида сўз боради.

УДК: 821.512.133

ББК: 83.3(5Ўзб) 2

Тақризчилар:

Ҳамиджон ҲОМИДИЙ,

филология фанлари доктори, профессор

Нурбой ЖАББОРОВ,

филология фанлари доктори

ISBN 978-9943-08-776-7

© Шуҳрат Сирожиддинов, «Узбек мумтоз адабиётининг фалсафий сарчашмалари». «Янги аср авлоди», 2011 йил.

КИРИШ

Мовароуннаҳрнинг жуғрофий жиҳатдан қадимий дивилизациялар чорраҳасида жойлашгани бу ўлкада қадимги Ҳинд, Эрон, Ироқ ва Хитой халқлари фалсафий қарашларининг бир маконда умумийлашуви ва уйғуллашувига яхши замин яратган. Шунинг натижаси бўлса керак, бу ерда ислом кириб келишидан илгари аҳоли ўртасида мистик-илоҳиёт илми сезиларли таъсир кучига эга бўлган. IX асрнинг иккинчи ярми X асрнинг биринчи ярмида Самарқандда яшаб ўтган буюк мутакаллим олим Абу Мансур Мотуридий асарларида монийлар ва зардуштийлар билан олиб борган калом баҳслари шундан дарак беради. Демак, Мовароуннаҳрда ислом ягона ва мутлақ ҳукмрон мафкурага айланган бир даврда ҳам аҳоли ўртасида исломгача бўлган мистик қарашлар кучли бўлган. Шубҳасиз, исломда фалсафа аталмиш фан соҳасининг шаклланишида нафақат юнон файласуфларининг асарлари таъсири бўлганлиги, балки маҳаллий мистик-илоҳиёт ғояларининг муайян ўрни борлиги ҳақида ҳам гапириш мумкин. Ўзбек мумтоз адабиёти намуналарини таҳлил қиласиз, бадииятнинг мураккаб қобиқларига ўралган фалсафий ғоялар, борлиқ муаммосининг ўзига хос ечимлари, Олам ва Одам муносабатлари мавзуси ўзбек халқининг тафаккур кўламлари бутун Шарқ фалсафасидан озиқланганини ҳис этамиз.

Ал-Киндий, Абу Наср Форобий, Ибн Сино ва уларнинг издоилари илмий фаолияти юнон фалсафасини исломлаштириш ва маҳаллий мистик қарашлар билан уйғуллаштиришда ҳал қилувчи бўғин бўлди. Ушбу бўғин вакиллари машшоий (перипатетик) файласуфлар деб

аталди. Фарбда уларни юонон файласуфларидан ажратиб туриш учун «ал-фалсафа аҳли» деб атадилар. Ислом оламида «ал-фалсафа аҳли» метафизик ҳодисаларни ўрганадиган ягона оқим булиб қолмади. Ислом Яқин Шарқ, Хуресон ва Мовароунинаҳрга кириб келгандан сўнг ҳам маҳаллий аҳоли онгида ўз яшовчалигини сақлаб қолган мистик тафаккур учқунлари IX-X асрларга келиб шиддат билан ривожлана бошлади. Ироқининг Басра, Шом ўлкасининг Дамашқ ва Ҳалаб, Хуресонда Нишопур ва Балх, Мовароунинаҳрда Термиз ва Самарқанд каби қадимий цивилизация бешикларида мистик таълимот марказлари вужудга келди.

Ироқ ва Шом мистика марказлари тасаввуф марказлари сифатида машҳур бўлдилар. Нишопур ва Балх мактаблари маломатийлик маркази сифатида танилди.

Мовароунинаҳрда мистик қарашлар тарихига назар ташлайдиган бўлсак, бу ўлкада XIII асргача Ироқ ва Нишопур суфийларининг таъсири сезилмайди. Ҳар ҳолда ҳозирча қўлимизда буни тасдиқлайдиган манбалар нуқ. Балки кейинги тадқиқотлар бу масалага ойдинлик киритар. Бироқ, бу Мовароунинаҳрда мистик мактаблар бўлмаган деган фикрни англатмайди. Термизда яшаб фаолият кўрсатган олим Ҳаким Термизий (820–932) илмий мероси бу даврда Мовароунинаҳрда мистик илмлар тараққиёти равон кечганлигини кўрсатади. Ҳаким Термизий Нишопур маломатийлари асарларида суфий деб эътироф этилмаган.¹ Бунинг сабаби суфийликнинг Ироқ билан боғланганлигидалир. Ҳаким Термизийнинг ислом дини, мистик-илоҳий мазмунига эга 50 дан ортиқ асари фанга маълумдир. Унинг илмий мероси хорижий шарқшунослар, жумладан, Анимари Шиммель, Антон Ҳей-

¹ S. Sviri. «Hakim Tirmidhi and Malamati Movement in Early Sufism». In: Classical Persian Sufism from its Origins to Rumi/Ed. by L. Lewison. London, 1993, p.594.

иси, Бернің Радтке, Ҳасан Мурод каби олимлар ғомонидан кенг үрганилған.²

Бернің Радтке Ҳаким Термизийни Балх мистика мактабининг обрули вакилларидаи бўлган Аҳмад б.Хизруя (Х аср) шогирдларидан деб ҳисоблайди.³ Балх мактаби маломатийлик ҳаракатининг маркази бўлган Нишонур мактаби билан жуда яқин алоқаларга эга бўлган. Ҳаким Термизийниң космологик қарашлари ўзига хос. Антона Ҳейнен уларни ислом космологияси сифатида тақдим этган бўлса-да, бу ерда кўпроқ уигача сакланиб қолган аиънавий маҳаллий мистик қарашлар таъсири сезилади. Унга кўра, Яратилган олам Ариши аълодан тортиб етти осмон ва етти самовий жисмдан қўйида жойлашган дунё балиғи устидаги заминни қамраб олгандир. Олам тузилишининг ушбу модели машҳур «Табарий тарихи» китобида ҳам берилган. Борлиқ тузилишига бундай ёндашувни Бернің Радтке мантиқий-фантастик деб таърифлайди.⁴ Радтке тўғри кўрсатганидек, метафизика ҳиссий кузатувларни баён этади, улар орасида мантиқий муносабат ўриатади. Мистика эса руҳ тажрибасини баён этади, унини кечинмаларига, мушоҳадаларига мантиқий жавоб беринига ҳаракат қиласи. Мистик ҳам файласуф-табииётшунос каби ўзи яшайдиган ва фаолият кўрсатаётган муҳит маданий аиънаналари доирасидан чиқа олмайди.⁵ Шунинг учун ҳам, Ҳаким Термизий коинот тузилиши баёнида юнон антк коинот моделидан эмас, Марказий

² A.Schimmel, *Mystical Dimensions of Islam*, Chapel Hill,1975; A. Heinen, *Islamic Cosmology*, Beirut, 1982; B.Radtke. Al-Hakim at-Termidi. Freiburg, 1980; H.Murad. *The Life and Works of Hakim al-Termidhi* // *Hambard Islamicus II*. 1(1979), p.65-90.

³ Б.Радтке. Теологи и мистики //Суфизм в Центральной Азии. Зарубежные исследования. Сост. и отв. ред. А.Хисматуллин. –С.-Петербург: 2001. Стр.57.

⁴ Уша асар, 60-бет.

⁵ Уша ерда.

Осиё халқлари мистик тафаккурида сақланиб қолған вә мажозда ифодаланған балиқ тимсолидан фойдаланған.

Мистикларнинг X асрда мавжуд бўлган Самарқанд мактаби ҳақида ҳозирча бир нима дейиш қийини, чунки бу минтақадаги мистика мактаблари энди ўрганилаётир. Аммо баъзи манбаларда Балх мистика мактабининг охирги вакили Муҳаммад б.ал-Фазл Балхий ўз ватанидан қувғин қилингандан тўғри Самарқандга кўчиб келгани ҳақида маълумотлар учрайди. Ушбу факт бу ерда Балх ва Термиз мистика мактаблари билан яқин алоқада бўлган марказ мавжуд бўлганлигини тасдиқлайди.

Мовароуннаҳрда мистик маърифат масалалари тасаввух ривожи билан боғлиқ босқичда янада ёрқинроқ кўринади. Маълумки, Аллоҳ борлиғи, Борлиқ тузилиши, Аллоҳ ва инсон ўргасидаги муносабатлар тизими ҳақида ги билимлар суфизмда икки йўл орқали эгалланиши қайд этилади. Биринчиси «Жазба», иккинчиси «Сулук» деб аталади.

Жазба йўналиши ўз ихтиёрини қўлдан берган ошиқлик қисмати ҳисобланади. Бу йўлга инсон ўз истаги билан кира олмайди. У муайян бир комил пир томонидан муроқаба орқали ром этилиши ёхуд тўғридан-тўғри Аллоҳ жазбасига нишон бўлиши мумкин. Кейинги ҳолатни бошдан кечирганга мажзуб дейилади. Бундай одамлар бир сабаб туфайли Аллоҳ ишқига мубтало бўладилар ва бугун инон-ихтиёрларини қўлдан берадилар. Мажзублар атрофдагиларга бутунлай бешарво, дунё ишларига бефарқ бўлиб қоладилар.⁶ Улар Аллоҳни кўриш ва У билан бирга бўлиш истагида Илоҳий Ҳақиқатни англашга, ўз маърифатини оширишга жиддий ҳаракат қила

⁶ Louis Massignon, Hallaj mystic and Martur (translated, edited and abridged by Herbert Mason), Princeton University Press, Princeton, New York; Richard Maxwell Eaton, Sufis of Bigapur, Princeton University Press, Princeton, New York, 1988; pp. 264-281; M. Fethullah Gulen, Kaynak, Izmir, AS, 2002, pp.185-188; P

бошлайди. Улар камолот касб этиш йўлида бир пирга боғланиб қолмайдилар. Улар турли машҳур пирларга мурид тушиб, уларнинг бор илмларини эгаллашга ҳаракат қиласидилар, сўнг янада кучлироқ пирлар томон ошиқадилар. Камолот мақомларининг баъзи пиллапояларида уларга устоз пирларнинг ҳожати қолмайди. Мажзублар ўз ҳолатларининг дастглабки босқичларида қаттиқ ибодат ва медитация билан машғул бўладилар, сўнг уларнинг ҳолати оғирлашган сари ибодат ва шариатни тарк этадилар. Тасаввуф тарихида Мансур Ҳаллож каби сиймолар жазба йўналишида машҳур бўлган буюк шахслар ҳисобланадилар. Мовароуннаҳрда яшаб ўтган мажзубларнинг энг машҳури Бобораҳим Маңрабдир (XVII аср). Бу йўналиш назарияси машҳур суфий Боязид Бистомий (в. 874) номи билан боғлиқ. У юонон фалсафасидаги «ишиқ» ва «ваҳдат гушунчаларини мистик платформада шарҳлаб, «сукр» (мастлик) концепциясини ишлаб чиққан илк мутафаккирдир.⁷ Тасаввуфда «ставҳид дараҳтини Боязид эккан» деган гап шундан қолган. Унга кўра, суфий ўз такомилида шундай даражага эришадики, мистик экстаз ҳолатида руҳан афсонавий ғайб оламига саёҳат қилиши мумкин. Ушанда у ўзининг илоҳий моҳиятини кўради ва Аллоҳ вужудига дахлдор эканлигини билади. Бутун борлиқ Аллоҳ вужудида мавжудлигини кузатади. Ушбу воқелик тасаввуфда «Ҳақиқат» деб аталади. Шунда инсон ҳақиқатни англашдан олган завқ ва шавқдан чунонам маст бўладики, трансдан чиққандан кейин ҳам ўзи-

⁷ Боязид Бистомий ҳақида: Али Ақбар Ҳусайнӣ. Мажмуат ул-авлиё. Қўлёзма, ЎзРФА ШИ, инв. № 1333, V боб; Абу Наср Сарроҷ. Китаб ал-Лума фи ал-тасаввуф. Р. Никольсон нашри. -Лейден: 1914. 459-477-бетлар; Суламий. Табақот ас-суфия, Н. Шариба таҳрири остида. - Коҳира: 1953, 67-бет; Қушайрий. Рисола. - Коҳира: 1930, 80, 99-бетлар; Ҳужвирий. Кашф ул-маҳқуб. Р. Никольсон таржимаси. - Лондон: 1936 йил, 132-бет; H. Ritter, Abu Yazid al-Bistami, UDMI, 1, pp. 932-934.

нинг моддий оламдаги вазифаларига қайта олмайди. У жисман моддий оламда юрса ҳам, фикран ғайб оламида саир қилади. Аллоҳга талиниб яшайди. Ваҳдат концепцияси XII асрда испаниялик мутафаккир суфий Ибн Арабий томонидан «Фусус ал-ҳикам» асарида тугал таълимомт даражасига етказилди. Бу илоҳий тажаллиёт назариясидир. Аллоҳ тажаллиётда үзини кўрсатади. Инсон сезгилари «илоҳий нур» бўлган илоҳий тажаллиётни хис этиши мумкин. Илоҳий моҳият, Аллоҳ инсон қалбидан япириш. Ипсоннинг жоҳиллиги шундаки, у Аллоҳ үз қалбидалигини упутиб қўйди. Шариат қонун-коидаларига зоҳираи риоя қилиш билан, ислом фарзларини бажариш билан Аллоҳ маърифатига эришиб бўлмайди. Эътиқод қалбда бўлиши лозим. Қалб бир вактнинг үзида ҳам илоҳий билимлар хазинаси, ҳам мистик билиш органи ҳисобланади. Қалб худди кўзгу каби илоҳий нурни акс эттиради, унда Аллоҳ қиёғасини кўриш учун яхшилаб тозалаш керак. Аллоҳга бўлган Ишқ ва Эзгулик инсон қалбининг мусаффолигини таъминлайди.

Сулук – бу, муайян пир раҳнамолигида қатъий интизомга асосланган тарбия йўлидир. Унда мистик билиш риёзат ческини, нафсни ўлдириш, тун-кун бедорликда ибодат билан машғул бўлиши, факат зикр ва муроқаба натижасида юзага чиқарилади. Солик пир тарбиясига кирав экан, машҳойихлар қайд этганидек, үзини «ғассол қулидаги мурда» сингари тасаввур қилиши ва пир ўғитларини сўзсиз бажарип лозим бўлади. Бу йўналишга Жунайд Бағдодий (Х аср) қарашлари асос бўлган. Унинг интилишлари мистик билимга эришини жараённи назоратга олиш, бу ҳаракатларни шариат қобиғидан чиқиб кетишига йўл қўймасликка қаратилган. Унинг гаълимоти сахв (ҳуҷёрлик) таълимомти деб ҳам аталади. У турли руҳоний-психологик машқлар ва медитацияни пирустоз бошчилигида ўтказилишини катъий қоидага айлантирди. Унинг асосий ғояси шундан иборатки, инсон ру-

хий ҳол-мақомлардан юксалиб, Аллоҳ маърифатига эришгап пайтда ўзлигини унтиб юбормаслиги, балки ҳушерликни қўлдан бермасдан, яна ўзининг ҳолатига қайтмоғи лозим. Акс ҳолда, у кўрган гайб ҳақиқати маъносига яхши тушунмайдиган авом ҳалқ унга эришиб шариат қонуни-қоидаларини тан олмай қўйиши мумкин. Жунайд Бағдодий Аллоҳ маърифатига даъвогарлар оддий ҳаёт кечириши, уйланимаслик, фақирлик, сиёсатга безътибор бўлиш, барча қийинчиликларга сабр ва сукут билан жавоб қайтариш орқали пафси сенгишини тарғиб этди.⁸ Бу икки йўналиши X асргача бир-бири билан рақобатда бўлган. Аммо тариқатлар шаклланиб бўлгач, кейинги асрларда келишмовчиликка асос бўладиган тамоиллар қайта куриб чиқилиб, тасаввуф таълимоти асосчиларининг иомларини камситиш табу қилингани. Жумладаи, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд Боязид Бистомий таълимотини қораламаган, жазба сулук орқали тарбия этилиши лозим деб ҳисоблаган. Мовароунихаҳр тарихига назар ташлайдиган бўлсак, XV асрдан эътиборан минтақада ҳар икки йўналиши мунгазам ривожланиб борганингини кўрамиз.

Шуни алоҳида эслатиб ўтиш лозимки, бугунги кунгача тасаввуф ирфони ва тариқатга доир кўплаб маноқиб адабиётларида акс этган суфийлар ва шариат аҳли ўртасидаги рақобат ва муҳолифат сюжетлари кўичилик ўқувчиларда тушунмовчилик уйғотиши табиий. Тадқиқотларда мавхум берилган ва бизнинг тасаввуримизда поаниқлик касб этган суфийлар билан шариат аҳли ўртасидаги

⁸ Жунайд Бағдодий ҳақида: Али Акбар Ҳусайнӣ. Мажмуат ул-авлий. Кўлсэма, ЎзРФА Шарқшунослик институти, инв. № 1333, VI боб; Суламий. Табақот, 155-163; Қушайрий. Рисола, 18, 551, 552, 584-бетлар; Жомий. Нафаҳот ал-үнс, 87-89-бетлар; H. Ritter, Gunaid, I A, III, pp. 241-242; Ali Hasan Abdel-Kader, The Life, Personality and Writings of al-Junaid, London, 1962.

ихтилоф муайян тарихий босқичларга хосдир ҳамда ило-
ҳиётга оид қараашлардаги фарқлардан келиб чиққан.
Мовароуннаұрдаги диний-мистик қараашлар тараққиёти-
да бир неча босқичлар бўлган. Масалан, кейинчалик
шариат уламолари улуғлаган калом илми X асртагача
шариат томонидан бидъат таълимот сифатида қоралан-
ган эди. Перипатетик деб аталмиш юнонлашган фалса-
фанинг кучайиши шариат аҳлининг калом билан қурол-
ланишига олиб келди ва шу тариқа калом шариат илм-
ларидан бирига айланди. XI–XII асрга келиб, ўз даври-
нииг йириқ мутакаллим олими Имом Ғаззолийнинг ҳам-
лаларидан сўнг перипатетик фалсафа тараққиёти таназ-
зулга юз тутди. Бироқ фалсафа йўқолиб кетмади. Фай-
ласуфларнинг қараашларида устувор бўлган мистик-ме-
тафизик қараашлар XIII асрдан эътиборан суфийлар ора-
сида тобора оммалашиб бораётган Ибн ал-Арабийнинг (1165–1240) «Ваҳдат ул-вужуд» (Ягона Борлиқ) мистик-
илоҳий таълимоти мағзига сингди. Тобора чуқурлашиб
бораётган ва кенг қатламларга таъсири кундан-кунга
зиёда бўлаётган ушбу таълимот шу давргача умумий
қараашлар, ҳаракатлар ва анъаналар асосида фаолият
курсатиб келаётган суфийлар дунёсини алғов-далғов
қилиб ташлаш билан бирга уларни икки лагерга бўлиб
ташлади. Тасаввуф назарияси бир-бирига жиддий мухо-
лиф бўлган икки йўналишда ривожлана бошлади. Бири
фалсафани оміхталашибган ҳолда, иккинчиси калом-
ни. Бирини «Ваҳдат ул-вужуд», иккинчисини «Ваҳдат ул-
шуҳуд» деб номладилар. Биринчиси «Ишқ» орқали ка-
молотга эришиш ва Аллоҳ маърифатини кашф орқали
англаш йўлларини, иккинчиси шариатга риоя қилиш,
пир-устознинг қатъий назорати остида ислом аҳкомла-
ридан оғишмай, Аллоҳни таниш ва билиш йўлидан бо-
ришни тарғиб этди. Ваҳдати шуҳуд суфийлари бир та-
раф, «Ваҳдат ул-вужуд» тарафдорлари иккинчи тараф,
ўзаро рақобатда бўлдилар. Чунончи, Алоуд-давла ас-
Симноний (1261–1336) Ибн ал-Арабий таълимотини

халқни адаштирувчи ва ўта заарали деб эълон қилди. Унга биноан, Олам Ҳақнинг тажаллийси эмас, балки инъикосидир. Маърифат фақат шариатга мувофиқ ҳаракат қилингандагина ҳосил бўлиши мумкин. Инсон Илоҳий моҳиятни ўқиб-ўрганиш орқали эмас, балки руҳоний машқлар, муроқаба ва муҳоҳада, риёзат воситасида такомиллашиб, руҳоний мақомлардан кутарилиши натижасида англази лозимдир. Шуниси янада аҳамиятлики, назарий фарқлар тасаввуф тариқатлари орасида ҳам мағкуравий муросасизликни вужудга келтирди. «Вужудийлар» ғояларини маслак қилган тариқатлар пайдо бўлди. «Шуҳудийлар» ичida бир-бири билан юзкўрмас бўлган тариқатлар пайдо бўлди. Уларнинг бир-бирларига муносабатлари маноқиб адабиётларида тўла акс этган.

Марказий Осиё минтақасида XV асргача Ибн ал-Арабийнинг таълимоти кенг гарқалганини тасдиқловчи маълумотлар ҳозирча қўлимиизда йўқ. Зотан, минтақада шаклланган яссавия ва хожагон тариқатлари ҳаракатида мистикларнинг ғайб олами сир-синоатларини эркин шарҳлаш тенденциясини жиловлашга қаратилган ортодоксал исломий қарашларнинг устуворлиги, уларнинг минтақа мағкуравий маконида тобора кучайиб бораётган таъсири «Ваҳдат ул-вужуд» таълимотининг гарфботига йўл бермаган бўлиши мумкин. Тариқатларнинг Олам тузилиши, Аллоҳ яратилмалари ва Ҳақиқатни англаш (маърифат) йўли ҳақида ўз таълимоти бор эди. Хусусан, XIV асрда Хожа Баҳоуддин Муҳаммад Накшбанд маърифатга Муҳаммад Пайғамбар суннатларига қатъий риоя қилиш, ҳалол меҳнат ва қаттиқ ибодат орқали эришишга даъват этди. У хожагон тариқатидаги мистик маърифатга эришиш гарови бўлган медитациянинг тўрт машҳур тамойилини ўн биттага етказди. Суфийларга уйланиш ва тирикчилик мақсадида деҳқончилик, ҳунармандчилик каби ҳалол касблар билан шуғулланишга рухсат берди.

Хожа Баҳоуддин Накіпбанд Мовароуннахрда мағку-
равий етакчиликка өрининш мақсадида яссавия силсила-
сини нақшбандия билан бирлаштиришга урингани айрим
маноқиблардаги маълумотлардан сизилади. Унинг диний
ҳурфиклиликка асосланган жазба йўниалишини инкор
этмаганилиги ҳам барча суфийларни нақшбандия тари-
қати номи билан боғлашдан манфаатдорлигидан келиб
чиқкан бўлиши мумкин. Буни Хожа Баҳоуддиннинг ўз
халифаси, иқтидорли олим Хожа Муҳаммад Порсо (1348–
1420) сулук ва жазба йўлларида таълим бергани ҳақида-
ги эътирофи тасдиқлайди.⁹ Бу даврларда нақшбандий-
лар ўзларининг фундаментал ғояларига асос бўлган
Жунайд Бағдодий қараашларига бир муича ўзгартириш
киритдилар. Вужудийларининг таълимоти Хожа Порсо
томонидан нақшбандия ғояларига ўйғунлаштирилди.
Хожа Аҳрор (XV аср) томонидан суфийларнинг сиёсат-
га аралашуви ва хайрия мақсадларида мол-мулк йиғиши
конунийлаштирилди. Кейинчалик Маҳдуми Аъзам Аҳмад
Косоний (XVI аср) суфий ҳукмдорлар ғоясини илгари
сурди.

Амир Темур ва унинг меросхўрлари диний мугаассиб-
ликдан йироқ шахслар булиб, илоҳиёт илмларига катта
қизиқиши билан қараганиклари туфайли XV асрдан бош-
лаб Илоҳий ишқ, Аллоҳ ва Оlam, Инсон ва Коинот му-
носабати ҳақидаги таълимотлар Мовароуннахр ва Ху-
росон үлкаларида шиддат билан кириб кела бошлиди. Бу,
аввало, шеърият майдонида юз берди. Зиёлилар тоифаси
шеърий сатрлар қатида пинҳон бўлган фалсафий муло-
ҳазалар, ғайб олами сир-синоатлари талқинида ўзаро
мусобақага тушиб кетдилар. Натижада, шеърият «Ваҳ-
дат ул-вужуд» таълимотини тарғиб этиш воситасига ай-
ланиб қолди. Мавлавийлар ва хуруфийлар ғояларининг

⁹ Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат, МАТ, 17-жилд. 266 –
бет.

зиёлилар ўртасида тарқалиши шу даврларда илк марта кўзга ташланади. Ҳатто айрим темурий ҳукмдорлар ҳам уларга хайрихоҳлик билан қараганлар.

Хожа Порсо ҳам ўз навбатида, Мовароуннаҳрдаги суфия қараашларини акс эттирган бир неча илмий асарлар ёзди. Жумладан, унинг «Фасл ул-хитоб» асари Мовароуннаҳр суфизмининг темурийлар сулоласи давридаги етакчи ғояларини ўзида акс эттирган нодир манбадир.¹⁰ Айни шу асар XVI асрдан бошлаб Жалолиддин Румий қараашларининг нақшбандия тариқати йифинларида ўрганилишига имкон берди.

Темурийлардан кейинги даврларда Мовароуннаҳрда адабиётнинг ғоявий йұналишлари уч асосий маибага суяңғанлигини кўриш мумкин. Булар диний-ақидавий масалаларни ўз ичига олган калом илми, тариқат одоби ва тамойилларини белгилаб берувчи суфия адабиётлари ва ниҳоят, Ваҳдат назариясини очиб берувчи ишқий-фалсафий адабиётлардир.

XVI–XIX асрлар Ўзбекистон ҳудудидаги адабий доираларда Абдулқодир Бедил шеъриятининг севиб ўқилиши «Ваҳдат ул-вужуд» таълимотининг шаҳар жойларида кенг тарқалғанлигини кўрсатади. Нақшбандия тариқати таъсири остида бўлган қишлоқ ҳудудларида эса, «маснавийи маънавий»нинг нақшбандиёна талқини ва тағфирини ҳисобга олмагандা, калом ғоялари адабиёт йұналишини белгилаб келган.

Мазкур монографияда ўзбек мумтоз адабиёти, хусусан, шеъриятнинг ғоявий йұналишларига катта таъсир кўрсатган асосий диний-фалсафий таълимотлар ҳақида сўз юритилади. Шунингдек, адабиётда исломлашган шаклда учрайдиган турли қадимий диний-фалсафий сюжетларнинг асл манбалари билан таништирилади.

¹⁰ Мухаммад Бухорий Хожа Порсо. Фасл ул-хитоб. Қўлёзма: ЎзФАШИ, №1449/1.

I ҚИСМ
**ЎЗБЕК МУМТОЗ АДАБИЁТИ ОЗИКЛАНГАН
ҚАДИМИЙ ТАЪЛИМОТЛАР**

ВЕДА АДАБИЁТЛАРИДА ҲАҚИҚАТ МАВЗУСИ

Ҳиндларнинг тарихий ҳаётидан қисса қилувчи энг қадимий ёзма ёдгорлик Веда адабиётлариdir.

Веда адабиётларида айтилишича, дастлабки одам – Жама (Йима, Йама деб ҳам ўқилади) бўлган.¹¹ Унинг замонасида очлик ҳам, касаллик ҳам, ўлим ҳам, табиат оғатлари ҳам бўлмаган. Барча тирик мавжудот баҳтли ҳаёт кечирган. Бироқ Жама Таңгрининг энг севимли бандаси бўла туриб, унинг айтганини қилмай, гуноҳкор бўлди. Шу-шу инсоният бошига турли балолар ёғилиши даври бошланди, ҳаёт инсон учун азобуқубат, дарду ғам билан тўлди. Ўлим инсоннинг доимий шарпасига айланди.

Веда қарашлари бўйича, заминий азоб-уқубатлар ва ўлим ўткинчи ҳолатдир. Ўлим туфайли инсоннинг барча баҳтсизлиги, азоб-уқубати ниҳоясига етади. Инсон руҳи моддий қобиқдан қутилиб, Жама салтанати бўлган Камалока юртига равона бўлади. У ерда савол-жавоб қилинади ва ўз қилмишларига яраша жазо ёки роҳат масканларидан жой олади.

Ведада тилга олинган кўпгина маросим ва одатлар Марказий Осиё ва Эрон худудларида яшаб келган қадимий ҳалқларга ҳам хос. Фанга яхши маълумки, Ҳинд эътиқодий қарашларининг шаклланишида Урта Осиёдан кўчиб ўтган орий қабилаларининг таъсири катта бўлган.

¹¹ Эронийлар уни Жам деб атаганлар. Каранг: Windischmann, Zoroastrische Studien, s.19-31. Lassen, Indesche Alterthums-Kunde, B.I,517.

Зардуштийлик қурбонлик маросимлари ва нариги дунё ҳақидаги билимлари Веда адабиётларида янада кенгайтирилган. Санскрит тилида «веда» – билим, маърифат деган маънони аниглатади.¹² Веда адабиётлари қадим ҳинд афсоналари асосида ёзилган диний муножотлар, панднасиҳатлар, тарихий қиссалар ва диний маросимларда қўлланиладиган дуолар тўпламидан иборатdir. Ҳиндларнинг қарашларига кўра, веда адабиётларида ғайб олами сир-асори акс этган. Айтилишича, Веда адабиётларининг дастглабкиси Ригведа деб аталиб, у Илк илоҳий китоб саналади. Уни 5000 йил олдин ер юзига тушган Худо Кришна баён этган экан. Ҳинд донишманди Ведавяса томонидан ёзиб қолдирилган ушбу «Ҳақиқат» ўн бўлимдан иборат 1028 та қўшиқда ифодаланган. Ригведадан сўнг Самаведа, Яжурведа ва Атхарваведа номли китоблар ёзилган. Улар Ригведадаги каби мустақил, айрича фояга эга бўлмай, Ригведани тўлдириб келган. Масалан, Самаведа (қўшиқлар) Ригведа шеърларига тўқилгаи қўшиқлардан иборат. Яжурведа Ригведадаги қурбонлик маросимларини янада батафсилоқ баён қиласди, Атхарваведада эса турли дуолар тўйланган. Яжурведа яратилган даврларда ҳиндлар Панжоб атрофидан Ганга дарёсининг шарқий соҳили бўйлаб катта ҳудудни ўз тасаруфларига ўтказган эдилар. Шу даврларда ҳиндлар чорвадорликдан ташқари дечқончиликни ҳам ўзлаштириб, ўтроқ ҳалқقا айландилар. Уларнинг эътиқодий қарашларида Карма ҳақидаги таълимот бош ўриига чиқди. Рухнинг кўчиши (таносух) ҳақидаги қарашлар инсоннинг маънавий-ахлоқий камолоти билан боғлиқ равишда ҳиндларнинг ижтимоий ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлди. Яжурведа шеърий ва насрый матилардан иборат булиб, унда дуолар, диний маросимлар моҳиятига оид изоҳлар, уларни ўтказиш тартиблари, коҳинларга тил-

¹² Vied – билмоқ, мушоҳада қилмоқ сўзидан ясалган.

симларни ечиш бўйича йўл-йўриқлар, турли афсоналар тўпланган. Ундаги шарҳлар насрий усулда ёзилган бўлиб, Авесто матнлари каби қадимиий ҳинд адабиёти-нинг ноёб намуналариdir.

Яжурведанинг тили Ригведаники каби санскритdir. Китобдан жой олган афсоналар ҳам Ригведадан олинган, бироқ айрим муҳим жиҳатлари Яжурведада ўзгача талқин этилади. Масалан, унда Вишну ва Шива бош Худолар сафидан чиқарилган, ибодат ва маросимларга катта аҳамият берилган. Рамзларга бой мистик-фалсафий мушоҳадалар тизими ривожлантирилган. Яжурведада афсоналар шеърий достонлар кўринишида берилган бўлиб, улар кейинчалик пуран-достонларда янада кенгайтирилган.

«Самаведа» ҳиндларнинг учинчи муқаддас китобидир. Самаведапинг асл маъноси «Оҳанг маърифати» демакдир.

Ҳиндларнинг тўртинчи китоби «Атхарваведа» бўлиб, «Коҳинлар маърифати» маъносини беради. У коҳинлар учун қўлланма вазифасини ўтайди ва асосан, ёвуз руҳлар ҳамда йиртқич ҳайвонлардан сақланиш, фанимларнинг афсунларидан ҳимояловчи дуоларни ўз ичига олади. Ушбу дуоларнинг ибодат ва маросимларга алоқаси йўқ. Шунинг учун у муқаддас китоб саналмайди. Атхарваведа 20 китобдан иборат. Уларда 160 дан зиёд қўшиқ бўлиб, 6000 шеърии ташкил қиласди.

Кўриб ўтилган тўрт манба – Ригведа, Яжурведа, Самаведа ва Атхарваведа веда адабиётлари тараққиётидаги биринчи босқич адабиётлари сирасига киради.

Кейинги босқич веда адабиётларини Бараҳман адабиётлари ташкил этади. Бараҳман истилоҳи бир неча маъноларда қўлланган. Шарҳ маъносида адабиётга нисбатан, олим ва авлиё маъносида ҳиндларнинг олий табақаси вакиллари бўлмиш бараҳманларга нисбатан ишлатилган. Бараҳман Тангри Браҳма номидан олингандир.

Бараҳман адабиётлари маросим матнларидан ташкил топған. Үшбу адабиётларда даврлар үтиши мобайнида моҳияти мавхумлашған маросимларга бараҳман олимлари томонидан берилған шарҳлар акс этган.

Веда адабиётлари тараққиётидаги учинчи босқични зоҳиллик ҳаёт тарзи ҳақидаги адабиётлар ташкил этади. Үшбу адабиётларда ҳиндлар фалсафаси кенг ёритилған. Бу манбалар «Араняк» (ўрмонда яшовчи зоҳиллар учун құллаима) ва «Сутра» (Ҳинд фалсафаси моҳиятини очиб берувчи ҳикматлар гүилами) деб аталади.

Веда адабиётлари тараққиётида тұртинги ва энг охирги босқич Упанишад адабиётлари босқичи деб аталади. Бу адабиётлар пир-мурид сұхбатлари шаклида яратылған булыб, илохиёт масалалари. Мұтлақ Борлық аталмиш қиёфасиз Боп Танғри ҳақидаги фалсафа моҳияти ҳақидадир.

Веда адабиётлари шу тариқа үз тараққиёти жараёнида тұрт босқични бошдан кечирди.

Веда адабиётлари структурасига назар ташласак, барча босқич адабиётлари асос-эътибори билан илк манбалар – Ригведа, Самаведа, Яжурведа ва Атхарваведалардаги ғояларни ривожлантириш, бойитишга хизмат қилған. Илк манбашынг ҳар бири үз бараҳман шарҳларига, ҳар бир бараҳман шарҳи үз араняки ва упанишадларига эга бұлған.

Кейинчалик веда адабиётларининг қисқа мазмуни «Веданта-сутра» (веда ниҳояси) номи остида алохida китоб шаклида ҳам тарқатылған.

Веда адабиётлари икki синфга бўлинади. Юқорида зикр этилған барча адабиётлар «Шрути» манбалари деңгелади. Шрутининг сўзма-сўз таржимаси «Энитилған» маъносини ифодалайди (исломдаги «ваҳий» истилоҳига тұры келади). Шрутининг манбаларида Коинот қонуниятлари, тақдир, билиш иззарияси, эзгулик ва ёвузлик маибалири, нафсни енгиш йўллари, яккахудолик ва кўпхудолик ҳақидаги қарашларга доир теологик масалалар атрофлича кўриб чиқилади.

Всда адабиётларининг иккинчи синфи «Смрити» манбалари деб аталади. Смрити шрutiга асосланган, бироқ яратилиш даври жиҳатидан ундан кейинги даврларга тааллуқлидир. «Смрити» истилоҳииинг таржимаси «ёд олинган» маъносини беради. Уларни ўзига хос нақллар ва ривоятлар мажмуаси деб аташ мумкин.

Смрити манбаларига «Махобҳорат» ва «Рамаяна» каби эпик достонлар, ибратли хулқ-автор ҳақидаги қонунлар мажмуаси бўлган «Ману қонунлари» (Ману дхарма-шаастра) тўплами ва турли тарихий-фалсафий қиссалар киради. Айниқса. Махобҳорат таркибидаги «Бхагавад-гита» асари хинд фалсафий тафаккури тарихида жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Бу асар Кришна (Ухудо Вишнуининг тимсоли) ва Аржуна (эпик қаҳрамонлардан бири) ургасидаги суҳбат тарзида ёзилган. «Бхагавад-гита»да Веда фалсафаси моҳияти ифодаланган бўлиб, кейинги даврларда Ҳиндистонда учраган барча диний оқимларининг муқаддас китобига айланди.

Эпик асарларда Веданинг асосий тамойиллари, анъанавий космогоник афсоналардан тортиб реал тарихий воқеаларгача, худоларнинг ишлари, муқаддас жойлар ва ибодатхоналар, астрономик ва жуғрофий билимлар билан танишини мумкин.

Ведалар энг обрули китоблар эди. Бироқ уларни тушуниш зиёли ва энг ўқимишли олимларгагина мусассар бўлар эди. Бу тоифа бараҳманлар деб аталиб, улар диний ҳаётни бошқариб турувчи коҳинилар эдилар.

Бараҳманлар илмли, покдомон, юксак маънавиятли, комил инсонлар ҳисобланади. Уларга мулк йиғини. қурбонликка аталгац ҳайвоинларининг гўштидан бошқа гўшит маҳсулотларини истесъмол қилиши мумкин эмас. Бараҳманнинг сўзи барча учун қонуни бўлиб, ҳатто ҳукмдорлар учун вожиб саналарди. Халқ бошига кулфат тушганди, улар балони даф қилингига кодир, касаллик тарқалганда уларнинг дуоси билан офат қайтарилади. Ёки, аксинча, уларнинг қарғиши ўлим ва кулфат келтириши

мумкин. Бараҳманлар авлиё ҳисобланған ва муқаддаслаштирилған.

Ҳиндларнинг эътиқодларига кўра, инсон руҳи тамоман покланмагуича танадан танаға кўчиб юраверади. Шу жараёнда инсон руҳи нафсоний иллатлардан қутублиб, асл илоҳий моҳиятини касб эта боради. Аммо бу ниҳоятда узоқ ва мушқул жараён. Инсоннинг ҳар бир қилған ногӯғри хатти-ҳаракати, гуноҳ иши Руҳнинг зими масида оғир юк бўлиб туради ва унинг илоҳий моҳият касб этишини орқага суради. Натижада, у ўзи қўним тоинган жасад қариб ўлгач, яна янги туғилаётгани бола танасига кўчишга мажбур бўлади. Бу жараён жуда узоқ давом этиши мумкин. Шу тариқа, руҳ тақдирини тўлалигича олдинги ҳаётларидаги қилмиш-аъмоли натижаси белгилайди. Бу «Карма» дейилади. Агар инсон эзгу ишларни кўп қилиб, маънавий камолоттга иштилса, унинг Руҳи олдинги «юк» – камчиликлардан қутила боради. Бу эса, инсон руҳининг илоҳлар маконидан мангу жой олиш жараёнини анча тезлаштиради. Илоҳлар мақомига эришиш – ҳар бир ҳинднинг сўнмас орзуидир. Руҳ ўз кармасини деярли тузатиб бўлгач, охир-оқибатда бараҳманлар табақасида туғилади. Бараҳманлар илоҳларга деярли яқин даражадаги комил инсонлардир. Бараҳманлик Руҳнинг заминий ҳаётдаги охирги марҳала – босқичи ҳисобланади. Зотан, бараҳман ўлимидан сўнг қайта туғилмайди ва осмонда илоҳлар маконидан ўрин олади.

УПАНИШАДЛАР

Милоддан авв. VIII–IV асрлар Упанишадлар даври ҳисобланади. Улар бараҳманлик тизимига таркибий қисм сифатида кириб, диний-фалсафий тафаккурдаги тараққиётни юқори босқичга кўтарди. Упанишадлар икки юздан ортиқ бўлиб, узоқ вақт давомида яратилған. Ведалардан фарқли равишда, Упанишадларда ибодат маро-

символари қисқартирилган, асотир эса фалсафий мушоҳадалар учун калит вазифасини ўтайди.

Аслида, «Упанишад» устознинг (пирнинг) шогирд билан тарбиявий мулоқотини билдиради. Бироқ аста-секин у сабоқлар моҳиятини ифодаловчи фалсафий матнга нисбатан қўллана бошлаган. Шу жиҳатлари билан Упанишад Платон суҳбатлари тарзига ўхшаб кетади. Упанишаднинг асосий мавзуларидан бири туғилиш ва ўлим ўртасидаги мангу дарбадарлик моҳиятидир. Бу ҳодиса Фарбда реинкарнация деб аталади ва мавжудотлар ўлгандан сўнг руҳларининг бир танадан иккинчи танага ўтиб ҳаётни мангу давом эттиришини англатади. Мангу қайтариладиган бу ҳаёт цикли сансара дейилади. Айнан шу жараёнда инсон комиллик касб этади (атман).

Упанишаднинг кейинги асосий таълимоти худо Браҳма ва Атман айнан бирлиги ҳақидадир. Инсон машқ ва риёзат орқали илоҳий моҳият касб этади. Бу даражага Эришиш зоҳидона ҳаёт кечиришни талаб қиласади. Шу жиҳатдан Упанишад файласуфларининг асосий мақсади таркидунёчилик, зуҳдни тарғиб этишдир. Уларнинг фикрича, Ҳақиқат «тапиқарида» эмас, балки инсон ичидадир. Инсон «ўзлигини» топишни ўрганиши зарур. Илоҳиёт борасида кўп нарсаларни ўқиб, ўрганиши мумкин, аммо уни эгаллаш ниҳоятда мушкул. Уни фақат метин ирода ва риёзат билан қўлга киритиш мумкин.

Упанишадларда Ригведадаги айрим тасаввурлар яна-да ривожлантирилган. Масалан, ўлимдан кейинги ҳаётга икки йўл орқали кирилади: бири **худолар** йўли бўлиб, ирфоний билимларни эгаллаш орқалидир. Ҳақиқатга етишган одам (авлиё) Браҳма оламига – фароғат оламига кўчиб ўтади ва у ердан ортга кайтиш йўқ. Иккинчиси эса, **ота-боболар** йўли бўлиб, бу йўл муттасил ибодат билан шуғулланган, аммо ўз билимида чегараланиб қолганлар йўлидир. Улар Браҳма оламида мангу қола олмайдилар, муайян муддатдан сўнг яна моддий, заминий ҳаётга қайтадилар(сансара).

Хиндларнинг Браҳма ҳакидаги таълимоти қандай юзага келганини тарихий кетма-кетликда аниқлаб чиқишининг иложи йўқ. Дастребки ведаларда руҳнинг танадан танага кўчиб юриши (таносух) ҳақида бир оғиз сўз йўқ.¹³ Улардаги асосий қарашлар ва маросимлар Марказий Осиё ва Эрон халқлари билан ўхшаш. Хиндлар Инда ва Ганга дарёлари қирғоқларида ўтроқлашгандан сўні аста-секин ўзларининг қадим диний қарашларни ўзгартирганлар. Бу Тангри Кришна нузули билан боғланади. Веда самхитлари устида мулоҳаза қилиш, ҳинд зоҳидларининг табиат, борлиқ, ҳаракат, нур, илиқлик ва совуқлик каби турли физик ва биологик жараёнлар ҳақидаги муроқаба ва мушоҳадалари уларда ўзлари сиғинган илоҳлардан анча қудратли ва ягона яратувчи ибтидо бўлган Тангри борлигига ишонч туғдириди. Тафаккур оддий кузатув ва ҳис қилиш босқичидан фалсафий ечим излани, нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятига назар ташлаш, турли ҳодисалар сабаб ва оқибатига жавоб излаш томонга ўса бошлади. Ушбу фалсафий ёндашув ва унинг ривожи ҳинд файласуф олимларининг маърифат (билиш), фикр, сўз, кўриш, амал каби илоҳий категорияларни ишлаб чиқишиларига замин яратди. Натижада, Бараҳман ва Упанишад адабиётларида дастребки Веда самхитларидаги гасавурлар, ҳатто худоларнинг номлари иерархияси ва улар иштирок этган саҳналар ўзgartириб юборилди. Браҳма номи дастребки ведаларда уч худодан бирининг номи бўлса, энди бои худога нисбатан айтиладиган бўлди. Упанишадларнинг бирида Браҳма Коинот Руҳи (Махатма ёки Параматма) дейилиб, бутун борлиқда, бор мавжудот шаклларида у мужассамдир. Ягона ҳақиқий борлиқ Браҳмадир. У кўринимас гарзда оламда яширин, у худди сугдаги мой каби кўринимас, аммо мавжуддир.

¹³ П.Милославский. Исследования о странствиях и переселениях душ. Сб. Переселение душ. – М.: 1994, стр. 35.

Хинд фалсафасида Браҳма оламни Яратувчиси эмас, балки ўзи Оламдир. У оламни яратишни мақсад қилган эмас, балки ўзини ривожлантирган. Бу унинг зурурий эҳтиёжидан бўлган. Оламнинг феълий, яъни амал, ҳаракат билан боғлиқ томони ҳам унинг асоси ҳисобланади. Унинг зич, қуюқ борлиқ сифатида ўзини бўш қўйиши, тортилиши, чўзилиши турли нарса ва ҳодисаларнинг яратилишига сабаб бўлади. Худди ўргимчақдан тўр пайдо бўлганидек ёки уммондаги тўлқин ҳаракатидек Олам Браҳмадан ҳосил бўлади. Браҳма ва Олам фақат шаклан бир-биридан фарқ қиласи. Браҳма ўз қобиғида яширип олам, яъни кўринмас бўлса, Олам ўзини ошкор қиласи (моддий оламда акс этган)Браҳмадир. Браҳма – ўз ўзига сокин олам бўлса, Олам – ҳаракатдаги ва турли шаклларда намоён бўлаётган Браҳмадир. Веда адабиётларига кўра, бизнинг дунёмиздан ташқарида ўз сайёralари ва юлдузларига эга яна кўилаб бошқа коинотлар ҳам мавжуд. Бу худди океанда сузуб юрган кўникларга ўхшайди. Ушбу коинотларнинг барчаси моддий оламга тегишлидир. Ундан ташқари руҳоний олам мавжуд бўлиб, моддий оламдан камида уч баравар каттадир. Браҳма борлиқда тарқалиб борар экан, у ўз ичида парчаланиб боради гўё. Борлиқ оқимлари унинг вужуди марказидан узоқлашиб борар экан, ўзининг илк илоҳий ибтидосига ўхшаплик жиҳатлари камайиб бораверади. Натижада нуқсоилари кўпайиб, Мажа ёвузлик оламига тегишли қора кучлар таъсири остига тушади. Ушбу жараёнда Браҳма моҳиятига тегишли нарса – субстанция (моҳият, жавҳар) ифлослашади ва хиралашади. Ўзиинг мабдасида қанча узоқлашса, нарсалар субстанцияси шу даражада тубанлашувга дучор бўлади. Шу нуқтаи иазардан, оламда Браҳмага нисбатан турли масофада бўлган гуна: тубан ва олий мавжудоғларнинг муҳитлари белгиланади. Унга биноан, марказда Браҳмани уч асосий борлиқ (Нур олами, ҳаво олами ва ер олами) босқичи, уч муҳит ўраб туради. Биринчи

муҳит (гуна-саттва) – Браҳмадан тарқалиш жараёни-даги бириичи босқич бўлиб, илоҳлар ва буюк даҳолар муҳити, поклик, нуронийлик, эзгулик, доишмандлик оламидир. Иккинчи муҳит (гуна раджас) – Браҳмадан тарқалиш жараёнидаги ўрта босқич бўлиб, нафс ва истактар оламидир. Бу оламда мавжудотлар илоҳийлик ва моддийлик, комиллик ва пуксонилик, нур ва зулмат ўргасида иккиланиш, кураш, изтироб билан яшайдилар. Бу инсоният ҳаёти муҳитидир.

Учинчи муҳит (гуна - тамас) – Браҳманинг сўнгти на-моён бўлиши даражаси бўлиб, у ўлим ва ифлослик, ҳайвонот, ўсимлик ва ўлик материя оламидир.

Ҳар бир муҳит ўз павбатида, уч – тубан, ўрта ва олий босқичга булинади. Уларнинг ўзаро таъсири руҳоний ва ашёвий моддий оламда турфахиллик найдо бўлади.

Шундай қилиб, Браҳма – борлиқ маркази, Браҳма – илоҳ, Браҳма – моддий олам, Браҳма – барча мавжудот асосидир. Аммо инсоннинг ёвуз ишлари, гуноҳ аъмолла-ри манбаси Браҳма эмас, гарчи олам барча нуқсон ва камчиликлари билан Браҳма вужудидан пайдо бўлган бўлса ҳам. Браҳма ва олам айнан бир эмас. Браҳма бутун олам дегани эмас, олам ҳам тўла Браҳма дегани эмас.¹⁴ Оламнинг икки юзи бор. Бири Браҳманинг бир қисми сифатида материяни жонлайтирувчи, барча нарсалар моҳиятини ташкил этувчи бўлса, иккинчиси Браҳ-мага бегона бўлган «мажа», яъни хиёнаткор ва мунофиқ қобиқдир. Олам каби ундаги барча нарсалар худди шундай икки юзга эгадирлар: уларнинг тапиқи зоҳирий белгилар, турфахиллигини белгиловчи шакл-шамойили, образи Браҳманинг асл, ҳақиқий моҳиятидан кескин фарқ қиласиди. Ва аксинча, Браҳманинг барча фазилатларини, шакли ва образининг турли жиҳатларини ягона маҳражга келтирувчи омил унинг ички субстрати, моҳиятидир.

¹⁴ Rigveda (VII). – Wuttke, II, p.294.

Ҳақиқий Браҳма нарсанинг руҳи, қалбидир ва тирик, ҳаётий ҳамда илоҳийлик манбаси бўлган номоддий кучдир. Браҳма – бугун борлиқ Руҳидир, бутун оламларнинг, барча мавжудотларнинг Руҳидир.

Браҳма қиёфасиз деб тасаввур этилади. Уни англаш жараёлида инсон моддият билан боғлиқ барча ҳирс-ҳаваслардан, нафсадан ва шаҳватдан халос бўлади. Шундай даражага етишишга «Мокша» ҳолати дейилади. Инсон ана шу мақомга эришгач, унга моддий табиат таъсир кўрсата олмайди, руҳ озодликка эришади ва ўзининг асл абадий табиатини тиклайди. «Мокша» мақомидаги руҳ ҳиндуийликда эътироф этилган уч уқубатдан: 1) жисмоний ва ақлий азоблардан; 2) бошқа тирик мавжудотлар етказган уқубатлардан; 3) табиат ҳодисалари билан боғлиқ азоблардан (совуқлик, иссиқлик, зилзила ва ҳ.) бутунлай озод бўлади.

Ушбу мақом таълимоти буддавийлик томонидан ўзлаштирилган. Бироқ «Мокша» буддавийликда «Нирвана» деб номланади.

Веда адабиётларида Браҳманинг бир неча муқобил номларга эга эканлигини кўриш мумкин. Ҳар бир ном билан боғлиқ сифатлари ажратиб кўрсатилади. Унинг бир номи Параматмадир (олий руҳ). У (Параматма) ҳамма нарсани эшитади, унинг қўли, оёғи ҳамма жойга стади. Кўзи, боши ва юзи ҳамма жойда кўринади. Бу Параматма жамики нарсаларни қамраб олган ҳолда мавжуд деганидир.¹⁵ Ёки «Параматма ўзи ҳиссиётта эга бўлмасада, оламда мавжуд барча ҳиссиётнинг бирламчи манбасидир. У ҳеч нарсага боғлиқ эмас, аммо бутун тирик жонзорни (руҳларни) ўзаро боғлиқликда ушлаб туради. У моддий табиат сифатларидан ҳолидир, аммо моддий оламни бошқарувчидир» (БГ, 13,15).

¹⁵ Бхагавад-Гита,13.14. Бундан кейинги иқтибослар шу нашрдан олинди.

Параматма ҳар бир мавжудотнинг қалбида жойлапшиган. «Сенга маълум бўлсинким, мен ўзим алоҳида бўлсан ҳам, ҳар бир жисмда мавжудман» (БГ, 13.3). «У – илмдир. У – билиш предметидир. У – маърифат мақсадидир» (БГ, 13.18). Ёки «Ҳар бир танада уни кузатувчи ва эрк берувчи илоҳий куч – олий Ҳукмдор мавжуд ва унинг номи Параматмадир» (БГ, 13.23).

Яна бир жойда шундай дейилади: «Олий Ҳақиқат барча ҳаракатланувчи ва турғун тирик мавжудотларнинг бағрида ва ундан ташқарида мавжуд» (БГ, 13.16). Шундай бўлсада, «Гарчи Параматма жамики жонзотлар орасида бўлинниб кетгандек туюлса-да, аслида у Яхлитдир. У бўлинмасдир. У тирик мавжудотни ҳаёт билан таъминланувчи, тараққий эттирувчи ва йўқ қилувчидир» (БГ, 13.17).

«Мукундака – Упанишад»да бир дарахт шохida ўтирган икки қуш ҳақида ривоят берилган. Унда айтилишича, қушлардан бири ҳадеб мева чўқилар ва бундан ўзини тия олмас экан. Иккеничиси эса сокин ўтирас ва овқат дардида тинмәётган шеригининг ҳаракатларини кузатиб турар экан. Ана шу кузатувчи қуш Параматмадир. Иккеничи қуни эса жондир. Дарахт мевалари эса ҳаётнинг аччиқ-чучук лаҳзалари, яъни баҳт ва баҳтсизлик онлари рамзидир». Демак, ривоятдан англашиладики, Жива (жон) табиат қонунларидан мустақил мавжуд эмас, яъни моддий оламни бошқаради, моддий қувватларни йўналтиради. Параматма ҳар бир тирик мавжудот ва ҳар бир зарранинг қалбига кириб боради. Шу тариқа, ҳар бир заррани ўзи ўрнатган табиат қонуиларига бўйсунишга мажбур қиласди.

Браҳманинг яна бир исми Вишнудир (тулиқ варианти – Кширодакашайн Вижну). Ведаларда ёзилишича, Вишну – Коинот ҳаёти учун жавобгар илоҳидир.

Унинг учинчи номи Бхагаван ёки Кришнадир. «Кришна» номи «барчани ўзига жалб қилувчи, жозибали, маф-

тункор» маъноларини англатади. Оламдаги барча бойликлар, шуҳрат, гўзаллик, қудрат, илм ва поклик соҳиби Удир. «Браҳма-Самхит» (5.1)да Браҳманинг ўз тилидан айтилади: «Кришна олий илоҳдири. Унга ҳеч ким тенг бўла олмайди ва ундан ўта олмайди. У Бхагавандир. У ибтидода мавжуд бўлган ягона Илоҳдири. уни Говинда (Гов – сигир демакдир) деб ҳам айтишган. У барча сабабларни вужудга келтирган Бирламчи Сабабдир. Унинг жисми абадий илм ва фароғат шаклидадир».

Оlam va Braҳma ўrtasida aloқa va birlik қanчалик чуқур bўлmasin, Braҳma olamdan yoқori turadi. Kamchilik, nuқson, nomukammallik, ёvuzlik faqat moddиятга taaliluқlidir. Coinot Ruҳi ўz moҳиятига kуra pok va soф bўlib қoladi. Faqat moddияt bilan қопланган қis-migina xiralaшади. Ulim va xiёnat, naфs va xoҳish etak-chi bўlgan moddий olamda inson ruҳi gunoҳ va aib iшlar sababli bulғanadi. Moddияtning oлий shakli bўlgan insonning жисмига қамалgan ruҳlar ўzlari ning gunoҳ-korliklарини яхши tushunadilar, naфs va ёvuzlik ис-kanjasidan қutiliib, ўzlari ning soф iloҳiy kуrinish-lariga қайtiшga ҳarakat қiladilar. Ruҳ va tana ўrtasidagi farқni, ularning faoliyatini va ўzaro munosabatinini mantiқan tushuntiriб beruvchisisiz veda maъrifa-tiga эriшиш mushkul. Maъrifat degani ўzi ruҳiy bор-лигининг taniш demakdir.

Веда адабиётларида ruҳ (жон) жива деб аталади. Ruҳ-ning бош сифати – бу, Абадийлик (сат), Илм (чит) ва Сокинликдир (ананда).

Руҳ Абадий дейилганда ruҳ туғилмаган ва ҳеч қачон ўлмайди, degan aқида tushuniladi. Bxagvat – gitada (2:12) ёзилишича, Kriшna шундай дейди: «Мен ёки сен, barча шоҳларнинг мавжуд bўlmagan nayti bўlmagaи. Va ҳеч қачон bирontamiz ҳам йўқ bўlib ketmamiz».

Tana ruҳdan farқli ravishda foniyidir. U tuғiladi, ўсади, қарийди va ўлади. Tana жоҳиллик, bилимсизлик va naфs bilan tўlib-toшgan. Ruҳ tanaga kiraр экан, mod-

диятта хос бўлган тана унсурлари билан булғанади ва асл ҳолатидан узоқлашади. Шу тариқа тана руҳ учун азоб-уқубат маконига айланади. Моддий тана саккиз унсурдан иборат: тупроқ, сув, олов, ҳаво, эфир, ақл, тафаккур ва нафс (БГ, 7.4.). Дастлабки беш элемент тирик жонзотнинг дағал танасини ташкил этади. Қолган учтаси – ақл, тафаккур ва нафс эса инсоннинг нозик танаси деб ҳисобланади.

Веда таълимоти бўйича, ўлим пайти нозик танага бурканган руҳ дағал танани тарқ этади. Муайян вақт ичиде нозик танага эга руҳ ота уруғи орқали янги танани шакллантиради. Ўлим олдидан руҳнинг нозик танаси, айниқса, ақлнинг қандай ҳолатда бўлгани янги тананинг ҳаёти қандай бўлишини белгилаб беради. Кришна шундай дейди: Инсон ўлаётib қандай камолот даражасида бўлса, у албатта ўша даражадаги камолот билан кейинги ҳаётини бошлайди (БГ, 8.6.). Шундай қилиб, руҳнинг инсон танасидаги фаолияти ёки бошқача айтганда, хулқ-атвори кейинги ҳаёти йўналишига сабаб бўлади. Карма – қилмишлар йигиндиси, хулқ-атвор натижасида тўплangan эзгу ва гуноҳ амаллар, сабаб-оқибат қонуниятидир. Карма таълимоти инсон руҳининг кўчиб юриш сабабини тушунтиради ва ҳозирги ҳаёт – кейинги ҳаётининг пойдевори, ўлим арафаси – руҳ учун имтиҳон эканлигини таъкидлайди. Карма ҳар бир инсон йўл қўйган хатолари, ўзи сабаб бўлган қилмишлари оқибатини тотишидир.

Инсон руҳоният жиҳатидан илоҳий моҳиятнинг бир заррасидир. Руҳ инсон вужудида экан, ҳамиша ушбу жасад унинг ҳақиқий макони эмаслигини ҳис этиб туради. У инсон ўлимидан сўнг озод бўлишини ва мангу ҳаётига қайтишини билади. У ҳамища Илоҳий манбанинг учқуни ва Браҳманинг тажаллийси натижаси сифатида У билан бирлашишга интилади. Руҳ унда Коинот Руҳининг индивидуал қўринишидир ва инсоннинг ҳиссий-моддий таркибидағи турфаҳилликни бирлаштиради. Демак, табиатнинг шакл ва элементларига тақсимланиб кетган

Браҳма инсон вужудида жамланиб, борлиқнинг бирлигини таъминлайди. Оламдаги барча нарса ва жисмларни бирлаштирувчи Коинот Руҳи коинот ҳаётининг ботиний, яширин қуввати сифатида, уларнинг борлиғи ва шакли сифатида инсон жисмида бирлашади ва инсон руҳига айланади. Шунинг учун борлиқ буюк олам (макрокосмос), инсон эса кичик жонли оламдир (микрокосмос).

Ҳинд файласуфлари руҳ покланмасдан ва ҳиссий-моддий дунё белгилари бўлмиш нопоклик, гуноҳ ва нафс иллатларидан қутилимай туриб, мукаммал ва пок Браҳмага этиша олмаслигини чуқур англаганлар. Шу жиҳатдан ҳинд фалсафий тафаккури ғояларида ҳақиқатга интилиш, камолотга эришиш, Браҳма билан бирлашиш учун заминий ҳаётдан юз ўгириш, зуҳдни тарғиб этиш, нафс тарбияси билан шуғулланиш марказий ўринга қўйилади.

Веда адабиётларининг сўнгти босқичларида яратилган туркум китобларда эпик достонлар, фалсафий-тарбиявий пандномаларнинг кўплиги айнан юқорида зикр этилган маърифий тарбия заруратидан келиб чиқкан. IV–VI асрларда Бараҳманларпинг всдага асосслапган маросимлари, иккинчи томондан буддавийларнинг мавҳум ақлий-мантиқий тафаккури ўзаро таъсирга киришиб, ҳинддуйликда янги оқим – бхакгий йўналишининг пайдо бўлишига олиб келди. Бу оқим Ҳақиқатга эриниш Худога чексиз муҳаббат орқали амалга ошади, деган ақида ни илгари сурди. Бхактийлар бўйича, Худо бандасининг эҳтиросли ишқи ва муҳаббатига жавобан уларни саодатли ҳаёт билан таъминлайди, қийинчиликлардан асрайди, ажал қайғусидан хотиржам қиласди. «Бхактий» йўналишининг ривожи Ҳинд фалсафий адабиётида «Бхагавад-Гита», «Мокшадхарма», «Сарва-Даршана-Самграха» ва шу каби Илоҳий ишқ, илоҳий завқ мавзуларини ўз ичига олган фалсафий достонларнинг пайдо бўлишига олиб келди.

Веда адабиётларида фикр, тафаккур ва сўз илоҳий-лаштирилган. Ригведанинг 10-китобидаги 71-мадҳия-

қүшиқ «Маърифат» деб аталади. У дуолар илохи ва шунингдек, муножотлар ҳофизи Брихаспатига мурожаат билан бошланади. Ҳинд мушарриҳ файласуфлари ушбу қүшиқни билиш (маърифат) муаммосига боғлайдилар. Унинг асосий мавзуси илохий ҳофиз-қүшиқчилар ҳамдустлиги ҳақидадир. Унда айтилишича, улар етти нафар бўлиб, ўзаро келишув асосида Сўзни (Нутқ) яратдилар. Сўнг Сўз (Нутқ) маҳоратида ўзаро беллашдилар. Дўстлар орасида ҳамжиҳатлик асло йўқолмайди, бириниг фалабаси барчасига шуҳрат саналади, олинган ютуқ барчасиники ҳисобланади, дейилади китобда.¹⁶ Мазкур мавзу Веда коҳинларининг турли ибодат ва қурбонлик маросимларида айтиладиган мадҳия ва қўшиқлар илохий билимлар шарҳи эканлигини эслатади.

Айниқса, кейинги давр веда адабиётларида, хусусан, упанишодларда сўз санъати моҳиятига кенг эътибор қаратилган. «Сўз – Браҳманинг фикр, нафс, назар билан бир қатордаги тўртинчи сифатидир. У оташдир ва унинг шульласи билан ёриттувчиidir. Ким уни (сўзни) билса шараф, шон-шуҳрат, Браҳма нури билан порлайди», (Чхондоғъя-упанишада, III, 18.). «Сўз (нутқ) ҳақиқатдан ҳам Исмдаи (Илохий исмлардан) улуғдир... агар сўз бўлмаганда, ҳақ ва ҳақсизлик, ҳақиқат ва ёлғон, эзгулик ва ёвузлик, ёқимли ва ёқимсиз нарсаларни билиб бўлмас эди. Сўз буларининг барчасини билдиради. Шундай экан, сўзни Браҳмани улуғлагандек улуғла!» (Чхондоғъя-упанишада, VII, 1-26)

Мумтоз форс ва туркий адабиёт ёдгорликлари анъанааларининг шаклланишида веда битикларининг турли кўришишлардаги (адабиётлараро мулоқот, оғзаки ривоят, нақллар ва ҳоказо) таъсири мавжуд бўлмаган дейишкнийн.

¹⁶ Познание. Отрывки из Ригведы. Антология мировой философии. Часть V. стр. 288

ТАВРОТ АДАБИЁТЛАРИДА ПАЙГАМБАРЛАР ТАРИХИ

Ҳар бир адабиёт намунасининг гоявий йўналишини, унинг тарбиявий ёки дейлик, бошқа бир мақсадини аниқлаб олиш тадқиқотчи учун мухим. Масалан, ўзбек мумтоз адабиётимиз турли ҳалқ ва миллатлар, диний таълимотларнинг бой илмий-маънавий меросидан озиқланиб, ривожланган. Асардан англашилаётган фоя муаллиф позициясини белгилайди ёки аксинча, баён этилган бадиий тўқима билан тарихий ривоят орасидаги фарқнинг салмоғига қараб муаллиф ғояси ва мақсадини аниқланиб мумкин. Ўзбек мумтоз адабиёти намуналарини варақлар экансиз, пайғамбарлар ҳаёти билан боғлиқ воқеаларга ишора этувчи ўринларга ёхуд тамсил воситасида бошига диний таълимотлarda машҳур бўлган ривоятлардан фойдаланилганига кўзингиз тушади. Ўзбек мумтоз адабиётида учрайдиган шундай «бегона» сюжетлар кўпроқ яҳудий (иброний) ва христиан (насроний) адабиётларига мансуб. Тавротда келтирилган кўплаб ривоятлар Қуръони каримда айрим ўзгаришлар билан учрайди. Бунинг сабаби Қуръоннинг ўзида изоҳлаб кетилган. Мумтоз адабиётимизда Тавротдаги нақлларга бориб тақаладиган турли номлар, воқеалар учрайди. Ислом яҳудий пайғамбарларининг барчасини тан олиб, уларга буюк бир эҳтиром бажо келтиради. Шу жиҳатдан ҳам, ўзбек мумтоз адабиёти намояндалари қайсиdir маънода, яҳудий ривоятлари билан яқиндан таниш бўлганлар ва ўз асарларида бадиийликни таъминлаш мақсадида улардан ижодий фойдалангандар. Уларнинг генезисини фақат Қуръони каримдан ёки исломий ривоятлардан қидириш етарли бўлмайди. Таврот яҳудий ҳалқининг тарихи ҳақидаги китобдир. Унда Қуръони каримдаги каби оят ва суralарни учратмайсиз. Китоб бошдан-охир пайғамбарлар ҳақидаги тарихий нақл ва ривоятлар тўпламини эслатади. Тавротдаги ривоятлар ўзбек мумтоз адабиёти наму-

наларидан турлича талқинларда учрайди. Албаттаги, бу муаллиф ўз олдига қўйган мақсад, асар жанри ва ғояси билан боғлиқ жараёндир. Айни шу ҳолатларни тўғри баҳолаш, таҳлилда холисликни таъминлаш учун ҳам яҳудий халқининг муқаддас китоблари, жумладан, Таврот мазмун-мундарижаси ва ундаги нақллар сюжетидан хабардор бўлиш тавсия этилади.

Яҳудийларниң диний ривоятларига қараганда, Худонинг иродаси билан ердаги цивилизация тўфон туфайли йўқликка юз тутиб, фақат Нуҳ пайғамбарнинг жамоаси жон сақлаб қолган. Дунё халқлари Нуҳ пайғамбарнин уч ўғли – Ҳом, Сом ва Ёғасдан тарқалган. Таврот ва Инжилда айтилишича, яҳудий халқи Сомнинг авлодлариридир. Ушбу даъво Иброҳим пайғамбар тарихи орқали далилланади. Ривоятга кўра, Иброҳим Ҳалиуллоҳнинг шажараси пайғамбар Нуҳининг невараси – Эверга тақалади. У Сом (Шим)пинг ўғли бўлган. У бир қанча сом(семит) – араб халқларининг ҳам отаси ҳисобланади. Тавротда Иброҳимнинг генеалогик шажараси қўйидагича келтирилган: Нуҳ-Шем-Арпахшад-Шелаҳ-Эвер-Пелег-Рей-Срг-Нахор-Тераҳ-Иброҳим (Таврот:Брейшит, 10-11 Нуҳ.).

Иброҳим месопатамиялик эди. У яшаган давр, таҳминан II минг йилликнинг иккинчи ярмига тўғри келиб, кўпхудолик, бутпарастлик ва ширкнинг авж олган даври эди. Бу даврда самовий афсоналар кенг тарқалган. Тавротнинг Лех Леха бобида (Таврот:Брейшит, 13-15 Лех Леха) айтилишича, Худо Иброҳимга ўзи тугилган Ур юртидан чиқиб. Канъон диёрига отланишни буюради. Худо Канъонни уига бағишлайди ва ундан пайдо бўладиган кўпдан-кўп авлоднинг фаровон ҳаёт кечиришини таъминлашга ваъда беради. Бунинг эвазига Иброҳим яккахудоликни тарғиб этиши лозим эди. Иброҳим шу тариқа ягона Худони тарғиб этиши йўлига ўтади. Бутиарастлик даврида Олам яккаю-ягона Парвардигор томонидан яратилганлиги ҳақидаги ғояни илгари суриш ки-

шидан катта жасорат ва фидойилик билан курашишни талаб қиласарди. У Худонинг амрига биноан тарғибот ишларини Мисрдан бошлайди. Унинг фаолиятидан ёрқин бир лавҳа Қуръони каримда келтирилган (Анбиё, 52-70): Иброҳим бир куни бутхона ходимларининг байрамга кетганилигидан фойдаланиб, бутхонадаги энг катта санамдан барча бошқаларини синдириб ташлабди ва ҳеч нарса кўрмагандек ўз ишини қилиб юраверибди. Коҳин қайтиб келгач, буни уларнинг динига очиқдан-очиқ қарши чиқиб юрган Иброҳимдан бошқа киши қилмаслигига ақли етиб, уни маҳкамага судрабди. Подшоҳ Намруд ундан нега бу ишни қилганлигини сураганда, у бу ишни бутхонадаги катта санам қилганлигини айтибди. Шунда ўтирганларнинг жаҳли чиқиб: «Ахир у тошдан ясалганку?!» дебдилар. Шунда Иброҳим: «Агар сизга фойда ҳам, зарап ҳам бера олмайдиган бўлса, бутларга нега сифи наисзлар? Ҳар нарсага қодир, ўз бандасининг ғамини ейдиган, ўлгандан кейин тирилтирадиган ва барча оламларнинг Яратувчиси бўлган Яккаю ягона Худони нега тан олмайсизлар?!» – дебди. Намруд ғазабланиб: «Майли, сенинг худойинг сенинг ғамингни ейишни бир кўриб қўяйлик. Уни ёқиб юборинглар. Шу иш билан ўз илоҳларингизга ёрдам беринглар», – деганча уни гулханда ёкишни буюради.

Катта гулхан тайёрланади. Иброҳим ловуллаб ёнаётган гулхандан бирон жойи куймаган ҳолда чиқиб кела-ди. Подшоҳ уни афсунгар гумон қилиб, мамлакатдан бадарға қиласади. У Аллоҳ фармони билан Канъон (ҳозирги Исроил давлати) ҳудудига кўчади.

Бу даврларда яҳудийлик, христианлик ва ислом қаби динлар бўлмаган. Иброҳим мазкур динларнинг асосий таълимоти бўлган яккахудоликни тарғиб этгани учун ҳам ҳар учала динда буюк ва эъзозли пайғамбар сифатида эътироф этилади. Шунинг учун уни яҳудийларнинг динигагина мансуб деб ўйлап шатодир. Зотан, Қуръони каримда айтилади: «Иброҳим яҳудий ҳам эмас, насроний

ҳам эмас, лекин түғри эътиқодли мусулмондир, муширик-лардан әмасдир» (Оли Имрон, 67).

Худо билан аҳдиашганды Иброҳим жуда кекса булиб, 86 ёшда эди. Унинг Сора исмли хотини бўлиб, улар фарзандсиз эдилар. Шунинг учун ҳам ҳар гал кўринганды Худонинг унга қўплаб авлодлар бериши ҳақида эслатиб туриши Иброҳимга эриш туюларди (Таврот Брейнист, 17 Лех Леха). Худо унга Мисрдан сотиб олган Ҳожар исмли жориясига уйланишни буюради. Худонинг иродаси билан Ҳожар ҳомиладор бўлади ва вақти-соати етиб ўғил туғиб беради. Уни Исмоил (Ишмаэл) деб атайдилар. Бир неча йиллардан сўнг, Иброҳим 100 ёшга, унинг биринчи хотини Сора 90 ёшга кирганды Худонинг иродаси билан Сора ҳам ҳомиладор бўлади ва вақти-соати келиб ўғил туғади. Унинг иомини Исҳоқ (Ицхак) деб қўядилар. Яҳудий халқининг бевосита тарихи Иброҳим Халилulloҳнинг Сорадан туғилган ўғли Исҳоқдан бошланади.

Иброҳим 157 йил умр кўрди. Яҳудий диний-тарихий манбаларида Иброҳим вафот этганида неча ёнда бўлгани қайд этилган бўлса-да, унинг умр ниҳоясидаги ҳаёти тафсилоглари учрамайди. Шунинг учун ҳозирги яҳудий адабиётларида юқорида келтирилган маълумотлардан бошқа Иброҳим пайғамбар тўғрисида маълумот йўқ. Унинг ўғли Исҳоқ ҳақидаги маълумотлар ҳам унинг ба-лоғатга етган давридан, яъни яҳудийларнинг қарашлари бўйича қирқ ёндан бошлаб берилади.

Исҳоқ 40 ёшга кирганды арамей Бетуэлнини қизи Ривканни ўз никоҳига олади. У 60 ёшга кирганды эгизак фарзанд кўради. Бирига Исо (ибронийча Ийсу ёки Эйсав) ва иккинчисига Яъқуб (ибронийча Иаков) деб исм кўйдилар. Исҳоқ кексайиб, кўзи ожизлашиб қолганда севимли катта ўғли Исога халқни бошқарин учун фотиҳа бермоқчи бўлади. Бу ишини қилишдан олдин уни чақириб, оҳу овлаб келиш ва ундан хуштаъм таом нишириб беришини тошириади. Ривка кўпроқ кичик ўғли Яъқубни яхши кўрар ва Исҳоқ фотиҳани айнан Яъқубга бериши-

ни хоҳлар эди. Шунинг учун Исонинг овга кетганидан фойдаланиб, Яъқубга подадан иккита ёш эчкини ташлаб, пишириб келишини буюради. Исҳоқ кўзи яхши кўрмагани учун Яъқубни Исодан ажратса олмайди ва уни дуо қилиб, барча биродарлари, ҳатто Исо устидан ҳукмрон бўлишига фотиҳа беради. Бундан хабар тонгдан Исо шу кундан эътиборан укаси Яъқубнинг ашаддий душманига айланади (Таврот: Брейшит, 27. Толдот).

Яъқуб акасининг қаҳридан қўрқиб, онасининг маслаҳати билан тоғаси Лаванинг хизматига, Падан-Арам юртига жўнайди. У дастлаб тоғасининг қўлида 14 йил хизмат қиласди. Хизмат ҳақига арамей Лаванинг икки қизига, Лея ва Роҳилага (Рахель) уйланади (Таврот: Брейшит, 29 Ваене). Шу билан бир қаторда, хотинларининг энг суюкли жорияларидан Зилпа ва Билҳога уйланади. Бирин-кетин 12 фарзанднинг отаси бўлди (Таврот: Брейшит, 25 Толдот). Яҳудийларнинг 12 асботи – қабиласи шу фарзандларнинг номи билан аталади. Ушбу авладнинг дунёга келиш тартиби қуйидагича: Реувен, Шимон, Леви, Яҳудо (Инжилда Иуда, Тавротда Йихуда, Қуръони каримда Яҳудо тарзида келтирилган) помли фарзандлар Яъқубнинг биринчи хотини Леядан; Дан и Нафтали Яъқубнинг иккинчи хотини – Раҳелинг жорияси Билҳодан; Гад и Ашер Леянинг жорияси Зилпадан; Исахар и Звелун яна Леядан; Иосиф и Беньямин Раҳелдан (Таврот: Брейшит, 30 Ваене). Тавротда айтилишича, Яъқуб, ҳаммаси бўлиб, тоғасининг қўлида 20 йил хизмат қилган. Шундан 14 йил Лаванинг қизларига уйланиш учун ишлаб берган бўлса, яна 6 йил унинг чорвасини боқиб беради. Сўнг Худонинг амри билан болаларини олиб Кањон мамлакатига қайтади. Бу давриарда Исо Кањоннинг Сеир деган худудида яшар эди. Улар Урдун (Иордан) дарёси бўйида бир-бирларига нешвоз чиқадилар ва ярашадилар. Яҳудий манбаларида қайд этилишича, Яъқуб кеч пайти бола-чақасини Урдун дарёсидан ўтказиб қўйгач, ёлғиз қолади. Шунда унга қандайдир одам

ҳужум қиласи. Улар туни билан курашиб чиқадилар. Тонг отгач, номаълум одам Яъқубга ўзининг фаришта эканлигини билдиради ва: «Бундан сўнг сенинг номинг Исроил бўлади, чунки сен сабр-чидам билан фаришта билан курашдинг», – дейди (Таврот: Брейшит 32 Ваишлах). Шушу, Яъқуб пайғамбарнинг номи Исроил, унинг авлоди Бани Исроил деб атала бошлади. Замонавий тадқиқотчиларниң фикрича, эр. авв. II-І асрдан бошлаб Канъон юрти «Эрец Исраэл», яни Исроил мамлакати деб юритила бошлаган. Исломда Бани Исроил пайғамбарлари деганда айлан Яқубдан кейинги пайғамбарлар тушунилади. Яъқубгacha бўлган пайғамбарлар назарда тутилмайди.

Юсуф ва Ибн Йомин (Бенямин) Яъқуб пайғамбарнинг энг кенжা болалари эди. Яъқуб, айниқса, Юсуфни жуда яхши кўтара эди. Бундан рашик қилган акалари Доган яйловида уни ўлдиришга қасд қиласидилар. Олдинига уни чоҳга ташлайдилар. Сўнг эса, арабларнинг Мисрга кетаётган савдо карвони ўтаётганидан фойдаланиб, Яхудонинг таклифи билан уни чоҳдан чиқариб, 20 кумуш тангага сотиб юборадилар. Юсуфниш кўйлагини жайроннинг қонига белаб, Яъқубга элтадилар. Суюкли фарзанди ваҳший ҳайвон ҳужумидаи нобуд бўлганига ишонтирилган Яъқуб дод-фарёд кўтаради ва ғамга ботади.

Араблар Мисрга келгач, Юсуфни фиръавнининг бош жаллоли Потифарга сотдилар (Таврот: Брейшит 38-39 Ваешев). Юсуф Потифар уйида ўзининг тақводорлиги билан хонадон соҳибларининг меҳрини қозонди ва уй бошқарувчиси вазифасига тайинланди (Таврот: Брейшит, 38-39. Ваешев). Бош жаллоднинг хотини Юсуфни севиб қолади. У Юсуфни қанчалик хилватга тортмасин. Юсуф ундан ўзини олиб қочади. Кунлардан бир кун уйда ҳеч ким бўлмаганда хотин Юсуфга ёпишди. У юлқиниб, беканинг қучоғидаи қочганда, униш кўйлаги йиртилиб, беканинг қўлида қолди. Бека газабланиб, дод солади ва хизматкорларни чақириб, Юсуфни унинг иомусига та-

жовуз қилингига уринганликда айблайди. Вокеадан хабар гопган Потифар уни фиръави зиндонига ташлайди. Зиндонда Юсуф зиндонбоннинг ҳурматини қозонади. Тез орада зиндонбон уни барча маҳбусларга бошқарувчи қилиб қояди (Таврот:Брейшит, 39-40 Ваешев). Шу орада Миср шоҳининг соқийси ва наввойи гуноҳ ишда гумон қилиниб, зиндонга тапланди. Юсуф уларга қараб турадиган бўлди. Бир йил ўтгач, уларнинг ҳар иккаласи бир кунда туши куради. Соқий тушида узум токини курибди. Токда З новда бўлиб, унинг кўз олдидаги куртак ёзиб, месва солибди. Соқийнинг қулида фиръавнининг пиёласимиш. соқий узумни эзиб, фиръавнга узатармиш. Юсуф уни қуйидагича таъбир қилибди: «Бу тушингни таъбири шуки, уч новда уч кундир. Уч кундан сўнг фиръавн сени авф этади ва яна илгаригидек ўз лавозимингта тиклади. Ишинг юришиб кетгач, мен ҳақимда фиръавнiga эслатсанг ва бу ердан мени озод этсанг. Мен ҳеч гуноҳ содир этмаганим». Унинг таъбир қилиш қобилиятини кўрган новвой ҳам унга тушини айтибди: «Менинг бошимда уч сават бор эмиш. Энг юқоридаги саватда фиръавн учун ёпилган ноилар бор экан. Қушлар бошимга қуниб, саватдан ноиларни чуқиётган эмишлар». Юсуф дебди: «Тушингни гаъбири шуки, уч сават уч кундир. Уч кундан сўнг фиръавн сени бошингни узиб, танангни дарахтга осиб қўяди. Қушлар сенинг жасадингни чўқийдилар».

Юсуфининг таъбири тўғри чиқади. Уч кундан сўнг фиръавн ўзинин туғилган куни муносабати билан катта зиёфат уюптиради. Шунда унинг ёдига соқий тушиб, уни озод этади ва яна ўз лавозимига тиклади. Новвойни эса қатл этади. Бироқ соқий Юсуфга берган ваъдасини унутади. Юсуф яна икки йил зиндонда қолиб кетади. Кунлардан бир кун фиръавн туши куради. Тушида у дарё бўйида турганмис. Дарёдан стти бош семиз сигир чиқиб, яйловда ўтлай бошлайди. Уларни ортидан яна стти бош сигир чиқиб келибди. Улар озғин ва кўримсиз эканлар. Озғин сигирлар семизларига ҳамла қилиб, уларни еб

қўйибди. Шу тобда фиръавн уйғониб кетибди. Яна уйқу-га кетгач, иккинчи бор туш кўрибди. Бу сафар етти бо-шоқли буғдойни кўрибди, бошоқдаги донлар етилган ва йирик экан. Унинг остидан яна етти бошоқ ўсиб келаёт-ганмиш. Улар заиф ва шарқ шамоли таъсирида куйиб қуриб қолган экан. Заиф бошоқлар етилган бошоқлар-ни ютиб юборибди. Шу онда фирмъавн уйғониб кетибди.

Эрталаб фирмъавн барча фолбину мунахжимларни чор-лаб, тушини таъбир қилишни буюрибди. Бироқ ҳеч ким бунинг уддасидан чиқолмабди. Сарой соқийсининг ёдига Юсуф тушибди ва фирмъавнга у ҳақда эслатибди. Юсуф тезда фирмъавн ҳузурига келтирилибди. Юсуф унинг ту-шини шундай таъбир этибди: «Етти бош қора мол – бу етти йил. Худди шундай етти бошоқ ҳам етти йилни анг-латади. Мисрда етти йил тўкин-сочинчилик бўлади ва ундан сўнг етти йил давомида қурғоқчилик, очлик ва қаҳатчилик ҳукм суради. Тушнинг кетма-кет икки кўриш-да тақрорланиши бу воқеа яқин орада юз беришини кўрсатади. Ким етти тўкинчилик йилида кейинги йиллар-нинг ғамини еса, оғатдан омон қолади».

Фиръавн Юсуфнинг ақл-заковатига, билимдонлиги-га қойил қолиб, уни Миср шаҳарига малик этиб тайин-лабди. Юсуф етти йил давомида давлатни одиллик билан бошқарибди. Ҳар йилги ҳосилни тежаб, омборхоналар-ни дон билан тўлдирибди.

Етти йил ўтгач, бутун дунёда қурғоқчилик ва қаҳат-чилик бошланади. Мисрдан бошқа барча давлатларда очарчилик авж олади. Миср давлати ўз халқини тўйди-риш билан бирга, бошқаларга ҳам дон-дун сота бошлайди ва ишоятда бойиб кетади. Миср малики Юсуфнинг довруғи етти иқлимга таралади. Яъқуб хонадони ҳам очикдан қийналиб, Мисрдан буғдой сотиб олиш фикри-га тушади. Яъқуб ўғилларига олтин-кумуш бериб Миср-га юборади. Улар Юсуфни олдига киргач уни танимай-дилар. Юсуф эса акаларини дарҳол танийди, аммо сир бой бермайди ва уларни жосусликда айблаб, дағал мую-

мала қиласи. Улар ўзларининг ҳалол инсоциинг фарзандлари эканликлари, оталари уйда кенжада укалари билан қолгани ва оч наҳор ўтирганликларини айтиб, қасам ичадилар. Юсуф отаси ва укаси Беняминнинг тирик эканлигидан ич-ичидаи қувонса-да, заррача сир бой бермайди. Иш шу даражага етадики, Юсуф акаларининг бирини гаровга олиш шарти билан уларга буғдой сотади. Акалари буғдойни оталарига етказиб, энг кичик укалари Беняминни Юсуф қошига келтиришлари шарт эди. Бенямин акаларининг ҳалол эканлигини тасдиқланип зарур эди (Таврот:Брейшит, 42 Микең).

Алқисса, Яъқуб кенжада уғлини акалари бирор нарса қилиб қўйишидан қўркиб, анча пайт уни Мисрга юборишига унамади. Бироқ олиб келинган буғдой тугаб, яна очлик бошлангандага ўғилларига Беняминни қўшиб жўнатишдан бошқа иложи қолмади. Юсуф уларни қабул қилиб, бир неча кун мәҳмон қилди ва кетиш асносида Беняминга тегишли буғдой орасига ўзининг кумуш косасини яширишни буюрди. Яъқуб ўғиллари шаҳардан чиқар-чиқмас, орқадан этиб келган шоҳ мулозимлари уларни ўғирликда айблаб, ҳибсга оладилар. Юсуфнинг мақсади Беняминни ҳибс этиш баҳонасида ўз ёнида қолдириш эди. Улар Юсуф қошига келтирилгач, Яхудо унга дейди: «Сен бизнинг ҳалоллигимизни билиш учун энг кенжада укамизни олиб келишни шарт қилиб қўйганингда бизнинг отамиз зўрға кўнган эди. Чунки энг кичик укамиз отамизниң қариган чоғида кўрган фарзанди бўлиб, уни ва акасини жуда яхши кўтаради. Акаси ёшлигида вафот этган. Отамиз унинг ҳажрида ҳануз дилхастадир. Агар бу фарзандидан ҳам жудо бўлса, буни кўтара олмайди. Укамиз ўрнига мени ҳибсга ол, уни озод этиб, ортга, отамизниң ҳузурига қайтаришингни илтимос қиламан» (Таврот:Брейшит, 44-45 Вангаши). Бу гапларни эшитган Юсуфнинг кўзларига ёш келибди. Узини тухтата олмай, уларни бағрига босибди ҳамда ўзини таништирибди. Акалари Юсуфни танигач, унга иисбатан қилган

ишлари учун тиз чўкиб, кечирим сўрабдилар. Юсуф уларни кечирибди ва отаси ҳамда қариндошларини Мисрга кўчиб келтиришни таклиф этибди.

Юсуфнинг Мисрга кўчиб ўтиш ҳақидаги таклифи етти йилдан бери азоб ческаётган ва қурғоқчилик, очлик ҳамда қаҳатчиликдан қийналаётган Исройл қавми учун айни муддао бўлди. Шу тариқа Исройл халқининг 12 бўғини Мисрда ўринашди.

Бани Исройл Юсуф сабабли Мисрда фаровон ҳаёт кечирди ва мамлакатнинг энг нуфузли табақасига айланди. Бундай ҳаёт Юсуф дунёдан ўтгандан сўнг ҳам бир неча авлодларга насиб этди. Охирги даврларга келиб Яъқубнинг тўртинчи ўғли Яҳудонинг авлодлари ниҳоятда кўпайиб, 12 бўғин ичидан миқдор жиҳатидан энг каттасига айлангани боис, Исройл қавми яҳудийлар деб атала бошлади.

Даврлар ўтиши билан, Юсуфнинг мамлакатдаги хизматлари аста-секин унутилди. Миср фиръавилари мамлакатда катта сиёсий кучга эга бўлган яҳудийлардан ҳадиксирай бошладилар.

Фиръави уларнинг обру ва эътиборини сусайтириш мақсадида уларни қаттиқ өзиб, қулга айлантириш сиёсатини юргизди. Яҳудий нақлларига кўра, Аллоҳ ИброХимга унга комил имони учун Каньон ерларини иноят қилиб, кўплаб зурриёдли бўлиши неъматини ато этганди. Аммо Аллоҳ унинг зурриёди 400 йил давомида мусоифир юртларда қул булишини ҳам башорат қилган экан. Ушбу бапиорат Исройл қавмининг Мисрда кечирган ҳаёти даврига тўғри келади (тажминан, милоддан ондингги XIII аср). Тазийқ шу даражага етдики, яҳудийларнинг янги дунёга келган болалари қатли қилина бошлианди.

Мусо ҳудди ана шу даврда, чақалоқлар қирғин қилинаётган бир пайтда туғилди. Мусо Яъқубнинг учинчи ўғли Левидан тарқалган уруғга мансуб эди. Бечора она чақалоқни Нил дарёсининг бўйидаги қамишзор орасига яшириб қўяди. Худонинг иродаси билан уни фиръавининг

қизи топиб олади ва саройга келтиради. Чақалоққа Мусо деб ном берадилар. У саройда тарбияланади. Мусо балоғатта етгач, қул яҳудийни аёвсиз калтаклаётган мисрлик назоратчини жаҳл устида уриб ўлдириб қўяди ва фиръавнининг қаҳридан қўрқиб, мамлакатдан қочади. Юриб-юриб, тақдир тақозоси билан Ревель номли Мидён мамлакатининг подшоси эътиборига сазовор бўлди. Салутиб, унинг қизига уйланди (Таврот: Шмот, 2 Шмот).

Кунлардан бир кун Мусо қўй боқиб юрганда рўпарасидаги бутага кўзи тушади. Бута оловга чулғанган бўлсада, бирор барги ёнмас эди. Мусонинг қизиқиши ортиб, яқинроқ боради. Шу пайт бутадан унга инсон тилида кимдир мурожаат қилгандек бўлади. Кўринмас мавжудот ўзини унинг аждодларининг Парвардигори сифатида таништириб, унинг халқини мисрликлар зулмидан қутқаришга жазм этгани ва бу ишни унинг номидан Мусо бажариши зарурлигини айтибди: «Фиръавнинг ҳузурига бор. Менинг халқим Истроил халқини Мисрдан олиб чиқ» (Таврот: Шмот, 3 Шмот). Мусо бу вазифани уддай олмаслигини айтади. Парвардигор у билан бирга бўлишга ваъда беради. Шунда Мусо Худони нима деб аташни сўраганда Парвардигор жавоб беради: «Мен мангу ва боқий зотман» (Яҳве)! Истроил авлодларига «Сизларнинг ота-боболарингизнинг қудратли Худоси, Иброҳимнинг қудратли Парвардигори, Исҳоқ ва Яъқубнинг қудратли Худоси мени сизларнинг ҳузурингизга юборди, – деб айт!» (Таврот: Шмот, 3 Шмот).

Мусо олдинига иккиланаверади. Худо фиръавнни турили азобларга гирифтор этишга ваъда беради ва Мусони қўрқмасликка ундейди. Шунда ҳам Мусо «Агар менга Истроил халқи ишонмаса-чи?» деб ҳадиксирайди. Шунда Парвардигор Мусога мўъжиза кўрсатади. Худо иродаси билан Мусонинг бир қўли пес билан қопланади ва яна ўз ҳолига қайтади (мумтоз адабиётда яди байзо ибораси ишлатилганда шу мўъжизага ишора этилади), ҳассаси илонига, Нил суви қонга айланади. Шунда ҳам Мусо бу вази-

фадан бош тортишга ҳаракат қиласи: «Мен дудуқ бўлсам, – дейди у, – қандай қилиб халқ олдида ваъз ўқийман?» Худо Мусони керакли нутқларга ўргатишини ва бу нуткларни халққа унинг иниси Ҳорун (Арон) етказишини таъкидлайди.

Бу пайтда Мусо 80 ёшга кирган мўйсафид эди. У Худонинг иродасига биноан оиласини олиб, ўзи мансуб бўлган Истроил қавмига қайтади. Йўлда унга Худонинг амри билан Арон йўлиқади. Улар биргалашиб, Худонинг иродасини истроилликларга эълон қиласидилар.

Мусо зиммасига юклатилган тарғиботдан мақсад битта эди. У ҳам бўлса «Истроил қавмини Миср қуллигидан қутқазиш ва уларни қайта Кањонга кўчириш» эди. Халқ унинг ғояларини қабул қилди.

Шундан сўнг Мусо фиръавн қошига бориб, Истроил халқининг Худоси кўриниши бергани ҳақида сўйлади ва фиръавндан яҳудийларга уч кунлик йўлда жойлашган саҳрога чиқиб, ўз Худоларига қурбонлик қилиш маросимиини ўтказишларига рухсат беришини сўрайди. Фиръавн Мусодан пайғамбар эканини исботлашини талаб қиласи. У ҳассасини аждарҳога, Нил сувини қонга айлантиради. Шундай бўлса ҳам, фиръавн унинг илтимосини рад этади. Шунда Мусо уни Худонинг қаҳри ёмонлиги ва мамлакатни турли балоларга гирифткор этиши мумкинлигидан огоҳлантиради. Фиръавн эса қулоқ солиш ўрнига, яҳудийларни баттар қийноқларга сола бошлиди. Яҳудийлар ўша даврларда фишт ишлаб чиқариш корхоналарида қул булиб, оғир меҳнат қиласидилар. Яҳудий диний манбаларида айтилишича, фиръавнининг ишидан ғазабланган Худо мамлакатга ўн офат юборади: Нилнинг суви айнийди; мамлакатни қурбақа босади; тупроқ пашишага айланиб, одамларнинг тинкасини қутиди; чивинлар еру осмонни қоплади; чорвага қирон келади; одамлар ва чорвани яра босади; очиқдаги барча нарсани ҳалок қилувчи даҳшатли чақмоқ билан ёмғир ёғади; учраган нарсани ямлаб ютувчи чигиртка ёпири-

либ келади; құрқинчли қоронғулик чүкади. Аммо фирмави таслим бұлмайди. Шунда Худонинг қаҳри келиб, 10-оғатни юборади: мамлакатда янги туғилған одам боласи борми, ҳайвон боласи борми, барисини ҳалок этади (Таврот: Шмот, 7-11 Бо). Бу азобларга фақат мисрликлар дучор қилинади. Яхудийлар булардан зарап күрмайдилар. Фиръавн янги туғилған фарзандига үлем хавфи яқинлашгандагина, Мусонинг илтимосини рад этиб қаттиқ хато қылғанини англайди ва яхудийларга бир неча кунга мамлакатдан чиқишига рози бўлади.

Худо Истроил халқини кундузи булатт воситасида, туилари нурли устун билан саҳрова йўл кўрсатиб борди. Бу орада фирмавн яхудийларнинг қайтиб келмасликларидан хабар топади. У олти юз миср жанг аравасини ҳозирлаб, уларнинг орқасидан қувишга тушади. Истроил халки Қизил денгиз қирғоқларига етиб қолганда, фирмавн қўшини қувиб келади. Яхудийлар учун қутилишнинг бирор имконияти қолмаган эди. Шунда Мусо Худонинг иродаси билан ҳассасини сувга урганда, дengиз иккига ажралиб, ўртада қуруқлик пайдо бўлди. Тонгда дengиз орасидан утаётган яхудийларни кўрган мисрликлар уларнинг ортларидан дengизга тушадилар. Яхудийлар эсономон нариги қирғоққа чиқишилари билан Мусо ҳассасини яна бир марта сувга урибди. Дengиз олдинги ҳолига қайтибди ва мисрликлар сув остида қолиб, ҳалок бўлибдилар (Таврот: Шмот, 14 Бешалах). Ушбу ҳодиса Худонинг бекиёс қудратга эгалиги ва унга имон келтириш лозимлигини яхудийларга исбот қилди.

Уч ой йўл юрилгач, яхудийлар Синай ярим оролидаги тоғ ёнбағрига етиб келдилар. Мусо тоққа кўтарилиб, Худо билан мулоқот қилди. Худо Мусо орқали Истроил халқига, агар улар унга имон келтириб, илоҳий амрларга риоя қилсалар, уларни бошқалардан афзал қилажаги, Ўзининг борлиги ва Мусонинг пайғамбарлигини тасдиқлаш учун уч қундан сўнг булатда Синай тоғининг устига келишини хабар қиласади.

Барча воқеалар Мусо хабар келтиргандек рүй берди. Синай тоғи Худонинг ҳайбатидан титраб, ларзага келди. Худо Яхве олов қўринишида, кучли карнай товуши остида тоғ устида тұхтади. Мусо иккинчи марта тоғ тепасига кўтарилди ва Худодан ўн илоҳий амрдан ташқари, яҳудийларнинг ҳаёт тарзларини белгиловчи бир қанча ҳуқуқий, ахлоқий ва диний ҳукмларни қабул қилиб олди.

Мусо Худонинг барча амрларини оқизмай-томизмай ўз халқига етказди. «Ва жавоб берди халқ бир овоздан: «Яхве айтган барча сўзларни бажарумиз!» (Таврот: Шмот, 19 Итро).

Шундан сўнг Худо учун ҳўқиз сўйиб, қурбонлик қилинибди. Мусо Исроил халқи ва Худо ўртасида тузилган Аҳд рамзи сифатида қурбонлик қонидан халқ устига пуркайди.

Яхве ва Исроил халқи ўртасида тузилган Аҳд тарихи шундан иборат.

Шундан сўнг Худо Мусони яна ўз ҳузурига мулоқотга чорлаб, унга илоҳий ўғитлар ёзилган тош парчаларини беришни ихтиёр этди. Мусо тоққа кўтарилиб, қирқ кун қолиб кетди. Пастда қолган халқ Мусонинг узоқ вақт қолиб кетганидан хавотирланиб, саросимага тушиб қолди. Уларнинг ичида бир шумерлик (сомирий) ҳам бор эди. Унинг бузғунчилиги оқибатида яҳудийлар Мусонинг қайтишидан умид узиб, сифиниш учун ўзларига Бут ясашга киришдилар. Улар ўзларидаги бор тилла буюм ва тақинчоқларни эритиб, бузоқ ҳайкалчасини ясадилар ва унга сифина бошладилар. Яхвенинг қаҳри келди ва бу осий халқни ҳалок қилишни ихтиёр этди.

Мусо иастга тушиб, кўрдики, барча халқ бузоқ атрофига турли ўйинлар кўрсатиб, унга сифинмоқдалар. У шунчалик ғазабландики, қўлидаги илоҳий битиклар мавжуд тош нарчаларини улоқтириб, бузоқни оловга ташлади. Уни юмшатиб, кукунга айлантириди ва сувга қўшиб, барчани уни ичишга мажбур қилди. Шундан сўнг у ўзига содиқ қолган Левилар хонадони вакилларига бузғунчи-

ларни қириб ташлашни буюрди. Уша куни уч минг киши қатл этилди. Эртаси тонг маҳали Мусо халқа мурожаат қилиб, улар жуда оғир гуноҳ қилган бўлсалар ҳам Худодан уларнинг гуноҳларини сўраб олишга ҳаракат қилишини айтди. Мусо Худонинг амрига биноан, улоқтириб юборган тош парчаларидағи илоҳий ўгитларни қайтадан икки тош парчасига ўйиб ёзди.

Мусо ҳар бир бўғиндан бир кишини танлаб, жами 12 кишини Канъон юртини кўриб келишга юборади. Улар Канъонда қирқ кун туриб, сўнг қайтиб келадилар ва у юртнинг ниҳоятда ҳосилдор ерларга, боғ-роғларга бой эканлиги, аммо халқи йирик жуссали одамлар бўлиб, уларга бас келиш қийинлигини айтадилар.

Исройл халқи яна ноумид бўлиб, Мисрни ташлаб чиқ-қанликларига пушаймон бўла бошлайди. Ҳатто баъзилар яна Мисрга қайтиш фоясини ўртага ташлайдилар. Худо Яҳвенинг осий бўлган ва шунча исботларга қарамай, осонликча Худодан юз ўгираётган бу халқа нисбатан ғазаби яна қайнади. Мусо яна орага тушди. Худо унинг узрини қабул қилди, аммо бу осий халқни жазолашга жазм этди: Исройл халқи саҳрода адаптириб қўйилди ва қирқ йил давомида, токи жамоанинг катта ёшдаги аъзолари батамом дунёдан ўтиб кетмагунча, Канъонга ета олмадилар. Шу йиллар давомида Мусо халқни қайта тарбиялашга эришди. Афсуски, Мусонинг ўзига ҳам Канъонда яшаш насиб қилмади. Худо унга фақат халқни бошлаб келиш ва узоқдан Канъонга назар солишини раво кўрди. Бу пайтда унинг ёши 120 да эди (Дварим 31. Ваелех). Унинг қаерда дафн этилгани но маълумдир.

Яҳудийларнинг энг қадимги ва кенг тарқалган ахлоқ нормалари Мусо номи билан боғлиқ. Бу қоидалар ўнта бўлиб, Худо томонидан Мусога Синай тогида берилган илоҳий амрлардан иборат (Шмот, 20. Итро). Бу фарзлар яҳудийларга жуда оддий ҳуқуқий ва ахлоқий нормаларни бажаришни буюрар эди. Улар қуйидагича:

Яҳведан бошқа илоҳга имон келтирмаслик.

Бут ва санамларга сиғинмаслик.

Заруратсиз Худо номи билан қасам ичмаслик.

Шанба куни қоидаларини бузмаслик ва у кунни Худога бағишилаш.

Ота-онани ҳурмат қилиш.

Қотиллик қилмаслик.

Зино қилмаслик.

Үғирлик қилмаслик.

Ёлғон гувоҳлик бермаслик.

Бегона нарсаларга кўз олайтирмаслик (бировнинг уйи, хотини, қули, чорваси ва ҳ.).

Дастлабки уч ўгит яккахудоликка чақиради. Улар Ундан бошқага сиғинмаслик, Худонинг амрларидан оғишмаслик ҳақидадир: «Ва Худо айтди Мусога: Исрорил фарзандларига айт, осмондан туриб сизлар билан гаплашганимни кўрмадингларми? Мен бўла туриб ўзларингизга кумуш ва олтин бутларни ясаманглар! Ерда мен учун қурбонлик қиласидиган жой қилинглар. Мен учун чорва молларидан қурбонлик қилинглар» (Шмот, 20 Итро).

Мусо уларга ўғил ва қизларини бутларга қурбонлик қилишларини, ҳаром нарсаларни ейишлари, афсунгарлик ва сеҳргарлик, руҳларни чақириш билан шуғулланиспичарини ман этди. Бу – Худонинг амри эди.

Тўртингчи ўгит дам олиш кунини унутмаслик ҳақидадир (Таврот: Шмот, 20 Итро, Ваикра, 19 Кдошим). Ушбу ўгит Худо ва халқ ўртасидаги алоқа нуқтаи назаридан жуда муҳим ҳисобланади. Шаиба – дам олиш куни Худога бағишиланиши керак. Шу билан бирга, шу кунда барча яҳудийлар, ким бўлиши ва қандай мавқени эгаллашидан қатъи назар, тенг кўрилади. Яъни ҳамма – қул ҳам, подшоҳ ҳам дам олиши керак, ҳатто уй ҳайвонлари ҳам дам олиши керак.

Бепинччи ўгит ота-онага ҳурматни тарбиялашга қаратилган.

Қолған ўгитлар (олтингидаи ўнинчигача) яхудийларнинг ўз яқинлари билан муносабатларига алоқадор деса бўлади. Яқинлар деганда яхудийлар асосан, Исроил халқини тушунадилар: «Уз халқинг болаларига зулм қилма ва қасос олма. Яқинларниң ўзингни севгандек сев» (Таврот: Ваикра, 19 Кдошим).

Ўн илоҳий амрнинг иккинчи қисмини ташкил қилган кейинги беш ўгит – «қотиллик қилма, зино қилма, ўғирлама, тухмат қилма, яқинларинг нарсаларига кўз олайтирма» (Шмот, 20 Итро) деган амрлар адолат ўрнатишнинг дастлабки талабларидир. Айнан ана шу амрларни ҳаётий қоидага айлантириш яхудийларнинг Худога азиз бўлишининг белгиси эди.

Мусо айтадики, яхудийлар фақат адолатли тузилган жамият ва қонуплар устуворлигига риоя қилиш орқалигина саодатга эришиши мумкин. Шундай қилиб, инсон хулқ-автори дунёнинг асосида туради. У нажот бўлиб, унга эришиши ҳаётда миллат учун тинчлик ва фароғат, алоҳида шахс учун оила ва тўкинчилик келтиради. Илоҳий амрлар ижтимоий-диний ҳаётни ҳам тартибга солиб туради. Табиат ҳам, тарих ҳам, барчаси Худо иродаси ва хоҳишига биноан бошқарилади. Дунё ҳамиша дуо ва тавба туфайли янгиланади, аммо яна содир этилган гуноҳлар ва такаббурлик туфайли фалокатлар ва саросималарга юз тутади.

Мана шу сабаблар яхудийлар ўзларини бошқалардан афзал халқ деб тушунишига олиб келган. Яхудийларнинг ўзларини олий ирқ деб ҳисоблаши диннинг миллийлашувининг асосий сабабидир. Қуръони карим яхудий динидаги миллий биқиқликни танқид қиласи: «Албатта, Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло Одам алайҳиссалом. Нуҳ алайҳиссалом, Иброҳим алайҳиссаломнинг авлодларини ва Имрон авлодларини бутун олам аҳлиниң афзали деб танлади. Улар бир-бирларига зурриёт эдилар. Аллоҳ эшитгувчи ва билгувчи» (Оли Имрон сураси, 35-оят).

Бундан күриниб турибдики, Аллоҳнинг Мусо тили билан халқа айтилган: «Сизлар олам аҳлиниң ичида афзалисизлар», – деган каломи яҳудийлар томонидан нотўғри тушунилиб, «биз инсонлар ичида энг афзали эканмиз» деган ақиданинг пайдо бўлишига олиб келган. Қуръони каримда Тавротда бузиб изоҳланган Аллоҳ каломи яна ўз аслида, тўғрироғи, яна ҳам тушунарли тарзда, равшан таъкидланмоқда.

Худди шунингдек, унда Имрон авлодлари дейилганда христианлар назарда тутилган ва бу билан улар ҳам яҳудийлардан заррача кам бўлмаган одамлар эканлиги уқтирилган ва тинч-тотув яшашга даъват этилган. Масиҳнинг пайдо бўлиши яҳудийликда Худо Салтанатининг бошланиши, барча халқлар томонидан ягона Худога ва унинг Тавротда қайд этилган инсониятга юборган қонунларига имон келтирилиши билан боғланади. Мусо пайғамбарга юклатилган асосий вазифа жамиятда қонун устуворлигини амалга ошириш, Худога бўйсуниш – қонунга бўйсуниш, унинг амрларини бажариш билан чекланган эди.

Мусо ўғитларида яхши ахлоқ ва амалларнинг нариги дунёда муносиб тақдирланиши ҳақида лом-мим дейилмайди. У давр шароитидан келиб чиқиб, темир интизом тартиби орқали ахлоқий нормаларни ўрнатишга ҳаракат қилди. Бу даврларда комил инсон ҳақида гапиришга ҳали эрта эди. Халқ онгига қонунларнинг мажбурийлигини сингдириш лозим эди. Зоро, унинг зиммасига бошқа халқлар тарихида ўхшапи бўлмаган тафаккур ва эътиқодга эга жамият қуриш вазифаси юклатилган эди. Буни амалга ошириш эса, давлат шаклидаги сиёсий макон ярагилгандагина мумкин бўларди. Шунинг учун Мусонинг асосий эътибори бўлажак Истроил давлатининг ҳуқуқий асосларини яратишга қаратилди. У тарқоқ қабилаларни жипслаштириди, яҳудийларни ўз Худосига ва илоҳий қонунларига эга халқа айлантириди.

ХРИСТИАНЛИКДА ИЛОХИЙ ИШҚ ФОЯСИ

Илохий ишқ, Таңгрига чексиз мафтункорлик Шарқ адабиётининг боқий мавзуларидан биридир. Ҳинд фалсафий адабиётидаги илохий муҳаббат ва завқ таранинум этилган «Бхагавад-Гита», «Мокшадхарма», «Сарва-Даршана-Самграха» каби асарларда суфийларникига ўхшап кўплаб ғояларни учратиш мумкин. Ҳудди шунингдек, христиан адабиётига ҳам илохий ишқ мавзуси бегона эмас. Унинг христиан динининг етакчи ғоялари сафидан ўрин олишида юонон фалсафасининг таъсири катта бўлган. Бу таъсирнин юзага келиш тарихи ҳам қизиқ. Сўз шу ҳақда.

Маълумки, христианлик энди тарқала бошлаганда Рим империясида илм-фан, айниқса, фалсафа фани ўзининг чўққисига чиққан эди. Эллада-Рим даврида, яъни тахминан милоддан олдинги 300-йиллардан милоддан кейинги 400-йилларгача рўй берган ижтимоий шартшароитлар оқибатида (грекларга хос этика ва сиёсат бирлиги ўрнига шахс этикаси чиқди) ҳалқ ичидаги сиёсатдан маълум даражада ческиниш, назарий фалсафага бўлган қизиқиш анча совуган эди. Ўрга асрлар¹⁷ бошлианди. Христианлик ҳаммани умидворликка чақиради. Сиёсий тенгиззлик, моддий қийинчилик ва жисмоний азоблар, ёвузлик ва иродасизликка қарамай, умид қилиш барчага раводир. Моддий ҳаёт кўнгилсиз тарихий жараёнининг бир қисми бўлиб, унинг охирида ҳар бир кишиний ҳаётнинг азоб-уқубатлари ва адолатсизлиги учун муно-

¹⁷ Ўрга асрлар (*medium aeavum*) бизга тўғри келмайдиган даврлаптиришдир. Европа илмида ўрга асрлар деганда дин ҳукмроилик қилган жаҳолат ва зулмат даври назарда тутилади. Бу даврга Римда антик давр тугаган IV асрдан, яъни Фарбий Рим империяси қулаган(375). христианлик империянинг етакчи динига айланган даврдан Шарқий Рим империяси қулаган (1453) ва Ренессанс, яъни антик маданиятнинг тикланиши даври (XIV-XVI асрлар) гача бўлган давр киритилган.

сиб адолатли ажр-мукофот кутади. Ҳамма нарсадан устун Худо булиб, у оламларнинг Яратувчиси, раҳмдил, адолатли ва покдир. Грек ва Эллин фалсафалари руҳида вояга етгай эллин фозиллари христианик дини илоҳиётидан умуман фарқ қиласиган тасаввурлар оламида яшар эдилар. Христианлар пишиб етилган ижтимоий шароитда юонон фозилларини динга тортишдан манфатдор эдилар. Аммо бунинг учун уларнинг саволларига муносиб жавоб топиш керак эди. Христианлар икки йўл билан бу масалани ҳал қилишига киришидилар. Биринчиси, дин таълимотини фалсафа ёрдамида баён этиш бўлса, иккинчиси Инжилни китоб ҳолига келтириш ва уни юонончага таржима қилиш орқали бутун Рим империяси ҳудудида Инжил таълимотини сингдириш эди.

Натижа христиан тарғиботчилари кутганидек бўлмади. Гарчи юоноларни христианлаштиришда катта муаммолар чиқмаган бўлса-да, христиан дини юоноларнинг таъсирида ўта фалсафийларниб кетди.

Инжил маъноларини грек ва эллин фалсафалари ёрдамида тушунтириш ҳаракати христиан теологияси – илоҳиётчилигининг шаклланишига олиб келди. Гностиклар бу ҳаракатининг олдиғиги сафларида турдилар ва христианикни юонон фалсафаси билан бирлантиришга ҳаракат қилдилар.¹⁸

Улар Худо ва материя ўргасидаги қарама-қаршиликни бартараф қилишига бел боғладилар. Бунинг учун улар ўз таълимотларига эманация (илоҳий нурланиш, тажаллий) ва Демиург ғоясини киритдилар. Бу таълимот бўйича, илоҳий тажаллий жараёнида руҳонийлик камайиб,

¹⁸ Гностицизм милодининг 150 йилларида жуда равнақ тоиди. У инсоннинг ёвузликнинг келиб чиқиш сабабини ахтаришга бўлган табиий интилиши патижасида келиб чиқсан эди. Худди шундай сабаб билан ислом тарихида ҳам динни фалсафий мушоҳада қилиш тенденцияси авж олган. Бу йўналиш бошида мұтазилийлар мактаби турган.

моддийлик кўпайиб боради. Демиург эса яратиш кучига қодир бўла олмаган даражада руҳоний куч, аммо гуноҳларга мойил ва ёвуз бўлган моддий дунёни яратишга қодирлик даражасида моддийдир. Гностиклар Демиургни Тавротдаги Тангрига ўхшатдилар.

Гностикларнинг докетизм ҳақидаги таълимоти ҳам Исо Масиҳ шахси атрофидаги турли қарашларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Бу таълимот бўйича, мутлақ Руҳдан яралган Исонинг материя билан қўшилиши мумкин эмас. Чунки материя – ёвузликдир. Одам шаклидаги Исо аслида Руҳ булиб, у моддий жисмда кўринади, холос. Исо Масиҳ инсон қиёфасида жуда оз юрган ва бу давр унинг чўқинини пайтидан то хочга тортилгунгача бўлган оралиқни ташкил этади. Хочга тортилиш асносида Руҳ – Исо Масиҳ танани ташлаб кетган, хочда эса Одам – Исо ўлган.

Гностиклар Исонинг асосий вазифаси инсонга нариги дунёда нажот топиш йўлларини ўргатиш бўлгани ҳақидаги христианларнинг ақидаларини япада ривожлантириб, шундай хос билим (гнозис) борки, Исо уни фақат айrim одамларга ўргатган дейдилар. Бу одамлар олимлар булиб, авом бундай илмларни тушунишдан ожиз деб ҳисоблаганлар. Уларнинг даражаларига стиш, уларнинг илмларини ўрганиш гнозис (маърифат) орқали амалга оширилади. Бу эса инсон нажот топишининг энг самарали усулидир. Уларнинг таълимотича, ана шу, хос илмни эгаллаган пневматикларгина (пневма – «руҳ» сўзидан, яъни руҳ илмини эгаллаганлар) самога, Тангри ва Исо ҳузурига кўтарила оладилар.Faflatda юриб, маърифатини оширмаганларга у ерда жой йўқ. Улар абадий азобуқубатга маҳкум булиб қоладилар.

Бу таълимот бўйича, инсон танаси қайта тирилмайди. Тана моддий бўлгани боис, иккинчи ҳаётдан маҳрум. Руҳ боқийдир. Бу масалада улар қадимги юонон мифологиясига ва фалсафасига яқин эдилар. Гностицизм одамзотнинг аянчли ўлими ва Исонинг жисмоний қайта тирили-

шини инкор қиласарди. Гностиклар самода, Худо даргохидада фақат танланган (хос) одамларгина яшаб лаззатла-надилар, деган ғояни илгари сурдилар.

Гностицизмнинг машҳур мактаблари Миср ва Сурияда бўлган. Сурия мактабини Сабурнин, Мисрда Василид ва Маркиён исмли илоҳиётчи олимлар бошқарганлар.

Гностицизм фалсафасининг асосий хусусияти дуализм бўлиб, у монийликнинг шаклланишига хизмат қилган. Маълумки, монийлик буйича моддий ва руҳий олам ўртасида аниқ чегара мавжуд. Моддийлик ёмонликнинг тимсоли бўлса, руҳонийлик – яхшиликнинг манбаидир.

II ва III асрларда христианлик тарихида апологетлар даври бошланди. Апологетика сўзининг луғавий маъноси «ҳимоя қилиш» бўлиб, христиан дини ақидаларини турли ҳужумлардан ҳимоя қилишга қаратилган. Апологетлар юқори доираларда христиан динига нисбатан хайриҳоҳлик уйғотишга ҳаракат қилганлар. Рим ҳукмдорларига христианликни таъқиб қилиш нотўғрилигини кўрсатишга интилдилар.

Улар ўз асарларида гайридинларни христианликнинг моҳиягига ақл мезони билан ёндошишга чақирдилар. Бундан мақсад христиан динини мантиқий асослашга интилиш, уни тушунарли талқин қилиш ва оқибатда унга қонунийлик мақомини бериш эди. Апологетларнинг таъкидлашларича, христианликка қарши қўйилган айбловлар ҳеч қандай далилларга асосланмаган. Апологетларни илоҳиётчилардан кўра кўпроқ файласуфлар дейиш мумкин. Уларнинг таъкидлашicha, тарихий ҳақиқат ва ҳаётий фалсафа айни христианликда ўз тажассумини топган. Бунинг исботи Тавротда ўз ифодасини топган. Исонинг зоҳидона ҳаёти, унинг башоратлари бунга далил бўла олади. Юнон фалсафасида акс этган Ҳақиқат масаласи христианлик ва яҳудийлик динидан ўзлаштирилган. Тахминан 140 йилда афиналик христиан файласуфи Аристид император Антоний Пийга мактуб юбориб, христи-

ан ибодати халдайлар, мисрликлар, яҳудийлар ибодатидан фарқ қилинини тушунтириди ва христианча ибодат шакли улардан ҳар жиҳатдан устуцлигини исботлашга ҳаракат қилди.

Уларнинг йирик вакиллари сифатида II асрнинг энг машҳур апологети жабрдийда Юстин (100–165), Юстиннинг Римдаги шогирди, бир неча бор Шарқ мамлакатларига саёҳат қилган Татиан (110–172) ва 177 йилда «Христианлар ҳақида муножот» номли асар ёзган афиналик яна бир христиан илоҳиётчisi Афинагорни кўрсатиш мумкин.

185 йилда Александрияда бутнарастликтан воз кечганларнинг мактаби очилди. Унинг биринчи раҳбари илгари стойик бўлган Пантен эди. Кейинчалик бу нуфузли мактабга Климент ва Ориген раҳбарлик қилдилар. Александрия мактабида мумтоз адабиёт ва фалсафа ўқитиларди. Бу мактаб ўз олдига христианликка фалсафий асос бериб, уни муайян тизимга солишини мақсад қилиб қўйди. Ушбу мактаб намояндадари «фалсафа христиан илоҳиётчилигининг асосий таълимотини ишлаб чиқиши имкониятини беради», деб ҳисоблардилар. Шунинг учун эътиборни Инжилни тафсир қилиш тизимини ишлаб чиқишига қаратдилар. Уларнинг таҳлилича, муқаддас китобларнинг маъносини айлан тушуниш парт эмас. Инсоннинг танаси, жони ва руҳи масалаларига аниқлик киритиш нуқтаи назаридан ўрганилганда битикларнинг бевосита тарихий маънога эга эканлигини кўриши мумкин. Қолаверса, янириин ахлоқий маънога эгалиги ҳам намоён бўлади, деган фикрга келдилар. Учинчидан, битиклар яна ҳам чукурроқ руҳий маънога эгаки, уни фақат христианларгина англаши мумкин. Бундай таҳлил қилиш тизимида Александрийлик Филюннинг услубидан фойдаланилди. Филюннинг ўзи яҳудий булиб, яҳудий динини юонон фалсафаси билан боғлашга интилган эди. У Тавротни ўрганиб, ундаги юонон фалсафаси билан мос келадиган фикрларни топишга ҳаракат қилган машҳур олим эди.

Хуллас, Александрия мактабининг вакиллари Инжил-нинг яширин маъно ва мазмунини топишга берилиб кетдилар.

190 йилдан Александрия мактабига раҳбарлик қилган Климент христиан фалсафасини ишлаб чиқишига ҳаракат қилди. Унинг фикрича, юнон фалсафасини христианлик билан шундай солиштириш керакки, унда ҳар бир одам христианликнинг афзалигиги ва қимматини кўра олсин. Климентнинг 190 йилда ёзилган «Римлilarга васият» асари христианликни ҳимоя қилиш руҳида яратилган. Унда христианлик ҳар қандай фалсафадан устун туришини исботлашга ҳаракат қилинганилиги яққол кўзга ташланади.

Климент юнон фалсафасига ҳаддан зиёд ижобий муносабатда бўлди ва шунинг учун 202 йилда, тазииклар туфайли бу мактабдан кетди. У, агар ҳамма ҳақиқат фақат Худога хос экан, унда юнон фалсафасида мавжуд бўлган фалсафа ҳам Худога хизмат қилиши керак, аста-секин христианлик юнон фалсафасига сингиб кетиши керак, деган ғоя тарафдори эди. Юнон фалсафаси ва Иижил таълимотини ўзида қамраб олган янги таълимот вужудга келиши керак, деган мулоҳазани ўртага ташлади.

Августин (354–430) антик давр ва христиан даврини боғлаган дастлабки теологлардан бири бўлди. У христианлик ва неоплатонизм ғояларини бирлантириди. Унингча, инсон танасида турли ҳиссиятлар ва ирода ўзаро кураш олиб борадилар. Шу билан бирга, Августин стойикларининг «биз ўз ички дунёмизни идора этишга қодирмиз» деган тезисига қарини. Унингча, инсон илоҳий мададга муҳтож. Инсон ирода ёркинлигига эга, бироқ Худонинг инсоният иенонасига ёзib қўйган нажот тоини режаси – тақдирдан чиқа олмайди. Августин афлотуичиларини руҳ ва тана муносабатлари ҳақидаги тушучаларини қўллайди: Руҳ инсондаги илоҳий иеъматдир. Тана гуноҳлар маибаи ҳисобланади. Инсон имкон қадар тана хо-

ҳишиларидан қутилиб, диққатини Рұхда жамлаши ва шу тариқа Худога яқынлашиши керак. Шу срда Августин христиан сифатида одамниң Ибтидода гуноҳга ботған-лиги масаласини ҳам назардан қочирмайды. Рұх бевоси-та гуноҳ таъсирини сезиб туради. Ҳар бир банданинг қалбіда Худо ва Иблис курашади. Шунинг учун ҳам, Ирода Августин таълимотида муҳим үринни әгаллади. У асосий эътиборини ирода ва ҳиссиётларга қаратди. Иро-да, унингча, ақлдан устун туради.

Августиннинг иродага қарағаш грекларга ёт. Уларда ирода бу – куч, ақл-тафаккур орқали Эзгуликни тушу-ниш учун воситадир. Греклар ақлий тафаккурға суюн-ганлар. Тафаккур иродадан устун қўйилган. Августин эса ирода тафаккурдан устун деди. Августин ҳиссиётлар инсон ҳаётида ақлий тафаккур тарафдорлари ўйлагап-дан ҳам кўра кўпроқ катта аҳамиятга эга деб ҳисоблади. Шу муносабат билан у стойикларнинг холис ёндашуви-ни шубҳа остига олди: инсон мустақил равишда ҳиссиёт-ларини идора эта олмайди. Бунда эътиқод бошқарувчи кучdir. Худо ҳақидаги Ҳақиқатни ақл эмас, эътиқод била олади. Эътиқод эса ақлдан кўра иродага тааллук-лидир. Сезги ва қалбнинг үрнини таъкидлаган ҳолда, Августин эътиқод ва билимнинг узвийлигини таъкидлайди. Шу билан бирга у ақл-тафаккурни камситмайди, ак-сиича уни муносиб баҳолайди. Унингча, Эътиқод ва та-факкур бир-бирини тўлдиради: «Эътиқод қилиш учун та-факкур қил! Тафаккуринг теран бўлишини истасанг, эъти-қод қил!».

Августинча билиш назариясининг характерли томон-ларидан бири христиан мистицизмидир. Унинг асосий үрганиш обьекти Худо ва инсон руҳи саналади. Билиш назариясидаги иррационаллик, яъни ирода омиллари-ниң рационал-мантиқий омиллардан устун туриши Ав-густин таълимотида эътиқоднинг ақлдан устунлиги ор-қали ҳимоя қилинади. Унингча, инсон учун буюк мар-таба ақлий салоҳияти эмас, балки диний ақидаларни

қалдан англаб етишдир. Худога ишониш – билишнинг бошлиғич нуқтаси.

Бундан унинг эътиқод тушиунчасига ақлий нуқтаи назардан эмас, балки экзистенционал нуқтаи назардан қарашини аングлаш мумкин. Эътиқод, бу – ҳақиқатни шунчаки қабул қилиш эмас, балки унинг ҳақиқатлигига қатъий ва мутлақ ишонишдир.

Маълумки, фанда эса ақл ҳақиқатнинг ягона воситаси ва мезони бўлган. Августин фалсафаси фаннинг мустақил тараққиётини рад этди. Бундай таълимот христианиликнинг руҳига мос келарди. Мана шу жиҳатлар христианлик тарихида янги босқич – схоластика даврининг вужудга келишига сабаб бўлди.

Яхши инсон ишқ ҳамда хижронни, уят ва тавбани ташиб кўриши керак, дейди Августин. Эзгу инсон Худога ва инсонларга нафақат дўстона муносабат билан, балки жўшқин ҳамда самимий ишқ билан боғланган. Инсонга ирода эркинлиги берилган. Инсон ҳаракати тўлалигича иродасига боғлиқ. Одамзот Худони излашга ҳаракат қилиши, унинг Каломига эргашиши ёки ундан юз ўгириши ва гуноҳ ишлар содир этиши мумкин. Эркин танлов ҳолатидагина гуноҳ ҳақида сўз юритиш мумкин. Августин фалсафасида яхшилик ва ёмонлик, улар ўртасидаги фарқ масаласи муҳим ўрин тутади. Унингча, Худо яратган дунё эзгуликка асосланган. Иккичи томондан эса, ёмонликнинг мавжудлиги шубҳасиздир. Шунинг учун Августин таъкидлайдики, ёмонлик табиатга хос эмас, у эркин ижоднинг маҳсулидир. Худо дунёни яхшилик манбаи қилиб яратган, лекин уни ёвуз ирода заҳарлаган. Бундан ўз навбатида, бошқа бир хулоса чиқарилади. Ёмонлик яхшиликка мутлақо қарама-қарши эмас, у фақат яхшиликнинг заиф томонидир. Мутлақ ёмонлик йўқ, мутлақ яхшилик эса бор. Ҳеч қандай яхши ишлар қилинмаётган ерда албатта ёмонлик юзага келади, ёмонлик – олий мақсадлардан юз ўгириш, кибр-ҳаводир. Кибр-ҳаво Худога мурожаат қилмасликдан найдо бўлади. Ёвузлик,

шу тариқа, инсоннинг ирода эркинлигига, уни нотўғри кўуллаш билан боғлиқ. Инсон эркиндинг ва шунинг учун ўёвзликни ташлаб, гуноҳ ишларга бош қўшиши мумкин. Нега инсон гуноҳни танлайди? Нега Худо одамларни шундай яратдики, улар гуноҳга ўз ирода-хоҳишлари билан қўл урадилар? Одам Атога ирода эркинлиги яхши ёмонни ажратиши, гуноҳдан сақланиши учун берилган эди. Аммо у гуноҳга қўл урди ва щундан Одам авлоди гуноҳга булғанди. Шу-шу инсоният гуноҳдан холи бўла олмайди. Инсон гуноҳ қилишдан бошқасини ўйламай кўйди. Худо раҳмдиллиги сабабли айрим одамларга лаънатдан қутулиши имконини берган. Барча одамзот гуноҳкор бўлгани учун ҳам уларнинг ичидан кечирилишига мусобибларни Худонинг ўзи ташлаб олади ва улар жаниатда роҳат-фароғатда яшайдилар. Бу тақдир бўлиб, барчаси Худо томонидан олдидаи белгилаб қўйилган. Яна Августин таъкидлайдики, ёмонлик дунё мувозанатини бузмайди, лекин дунё учун заардир. Гуноҳкорларни жазолаш ҳам, авлиёларни мукофотланаш ҳам бу мувозанатни бузмайди. Демак, Августин дунёда ёмонликнинг мавжудлигини ишкор қилмайди, лекин у фақат яхшиликнинг йўқлигидан содир бўлади леб ҳисоблайди. Унингча, ёмонлик дунёвий характерга эга бўлиб, одамлар табиатига хос. Яхшилик Худодан келиб чиқади, чунки у Худо меҳрибонлигининг маҳсулидир. Инсон ёвузлиги учун ўзи жавоб беради.

Агар Худо ҳаммасини олдиндан билса, унда инсоннинг хоҳлаган ишини қилишини қандай тушунмоқ керак? Августиннинг тушунтиришича, вақтнинг икки тизими мавжуд. Одамзот моддий олам вақтида яшайди. Худо, аксинча, вақтдан ташқарида мавжуд. Вақт олам билан бирга яратилган. Шу нуқтаи назардан, Худо инсон ҳаракатини олдиндан тасаввур қилмайди, бу шунинг учунки. У дунёвий вақт тизимидаи олдинги лаҳзадан туриб инсон ҳаракатиниши патижаси қандай бўлишига қарайди.

Августин фалсафаси христиан дини ва қадимги доктриналарни таққослаш маҳсали дейиш мумкин. Августин таълимотига антик давр фалсафий доктриналаридан бўлмиш Платон таълимоти катта таъсир қилиган. Августин ўз таълимотини ишлаб чиқишида афлотуичилар талқинидан фойдаланган. Платон метафизикасидаги фоялар, билиши назариясида мавжуд абсолютизм, борлиқ таркибидаги қарама-қарши кучларни эътироф этиши (эзгулик ва ёвузлик руҳлари), руҳоний оламни иррационал қабул қилиш – буларнинг барчаси унинг таълимотида муайян из қолдирди. Августин таълимоти ўрга аср тафаккурининг белгиловчи маънавий омилига айланниб, бутун гарбий Европа христианик таълимотига катта таъсир кўрсатди. Ўрга аср патристика вакилларидан бирортаси Августин даражасига кўтарила олмадилар. У ва унинг издошлиари диний фалсафада Худони ва илоҳий ишқни англап инсон руҳининг ягона мақсади, ягона қадрияти, деб билдишлар. Августин ўз фалсафасини христиан дини таълимоти руҳида талқин қилишига катта аҳамият берди. У ўтмишдошлиари ният қилган ишларни амалга ошириди. У Худони фалсафий тафаккуриниң марказий мавзуига айлантириди. Худонинг бирламчи ва бошланғич маиба эканлиги тамоилидаи келиб чиқиб, руҳ танага нисбатан бирламчи, ирова ва ҳиссиёт ақл-тафаккурдан юксак туради, деб таъкидлайди. Бу устунлик метафизик жиҳатдан ҳам, гиосеологик жиҳатдан ҳам, ахлоқий жиҳатдан ҳам исбот талаб қилмайди. Худо энг олий даражадаги Моҳиятдир. Худонинг борлиғи ҳеч нарсага боғлиқ эмас. Бошқа ҳамма нарсалар фақат илоҳий Ирода туфайли мавжуддир. Худо ҳамма мавжуд нарсаларниң, ҳамма ўзгаришларниң ягона сабабчисидир. Худо фақат оламини яратибгина қолмасдан, уни сақлаб туради, доимо яратишида давом этади. Августин дунё яратилгандан кейин ўз-ўзича ривожланди, деган деистик таълимотни инкор қилди. Августин таълимотича, Худо билишининг ҳам ўта

муҳим предметидир. Ўткинчи нарсаларни билиш мутлақ билиш олдида ҳеч қандай маънога эмас. Худо билиш нинг сабабчиси ҳамдир. Худо инсон руҳига, инсон тафаккурига нур киритади, одамларга ҳақиқатни танишпда ёрдам беради. Худо энг олий даражадаги мукаммалликдир ва умуман, ҳамма эзгуликнинг сабабчисидир. Ҳамма нарса Худо туфайли мавжуд экан, ҳар қандай эзгулик фақат Худодан келиб чиқади.

Худога интилиш инсон учун туғма инстинктдир ва фақат У билан бирлашибина инсон баҳтга эришиши мумкин. Шундай қилиб, Августин фалсафада илоҳиёт учун катта йўл очиб берди.

Августиннинг бутун фалсафаси ягона, мутлақ ва мукаммал Худо ҳақидаги таълимотда акс этади. Дунё аҳамиятли нарса эмас, у фақат соя, шарпадир. Худосиз ҳеч нарсани қилиб ҳам, ҳеч нарсани билиб ҳам бўлмайди. Табиатда Илоҳининг иштирокисиз ҳеч нарса содир бўлмайди. Августиннинг дунёқарани натурализмни инкор этади.

Ягона Моҳият ва Ҳақиқат сифатидаги Худо метафизик таълимот мазмунини ташкил этади. Худо билимнинг манбаи сифатида билиш назариясининг предмети, Худо ягона эзгулик ва гўзаллик бўлгани учун ахлоқнинг предмети, Худо алоҳида қудрат ва меҳрибонлик соҳиби бўлгани учун диннинг предметидир. Худо фақат чексиз борлиқ бўлиб қолмасдан, балки мукаммал Ишқдир. Афлотунчилар ҳам шу тариқа назарий фикр юритганлар, лекин Худо уларда алоҳида моҳият сифатида тушунилмасди. Афлотунчиларда Худо ягона илоҳиётнинг эманацияси (нурланиши), табиий жараённинг зарурий натижаси бўлса, Августинда афлотунчилар монизмидан фарқли тарзда дуализм намоён бўлади. Августинда Олам – Худо иродасининг маҳсули. Афлотунчиларда Худо ва олам ягонадир.

Августин таълимотича, Худонинг ихтиёрий фаолияти маҳсули бўлган олам оқилона тарзда яратилган. Худо

уни ўз шахсий ғояси билан яратган. Христиан платонизми Платоннинг ғоялар ҳақидаги таълимотининг августинча талқннидир. Августин таълимотича, Худода реал дунёнинг идеал образи яширингган.

Ишк тушунчаси бўйича Августин монах Пелагий билан баҳслашди. Бу баҳс иррационалистик ва рационалистик оқим вакилларининг христиан ахлоқи масаласидаги тўқнашув эди. Пелагий антик давр рационализмидан келиб чиқиб, дастлаб гуноҳ тушунчаси булғанлигини инкор қилди. Унингча, Одам гуноҳлардан холи туғилади. Унинг гуноҳлардан тийилиши ва ҳузур-ҳаловатда яшаши учун черков бош қотириши шарт эмас. Пелагийнинг бу таълимоти христиан черковининг ғоявий тамоийларига очиқдан-очиқ ҳужум эди. Августин Пелагийнинг бу таълимотига қарши чиқиб, тақдир ҳақидаги таълимотни тушунтиради: Одам Ато биринчи инсон сифатида озод ва гуноҳсиз туғилган. У Худо иродаси бўйича ҳаракат қилиб мангу ҳаётга эришиши мумкин эди. Лекин шайтон васвасаси билан Одам Ато табиатида рўй берган ҳирс-ҳавас одамзотни азобга дучор этди. Натижада, гуноҳ ва ўлим инсониятга ҳамроҳ бўлиб қолди. Улар ўз гуноҳлари учун албатта жазоланадилар.

Узгармас, абадий моҳият сифатидаги Худо ва ўзгарувчан, ўлимга маҳкум нарсалар ўртасидаги қарама-қаршиликларни талқиқ қилиш натижасида Августин замон масаласига тўхталади. Бу масалада Августин замонни осмоний сфералар ҳаракати билан боғлаб кўювчи антик давр файласуфлариға қарши чиқади. Унингча, осмон сфералари ҳам Худо томонидан яратилган. Замон ҳаракат, ўзгариш ўлчовидир. Бундай ҳаракат ва ўзгариш ҳамма «яратилган» нарсаларга хосдир. Дунё яратилишидан илгари замон бўлмаган. У Худонинг яратувчанлик фаолияти маҳсали сифатида намоён бўлади. Нарсалар ўзгаришидаги ўлчов Худо фаолияти туфайли юзага келади.

Августин вақтнинг асосий категориялари бўлмиш ўтган, ҳозирги, келажак тушунчаларига ойдинлик ки-

ритишига харакат қилди. Унингча, ўтмиш ҳам, келажак ҳам алохидат мавжуд эмас. Уларни фақат ҳозирги замондан туриб тасаввур қилиш мумкин. Худди шу замон туфайли ўтмиш ски келажак ҳақида бирор тасаввурга эга бўлиш мумкин. Ўтган замон инсон хотираси билан боғланган, келажак эса орзуда мужассамлашгандир. Ўтмишини ҳам, келажакни ҳам ҳозирги замонда гуриб тасаввур қилиш илоҳий исъмат эканлигидан далолат беради. Худода ҳамма вақт – ҳозирги, ўтмиш ва келажак мужассамланган. Худонинг мутлақ абадийлиги ва моддий, инсоният табиатининг ўзгарувчалиги, ўткинчилиги ўртасидаги қарама-қаршилик Августин томонидан ишлаб чиқилган христиан дунёқаранинг асоси бўлиб қолди.

Августиннинг йирик апологетик асарларидан бири «Илоҳий салтанат ҳақида»ги рисоладир. 410 йилда Аларих томонидан Римнинг хонавайрон қилининиидан ваҳимага тушган кўпчилик, бу фалокат римликларниш эски динларидан воз кечиб, христианликни қабул қилганликлари учун юз берди, деб ҳисобладилар. Августин ўз дўсти Маркеллиннинг илтимоси билан бундай қараашларга зарба бермоқчи бўлди. Унинг таъкидлапича, давлатининг равнақи эски кўпхудолик дини туфайли бўлмаган, чунки римликлар христианликни қабул қилгунларига қадар ҳам мағлубиятлар учун, абадий фаровонликка эришини учун Рим Худоларига сифинишлари зарур бўлмаган. Августиннинг фикрича, муширикларниш Худолари моддий ҳаётда ҳам, маънавий ҳаётда ҳам бирор ёрдам беришдан ожиз бўлганлар.

Августиннинг бу асарида ўзига хос тарих фалсафаси ишлаб чиқилган. Унда Августин икки шаҳар – Илоҳий ва Дунёвий шаҳар моҳиятини гаҳлил қиласди. «Худо шаҳри» Худога муҳаббат билан ўзаро бирлашган одамлар ва самовий жонзотлардан иборат. Дунёвий шаҳарда ўзига бино қўйган, нафсга берилган, шуҳратиааст жонзотлар яшайди. Шаҳарлар ҳақида гапиргандада, Августин Рим

империясини назарда тутмайды. Унинг қараашлари универсал характерда бўлиб, ўша пайтда кенг тарқалган, тарих қайтарилишлари (цикллар) билан ривожланади, деган қараашларга қарши эди. Августин бу икки шаҳар ҳаёти мисолида инсоният тақдирини курсатиб беришга ҳаракат қиласиди. Қисматдан кейин Илоҳий шаҳар аҳолиси фароғатли ҳаётга эришади, дунёвий шаҳар аҳолиси эса, аксинча, азоб-уқубатларга дучор булади. Августиннинг таъкидлашича, бу шаҳарлар фуқаролари тақдиридаги босқич, ҳар икки хил ҳолатда ҳам, вақтичча, зарурний эмас ва у Худо иродаси билан тугатилади.

Августиннинг фикрича, юон тарихчилари инсоният ҳаёти тараққиёти ривожига оид қараашларида буни ҳисобга олмаганилар. Худо тарих устидан ҳукмронлик қиласиди, унга бўйсунмайди (кейинчалик буни Гегел ҳам айтган эди). Тарих қайтариқлар билан эмас, тўғри чизиқ бўйлаб ривожланади. Худо тарихни яратгунга қадар ўз онгидаги маълум вақтда амалга ошириладиган режага эга бўлган. Бу режага кўра срдаги икки шаҳар ўртасида кураш бўлиши керак. Режа тарихий ривожланиш чегарасидан ташқарида мавжуд ғайритабиий қуч томонидан амалга оширилади. Августин тарих тараққиётида ҳамма одамларнинг «умумийлиги» ва «яккалиги»ни кўради. Масалан, агар Геродот форс урушида фақат юонлар ва форслар ўртасидаги курашни кўрган бўлса, Августин бундай кураш бутун инсон ирқига хослигини таъкидлайди. Бундан ташқари, унинг фикрича, зиддият фақат ахлоқий ва маънавий жабҳада авж олиб боради. Буни эзгулик ва ёмонлик ўртасидаги курашда кузатиш мумкин. Бу курашда Худонинг ипоюти одамлар томонида булади. Бу курашнинг энг авжи гуноҳларининг кўпайган пайтига тўғри келади. Икки шаҳар ўртасидаги кураш Илоҳий шаҳар ғалабаси фойдасига ҳал булади. Августиннинг фикрларида монийликнинг, қолаверса, Зардушт ғояларини кўриш мумкин.

II КИСМ
**ЎЗБЕК МУМТОЗ АДАБИЁТИНИНГ ИСЛОМИЙ
САРЧАШМАЛАРИ**

ИСЛОМИЙ ИЛМЛАР

Ўзбек мумтоз адабиётининг салмоқли қисмини диний-дидактик ва фалсафий-мистик адабиёт ташкил этади. Улардаги ғояни тўғри тушунин ва таҳлил қилини биринчи павбатда, муаллиф позициясини аниқлашдан бошланади. Диний-дидактик мавзуларда ёзилган бизга етиб келгап юзлаб қўлёзма достонлар, қисса ва нақллар борки, уларниң қаҳрамонлари мусулмонлар учун эъзозли зотлар бўлиши мумкин (масалан, Ҳазрат Али, Ҳасан ва Ҳусайн қаби). Сўз юрттилаётган мавзу ҳам исломий бўлиши табиий. Аммо мумтоз адабиёт тадқиқотчиси шуни упутмаслиги лозимки, ҳар бир яратилган адабиёт муайян ижтимоий гуруҳининг маифаатларини ифодалайди. Мовароунинаҳр ҳамиши турли динлар (ислом, христианлик ва яхудийлик), диний оқим (суннит ва шиа қаби) ва мазҳабларининг (суннит мазҳаблараро), кўпдан-кўн одил ва ботил тариқатларининг махфий рақобат майдони бўлиб келган. Ҳар бир ижтимоий гуруҳининг ўз ижодкорлари, эпик ва лирик адабиёти бўлган, албатта. Ушбу адабиётлар форс ёки туркийда Шарқ бадиияти қонуни-қоидаларига мувофиқ ёзилгани туфайли замонавий оддий ўқувчи уларда илгари сурилаётган ғояни аниқ сезмаслиги мумкин. Аммо мумтоз адабиёт тадқиқотчиси асар ғояси ҳақида юзаки хулоса чиқармаслик учун, аввало, ислом дини моҳияти, унинг илмлари ҳақида етарли тасаввурга эга бўлиши, асарда ишлатилган диний-акидавий, фалсафий-мистик истилоҳларининг маъносини билиши ва қайси даврда, қандай мафкуравий мухитда яратилганини аниқлаши лозим. Масалан, христиан-

лар ваҳийни Аллоҳнинг инсон шаклида памоҳи бўлиши деб тасаввур қиласидилар. Яҳудийлар уни ўзларига берилган имтиёз деб тушунадилар. Ислом нуқтаи назаридан эса ваҳий Илоҳий ирода ва Амрдир. Инсондан ваҳий амрларига қатъий бўйсуниш ва илоҳий амрларни сўзсиз бажариш талаб қилинади. Христианликда худони севиш марказий ўринига қўйилса, исломда Худога бўйсуниш ва унга суюниш марказий ўрипда туради. Диший китобларда кўрсатилишича, Аллоҳ ваҳийси пайғамбарлар орқали инсонларга ибрат намунаси сифатида фаолият кўрсатгандар. Ўзигача мавжуд ҳаёт тарзи ва унинг қонун-қоидалари тизимиши ўзгартириши лозим бўлган пайғамбарлар расуллар ва зиммасида бундай вазифаси бўлмаган пайғамбарлар набийлар дейилади.

Ислом шариатининг асосий маибатари – Куръон, суннат (ҳадис) ва фатволардир. Фатво ижмоъ ва қиёс асосида чиқарилган ҳукм бўлиб, мусулмонлар учун қонуни кутига эгадир.

Куръон. Қуръони карим – Аллоҳнини Мұхаммадга ваҳий орқали нозил этилган охирги китобидир. Бу китоб олдинлар Иброҳим, Мусо ва Исо пайғамбарлар айтиб қолдирган хабарларни тасдиқлади. Ҳадисларда келтирилишича, пайғамбарларнинг зиммасига юқлатилган илоҳий вазифа одамзодининг маънавий-руҳоний камолотига халақит берадиган барча нуқсонларни гузатиш ва уларни хидоятга йўлламоқдан иборат бўлган.

Куръони каримда айтилади: «(Бу Қуръон) Раббинигиз томонидаи (келган) Ҳакиқатдир. Бас, хоҳлаган киши имон келтирсан, хоҳлаган кимса кофир бўлсин» (Каҳф сураси, 29-оят). Қуръони карим динга зўрлаб киритишини таъкидлайди. Инсонга ихтиёр эркинилиги берилиган. Чунончи, унда айтилади: «Динда зўрлаш йўқ» (Бақара сураси, 256-оят). Шу тариқа, одамзодга ёмон феъл-атвордан қутулиш, жамиятда адолат ва тепглик ўрнатиш учун имконият бериб борилган.

Қуръон – (арабча «қироа» – «үқимок» феълидан ясалған) Аллоҳ таолонинг барча амрларини ўзида акс эттирган муқаддас китобдир. У 114 сура и 6666 оятдан иборат (Замахшарий бўйича). Ҳанафий мазҳабида 6236 оят деб ҳисобланади. У ўқиши, ўрганиши ва ўқитиш ишларини осонлаштириш учун 30 шорага (қисмга) бўлиб, китобат қилиниши мумкин. Ушбу китоб исломнинг биринчи ва асосий маңбасидир.

Китоб «Ал-Фотиҳа» сураси билан бошлиниб, «Аи-Нос» сураси билан тугайди. Қуръони карим дастлаб най-ғамбарнинг котиблари томонидан турли ёзишига яроқли нарсаларга ёзиб борилди. Муҳаммад алайхиссалом ва-фотидан сўнг унинг тарқоқ ҳолдаги сура ва оялари Халифа Абу Бакр Сиддиқ томонидан китоб (мусҳаф) ҳолига келтирилди. Бу ишда Расулуллоҳнинг котиби Зайд ибн Собит бош бўлди. Халифа Усмон даврида эса мусҳаф етти нусхага кўпайтирилиб, бири Мадинада қолдирилди. Қолганлари Макка, Шомга, Яманга, Баҳрайнга, Басра ва Куфага юборилди. Халифа Али ибн Абу Толиб даврида Абул Асвал Дуалий исмли олим Қуръоннинг ўқилишини осонлаштириш мақсадида унга нуқта ва ҳаракат белгиларини қўйган.

Оялар мазмун-моҳиятига кўра уч қисмга бўлинади:
Тавҳид оялари. Аллоҳнинг ягоналигига далил бўлган ақидавий оялар. Бу ояларниң кўпчилиги Маккада нозил бўлгани учун «Маккий оялар» дейилади.

Шариат аҳкомларига оид оялар. Уларнинг аксари Мадинада нозил бўлгани учун «Мадиний оялар» деб аталган.

Пайғамбарлар ва динлар тарихи ҳақидаги оялар. Уларнинг баъзилари Маккада, баъзилари эса Мадинада нозил бўлган.

Сон жиҳатидан Маккий оялар 4780 та, Мадиний оялар 1456 тадир.

Қуръони каримда эътиқод, дин, ахлоқ, маданият ва тарихий масалаларга оид қоида ва меъёрлар аралаш кел-

тирилган ва шу билан бошқа самовий китоблардан фарқ қиласи. Уларни қўйидаги уч туркумга бўлиш қабул қилингандан:

1. Эътиқодга тааллуқли қоида ва меъёрлар. Бунга мусулмон киши эътиқод қилиши лозим бўлган нарсалар киради. Чуончи, Аллоҳга, унинг фариштагарига, Китобларига, иайғамбарларига, Қиёмат кунига, ўлгандан ксийин тирилишга ишониш ва ҳоказо.

2. Ахлоққа тааллуқли қоида ва меъёрлар. Бунда киши қандай гўзал хулқларга эга бўлиши ва қандай ярамас иллатлардан қочиши лозимлиги кўрсатилиган.

3. Амалиётга оид қоида ва меъёрлар. Булар инсоннинг ишлари ва сўзларига тааллуқли ҳукмлар бўлиб, ислом қонуншунослиги шуларга асосланади. Амалиётга оид қоидалар икки турга бўлинади:

Ибодатга тааллуқли ҳукмлар. Буларга намоз, рўза, закот, ҳаж, қасам кабилар кириб, улар инсоннинг диний фаолиятини тартибга солади.

Муомалага тааллуқли ҳукмлар. Одамлар ўргасидаги муомала, олди-сотди, гаров, ижара каби ҳастий-хўжалик масалалари, жиноят ва жазо қоидалари.

Суннат (Ҳадислар). Исломнинг иккинчи манбаси ҳадислардир. Пайғамбаримиз айтган ҳар бир панд-насиҳат ёки маъқуллаган иш ҳақида гапирилганда, уларни «суннат», баъзан «ҳадис» ёки «хабар» дейин расмдир. «Суннат» сўзи арабча «санна» феълидан ясалган бўлиб, «йўл» маъносини билдиради. Куръони каримда «суннат» ибораси 17 бор такрорланган бўлиб, улардан Аллоҳнинг ҳукмлари, буюрган ва ман қилган ишлари англашилади. Истилоҳ маъносида «суннат» – пайғамбар алайҳис-саломнинг сўзлари, ҳаракатлари, тақрирлари (пайғамбар эътироҳ билдиримаган нарсалар) ёки пайғамбарлик давридан бошлиб вафотигача барча хулқий сифатлари ҳақида сахобалар ёки тобеинлар баён этган маълумотлардир. Ҳамма суннатлар ҳадис ҳисобланган, лекин барча ҳадислар ҳам суннат бўлавермаган.

«Ҳадис» сўзининг маъноси бир нечтадир. «Ҳадис» сўзининг бир луғавий маъноси «янги» демакдир. Яна бири «айтилган сўз, ижод этилган хабар» маъносини билдиради. Бунинг моҳияти шундан иборатки, ҳар бир айтилган хабар том маънода янги бўлиб, олдин бундай хабар эшигилмаган. Истилоҳ сифатида «ҳадис» пайғамбар алайҳиссаломнинг сўzlари ва панд-насиҳатларини, шунингдек, турли шароитларда мусулмонларга ибрат намунаси сифатида кўрсатган амаллари (ишлари), феъл-атвори ва ахлоқи ҳақидаги ривоятларни англатади. Ҳадислар Расулуллоҳ даврнинг жонли гувоҳлари бўлган саҳобалар ва тобеинлар томонидан ривоят қилинган. Саҳоба (бирликда «саҳобий», кўпликда – «саҳоба», «асҳоб») деб Мұҳаммад пайғамбарга ислом динини ёйишда ёрдамлашганларга, ваҳий келган илк даврлардан бошлиб пайғамбарнинг суҳбатлари ва юришларида иштирок этган мусулмонларга «тобеинлар» деб, Пайғамбарни кўрмаган ёки унинг суҳбатларида иштирок этмаган бўлсалар-да, саҳобаларнинг суҳбатида бўлган, уларнинг таълимларини олган мусулмонларга айтилган «табаа ат-тобеин» атамаси эса тобеинларнинг шогирдларига нисбатан қўлланилган.

Пайғамбарлик даври воқеалари, шунингдек, пайғамбар алайҳиссаломнинг қирқ ёшгача бўлган ҳаёти ҳақидаги маълумотлар ҳам ҳадислар сирасига киради.

Суннат ва ҳадис тушунчалари орасида муайян фарқ булиб, ҳадис суннатга нисбатан кенг қамровлидир. Биринчидан, суннатга Мұҳаммад алайҳиссаломниңг пайғамбарлик давридан олдинги ҳаёти ҳақидаги ва унинг шаклу шамойили ҳақидаги маълумотлар кирмайди. Ҳусусан, ул зотнинг қиёфаси. қадди-қомати, сочи, қандай гаомларни яхши-ёмон кургани суннат сирасида саналмайди.

Ҳадислар икки қисмдан – санад ва матидан ташкил топади.

Санад – Пайғамбар алайҳиссаломга тегишли маълумотни далиллаш йўли. «Ровий» деб шу ҳадисни ривоят қилувчи манбага айтилади.

Санад – ровийларнинг силсиласидан ташкил тоғган. Ҳадисни илк бор айтган манба «Қоил» дейилади. Ровийларнинг энг сұнггисидан «Қоил» гача күрсатыб беріш ҳадисининг исноди дейилади.

Матн. Мұхаммад пайғамбарга тегишли маълумот ҳадиснинг матнида акс этади. Мати мазмунини панд-насиҳаттар, буйруқтар, турли диний ва дүиёвий масалалар бүйіча күрсатмалар, қонуи-қоидалар, мусулмонларнинг кундалик мәиший, шахсий ва оиласыви мұаммоларига доир маслаҳаттар, тарихий воқеалар ва илоҳиёттә оид қараашлар ташкил этади.

Ҳадислар үз навбатида иккі тоифага – құдсий (ал-ҳадиис ал-құдсий) ва пайғамбар ҳадисларига (ал-ҳадиис ал-набавий) бүлинади. Құдсий ҳадислар пайғамбар алайҳиссаломнинг тили билан айтилған, аммо Құръони каримда зикр этилмаган Аллоҳ үгитларига нисбатан құлланади. Бундай ҳадислар «Аллоҳ таоло айтадики...» («қола Аллоҳ таоло, қола Аллоҳ азза ва жалла») иборалари билан бошланади.

Құдсий ҳадисларда шариат масалалари ва ақомлары учрамайды. Улар инсон маънавий салоҳиятини оширишга тааллуқлы тавжих (йүл-йўриқ күрсатиши) хабарларни үз ичига олади.

Дастлабки ҳадислар пайғамбаримиз саҳобалари томонидан тарғиб килинганилиги учун, шубҳасиз, тұғри ҳисобланған. Саҳобаларнинг вафоти туғайли ҳадисларни инсонларға етказиши ишлари уларнинг издошлари, яғни тобеиндер томонидан давом өттирилди.

Йиллар үтгач, уларнинг ҳам сафи камайды. Шунда, ҳадислар билан тобеинларнинг шогирдлари – таба ат-тобеинлар шуғулландилар. Миср, Шом, Ҳижоз, Ироқ, Хуресон, Марв, Мовароунахр каби үлкалар ҳадис илми кенг тарқалған мінтақалар ҳисобланып, шу боисдан ҳам бу жойлардан күпдан-күп мұхадислар етишиб чиққан. Мовароунахрда пайғамбаримиз ҳадисларини жамлашыра ҳаракат қылған илк мұхадис Имом Абдуллоҳ ибн Муборак ал-Марвазий ҳисобланади.

Таба ат-тобеинлар сафининг йилдан-йилга камайиб бориши муайян бир даврга келиб, ҳадисларни авлодларга етказиши занжирининг узилишига олиб келди. Ҳадислар ҳар хил ўзлаштирилганлиги сабабли ҳар хил маънога эга бўлган тўпламлар пайдо бўлди. Бу, ўз навбатида, ҳадисларниң келиб чиқиши тарихини ўрганиш, уларни классификациялаш асосида тўпламлар тузишига қаратилган мактабларниң шаклланишига олиб келди.

IX асрда, пайғамбаримиз вафотидан 200 йил ўтиб, ҳадис тўпламларини жиддий қайта кўриб чиқиши, ҳадисларни иуқсонлардан тозалаш ва асл (саҳиҳ) ҳадисларни йигиш ишлари бошланди. Бу ишда ватандошимиз Имом Бухорийниң хизмати жаҳоншумул аҳамиятга эга бўлди.

Имом Бухорийниң «Ал Жомеъ ас-Саҳиҳ» китоби ишончли тўплам сифатида Қуръондан кейин мурожаат этиладиган иккинчи асосий манбага айланди. Тўплам 16 йил давомида шаклланган бўлиб, 9087 ҳадисдан иборатдир. Шундан 7397 таси тақрорланиб келмайдиган асл ҳадисдир.

Фатволар. Ҳар бир давлат ва жамиятда бўлгани каби Мұхаммад алайҳиссалом раҳбарлигига ташкил этилган ислом шаҳар-давлати – Мадинада ҳам давлат ва фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий асосларини яратиш ишлари олиб борилган. Жумладан, фуқароларниң ҳақ-ҳуқуқлари Пайғамбар томонидан белгилаб берилиди. Мұхаммад пайғамбарниң вафотидан кейинги даврларда ислом давлатининг улкан империяга айланиши оқибатида давлат раҳбарлари фуқароларниң содир этган жиноятлари, исломга хилоф хатти-ҳаракатлари, шунингдек, никоҳ ва талоқ, мерос бўлиши, тўғри ибодат, солиқ, дин ва давлат ўртасидаги муносабатлар каби масалалар юзасидан муайян қонунлар қабул қилишига мажбур бўлганлар. Қонунлар, биринчи навбатда, Қуръони каримга асосланиши керак эди. Агар унда аниқ жавоб топилмаса, суннат ва ҳадисларга мурожаат қилинар эди. Ҳадисларда ҳам масаланинг ёчими топилмаса, у ҳолда ислом

олимлари биргаликда Қуръон ва суннатга зид бўлмаган бир қарорга келиши мумкин бўлган. Ҳукмнинг бундай тарзда чиқарилишига «Ижмо» (қасд қилмоқ, биргаликда, жам булиб ҳукм чиқариш) дейилади. Ижмо натижасида қабул қилинган ҳукм, одатда, Фатво деб аталган. Бироқ, жамият тараққиёт этгани сайин янада мураккаб ва ҷалқаш муаммолар пайдо бўла бошлаган. Уларнинг счими юқоридаги манбаларда топилмагач, олимлар мазкур манбалардаги ўхша什 ҳолатлардан келиб чиқиб, Қуръони карим ва Пайғамбар суннатига хилоф бўлмаган шаклда янгича фатво берганлар. Қонунчиликнинг бундай усули «Қиёс» деб аталади.

Юқорида кўриб чиқилган манбалар, ислом динида «муттрафақ манбалар», яъни унинг ҳукмларига барча мазҳаб вакиллари ҳамфикр бўлган манбалар дейилади. Улар ҳукмларнинг асоси (усул ал-аҳком) ҳисобланади. Шунингдек, турли мазҳаблар олимлари томонидан ўз мазҳаблари учун чиқарган алоҳида ҳукмлар ҳам борки, фақат ўша мазҳаб ичида қонун кучига эга бўлиб, улар «мухталаф манбалар» дейилади.

Нақлий ва ақлий илмлар. Исломдаги бағрикенглик, бошқа халқларнинг маданиятини ҳурмат қилиш, ўзга юртдаги олимларни эъзозлаш, инсон зотини ирқи ва динидан қатъи назар қадрлаш ғоялари исломда диний ва дунёвий илмларнинг бирдек ривожланишига олиб келди. Мумтоз исломий илмлар икки турга бўлинади. Бири нақлий ва иккинчиси ақлий илмлар дейилади. Нақлий илмларга Пайғамбар алайҳиссалом ўрнатган диний қонун-қоидалар, ҳукмлар, ибодат тарзи, расм-руссумларга бағишиланган илмлар мажмуи киради. Унда дин моҳияти, унинг жамиятдаги ўрни муқаддас китоб – Қуръони карим ва Муҳаммад алайҳиссалом ҳадислари диний ривоявлар асосида очиб берилади. Бунда, асосан, Қуръони каримнинг зоҳирий маъносига суюнилади. Худонинг тузилишини англашга ҳаракат қатъиян қораланади. Фақат унинг буйруқларини бажариш, ибодат қоидала-

рига қатъий риоя қилиш талаб этилади. Ортодокс ҳисобланувчи христианларнинг православ оқими ҳам Исо пайғамбар таълимоти ва Инжил матнидан бошқа бирор диний хукм ва фатвони тан олмайди. Нақлий илмларга тағсир, ҳадисиунослик, фикқ илми кирган. Тил ва адабиёт, Қуръон қироати ва ваъзхонлик каби нутқ санъати билан боғлиқ соҳалар, тарих, география ҳам нақлий илмлар сирасига киритилган.

Хорун ар-Рашид даврида Аббосийлар давлати қулратли салтанатга айланди. Умавийлар Византия ҳукми остида бўлган Европадан бўлак юонон тафаккури таъсирида бўлган катта ҳудудда ҳукмрон бўлсалар, аббосийлар ҳукмронлиги остига нафақат Сурия ва Миср, балки бутун Эрон ва Марказий Осиё ўтди. Аббосий халифалар диний билимларни шарҳлаш ва чуқурлаштириш заруратини ҳисобга олиб, таржима ишини ривожлантирилдилар. Юонон, ҳинд, паҳлавий тилидан турли фанларга оид асарлар араб тилига таржима қилинди. Натижада, исломда ақлий илмлар ривожига кенг йўл очиб берилди. Маъмун академиясининг ташкил қилиниши (832 йил) юонон тафаккури таъсир доирасининг янада кенгайишига, ислом фалсафаси, тиббиёт ва астрономия фанларининг ривожига сабаб бўлди. 750–1000 йилларгача кўпгина асарлар тўғри юонон тилидан, баъзилари сурёний манбалардан таржима қилинди. Бу цивилизация IX–XI асрлар давомида ўзининг юқори нуқтасига кўтарилди.

Ақлий илмлар илоҳист, мантиқ ва фалсафа билан боғлиқ илмлардан иборатdir. Унга биринчи навбатда қалом, фалсафа, тасаввуф илмлари киради. Қалом илми ўзининг мураккаб тарихига эга. У ривожланиш жараёнида шариат илмлари туркумига киритилганки, бу ҳақда ўз ўрнида сўз юритилади.

Инсон ақлий салоҳияти маҳсули бўлган табобат, кимё, маъданлар илми, риёзат илмлари (математика, геометрия, астрономия) каби фанлар ҳам ақлий илмларнинг таркибий қисмини ташкил этади.

Қироат илми. Имом Бухорий ва Имом Муслим риво-ят қылган бир ҳадисда шундай дейилади: «Қуръонни ма-ҳорат билан ўкувчи (арабчада «қори») улуғ фаришта-лар билан биргадир. Қорига Қуръонни қийналиб ўқий-диганларга нисбатан икки ҳисса ажр берилур». Шу са-баб мусулмонлар ичидаги Қуръони каримни түғри ва ғузал ўқишига интилиш алоҳида илм сифатида қарор топған. Ўқиши қоидаларини ўз ичига олған Тажвид санъати иш-лаб чиқилған. Қироат тажвид қоидаларига асосан амал-га оширилиши шарт. Ислом тарихида Қуръонни егти хил усулда қироат қилиш қабул қилинганды. Уларнинг асос-чилари қуйидагилардир:

Абдуллоҳ иби Касир ал-Маккий ал-Қурайший (ваф. 742 йил). У тобеинлардан. Маккада вафот этган.

Нофөй иби Абдурраҳмон иби Абу Наим ал-Исфаҳо-ний ал-Маданий Мадинада 791 йил вафот этган.

Абдуллоҳ иби Омир ал-Қозий ад-Дамашқий. Тобеин-лардан. Дамашқда вафот этган.

Абу Амр иби Ало ал-Басрий 779 йилда Куфада вафот этган.

Осим иби Абинужуд ал-Куфий 750 йилда Куфада ва-фот этган.

Ҳамза иби Ҳабиб иби Имора ат-Таймий ал-Куфий (в. 778).

Али иби Ҳамза ал-Асадий ал-Кисоий (в. 811).

Ҳадис илми. Ҳадис илми саҳоба ва гобеинлар даврида мукаммал илм шаклига кирмаган эди. Ҳадислар оғзаки равишда устозларнинг шогирдларга ўргатиши орқали кейинги авлодларга етказиб борилған. Саҳобалардан сўнг тобеинлар, улардан кейин табаъ тобеинлар ҳадис-ларни ривоят қилиш билан шуғулланғандар. Муайян вақт ўтгач, габаъ ат-тобеинларнинг камайиб кетиши оқибатида ҳадис ривоятидаги узлуксизлик запжири узилди. Аста-секин ҳадислар нодиоҳларнинг хоҳиши-эътибо-ри ва ҳаракатларини қонунийлантиришинга бўлған ури-нишлар ва турли минтақалардаги шарт-шароитларга

мосланиширилиш оқибагида асл қиёфасини йўқота бошлиди, турли ёлғон ва тўқима ҳадислар кўпайиб кетди. Ислом уламолари бу ишнинг оқибати ёмон бўлишини сезиб, тўғри (саҳиҳ) ҳадисларни тўқималаридан ажратиш бўйича илмий изланишлар олиб боришга мажбур бўлдилар. Натижада, ҳадисшунослик мактаблари юзага келди. Уларда саҳиҳ ҳадисларни йифиши, санад ва иснодлари билан китоб шаклига келтириш ишлари бошланди. Китоб-тўпламларнинг «Жомеъ» (мавзулар асосида тартибланган), «Муснад» (мавзуларга риоя қилиш шарт бўлмаган) ва «Муъжам» (муаллиф замондошларидан бўлган ровийлар ҳам илова этилган тўплам) шакллари пайдо бўлди. Ҳадислар узлуксиз (мутавотир) ва тоқ (оҳод) ҳадисларга, улар ҳам ўз навбатида бир неча турларга бўлинди. Чунончи, мутавотир: лафзий (сўзлари ўзгартирилмаган) ва маъновий (воқеалар фарқли); тоқ: фариб (ровийси бир киши бўлган), азиз (ровийси икки киши), машҳур (иккидан зиёд ровийга эга) каби турларга ажратилиди. Машҳур ҳадислар яна ҳам конкретлаштирилиб, саҳиҳ (ишончли), ҳасан (маъқул), заиф (ишончли эканлигига кафолаг йўқ) каби бўлимларга бўлинди. Улар янада майда бўлакларга бўлиб кўриб чиқила бошланди. Шу тариқа, IX асрда ҳадисларни аниқлашнинг илмий усули яратилди. Ислом оламида ҳадисшунослик соҳасида энг эътиборли олти муҳаддис олимнинг асарлари эътироф этилган. Булар И мом Муҳаммад иби Исмоил ал-Бухорий (810–870) яратган «Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ» тўплами, И мом Муслим иби Ҳажжож (819–879) нинг «Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ», И мом Абу Исо ат-Термизий (824–892) нинг «Ал-Жомеъ ал-Кабир», И мом Абу Довуд Сижистоний (817–888) нинг «Ас-Сунан», И мом Аҳмад Насойи (830–915) нинг «Ас-Сунан» ва И мом Абу Абдуллоҳ Муҳаммад иби Можжа (824–886) нинг «Ас-Сунан» асарлариидир. Уларнинг ичида энг буюги ватандошимиз И мом Муҳаммад иби Исмоил Бухорий бўлиб, у 810 йилнинг 21 июлида Бухорода туғилган.

Миср, Шом, Ҳижоз, Ироқ, Хуресон, Мовароуннахр каби ўлкалар ҳадис илми кенг тарқалған миңтақалар ҳисобланиб, шу бойсдан ҳам бу жойлардан күпдан-күп муҳаддислар етишиб чиққан. Мовароуннахрда биринчи булиб пайғамбаримиз ҳадислари жамланған маҳсус тұпламни яратған муҳаддис Имом Абдуллоҳ иби Муборак ал-Марвазий(736–797) ҳисобланади.

Тафсир илми (*Құръон маъноларини шарҳлаш илми*). Тафсир лугатда изохлаш, равшанланыптириш маъносидә келтирилған. Бу илм зарурат юзасидан, объектив суратда шаклланған илмдір.

Құръон араб тилида нозил бўлғани билан унинг фасоҳатли, гўзал иборалар, ташбеҳ ва истиорага бой тили оддий авом араблар учун кўп ўришларда тушуниарсиз бўлган. Айни пайтда, ояти каримадан англапшилган зоҳирий маъни турлича тушунилған ва бу саҳобалар ўртасида турли баҳслар чиқишига олиб келганд. Мұхаммад алайҳиссалом даврида бундай тушунмовчиликлар Пайғамбар алайҳиссаломниң бевосита ўзидан сўраш орқали ҳал қилинганд. Бироқ Расули акрамининг вафотидан сўнгги даврда диний раҳнамолар юзага келган баҳсларда тушунмовчиликларни счиб бериш масъулиятини бўйинга олишга иккилангандар. Шу тариқа, Құръон маънолари тушунтирилған илмий китобларга эҳтиёж сезила бошлианди. Натижада, кўплаб тафсир китоблари яратилди. Тафсирлар тадқиқ усулига кўра бир неча турга бўлинади. Айрим тафсирлар «тафсир бир-ривоят», яъни ҳадисларга асосланған тафсир деб исомланади. Улар ҳадис китобларининг бир турига ўхшар эди. «Тафсири Табарий» шундай тафсирлардан ҳисобланади. Кейинги тури «тафсир бид-дироят», яъни мантиқ билан қилинганди тафсир дейилади. Уларда мантиқий фикрлар шустуворлик қылгапи учун ҳам шундай исомланғанди. Байзовий, Замахшарий каби манихур олимларини тафсирлари ана шундай тафсирлар сирасига киради. Шунингдек, тафсир қилишининг яна бир неча усуллари бор. Масалан, Қуръ-

онни Таврот ва Инжил воситасида тафсир этиш, Қуръонни ижтиҳод билан тафсир қилиш усуулари машҳурдир.

Маълумки, Қуръондаги айрим оятларда қисқа ёки ишора тарзида келтирилган воқеалар ёки маънолар босқа оятларда кенгроқ берилади. Уларни бир-бирига муқояса қилиш натижасида кенг тушунтириш бериш «Қуръонни Қуръон билан тафсир қилиш» дейилади. Тафсир тили араб тилидир. Тафсирда Қуръони Карим оятлари эркин усулда тушунтириллади. Зарур жойда ривоятлардан фойдаланиллади. Оятларнинг тартиби ва чиқарилган маъноларнинг мукаммаллиги шарт эмас.

Барча усуулар Қуръони Карим, Ҳадислар, Ижмо ва Қиёс каби манбаларга асосланған бўлиши шарт. Шундай экан, бу усулда тафсир қилувчилар қўйидаги талабларга жавоб бермоғи шарт деб ҳисобланган:

Араб тилида луғатшунос бўлиши (тилшунос олим бўлиши).

Арабларнинг урф-одатларини яхши билиши (тарихчи олим бўлиши).

Яҳудийлик ва христианлик тарихини чуқур билиши (диншунос олим бўлиши).

Оятларнинг нозил бўлиш сабабларини билиши (Қуръон илмини тушунувчи олим).

Юксак ақлий салоҳият, ўткир фаҳм ва идрок соҳиби бўлиши лозим.

Ижмо ва Қиёс ижтиҳод орқали амалга ошади. Ижтиҳод билан қилинган тафсирга таъвил қилиш дейилади. «Таъвил» луғатда «қайтмоқ» маъносида келади. Демак, Тафсир Қуръондаги ҳар бир лафзни матндан англашилган маънода шарҳлаш бўлса, таъвил – Қуръони карим оятларини ижтиҳод билан, ботиний маъноларини юзага чиқаришdir.

Фиқҳ илми. Фиқҳ истилоҳининг луғавий маъноси «тушуниш, англаш»дир. Шариат нуқтаи назаридан, фиқҳ Алиюҳ таоло ўз пайғамбари орқали нозил қилган шари-

атни теран фаҳмламоққа айтилади. Бошиқача айтганда, Қуръони каримда ибодат ва муомалотга оид ҳукмлар, бир сўз билан айтганда, амалиётга доир қоида ва меъёрлар берилб үтилган. Фиқҳ илми уларга асосланади. Қуръони карим ва ҳадисларда очиқ ифодаланган фиқҳий қоида ва меъёрлар шаръий далиллар дейилади ва улар асосида ҳукм чиқариши фиқҳдир. Фиқҳ билан шуғулланадиган олимлар фақиҳ деб аталади. Фақиҳлар Қуръони карим ва ҳадислардаги ҳукмларни таснифлаб тўрт бўлимга бўлгандар. Улар қуйидагичадир:

Муомалот – фуқароларнинг ўзаро муносабатларига доир ҳукмлар.

Уқубот – таъкиқлар ва жазо меъёрларига доир ҳукмлар мажмуи.

Манокахот – Никоҳ масалаларига доир шаръий ҳукмлар мажмуи.

Ибодат – ибодатларнинг шакли ва мазмунига доир қоидалар мажмуи.

Ушбу тўрт бўлим саҳобалар ва тобеъинлар даврида Қуръон оятлари ва ҳадислар асосида тартиб берилган. Кейинчалик, ислом ҳудудларининг кенгайишни натижасида бошқа динга мансуб ҳалқларнинг исломга киритилиши, ўзга маданият ва эътиқодларнинг яшовчанлик кучи, ёт мафкураларнинг ислом асосларига зарба берини хавфи мусулмон мутафаккирларини янги билимлар манбанини қидиришига мажбур қилди. Иш шу даражага етдики, фиқҳ доираларида баъзи мутафаккирлар (масалан, Абу Ҳанифа) Қуръони карим ва ҳадисларга қўшимча равишда ижмо ва қиёс усуllibарини таклиф этдилар, хаётий тажрибага суюнишини тавсия қилдилар.¹⁹

Буидай усуllibарнинг пайдо булишига Расулуллоҳнинг қуйидаги ҳадиси асос бўлган: «Ҳазрат Али Расулуллоҳ-

¹⁹ Саййид Муҳаммад Хотамий. Ислом тафаккури тарихидан. 48-бет.

даи суради: «Қуръони карим ва ҳадиси шарифда ҳукми булмаган бирон иш содир бўлса, шима қиласиз?» Расулулоҳ жавоб берди: «Мўнишлардан бўлган олимларни тўпланиг ва ўзаро маслаҳат қилини. Бундай ишида бир кинининг фикри билан ҳукм чиқарманлар!» Диний илмларни чукур эгаллаган ва бу соҳада мустакил фикрга эга олимлар мужтаҳидлар дейилади. Ижмоъ усули билан ҳукм чиқаришида ана шу мужтаҳид олимларниг итифокликла қилинган қарорига суннилган. Қиёс усули эса ечими Қуръон оятлари ва ҳадисларда очиқ кўрсантилмаган ва, шунингдек, мужтаҳидлар томонидан ҳукми келтирилмаган ҳолатларда қўлланилган. Бунида барча олдинги ўхшаш ҳукмлар Қуръони карим ва ҳадиси шарифлардаги ишоралар асосида қиссан ўрганилиб, янги заманига қўйилган ва ҳукм чиқарилган. Ҳукмларни чиқариш усуллари ҳақида Абдулаҳҳоб Халлофнинг «Усул ал-Фикҳ» дарслигида Қуръони каримнинг Нисо сураси, 59-ояти маъносидан келиб чиқиб, «Аллоҳга итоат этиши»-дан Қуръонга эрганини тушунишини лозимлиги, Расулга итоат қилини суннатга эрганини эканлиги, ояти каримада «ўзларини издан чиққаи ишбошиларга (улул-амр) итоат этинглар» дейилини Расулулоҳ булмагандан уламоларга эрганини англаншишини таъкидлаган. Агар ишунда ҳам бирор масалада якдилликка эришилмаса, «қиёс» асосида мужтаҳид олимларниг «ижмоъ»сига суннаб чиқарилган ҳукм юкоридаги ояти каримада қатъий таъкидланганидек. Аллоҳ ва унинг расули ҳукмларига, яни Қуръони карим, ҳадиси шарифга зид бўлмаслиги лозим.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, замон ва давр ўтиб, шароит ўзгарди. Ислом давлати йирик империяга айлангач, Мадинада асос солинган илк ислом давлатидаги камбағал фуқаролар жамиятида табақалашув содир бўлди. Аҳолининг бойиган табақаси ҳаётида дунёвий турмуш тарзи устуворлик қила бошлади. Қуръон матнларини зохирӣ таъкин қилини кундалик турмуш

тарзига тұғри келмай қолди. Масалан, Қуръони каримнинг «Тавба» сураси, 34-оятида айттылған, ким олтингүй кумушни тұпласа ва уни Худо йўлида сарф қилмаса, «аламли азоблар» олажаги ҳақидағи хукмни тұғридан-тұғри тушуниш IX аср ислом жамияти ҳаётининг умумий тенденциясига тұғри келмас ва күн мунозараларии көлтириб чиқариши табиий эди. Ёки, дейлик, олинған да-ромадииң қирқдан бирини тұлаш ҳақидағи диний хукмда тилла иазарда туғилғанми ёки кумуны? Ёки ҳар иккаласидан ҳам шунчадан тұлаш көрекми? Бу ҳукм қиммат-баҳо тошларга ҳам тегиппесми ёки йүқми, деган саволлар пайдо бўлди. Шу ерда ҳуқуқий тизимда мантиқий ечимларга эҳтиёж туғилди. Фақиҳлар ичида халифа ва амирларнинг ҳомийлиги остида кун кечирадиган ва уларнинг манфаати йўлида хизмат қилишини ўз вазифаси деб билувчи гуруҳ ажралиб чиқа бошлади. Қуръон оятларини таъвил қилиши ишлари, дастлаб, шу сабабларга кўра бошланган кўринади. Аммо буидай уринишлар яигиликка қарши уламоларнинг ҳужумни а учради. Улар ўргасида баҳс-тортишувлар бошланди. Баҳслар доираси борган сайин кенгайиб, ижтимоий соҳаларни ҳам қамраб олди.

Шариат илмларининг кескин ривожи аббосийлар халифалиги даврида турли мазҳабларнинг шаклланиши билан боғлиқ. Мазҳаб бизнинг тушунчамизда секта маъносини ифодалайди. Уларни икки турға, ақидавий ва фикъий мазҳабларга буладилар. Биринчиси ақидавий бўлиб, унга қадария, хавориж, жабария, ашъария, мўътазила, карромия, муржия мазҳаблари киради. Улар ўз таълимотларида ислом ақидаси билан боғлиқ масалаларни күтариб чиққанлар ҳамда улар юзасидан баҳс қилиб, бир-бирлари билан муросасиз кураш олиб борганлар. Иккинчисига суннийлик оқимиға маисуб ҳанафий, моликий, шофеий ва ҳанбалий, шунингдек, шиа йўналишидаги жаъфарий, исмоилий ва зайдий мазҳаблари киради. Агар ақидавий мазҳабларда асосий баҳс эътиқод муам-

молари устида кетса, фиқхий мазҳабларда ҳуқуқий муаммолар бош масала бўлган. Фиқхий мазҳаблар ўзларининг асосчилари номлари билан аталиб, улар қўйида-гилардир:

Ханафийлар мазҳаби (асосчиси – Нуъмон ибн Собит Абу Ҳанифа (в. 767).

Моликйлар мазҳаби (асосчиси – Молик ибн Анас (в. 795).

Шофеийлар мазҳаби (асосчиси – Муҳаммад ибн Идрис аш-Шофеий (в. 820).

Ҳанбалийлар мазҳаби (асосчиси – Аҳмад ибн Ҳанбал (в. 855).

Фиқхий мазҳаблар ислом давлатининг турли жойларида пайдо бўлиб, ҳар бири ўзига хос ижтимоий-иқтисодий шароит ва маҳаллий урф-одатлар таъсирида ривожлангани учун бир-биридан фарқланади.

Аббосийлар даврида тўрт сунний мазҳаб ичида шарият масалаларини ечиш бўйича уламолар икки тоифага ажralганлар. Бири ҳадис аҳли (аҳл ал-ҳадис) аталиб, унга Молик ибн Анас, Имом Шофеий, Имом Аҳмад ибн Ҳанбал каби мазҳаббошилар ва уларнинг издошлари бошчилик қилдилар. Улар фиқхий ҳукмлар чиқаришда, асосан, оятлар ва ҳадисларга суюнганлар. Иккипчиси раъй аҳли (аҳл ал-раъй) бўлиб, шаръий масалаларни ҳал қилишда Қуръони карим ва ҳадислар билан бир қаторда мантиққа, яъни қиёсга кўнроқ эътибор бергандар. Имом Аъзам-Абу Ҳанифа ва унинг издошлари иккинчи тоифага мансубдирлар.

Уламолар ҳукм чиқариши қоидаларини ҳам ишлаб чиқиб, фиқҳшунослик фанига (усул ал-фиқҳ) асос солдилар.

Усул ал-фиқҳ қонуншунослик түгрисидаги фан бўлиб, ислом ҳуқуқининг турли соҳаларини ўрганади. Фиқҳ асослари (усул ал-фиқҳ) бўйича энг аввал пайдо бўлган асарлар сифатида Имом Аъзам Абу Ҳанифанинг «Фиқҳ ал-акбар», Молик ибн Анаснинг «Ал-Муватто», Имом

Аҳмад ибн Ҳанбалнинг «Ал-Муснад», Зайд ибн ал-Ҳасанинг «Мажмуъ ал-Фикҳ» асарларини кўрсатиш мумкин. Ҳанафий мазҳабида дастлабки факиҳлар Ином Аъзам Абу Ҳанифа, унини шогирдлари Ином Абу Юсуф, Ином Муҳаммад Шайбоний ва Ином Зуфар ҳисобланадилар. Ином Абу Юсуф ҳанафий мазҳабига мувофиқ биринчи фиқҳий асар ёзган олимдир. Ином Муҳаммад Шайбоний, манбаларда қайд этилишича, 990 та фиқҳий рисола ёзган экан. Унинг энг машҳурлари «Мабсут», «Жоме ус-сағир», «Жоме ул-қабир», «Сияр ус-сағир», «Зиёдот», «Китоб ал-Осор» асарлариидир.

Ином Муҳаммад ибн Идрис Шофеий фиқҳ қоидаларини ишлаб чиққан дастлабки олимлардан ҳисобланади. Ином Шайбонийнинг асарлари Шофеийга фиқҳ қоидаларини тизимлаштиришда катта таъсир кўрсатган. Ҳасрда ватандошимиз Қаффол Шоший томонидан Шофеий қоидаларининг такомиллантирилган варианти яратилиди. Яна бир ватандошимиз Бурҳониддин Марғиноний (в. 1197) фиқҳ илмининг Мовароуннаҳрдаги тараққиётини таъминлаб берган буюк олимдир. Унинг «Ал-Ҳидоя фи-л-фуруъ» (Фиқҳ соҳалари ҳақида Ҳидоя) асари ислом оламидаги энг машҳур асарлар сирасига киради.

Ақлий илмлар. Ақлий илмлар инсон тафаккури ва мантиқ йўли билан тажриба қилиш натижасида тўпланадиган билимлар мажмуи ҳисобланади. Динда ақлий илмлар, биринчи иавбатда, илоҳиёт билан боғлиқ равишда талқин этилади. Илоҳиёт (теология) илми – Ҳудо ҳақида ги таълимот бўлиб (христианликда католик ва протестант оқимларининг исломда калом ва тасаввуф намояндалариини қарашлари), ҳудо ҳақида кенга роқ тафаккур билан гапириши бу илмга хосдир. Илоҳиёт илмлари у ёки бу диннинг асосий ақидаларини, қоидаларини эркин таҳлил қилиши, илоҳий китблардаги ғояларниң яширин маъноларини тушунтириши ва уларни тарғиб этишига қаратилган. Шариат динни зоҳирий жиҳатларини (ақида, ибодат қоидалари, расм-русумлар) ўргатса, илоҳиёт

унинг ботиний жиҳатларини (мантиқий тафаккур орқали Худони таниш йўллари, илоҳий ишқ ва ҳ.) ўрганишига чакиради. Ҳар иккаласи диний ҳужжатларга асосланади.

Илоҳиёт баъзи жиҳатлари билан фалсафаға яқин турди. Ҳақиқат сирларини англай ва руҳоний-маънавий фаолият турлари бўлған фалсафа ва илоҳиётниң вазифасидир. Аммо илоҳиётни фалсафадан ажратади олиш лозим. Ҳўш, қанақа масалаларни фалсафа ўрганади ва қайсилари илоҳиётга тегишли?

Фалсафа соғ тажриба йўлига асосланади. Илоҳий борлиқ ҳақидағи ғояларни файласуфлар метафизик жараёнлар билан боғлайдилар. Фалсафа илоҳиётдан фарқли равишда, ҳамма нарсани шубҳа остига олади. Файласуфлар далилларни мантиққа асосланган мушоҳадалар воситасида келтирадилар ва диний ҳужжатларни тан олмайдилар. Борлиқ муаммоси ҳар иккаласи учун умумий ўрганиш объекти бўлса-да, Ҳудо моҳиятини ўрганиш соғ илоҳиётшунослик илмига тааллуқлидир.

Илоҳиётниң шаклланишида мистика – гайб илми катта ўрин тутади. Илоҳиётчилар мистик билиш орқали Илоҳий борлиқни қашф этиш мумкин, деб ҳисоблайдилар ва диний ҳужжатлар асосида фалсафий мушоҳада юритади. Илоҳиёт дин асосларини фалсафий истилоҳлар воситасида тушунтиришдир. Илоҳиёт таълимоти бўйича дин-ўзига хос, илоҳий ҳодиса, инсон ва Ҳудо ўртасидаги гайритабиий алоқадир. Шу тариқа дин илоҳиёт нуқтаи назаридан табиат ва инсондан ташқаридаги олам билан боғлиқ. Бир сўз билан айтганда, илоҳиёт – мистика ва фалсафий-мантиқий тафаккур йиғиндисидир.

Калом илми. Калом илми ҳам илоҳиётга тааллуқли илм. Унда файласуфларга хос ақлий-мантиқий тафаккур ва тажриба усули, шунингдек, шариат асосланадиган далил-ҳужжатлар, яъни Қуръони карим ва ҳадиси шарифлар уйнун ҳолда келади. Ҳар бир мулоҳаза дин асослари устига қурилади. Калом баҳс юритиш воситасида олиб борилади.

VII–VIII асрларда калом баҳсларини олиб борган кўпдан-кўп мактаблар бўлиб, улар дин асосларини тушуниришида, Аллоҳ зоти ва сифати, қазо ва қадар, иро-да эркинлиги масалаларини таҳлил қилишида чегарадан ўтиб кетгаилклари учун ҳам шариат томонидан ўз вақтида қораланған эдилар.

Калом илмининг мусулмонларга мос назарияси ва тизимини ишлаб чиқиши бағдодлик Абул Ҳасан Ашъарий (873–935) ва ватандошимиз Имом Мотуридий каби икки буюк олимга насиб этди. Калом илми, уларниң шарофати билан, фалсафий-диний фикрларни ўрганиш, ислом ақидаларига нисбатан ақлий-мантиқий мулоҳаза юритиш ва бидъат таълимотларга қарши кураш боскичларида шариат илмининг таркибий қисмига айланди. Улар «калом» услубидан фойдаланиб, бузғунчи ғояларга қарши курашдилар ва шариатни ҳимоя қилдилар.

Тасаввұф. Маълумки, Үрга Осиё халқлари маънавий ҳаётida ислом дини ва тасаввұф таълимотининг ўрни бекіс. Тасаввұф ғояларининг бевосита халқ онгу шуурига таъсири мұмтоз адабиёт мавзуу ва мазмунидан ҳам яқын сезилиб туради. Үзбек халқига хос күнгина хулқатвор, урф-одат ва расм-русумлар бевосита тасаввұф тариқатлари тарбиявий тизими сингдиргап нормалар асосида шакланаған. Тасаввұф ҳақида сүз юритганда, мактаб ва тариқат тушунчаларини бир-биридан фарқлаш лозим.

Тасаввұф мактабларининг пайдо бўлиши VIII асрда умавийлар ҳукмронлигининг охирги даврлари, күнроқ, аббосийлар сулоласи даврида жамият ва давлатда юз берган ижтимоий-сийссий ўзгарышлар билан алоқадордир. Диний доиралар үргасида авжға чиққан ақидавий ва фиқхий масалалар юзасидан кўтарилиған мунозара-баҳслар, ижтимоий-сийссий зиддиятлар ислом оламини турли фирмаларга бўлиб юборди. Уламолар орасида салтанат манфаатлари учун хизмат қилиш, дунё ҳою-ҳавасларига берилиш кучайди. Дунёвий ҳаётга муносабат масала-

сида уламоларнинг тутган йўлини қораловчи ва уларни пайғамбар йўлидан адашғанликда айболовчи уламолар тоифаси пайдо бўлди.²⁰ Улар фаол курашга интилмас, жамиятни тарк этиб хилватга кетиш, узлатга чекиниш орқали жамиятга бўлган нафратини ифодалади. Зоҳидлик давлатнинг дунёвийлашуви, жамиятнинг табақаланиши, дин пешволарининг дунёвий ҳою ҳавасларга берилиши, ислом уммати орасида тафриқанинг пайдо бўлиши, мазҳаблар ва турли оқимларининг шаклланишига исён тарзида вужудга келди.

Суфийликнинг пойдеворини қурган машҳур зоҳидларнинг бир нечалари тарихий китобларда қайд этилгандир. Жумладан, VIII асрларда яшаган Жаъфар Содиқ (в. 767), Абу Ҳошим ас-Суфий (в. 767), Шақиқ Балхий (в. 770), Суфён Саврий (в. 777), Абдуллоҳ ибн Муборак (в. 797), Фузайл ибн Аёз (в. 802) каби дин олимларини келтириш мумкин.

Суфийлар ҳис, илҳом, қалб билан билиш ғоясини биринчи ўринга қўйдилар. Уларнинг баъзилари диний ҳужжатларга суюниб, қайсиdir маънода мутакаллимларга яқинлашдилар. Шариат билан зоҳирни поклаш (диний илмлар, ҳадис ва фиқҳ олими булиш) суфийликният биринчи шарти деб эълон қилинди. Уларнинг етук намояндаси Ҳасан Басрий ҳисобланади. Бу даврларда «нир-мурид» – тарбия шакли бўлмаган. Борлиқ муаммоси, Аллоҳ ва одам муносабатлари, қазо ва қадар, куфр ва иймон масалалари каби метафизик ғоялар таҳлили устозлар томонидан шогирдларга умумий тушунтириш йўли билан суҳбатлар кўринишида сингдирилган. Зикр ва муроқаба техникаси ҳам ҳинд анъаналаридан ўзлаштирилган. Иброҳим Адҳам, Робия Адавия, Зуннун Мисрий, Суҳайл Тустарий, Муҳосибий каби тасаввуф мактаблари пойде-

²⁰ Бу ҳақда: Shaykh Fadhlalla Haeri. The Elements of Sufism. UK. Longmead, Shaftesbury, Dorset, 1990, pp. 11-14.

ворини қўйган буюк суфийларнинг номи адабиётларда тез-тез учрайди.

Тасаввуф тариқатларини юзага келтирган асосий сабаб ана шу тасаввуф мактабларининг IX–X асрларда кенг минтақаларга ёйилиб, бир-бирларидан фарқланиб бориши билан боғлиқ ҳодисадир. Кейинчалик тариқатлар шаклланиб, зоҳидлик қораланган. Фақат тариқат ичида маҳсус машқлар ёрдамида тарбияланувчи инсонлар суфий деб аталган. Суфийликнинг шахс камолотига дахлдор тамойиллари ишлаб чиқилган.

Мактаблар тариқатлариниң ҳудудий силсилаларини вужудга келтирганини куриш мумкин. Ҳусусан, Боязид Бастомий мактаби Ҳурросон тариқатлари силсиласига, Жунайд ал-Бағдодий Арабистон тариқатлари силсиласига асос солган. Ҳар иккала йўл ўз тараққиёти даврларида турли тармоқ, йўналишларга бўлинниб борганлиги тарихдан яхши маълум. Кейинчалик баъзи тариқатлар ўз силсиларида уларни формал тарзда қайд этганини ҳам биламиз. Ҳусусан, машҳур Ҳожагон тариқати ва унинг шахобчалари силсиласида Боязид Бистомий номи келса-да, Жунайд ал-Бағдодий ғояларини маъқуллаганлар.

Ҳожагон тариқатининг буюк асосчиларининг суфий қанақа бўлиши ҳақидаги кўрсатмалари ҳам мавжуд. Жумладан, Абдухолик Фиждувонийнинг тариқат аҳлига қолдирган баъзи насиҳатларида шундай таъкидланади:

«Илм ўрганмасдан туриб нишга (ринёзатга) киришмагил. Дин йўл-йуриқларини нухта билишинг учун мудом фиқҳ ва ҳадис ўргангил. Мансаб эгаллашга, раҳбар бўлишга тиришма, кимки раҳбарликка интилса халоскорлик топа олмас. Қозиу ҳукмдорлар даврасига яқинланашмагин...»²¹ Яна дедилар: Кимки, уч нарсани дўст тут-

²¹ Ҳожа Абдухолик Фиждувоний, Васиятнома, - Тошкент: 1993.14-6.

гай, унинг жойи дўзахдир. Биринчиси, лазиз таомларни емоқни севмоқлик. Иккинчиси, нафис ва шоҳона кийимларларни киймоққа ружу қўйиш учинчиси, факир камбағалларни сухбатини писанд қилмай, бадавлатлар сухбатини орзу қилган киши. Зеро, буларнинг ҳар бири ҳою ҳавас ва нафс муроди ила ҳосил бўлур.²² Ҳазрат Накшбанд айтадилар: «Ушбу тариқда андак амал билан кўп файзу футухга эришиш мумкин. Аммо Расулulloҳ суннатларига риоят қилиш бандалик ишидир. Ким унга амал қилмаса динига хатар бордир».²³

Мовароунинаҳр ҳудудида XVIII аср охирларигача нақшбандия, яссавия ва кубровия тариқатлари кучли ма-вқега эга бўлганлар ва автоном тарзда тарбия даргоҳларини бошқарганлар. XIX асрда Ҳинд диёри билан савдо ва маданий алоқаларининг кескин ривожланиши на-тижасида нақшбандия-мужадидияга хос тўрт тариқат синтезидан ташкил топган тариқат шакли Мовароунинаҳрга кириб келиб, нақшбандия бағрида турли тариқатларни бирлаштириди.

ФОЯЛАР ПЎРТАНАСИ ЁХУД КАЛОМ ИЛМИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ

Ислом динининг ilk шаклланиш даврида ақида, ибодат, дин ва ҳуқуқ, диний жамоа ва давлат, руҳоний ва дунёвий ҳокимият масалаларида баҳслар кўтарилимаган. Муҳаммад (с.а.в.) барча ҳукмларни ваҳий орқали олар ва уларни сўзсиз бажариш барча мусулмонлар учун во-жиб саналар эди. Айтиш мумкинки. Пайғамбар ҳаётлигида ислом жамияти мустаҳкам ва ишончли таянчга эга эди. Мусулмонлар Пайғамбарнинг шахсияти, жозибали нутқи, ҳаёт тарзи, ахлоқ-одобига фидойиларча тақлид

²² Ориф Ревгарий. Орифнома, -Тошкент. 1994. 15-бет.

²³ Абдураҳмон Жомий. Нафаҳот ал-үис. Тошбосма. Ҳинд, 347-бет.

қилишар, айниқса, қалб осудалиги ва хотиржамлигига, руҳий таскин топишга интилған одамлар учун у ибрат намунаси эди. Унинг угитлари мангиқий-ақлий мұхоказа ма ва фалсафий мушоҳадаларга үрин қолдирмас, үндән тараалаётгән иймон нури ишонч ва эътиқодни мустаҳкамлар эди. Турган гапки, вахий бор экан, ҳақиқатнинг бошқа маибаси ҳақида үйлашнинг зарурати йүк эди. Мұхими, вахий орқали нозил бүлған сұзларни ёдда сақлаш, турушниш ва уларни ҳаётга татбиқ этиши эди. Бу эса Қуръонни ёд билиш ва унинг ҳукмларини бажариш, Пайғамбар суннати ва у белгилаб берган тафаккур тарзидан оғишимасликни тақозо этарди.

Қуръон матнларини зохирий талқин қилиш кундалик турмуш тарзига түғри келмай қолди. Вакт ўтган сари, Пайғамбар ва унинг саҳобалари даврида бүлмаган янги эҳтиёж-талабларнинг келиб чиқиши, одамлар ҳаётининг мазмунни ва шаклида юз берган замонавий үзгаришлар турли фиқхий-мазҳабий қарашларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Шу жумладан, ислом ҳудудларининг кенгайиши натижасида бошқа динга мансуб ҳалқларнинг исломга киритилиши, үзга маданият ва эътиқодларнинг яшовчанлик кучи, ёт мағкураларнинг ислом асосларига зарба бериши хавфи мусулмон мутафаккирларини янги билимлар маибайнин қидиришга мажбур қилди. Иш шу даражага етдики, фиқҳ доираларида баъзи муғафаккирлар (масалаи, Абу Ҳанифа) Қуръони карим ва ҳадисларга қўшимча равищда ижмо ва қиёс, ҳаётий тажрибага суюниши тавсия қилдилар.²⁴

Шариат илмларининг ривожи, айниқса, ижмо, қиёс усууллари мусулмонларнинг олдида күндалаң бўлган, диний ибодатлар билан боғлиқ кўплаб ҳаётий муаммоларни бартараф этди. Шу билан бирга, мазкур усууллар дин асосларини фалсафий мушоҳада қилишга ҳам йўл

²⁴ Сайийл Мұхаммад Ҳотамий. Ислом тафаккури тарихидан. 48-бет.

очиб берди. Яхудийлар, христианлар ва монийлар ўргасида қадимдан «хужум-химоя» күринишидаги баҳс-мунозараларни ташкил этиш одаг эди. Ислом уламолари доираларида ҳам шундай йиғинлар расм бўлди. Исломда «Калом» номи билан машҳур бўлган бундай баҳсларни олиб борувчиларга нисбатан «мутакаллимин», яъни «сўзлашувчилар» атамаси қўлланила бошлади. Бу баҳслар дастлаб турли гурухларнинг жizzаки ва чапани олишувлари шаклида памоён бўлган. Калом баҳсларида ҳар бир масаланиң туб моҳиягини очиига урғу бериларди. Бир томоннинг берган саволига ҳимояланувчи иккичи томон тўлиқ исбот билан жавоб бериши лозим эди. Калом фалсафадан факат предмети билан ажралиб туради. Файласуф фалсафий асосларга суюнса, мутакаллим диний хужжатларга асослаиади. Калом ўз фаразини мантиқий мазмун ва ислом тамойилларига мувофиқ диний курсатмалар асосида ишлаб чиқиши лозим. Аммо бу баҳсларда жавоблар, кўпинча, мантиқий, фалсафий, ҳатто рационал хulosаларга бориб тақалиб қоларди.

Манбаларнинг гувоҳлик беришича, илк теологик баҳслар ирода эркинлиги (инсон ўз танловида қанчалик эркин? Жиноят инсон қилмишими ёки Худонинг хоҳимими?) ва қадар (тақдир) масаласида кутарилган. Ушбу масала бўйича баҳс юритган биринчи теологлар Маъбад ал-Жуҳаний (в. 699), Жайлон ал-Дамашкий (в.тахм. 743), Восил ибн Ато (в. 748), Юнус ал-Асворий ва Амр б. Убайд (в. 762) бўлган. Бу масалаларнинг ечими кўпинча, фалсафий бўлса-да, аммо шундай деб ҳисобланмас эди. Балки, бунга сабаб кўплар гайридинларнинг теологик усуллари ислом таълимотидаги чалкаш муаммоларни ҳал қилишда тўғри келмайди деб ўйлаганликларида бўлиши мумкин.²⁵ Уша пайтларда Ваҳий ва амал, қуд-

²⁵ Oliver Leaman. An introduction to medieval Islamic philosophy. Cambridge University Press. 1984, p.8.

ратли Аллоҳ ва нотавон ожиз мавжудот ўртасидаги му-
носабатларга ойдинлик киритиш зарур эди. Бу давр-
ларда Дамашқда олимлар орасида христианлар күнчи-
ликни ташкил қиласади. Бу омил христиан теологлари-
нинг мусулмонлар билан ўзаро алоқада бўлганлигини
таасиқлади. Мусулмонлар билан ирода эркинилиги
бўйича олиб борилган шундай баҳсларда христиан
олимлари Авлиё Жои Дамашқийнинг (в.тахм. 748) шо-
гирди, Ҳаррон бош руҳонийси ва Шарқий Черковнинг
охирги буюк теологи Теодор Абу Курронинг (в. 826)
ҳам иштирок этгани маълум.²⁶ Шунингдек, Маъбад ай-
Жуҳапийнинг Сусан исмли ироқлик христиан билан
ирода эркинилиги хусусида ўтказган баҳси ҳақида ман-
баларда маълумот берилган. Гарчанд қалом илмининг
аломатлари Мұхаммад (с.а.в.) вафотидан кейин дарҳ-
ол кўзга кўрининг бўлса-да, илм сифатида шакллани-
ши, маълум маънода, ақлий (рационал) таълимотни
ишлаб чиққан мұтазилийлар билан боғлиқ. Айнан мұ-
тазилийлар, биринчи бўлиб, дин масалалари, яғи пайдо
бўлган муаммоларни ҳал қилишда мантиққа суюниб
иш кўрдилар. Аллоҳ адолати қандай амалга ошиди,
ёвузлик қаердан пайдо бўлган, қабилидаги саволлар
олдин ҳеч кимни қизиқтирмаган бўлса, бу масала мұ-
тазилийларниң саъй-харакати билан қалом баҳс-
ларининг бош масаласига айланди.

Мұтазилийлар Аллоҳ адолати муқаррарлиги, шафо-
ат йўқлиги ва дўзахда мангуда азоб борлигини тарғиб эт-
дилар. Аллоҳниң тақвдорларни муносиб тақдирланиши,
шу билан бирга, ҳидоятдан адашгашларни жазо кутажа-
ги ҳамда на шайғамбар ва на авлиёларниң шафоати ёки
Аллоҳ раҳми бўлмаслиги ҳақидаги ғояларни илгари сур-
дилар. Уларниң мақсади Аллоҳ ҳақидаги билимларни

²⁶ Fakhry Majid. A history of Islamic philosophy. Columbia University Press, 1970, p.58.

Эгаллашда ақлий-мантиқий тафаккур мұхимлиги ва вадийни мантиқ ёрдамида тушунишга қақириш бўлган.

Муътазилийларининг Восил давридаги ғоялари тўла маънода сақланиб қолмаган. Аммо IX асрининг охирида уларнинг баҳслари асосан қуйидаги беш масала атрофифа олиб борилган: 1) Аллоҳнинг адолатлилiği; 2) Тавҳид (Аллоҳнинг бирлиги); 3) Аллоҳ ваъдаси (Аҳд) ва қаҳрининг сабитлиги; 4) куфр ва имон ўртасида аросатда қолиш; 5) ал-амр ва-н-наҳийдир (буюрилган ва ман этилган амаллар).

Муътазилийлар мактабининг асосчиси Восил ибн Ато (в. 748) бўлиб, машҳур фақиҳ ва суфий Ҳасан Басрийнинг шогирди эди.

Ирода эркинлиги тарафдорларининг теологик қаранилари, агар улар сиёсатга дахл қилмаганида, балки шунчалик эътиборни жалб қилмаган бўлармиди. Ҳалифаларнинг адолатсизлиги гарчи сиёсат учун қилинган бўлса-да, уни оқламаслиги ва нариги дунё азобидан озод этмаслиги ҳақидаги бақириқлар ҳукмдорларниң ғашига теккани аниқ. Маъбад ва Жайлоннинг умавий халифа Абдулмалик (халиф. дав. 685–705) томонидан қатл этилиши, халифа Ҳишом (халиф. дав. 724–743) ҳам уларнинг тарафдорларини ҳокимиятга таҳдид қилувчи кучлар сифатида таъқиб этгани шундан далолат беради. Бироқ мамлакатда кучайиб бораётган фалсафий-мантиқий тафаккурни жиловлаб бўлмади. Калом баҳслари доираси янада кенгайиб бора-верди ва турли мактаблар пайдо бўлди. Шундай мактабларнинг кўзга кўрингандарни сифатида жаҳмийлар, муржиийлар, жабарийлар ва қадарийларни кўрсатиш мумкин.

Жаҳмийлар мактабининг асосчиси бўлган Жаҳм ибн Сафрон (в. 745) ва муътазилийлар ўртасида яқин алоқалар бўлган. Жаҳмийларнинг таълимотига кўра, Худо томонидан инсоннинг барча ҳаракати мунтазам олдиндан белгиланган.

Жаҳмийлар муътазилийлар каби Қуръоннинг яратилганлиги, Аллоҳ сифатлари Унинг зоти билан бирлиги

ғоясини ёқладилар. Бироқ жаҳмийлар инсон иродаси эркинлиги масаласига қўшимча равишда жаниат ва дўзахининг охир-оқибат ўзининг ичидагилари билан бирга йўқ қилиниши ҳақидаги ғояни киритдилар. Бу мұтазилийларнинг азоб, жаниат ва дўзахнинг агадийлиги ҳақидаги таълимотига зид. Жаҳмийлар ўз фикрларида Қуръонининг 57-сураси 3-оятида келтирилган «Аллоҳ Аввал, Охир (Биринчи ва охирги)» дейилиши, барча нарсаларнинг охир-оқибат ҳалок этилиши, Раҳмон сурасининг 27-оятида айтилган «Улуғлик ва икром соҳиби бўлган Раббингизнинг «юзи» бокий қолур» деган фикрларга суюнганилар.

Жаҳм бин. Сафвон ва уларнинг издошлари кўтарган ғоялар шариат аҳлининг инсон ўз амалини белгилашда ҳеч вақт иштирок этмайди, деган ақидасига мувофиқ келарди. Жаҳм фикрича, инсон ҳаёти тўлиғича тақдир этилган ва биз фақат инсон амалларини унинг бўйнига қўямиз. ҳудди шундай биз мева тувишини дарахтга, тўлқинни оқимнинг бўйнига қўямиз.

Аллоҳ жонли ва жонсиз нарсаларнинг ҳар иккисининг ҳам амалларини яратади, инсон ҳам бошқа яратилмалар қаторида бўлгани учун у ҳам на қудрат, на иродага ва на танловга эгадир.

Жаҳмийларнинг бундай қарашларига қарши мұтазилийлар Аллоҳ адолати ғоясини илгари сурдилар. Илк ислом теологлари Аллоҳнинг адолатсиз бўлмаслиги масаласига бир хил қарар эдилар. Бироқ Аллоҳ адолатининг амалга ошиши тартиби ва дунёда ёвузликнинг нега мавжудлиги уларни кўп ҳам қизиқтирмас эди. Восил давридан бошлиб бу масала мұтазилийларнинг асосий ғояси кўринишида калом баҳсларининг бош масаласига айланди.

Муржийлар инсоннинг моддий дунёдаги фаолиятини мухокама қилишдан воз кечинини, бу масалани «орқага ташлаш» (иржа') таклифини ўргага ташладилар. Улар инсоннинг хатти-ҳаракати, унинг имони ёлғиз Аллоҳнинг

ўзига аёи ва фақат унинг ўзи ҳукм чиқаради, инсоннинг инсон устидан ҳукм чиқариши мумкин эмас, деган эътиroz билан майдонга тушдилар. Бу, Аи-Навбахтий (вафоти X аср боши) таҳлили бўйича, муржийларниң ilk фикрлари эди. Худди шу фикр халифа Али ибн Абу Тобибининг невараси Ҳасан ибн Мұхаммадниң VII асрининг 90-йилларида куфалик Али тарафдорларига ёзган номаларида ҳам ифодасини топган. VIII асрнинг биринчи ярмида муржийлар жабарийлар таркибиға сингиб кетдилар. Жабарийлар инсон ўз амалларида мустақил эмас, уларни Аллоҳ белгилайди деб ҳисоблардилар. Аллоҳ амалларни яратади, демак, У инсон содир этган барча амаллар учун жавобгардир. Шунинг учун ҳам у кечиради. Ҳанафийлар жабарийларни Аллоҳни палид ишларга шерик қилиш ва уни инсонга хос бўлган нарсалар орқали тасаввур қилиш орқали Худони ҳақорат қилишида айбладилар. Қадарийлар эса, аксинча, барча амалларни инсоннинг ўз бўйнига юкладилар ва Аллоҳ уларниң амалларида иштирок этмайди, деган тезисни илгари сурдилар. Ҳанафийлар уларниң қарашларини ҳам «куфр» деб топдилар. Ҳанафийлар ўргача йўлни танладилар. Жабарийлар Аллоҳ яхши-ёмон амалларни яратади, деганда ҳақ бўлсалар, инсон ўз амаллари учун ўзи жавоб берини керак, деганда қадарийлар ҳақ эди. Ҳанафий мутакаллимлар бўйича, Аллоҳ инсоннинг истисносиз барча амалларини хоҳладиди ва тақдир қиласди, сўнг ҳукм қиласди (қазо), сўнг яратади (халқ). Инсон уларни амалга оширади (феъл). Бундай эзгу ишларда у Аллоҳ ёрдамига суюниши (тавфиқ) мумкин, ёмон ишлар қилса Аллоҳ ундан юз үгиради (хизлан). Шу ёрда «иститоъа» – инсонларни бирор амални қилингага қобилияти, яъни тоқати масаласи ҳам каломининг қизғин баҳсларига айланганилигини айтиб утиш керак. Ҳанафийлар қобилият амал вактида берилади (маъал-феъл), Карромийлар эса Аллоҳ инсонга олдинроқ амалига яраша қобилият бермаса, инсон уни бажара олмайди, демак, иститоъа амалдан олдин

берилиши керак (қабл ал-феъл) деган мулоҳазада турдилар. Абу Ҳанифа ва уининг издошлари инсон фаолият курсатаетганда икки қарама-қарши амалга қобилият ҳосил қиласи (ал-иститоъа ли-з-зиддани) дейдилар.

Шариат аҳли эркин ирода тарафдорларини юнон ёки христиан гояларини ўзлаштиришда айблади. Шаҳристоний ибораси билан айтганда, «усул» – эътиқод асослари борасида борганди баҳслар VII асрнинг охирларида «юнон файласуфлари таълимоти руҳидаги диалектик элементлар билан булғанди». Юнон таъсирида сўзловчилар бидъатчилар деб аталди.²⁷

Муътазилийларнинг жиддий баҳсларга сабаб бўлган яна бир таълимоти Ирода ва илоҳий калом хусусида бўлди. Бу баҳснинг ташаббускори муътазилийларнинг Абу Ҳузайл бошчилигидаги Басра мактаби эди. Улар Илоҳий ирода ва унинг имконийлашуви, бошқача айтганда, яратилмага айланishi атрофида баҳс юритиб, Куръони каримнинг яратилганлиги ғоясини ўргага ташладилар. Бу ғоя, Ашъарий ўзининг «Мақолот» асарида келтиришича, христианликда Исо Худонинг каломи сифатида илоҳийлаштирилганда бунга қарши чиқсан бир оқимнинг ғоялари таъсирида туғилган. Бу билан муътазилийлар мусулмонларнинг Қуръони каримга сифинишларини, гўё, олдини олмоқчи бўлганилар.

Инсон ўз хатти-ҳаракатларида эркинлиги ғояси баъзи муътазилийларни янада чуқур изланишларга ундалди. Басра мактабининг бошлиғи Абул-Ҳузайл (в. 841) «таваллуд» концепциясини ишлаб чиқди. Унга мувофиқ, Ал-Ашъарий ёзишича, амаллар инсон томонидан «ҳаракатга келтирилади» ва улар икки қисмга бўлинади. Биринчиси, «кайфия» амаллари дейилиб, инсон ўз амаллари қаидай натижа беришини, оқибати қандайлигини (кайфия – арабчада «нарсанинг қандайлигига алоқадор»

²⁷ Fakhry Majid. . p. 58.

маъносини беради) билади. Масалан, ўқнинг учиши ёки икки жисм тўқнашувидан товуш ҳосил булишини ёки қандай товуш чиқишини билгани каби. Иккинчиси, натижаси ёки оқибати номаълум, «кайфия»нинг акси бўлган «било кайфа» амаллардир. Улар инсоннинг ўзига боғлиқ бўлмаган амаллар бўлиб, инсон уни бошқара олмайди. Масалан, роҳатланиш, оч қолиш, билиш, ҳидни сезиш ва ҳ. Инсон, айтиш мумкинки, кайфия амалларини онгли равишда ўзи амалга оширади. Ўзига боғлиқ бўлмаган амаллари Аллоҳга тааллуқли бўлиб, Унинг иродаси билан амалга ошади. Шу даврда мұтазилийларнинг Бағдод мактаби етакчиси Бишр ибн ал-Муътамир (в. 825) ҳам таваллуд назариясини қабул қилиб, уни ўзича талқин қилди. Унингча, бизнинг амалларимиздан нимаики ҳосил бўлса, улар «кайфия»ми, ёки «билокайфа»ми, қатъи назар, бизнинг феълимиз натижасидир.²⁸

Бу икки мактаб фикрларида муайян фарқ бўлса-да, улар қўйидаги масалаларда яқдил эдилар:

1. Инсон ўз хоҳишини амалга оширишда ўз эркин иродасига мувофиқ ҳаракат турини танлайди (Масалан, бойиш учун ҳалол йўлдан ҳам бориш мумкин, ҳаром йўлдан ҳам).

2. Инсон айрим, ўз табиатига боғлиқ бўлмаган ҳаракатларини ирова-хоҳишига кўра амалга оширади (масалан, жаҳлни енгиш, сабр қилиш каби).

Шу тариқа, «ирода»нинг сабаб сифатида ва ҳодисанинг оқибат сифатидаги мувофиқлигига эришилгандек эди. Бироқ, мұтазилийлар орасида бу олимларнинг ғоялари ҳам турли баҳсларга боис бўлди. Калом баҳсларидаги масалалар жиддийлашиб, космик олам, борлиқ ва Аллоҳ тузилиши каби қалтис мавзуларга ўғилди. Масалан, ан-Наззом (в. 835) номли олим ўз қарашларида турли фалсафий усувлардан фойдаланди. Жумладан,

²⁸ Fakhry Majid. , p. 63.

«табъ» яъни табиат ва «кумун» – ҳосиласи орқалигина билиш мумкин бўлган нарсаларнинг асли Аллоҳ ҳикматига тааллуқлилиги ҳақидаги тушунчаларни истеъмолга киритди. У оламдаги барча ҳаракатларни табиат орқали, бавосита Аллоҳга боғлашга ҳаракат қилди.²⁹ Бу концепцияда Аллоҳ табиат ҳодисаларига мунтазам араплашишга бўлган заруратдан озод деб тасаввур қилиниди ва, шу билан бирга, унинг бавосита ҳукмронлиги сақланиб қолади, дейилди. Бироқ, бундай қараш Илоҳий қудратининг чексизлигига эътиқодда бўлган Иби Карром (в. 869) ва унинг издошларини ҳам, худди шундай, инсоннинг ирода эркинлигига эгалиги ҳақидаги ғоя тарғибоичилари Бишр ва Абул-Хузайлни ҳам қониқтирумади. Улар ан-Наззомий кескин таққид қилдилар.³⁰

Ан-Наззом «табъ» тушунчасини ашё ичидаги мураккаб жараёни асоси сифатида кўрсатишда Бишр ал-Мўтамарнинг устози Мўаммар бин Аббосга эргашиб бўлиши мумкин. Мўаммар, «табъ» тушунчасини мантиқ доирасида олиб қараган ва жисм-тананинг мавжудлиги Аллоҳга боғлиқ, ундаги акциденциянииг яшовчанилиги жисм-тананинг ўз «ҳаракати»га боғлиқ, деб таъкидлаган эди.

Ушбу ҳаракатларнииг келиб чиқини сабаби икки хил бўлиши мумкин. Ан-Наззом ёмғир мисолида ҳаракат табиий заруратдан (табъаи) келиб чиқини мумкин деб қарайди. Унингча, ихтиёрий тарзда (ихтиёран) бирор нарса рўй бериши ҳам мумкин. Бунга мисол қилиб, ан-Наззом инсон, жонзотларнинг пайдо бўлишини кўрсатади. Бу мулоҳазани Мўаммар қуйидагича асослашга ҳаракат қилади: тана бирор бир сифатни (масалан, рангни) қабул қилингана мойил бўлинни ёки бўлмаслиги мумкин. Биринчи ҳолатида ранг унга ўз табиатига биноан тегит-

²⁹ Fakhry Majid. , p. 65.

³⁰ Fakhry Majid. , p. 65.

ли булади. Бунда ранг унинг феълидан келиб чиқади (мин феълиҳи), чунки нарсанинг нисбатан табиий бўлиши бошқа бир иарсанинг (тъсир) ҳаракатидан ҳосил бўлган деб бўлмайди. Иккинчи ҳолатда эса Аллоҳ танага бирор рангни ирода этиши мумкин, аммо тана рангни унга мойил бўлмагани сабабли қабул қиласлиги мумкин. Демак, Аллоҳ сифатларга сабаб бўллади деб айтиб бўлмайди, аммо бавосита сабаб бўлиши мумкин, яъни тана сифатларни табиий равишда олади.³¹

Мўаммарнинг табъ тушунчасида мантиқий ечимга келиши Аллоҳни дунёдаги ёвузликларга масъул эмаслигини кўрсатиш истагидан туғилган. Мўаммарнинг бу қараашларини унинг мухолифлари заиф деб ҳисобладилар ва «Аллоҳ ҳаёт ва оламнинг яратувчиси» эканлигини таъкидладилар.

Инсон феъли масаласида Мўаммар таълимоти ан-Наззом таълимоти руҳига яқин эди. Наззом фикрича, «инсон субстанциядир ва танадаи айридир. Инсонга куч-қудрат, ташаббус, билим, ҳаракатга таъсирчан бўлмаслик, роҳат, тараққий этиш ва бошқа иеъматлар берилган. У макои ва вақт, шарт-шароитлар ҳукмидан озод ва фақат тадбир билан иш кўради». Ал-Ашъарий унга шарҳ бериб: «инсон, Мўаммар бўйича, танани бошқарувчи «булинмас қисмча» (атом) бўлиб, у иродани амалга оширувчи механизmdir, «инсон ташқи оламда бирор нарса қилишга ожиз», дейди.³² Наззомнииг фикри ҳам худди шундай, фақат у инсон ўз ирода-хоҳиши олами ичida (фи нафсиҳи) ҳаракат қиласиди деб қўшимча қиласиди. Шундай қилиб, инсон билим, ирода, нафрат билан тақдирланган. Бироқ, у иродасидан ташқари оламда бирор ишни бажаришга қодир эмас.

³¹ Fakhru Majid. , p. 66.

³² Fakhru Majid. , p. 66.

Тана ва руҳнинг алоҳидалиги ҳақидаги қарашлар катта баҳсларни келтириб чиқарди. Бағдод қалом мактабининг нуфузли вакили Тумама б. Ашрас (в. 828) муътазилийлар каби Аллоҳ адолати ва инсоннинг ўз феъламаларига масъуллигини ёқлаб чиқди. Аммо ўз фикрларида қарама-қаршиликка дуч келиб, бутунлай агностицизм мавқесига ўтиб олди.³³

Диққат қилинса, Бишр ва Абул-Ҳузайл инсон ўз иродасидан ташқари содир этган феъли учун ўзи жавобгар деб ҳисоблаганлар. Ан-Наззом ва Мӯаммар эса инсоннинг феъли табиятга боғлиқ бўлиб, табиат орқали Аллоҳга боғланади. Тумама шундай савол қўяди: «Агар Бишрни ҳақ десак, унда инсон содир этган қотиллик, унинг бўйнига қўйилади. Иккинчи томондан, агар ўлим Аллоҳ иродаси десак, унда инсоннинг ушбу феъли учун Аллоҳ жавобгар бўлиб чиқади. Инсон ирова доирасида ҳаракат қиласа ва ундан ташқари у ҳеч нарсага қодир бўлмаса, унда унинг феъл-амаллари учун ким жавобгар?»

Тумама фикрича, оқибат учун масъул, демак, йўқ. Аллоҳ ҳам, инсон ҳам содир этилган феъл натижаси бўйича, маънавий масъулияйтдан озоддир. Тумама ўз қарашларига ҳеч бир ақлий далил келтира олмаган. Унинг таълимоти ҳақида маълумотлар шунчалик камки, муайян тасаввур ҳосил қилиш мушкул.

Мутаваккил таҳтга ўтириши билан баҳс оламида вазият ўзгарди. У ҳадис ва фиқҳни биринчи ўринга қўйиб, муътазилия оқими тарафдорлари билан курашга киришиди. Восил иби Ато вафотидан кейин бир аср ўтгандан кейин муътазилийлар асослаган рационалист ва қалом илми вакилларининг далилларини шубҳа остига олувчи доимий ҳужумлар бошланди. Аммо халифа Мутаваккилининг қирғинбарот сиёсати, ҳанбалийлар ва ҳадисшунос-

³³ Fakhru Majid. , p. 67.

ларнинг ғалабаларига қарамай, дин масалаларини кутариб чиқсан мұтазилийларнинг таъсири изсиз йүқолмagan эди.

Шариат ва илоҳиётни келиштириш, мантиқий фикрни шаръий асосларга қўйиш – бидъат ва бузғунчи ғояларга қарши курашнинг ягона чораси эканлиги тушуниб етилгунга қадар орадан бир аср вақт ўтди.

Бу йўналишда биринчи қадам Абулҳасан Ашъарий (873–935) томонидан ташланди. Ашъарийдан хабарсиз ҳолда худди шу даврда мантиқий фикрни шаръий асосга қўйган яна бир илоҳиётчи олим Абу Мансур Мотуридий бўлди. Ашъарий Бағдодда фаолият кўрсатган бўлса, Мотуридий Самарқандда яшаган. Шуниси аҳамиятлики, уларнинг асосий масалалардаги холоса ва ечимларида зиддият йўқ, айниқса, Мотуридий таълимоти Ашъарийникидан бирмунча муфассалроқ ва равшанроқ.

Абулҳасан Ашъарий 873 йилда Басрада туғилди. У мұтазилийлар пешвоси бўлган отаси Абу Али ал-Жуббойидан (в. 915) таълим олиб, вояга етди. 912 йилда мұтазилийлар билан алоқани узиб, Бағдодга кўчиб ўтди ва шу ерда 935 йилда вафот этди. У 100 га яқин рисомалар ёзган бўлиб, улардан фақат 2 таси: «Мақолат ал-исламийин» ва «Ал-Лумавъ» асарлари сақланиб қолган. Ашъариянинг йирик вакиллари: Ал-Ашъарий, ал-Боқиллоний (в. 1013), Иби Фурақ (в. 1015), Абу Исҳоқ ал-Исфараъиний (в. 1027), Абдул-Қаҳир ал-Бағдодий (в. 1037), ал-Жувайнний (в. 1085), аш-Шаҳристоний (в. 1135) ва Фахриддин ар-Розий (в. 1209) лардир.

Абул ал-Ҳасан Ашъарийнинг мұтазила оқимини тарк этишига қўйидаги воқеа сабаб бўлган: кунлардан бир куни у устози Абу Али ал-Жуббойига шундай савол берди: «Уч ака-уканинг каттаси Аллоҳга тоат-ибодат қилиб дунёдан ўтган. Ўрганичаси унинг акси, яъни тоат ўрнига гуноҳ ва маъсият билан умрини ўтказган. Кепжаси эса вояга етмай сағирлик вақтида ўлган бўлса қиёмат куни уларга нисбатан Аллоҳ таоло қандай муно-

сабатда бўлади?» дейди. Ал-Жуббоий: «Каттаси жанинга, ўртанчаси дўзахга тушади. Кенжаси эса иккисига ҳам тушимайди», деб жавоб беради. Ашъарий: «Агар кеижаси, эй Раббим, иега мени сағирлигимда ўлдирдинг, агар умр берганингда мен ҳам иймон келтириб, тоат-ибодат қилиб жанинга кирап эдим-ку, деса Аллоҳ нима деб жавоб беради?» деб сўрайди. Устози: «Аллоҳ унга, Мен билмаганиманки, сенга умр берсан, тоат ўрнига маъсият билан машғул бўлар эдинг. Мен сенинг фойдаигин ис-таб, ёшлигингда ўлдирдим. Натижада, дўзахдан омонда қолдинг, деб жавоб беради» – дебди. Шунда Ашъарий: «Ўртанчаси Аллоҳга, иега мени сағирлигимда ўлдирмадинг, токи бу гуноҳларни қилиб дўзахга тушибаган бўлар эдим, деса Аллоҳ нима деб жавоб беради?» деб сўраганда, Жуббоий жавоб топа олмай мулзам бўлиб қолган экан. Шундан сўнг Ашъарий ва унинг ҳамфирлари мұтазила мазҳабии тарк этиб, Суният ва саҳобалар жамоаси юргаи йўлга ўтадилар. Шу йўлда юрувчиларни «ахли сунна вал-жамоа» деб атай бошлайдилар.³⁴

Мотуридиянинг асосчиси Абу Мансур Мотуридий (870–944) Самарқанднинг Мотурид қишлоғида туғилган. У дастлабки таълимни үзининг қишлоғида олиб, кейинчилик Самарқанддаги Работи ғозиён мадрасасида давом эттирди. Унинг умри ва фаолияти ўз она шаҳри Самарқандда ўтди ва шу ерда 944 йилда вафот этди.

Мотуридийнинг асарлари сони ўн бештага стади. «Китаб ат-Тавҳид», «Китаб ал-мақолот», Каъбий асарлари-га муносабат билдирилган бир исча асарлари, «Китабу баёни ваҳмил – мұтазила» («Мұтазилийлар ваҳму гумонларининг баёни ҳақида китоб»), «Китаб таъвилот ал-Қуръон» («Қуръон таъвиллари китоби») кабилар шулар жумласидаидир.

³⁴ А. Мансур. Калом илми тарихидан бир лавҳа. // Имом ал-Бухорий сабоқлари. 2004 й. №4, 253-б.

Абу Мансур ал-Мотуридийнинг «Мо аҳаз аш-шароия» («Шариат асослари манбаси»), «Китаб ал-жадал» («Диалектика ҳақида китоб») каби асарлари ҳам бўлган. Булардан ташқари, ал-Мотуридийнинг «Китаб ал-усул» («Диний таълимот усули китоби») асари борлиги ҳам маълум.

Ал-Мотуридий «Таъвилот ал-Қуръон» асарида Абу Ҳанифанинг қарашларига суюнган ҳолда бузғунчи ғояларни рад қилишга ҳаракат қилди.

Олмон олимни Ульрих Рудольф Мотуридий илмий месросини Ашъарий таълимоти билан солиштирас экан, уларнинг ўртасида муайян ўхшашликлар мавжуд эканлигини эътироф этади. Шу билан бирга, энг муҳим таъмийларга тегишли бир талай фарқлар ҳам учрашини таъкидлайди. Ашъарий ўз назариясини далиллаш учун радикал таърифлар келтиришдан қайтмаган. Мотуридий эса, аксинча, радикалликдан қочгаи. У кўпроқ, барчани қониқтирувчи, шу билан бирга, ислом асосларига мувоғиқ келувчи синтезлаш йўлини афзал кўрган. Бундан Мотуридийнинг ҳанафийлик анъаналаридан келиб чиқиб иш кўргани кўриниб туради.

912 йилда ал-Ашъарий диний амрлар, Аллоҳ маърифати ва унинг яратилмалари ҳақидаги бор исломий манбаларни ўрганиб, шариат ислом асосларини ҳимоя қилиш учун старли кучга эга, ваҳийни тушунтириш учун ақлиймантиқий тафаккурга ҳожат йўқлигини баён қилди. Мұтазилийлар Қуръон матиларини чуқур таъвил қилишда мантиқ катта тушунтириш қувватига эгалигини Қуръони карим асосида далиллаган эдилар. Улар айтар эдиларки, Қуръон кўр-кўронга эътиқодга қарши, муслим ва кофирларни бирдек ақл билан тафаккур қилишга чақиради (Қуръони карим, 2:170; 5:104) ва қайта-қайта унинг сўзларига қулоқ тутишни буюради (3:63; 12:2.). Аллоҳ, унинг мавжудлиги, зоти ва сифатларини билиш, шунингдек, чин эътиқодга эришиш, яхши-ёмон ахлоқни фарқлаш, пайғамбарлик ва ваҳийнинг ҳақиқатлиги, моддий

олам тузилиши ва унинг Яратувчиси орасидаги муносабатни аниқлаш ақл ва тафаккурсиз бўлмайди. Акс ҳолда, улар диний амрлар ва нақлга таяниб, замон талабига жавоб бермай қолиши мумкин. Бундай пайтда нақл узининг номукаммаллиги туфайли ҳақиқий иймонга путур етказади.

Анъарий ва унинг тарафдорлари мұтазилийлардан фарқли равишда, Аллоҳнинг зоти ва барча сифатларини, Қуръоннинг яратилмаганини тан оладилар. Ал-Анъарий фикрича: Аллоҳ инсонларнинг барча ҳаракатининг яратувчиси ва инсонлар ирода ва интилишлари воситасида яратувчининг амрини бажарадилар. У Аллоҳнини юзини охиратда мүминлар учун кўриш имконияти борлиги ҳақида гапиради. Лекин бу кўриш мажозий маънодаги кўришdir.

Бу икки теологик мактаб – мұтазила ва ашъариянинг баҳслари предмет ва усул жиҳатидан теологик бўлса ҳам фалсафий мушоҳадалардан холи эмас эди. Айни чоқда, бу икки оқимнинг файласуфларга муносабати салбий эди. Улар бир томондан, динни тушунишда мантиқнинг фойдали эканлигини тан олардилар, иккинчи томондан эса юони таълимоти, айниқса. Аристотел ғоялари асосида динни тушунтираётган «ал-фалсафа»ни қоралар эдилар.³⁵ Ашъарийлар шариат манфаатларини ҳимоя қилиш учун майдонга тушганликлари сабабли, ўша даврларда устувор бўлган анъана бўйича фалсафага қарши турганликлари табиий. Бироқ, мұтазилийлар, ўзлари шариат томонидан бидъат гуруҳ сифатида қоралана туриб, фалсафани рад этганилар. Бундан мұтазилийлар диний ҳужжатларни тан олган, деган хулоса чиқади. Зоро, «ал-фалсафа» диний ҳужжатларни тамомила инкор этарди.

Мұтазилийлар инсон ўз феълининг яратувчиси деяйиш билан бирга, атомлар ва акциденциянинг имконий

³⁵ Oliver, p. 14

метафизикасини (илоҳистини) баён қилдилар. Бу қарааш буйича, оламдаги барча нарсалар икки фарқли элементдан: атомлар ва акциденциядан ташкил топади. Калом олимлари Зурар б. Амр, ан-Наззом, Ҳишом б. Ал-Ҳакам, ал-Асамм каби олимлар бу масалаларда турлича мавқесларда бўлсалар ҳам, ашъарийлар бу қараани тұлалиги-ча қўллаб-қувватладилар.³⁶ Ашъарийлар барча нарсларниң қарама-қарши қутби борлиги каби тана ҳам ижобий ва салбий хислатлардан холи бўла олмайди, деб ҳисобладилар. Ушбу хулоса қўпчилик мұтазилийлар томонидан маъқулланди. Шунга қарамай, Солиҳ Қуббо ва ал-Солиҳий каби мұтазилий олимлар Аллоҳнині курратли эканини рўкач қилиб, Аллоҳ акциденциялардан холи атомни яратишни мумкинligини таъкидлайдилар. Абу Ҳишом б. Ал-Жубоий (в.933) ва ал-Каъбийлар эса уларга қисман қўшилиб, тана ранг ва кавн (коинот) акциденцияларини истисно этганда, барча акциденциялардан холи бўлиши мумкин, деган фикри билдирилар.

Ашъарийларниң атом ва акциденцияларниң имконий метафизикасига қизиқишига сабаб, улар Аллоҳнинг мутлақ ҳокимиятини ва Үнинг нарсалар моҳиятигагина эмас, балки уларниң мавжудлигига, бир турдан иккичи турга ўзгаришига ҳам дахлдор эканлигини қўрсатиб беришга ҳаракат қилмоқчи бўлдилар. Уларга биноан, нарсаларга ҳаёт бағишилаб турган акциденция (аъроз) Аллоҳ томонидан олиб қўйилса, улар ҳалок бўлади.

Мұтазилийлар Қуръон матиларидан маъно чиқаришда мантиқ катта тушуитириш қувватига эга, Аллоҳ ҳақида, үнинг мавжудлиги, моҳияти ва сифатларини билиш ва чин эътиқолга эришиш, яхши-ёмон ахлоқни фарқлап, пайғамбарлик ва ваҳийининг мумкинлиги, моддий олам тузилишини ва үнинг яратувчиси орасидаги муносабатни аниқлани учун ақл ва тафаккур зарур, деб ҳисобла-

³⁶ Fakhry Majid. , p. 69.

тан бўлсалар, ашъарийлар бу ғояларга қарши чиқиб, мантиқнинг ўзи исломнинг асос масалаларини тушунтириб беринга қодир эмас дедилар. Мантиқий билини, унингча, диний ривоятларга асосланишидаи (нақлдан) устун, аммо билини диний ҳужжатларга мувофиқ бўлиши керак.

Мотуридий Ашъарий ишларидаи хабарсиз бўлган. Аммо унинг қарашлари, айрим мулоҳазалардаги фарқни ҳисобга олмагандан, Ашъарийники билан бир хилдир.

Калом баҳсларидаи мавзулар, асос-эътибори билан илоҳий ва моддий борлиқ тузилиши, Аллоҳ ва У яратган олам моҳиятига тегишили бўлган. Мутакаллимилар борлиқ тузилишини таҳлил этиш учун турли аниқ фанлар, хусусан, физика фани истилоҳларидаи фойдаланганлар. Аммо уларни илоҳиётга (метафизик жараёнлар) боғлаш ва шарҳлаш осон бўлмади. Олам моддийми (жисмми?) ёки акциденциями? Шу нуқтаи назардан Аллоҳ қандай кўринишга эга? Худди шундай жисмларнинг таркиби, уларниң парчаланиши ёки бирлашиш хусусиятлари сабабини билиш Аллоҳ ва унинг яратилмалари орасидаги муносабатларни тушуниш ва шарҳлашда муҳим ўрин тутди.

Борлиқ тузилиши ҳақида Мотуридий давригача калом илмида айрим фаразлар шакллапиб бўлган ёди. Улар қўйидагича:

1. VIII асрда яшаб ўтган Зиар б. Амр, Ҳафс ал-Фард ва ал-Хусайн аи-Нажжорлар ўргага ташлаган фаразга биноан, жисм акциденциядан (аъроз) ташкил тонган. Акциденция (аъроз) – ранг, таъм, иссиқлик, совуқлик, қаттиқлик ва юмпоқлик хусусиятларини ифодалайди. Улар жисмни ташкил этишида қатнашадилар. Шуниси эътиборлики, улар бўлинмас қисмлар бўлиб, ўзаро бирикмайдилар. Шундай бўлса-да, улар ёнма-ён яшайдилар ва бир-бирлари билан ўрин алмасиб турадилар. Ана шу ўрин алманини жараёни оқибатида жисмнинг бир шаклдан иккинчи бир шаклга ўтиши рўй беради.

2. Иккинчи муроҳаза унга тескари бўлиб, унинг тарафдорлари ичидаги Ҳишом б. ал-Ҳакам ва Наззомлар ҳам бўлган. Улар бўйича моддий олам акциденциялардан эмас, балки жисмлардан тузилган. Зира акциденция (аъроз) деган парсага Наззом жисм деб қараган. Унингча, жисмларнинг турғун бўлиб қолмай, ўзгаришида бўлишига сабаб, ҳамиша аралаш ҳолатда бўлишидир. Жисмлар бир-бирларининг таркибидадирлар, бири иккинчиси ичидаги яширин (камин). Уларни физик жараён ўзгара бошлагандаги кузатиш мумкин. Буни Наззом ўтиш мисолида тушунтириб беради: у ёнгандаги, олов ажралади, оловда унда яширин бўлган асослар – иссиқлик ва ёруғлик сезилади. Худди шундай, олам жисмлар билан лиқ тўла бўлиб, уларни сезги органлари ёрдамида турли даражаларда аниқлаш мумкин. Жисмлар қисмларга бўлинади. Ҳар бир қисм ўз навбатига яна кичикроқ қисмларга бўлинади. Шу тариқа қисмларни чексиз бўлиб бориш мумкин.

3. Учинчи муроҳаза шундан иборатки, бунда жисмлар ҳам, акциденциялар ҳам борлиқнинг таркибий қисмлари ҳисобланади. Жисмлар жуда кичик бўлинмас қисмлардан ташкил томган (ал-жузъ аллази ла ятажазза).

Ушбу учинчи муроҳаза ислом теологиясида атомизм назарияси сифатида машҳур бўлди.

Атомистик таълимот IX асрда Муъаммар, Бишр б. Ал-Муътамир каби мутафаккирлар томонидан илгари сурилганди. Аммо атомистик таълимотнинг оммалашувида Абул-Ҳузайлнинг, сал ўтмай Жуббоийнинг талқинлари катта ўрин тутди. Абул-Ҳузайл бўйича, жисмларни бўлинмас қисмгача бўлиш мумкин. Бўлинмас қисм ҳаракатланиш, турғун ва ёлғиз ҳолатда бўлиш, бошқалари билан бирикиш, тўқнашиш, ажралиб чиқиш каби акциденцияларга эга. Бўлинмас қисмлар бирикиб, жисм ҳосил бўлгандагина ранг, таъм, ҳид, ҳаёт, қудрат, билим каби акциденциялар унга хос бўлади. Бир жисмни ташкил этишда камидаги олтига бўлинмас қисм иштирок этади. Ҳар

бир қисмнинг акциденциялари бирликда жисмнинг хусусиятларини белгилайдилар.

Жуббоий ҳам бўлинимас қисм мавжудлиги ғоясини ҳимоя қилди. У Абул-Ҳузайл каби жисм ташкил бўлишида камида олти бўлинимас қисмнинг иштирокини таъкидлади. Бироқ, Абул-Ҳузайлдан фарқли ўлароқ, бўлинимас қисм алоҳида ҳолатида ҳам ҳаракатланиш, турғун бўлиш, тўқнашиш каби акциденциялар билан бир қаторда таъм, ҳид акциденцияларига эга бўлади, деб ҳисоблади. Айни пайтда, узунлик, билим, құдрат ва ҳаёт акциденциялари бўлишини рад этди.

Хуллас, атомистик концепцияга кўра, вужудга эга ҳар бир яратилган нарса (шай) жисм ёки акциденция шаклида бўлади. Жисм шаклига эга деганда, муайян ўринига эга нарса назарда тутилади. У акциденцияни қабул қилиши ҳам, ўз кўрининшида қолиши ҳам мумкин (қоим би нафсиҳи). Акциденция шаклидаги нарсаларнинг сифатлари эса жисмга тескари. У ҳеч қандай ўринига эга эмас ва бошқа нарсага қўшилмаган (қоим би ғайриҳи). Шунинг учун, у ҳамиша бирор ўринига зарурат сезади (маҳалл). Ўрин эса фақат моддий субстанция – жисм бўлиши мумкин. Моддийликнинг таркиби атомлардан иборат. Бигта жисм ҳосил бўлиши учун нечта атом лозим бўлади? Абул Ҳузайл олтита, Муъаммар саккизта деб ҳисоблаган. Улар ўз ҳисобларини жисмнинг уч ўлчамидан (жисмнинг узунлиги (тавил), эни (ариз) ва чуқурлиги (амиқ) келиб чиқиб исботлашга уринганлар. IX асрга келиб, ал-Искафий жисм ҳосил бўлиши учун икки атом кифоя деган хulosани ўртага ташлади. Ашъарий ҳам худди шундай фикрни – жисм икки жуз(атом)нинг қўшилишидан ҳосил бўлади, деган хulosани илгари сурди (ал-мужтами).

Мотуридий атомизмни инкор қилмади, аммо уни қўллаб-қувватламади ҳам. У «ал-жузъ алази ла ятажазза», яъни «бўлинимас қисм» тушунчасини «жавҳар» истилоҳи билан алмаштирди. Унгача ҳам айрим мутакаллим-

лар жавҳар истилоҳини «бўлинимас қисм»га нисбатан ишлатганлар, бироқ Мотуридий талқинида бу истилоҳ ўзгача аҳамиятга эга бўлди. Олим бу истилоҳни икки ҳолатда қўллади: жавҳар, баъзида жисм ёки молдий нарсани англатади, бу ҳолатда у «ойин» (кўпликда «аъён») маъносига тўғри келиб, конкрет, алоҳида нарсани англатади. Баъзида эса нарсанинг асли, яъни моҳияти ҳақида гапирганди қўлланади. Мотуридий бу тушунчага олдинги мутакаллимлардан фарқли равишда кенг фалсафий маъно беради.

Мотуридий бўйича, олам жисмлар ва акциденциялардан гашкил топган. Нарсалар (аишлар) икки хил бўлади:

1. Жисмоний моҳият (ойин), яъни жисм кўрининшида.
2. Акциденция (аъроз) кўрининшида.

Жисм – бу охири (ниҳояси) бор ва шу билан бирга, чекланган. Унинг томонлари (жиҳатлари) бор: улар олтитадир. Демак, улар уч ўлчамли, ҳажмли ҳамда қўшима ва бундан таниқари, табиийки, жисм акциденцияни қабул қилиш хусусиятига эга.

Акциденция таърифига келсак, Мотуридий акциденцияларга оламинг бўлинимас, энг жузъий элементи сифатида қарайди. Шу билан бирга, у мұтазилийларни акциденцияларнинг аҳамиятини жуда ошириб юборганилди. Унинг бу қараши кейинги асрларда Абу Шакур ас-Салимий (XI асрининг иккинчи ярми), Абул Йўср ал-Паздавий (в. 1100), Абул Мўян ан-Насафий (в. 1114), Сабуний (в. 1187), Нажмиддин Насафий (в. 1142) каби мутакаллимлар томонидан ривожлантирилди.

Мотуридий «Тавҳид» китобида нафақат аъён (нарсалар) ва аъроз (акциденция) ёки жавҳар (атом) ҳақида, балки «табойиъ» – нарсаларнинг табиати (хоссаси) ҳақида ҳам тан очган. Унингча, бутун оламда «табойиъ» мавжуд. Ҳар бир жисмоний ибтидо (ойин), яъни ҳиссий органлар ёрдамида ҳис қилинадиган барча нарсаларда у бор. У бутун борлиқда бўлгани каби кичик олам бўлган

(олами сүфро) инсонда ҳам бор. Мотуридий инсон ақл ва табойиъдан тапкил тоғган, дейди. Бироқ табойиънинг инсонда жамланиши уларнинг хизмати эмас. Уларнинг хоссаси аслида бир-бирига интилиш эмас, аксинча бир-биридан қочишдир. Табойиълар қарама-қарши кучлардир. Шу ерда табойиъ ҳақида натурфилософлар (асҳоб ат-табойиъ) айтган, «табойиъ (хоссалар) оламдаги бутун мустақил ривожланиш жараёнини бошқарадилар» деган даъвонинг хатолигига эътибор қаратилади. Қоида бўйича, уларнинг бирини иккинчиси устига қўйсанг, улар бирикиш ўрнига, ўз табиатига кўра, бири иккинчисини итаради ва қарама-қарши ҳаракатда бўлади. Шундай экан, улар бутун коишотдаги тартиботни издан чиқариб юбориши керак эди. Демак, оламдаги тартиб ва муназаммлик Ташқи сабабнинг мавжудлигидан далолат беради. Бу ташқи сабаб қудратли Яратувчиидир. У табойиъларни, яъни хоссаларни яратди. Жисмларни, моҳиятига кўра, ўзига қабул қилиши мумкин бўлмаган хоссаларни қабул қилишга мажбур қилди. Яратувчи ўзининг яратилмаларини уларнинг ўзаро ички қарама-қаршиликларига қарамай, бир-бирлари билан қовуштиради ва улардаги ўзгаришларнинг тартибли ҳамда мақсадли равишда амалга ошишини назорат қиласиди.

Мотуридий «Таъвилот» китобида Тангрини билишнинг икки йўли ҳақида ганиради:

1. Таңгрини унинг яратилмалари орқали билиш мумкин. Чунки ҳар бир яратилмани ижод қилгандা, Ўз илмига, ягоналигига ва яратилмани шунчаки эмас, балки муайян мақсад билан яратганига ишора қилувчи аломатлар қолдирган.

2. Ваҳий орқали билиш мумкин.

Биринчи мулоҳаза ҳар бир мусулмон олимига хос. Зоро, Аллоҳни шу тарзда билиш йўли Қуръони каримда айтиб қўйилганди. Баҳсларга сабаб бўлган муаммо ваҳий атрофида кўтарилди. Олам Аллоҳ томонидан яратилганингига ишоралар шунча кўп экан, инсон қандай тарзда

уларни илғаб олади? Бу масалада инсонга Аллоҳнинг ёрдами қанчалик зарур? Сезган бўлсангиз, бу ерда гап мантиқий фикрлашга рухсат борми, йўқми, шу устида кегмоқда.

Ваҳий масаласи Мотуридий даврида ҳам ўз долзарбилигини йўқотмаган. Муътазилийлар Аллоҳни билишда мантиқий тафаккурнинг устуворлиги тоясини ҳимоя қилган бўлсалар, ашъарийлар инсон тафаккурининг шаклланишида ваҳийнинг алоҳида аҳамияти борлигига эътибор қаратдилар. Ашъарий Қуръони каримда Аллоҳни билишга олиб келадиган исбот талаб қилимас далиллар борлиги ва шу маънода, Аллоҳни танишда инсонга ваҳий ёрдами кераклигини таъкидлади. Мотуридий эса оламни ақлий-мантиқий ёндошиш билан ҳам, ваҳий орқали ҳам англаш мумкинлигини, ҳар иккаласи бир-бинини тўлдирган ҳолда Аллоҳни билишга хизмат қилишига ургу берди. Унингча, мантиқий тафаккур эзгулик ва ёвузликни фарқлаш, Яратувчининг мавжудлигини исботлаб беришга қодир. Албатта, ваҳий Аллоҳнинг борлигини бевосита исботловчи ҳужжатдир. Аммо ваҳий ёрдамисиз ҳам Аллоҳни ақи билан билиш мумкин. Мотуридий бу билан ҳар бир инсон Аллоҳнинг борлиги ва ягоналигини табиий йўл билан билиши мумкинлигини назарда тутади. Бироқ буни муътазилийларга ён бериш деб тушунмаслик керак. Бу масалада Мотуридий ҳанафийларнинг анъаналарига суюнган ҳолда фикр юритади. Ҳанафийлар ҳамиша Аллоҳни табиий йўллар билан билишга чақирганлар. Масалан, Абу Ҳанифанинг илк шогирдларидан Абу Муқотил ўзининг «Китоб ал-олим» асарида фақат нақллар билан чекланиб қолмасдан, инсон мустақил равишда нима тўғри ва нима нотўғрилигини фарқлай билиши лозим, деб кўрсатган эди. Макҳул Насафий ёзишича, «ҳеч ким ваҳийдан яхши хабардор эмаслигини рўкач қилиб, ўзининг эътиқодсизлигини оқла-маслиги керак. Чунки Аллоҳ пайғамбарларни ҳидоят учун юборишдан ташқари, ўзининг мавжудлигини кўрса-

тадиган далиллар (ҳужжатлар), аломатлар, инсоннинг заиф мавжудот эканлигига далолат қилувчи ва инсон ҳолининг ўзгариб бориш қонуниятларини (ат-таҳвил мин ҳал ила ҳал) тушунтириб берувчи мисоллар (ибратлар) қолдирган. Биз Аллоҳни сезгиларимиз билан кўра олмасак-да, Уни ваҳийдан келиб чиқиб билишимиз учун бизга ақл берилган».

Илгари ўтган илоҳиётчилар Парвардигор яратилмаларини ақлий-мантиқий ўрганиш орқали идрок этиш мумкин деган бўлсалар-да, бунинг исботи устида бош қотирмаганлар. Мотуридий бу масаланинг шу томонига жiddий эътибор берди. Олдинги олимлар кўринувчи (шоҳид) – моддий борлиқдаги ҳар бир нарса кўринмайдиган (файб олами) – илоҳий борлиқда ўзига айнан бўлган нусхага (мисл), бошқача айтганда, ўзига ўхшаган (назир) нарсага эга деб ҳисоблаганлар. Шу тариқа, улар бу икки борлиқ ўртасига ўхшашлик тортишга ҳаракат қилганлар. Бу хато фикр эди, чунки бундай ҳолатда барча табиий ва ҳис этиладиган нарсалар «асл»га айланиб, кўринмайдиганлари уларнинг ҳосиласига – «фаръ»га айланиб қолган бўлар эди. Ҳақиқатда эса бунинг акси бўлиши керак. Зотан, моддий олам Аллоҳнинг яратилмаси сифатида ихтиёrsиз ва мустақил эмаслигини диний ҳужжатлардан биламиз, дейди Мотуридий. Демак, унинг асли, яъни Аллоҳ унга қарама-қарши равишда мустақил ва алоҳидадир. У мавжуддир ва оламни бошқаради. Нимаики нусхага (мисл) эга бўйса демак, унинг иккинчиси бор, деб тушуниш мумкин. Иккита дейилдими, демак у сон категориясига тегишли бўлиб қолади. Аллоҳ эса ягона-дир, саноқдан холидир. Қуръони каримда (42:11) айтилади: «Унинг мисли (ўхшапи) йўқдир (лайса ка-мислиҳи шаи)». Аллоҳни билиш деганда Уни яратилмаларига қараб англаб етишга айтилади. Инсон билимининг чекланганлиги ва олам тузилишини тўлиқ идрок этишига ожизлиги шундан далолат берадики, Аллоҳ илми энг мукаммал илмдир ва Унинг ўзи комил илмли эканлигига

далолатдир. Бизнинг турфаҳиллигимиз эса, Унинг ягоналигини қўрсатади. Бизнинг чекланган вақтда яратилганигимиз Унинг абадийлигини исботлайди. Ҳатто оламдаги бир-бирига қарама-қарши нарсаларнинг ўзаро таъсирида мустақил қудратга эга эмаслиги Парвардигорнинг қулратига далилдир. Кўриниб турибдики, Мотуридийнинг мулоҳазаси Ваҳдат мұаммосига бориб тақалмоқда. Бунда олимнинг илоҳиётида неоплатончиларга хос метафизиканинг таъсири сезилади. Ислом файласуфларидан Киндийнинг асарларида шундай фикрлар устувор бўлган. Юон файласуфлари асарларида Биринчи Сабабнинг оламдан алоҳидалиги ва уни ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмаслиги ҳақида муайян фаразлар берилган. Бу, айниқса, неоплатонизмда яққол кўринади. Неоплатончилар ягоналик, яъни ваҳдатни сон бирлигига кўрмаслик, унга таъриф беришда унинг абсолютлигиги ва ўзига боғлиқ нарсаларга нисбатан эркин муносабатда бўлишига эътибор беришга чақиргандилар. Арифметик бирлиқдан қочиш Плотинда яхши ёритилган. Унинг абсолют ва нисбий бирлик ҳақидаги фикрлари Прокл асарларида янада муфассал қўрсатилган. Маълумки, Проклининг неоплатон метафизикасига оид асари IX асрда икки таржима орқали ислом олимларига яхши таниш бўлган. Жаҳм б. Сафвон қарашларида неоплатончиларнинг таъсири сезилади.³⁷

Мотуридий Самарқандда Моний таълимоти тарафдорларининг дуалистик қарашларига қарши калом баҳсоларида Аллоҳни билиш йўлининг уч босқичига тўхталади. Булар: энг аввало, диний нақллар ва ҳадислар; ундан сўнг мантиқий мулоҳазалар (далолат ул-ақл); ва ниҳоят, ҳиссий органлар қабул қилган таассурот, олимнинг ўзи айтганча, яратилмалардан таъсиrlанишининг далолати (далолат ал-истидлол би-л-халқ).

³⁷ Frank R.M. The Neoplatonism of Gahm Ibn Safwan//Le Museon N78, 1965, pp.395-424.

Мотуридий Аллоҳ ваҳдатини тушунтиришда нақл ва тафаккурнинг муҳимлигини қўйидагича исботлайди:

1. Диний нақл ва ҳадисларда айтиладики, Ал-Воҳид ҳамиша иносон учун Аллоҳ тимсоли бўлган. У фақатгина улуғлик (азамат), ҳукмдорлик (мулк), олийлик (рифъат) ва афзаллик (фазл)ни белгилабгина қолмай, балки барча нарсаларнинг асоси, ўзи битта бўлса-да, аммо кўпликнинг асоси (касрат ичидан ваҳдат) сифатида эътироф этилади.

2. Нақларда событки, фақат битта Тангри ваҳий орқали ўзини ошкор этган. Бошқа илоҳ борлигини исбот қилган ва ундан хабар келтирган бирорта найғамбар ҳам, бирор-бир далил-аломат ҳам йўқ.

3. Агар бошқа илоҳ бўлганда эди, ўзининг яккаю ягоналигини эълон қилган Аллоҳга қарши қўзғалган бўлар эди ва ваҳдат ҳақидаги ваҳийнинг юборилишига тўсқинлик қилган бўлар эди. Бу нарсанинг содир бўлмагани Яратувчи-Парвардигор фақат битта эканлигини исботлайди.

4. Агар икки илоҳ мавжуд бўлса, мантиқан, ақл нуқтаи назаридан қараладиган бўлса, улар бир-бири билан рақобатлашиши керак (тамону). Чунки зўрлар ҳамиша яккаҳокимликка интилади, подшоҳлар бунга яхши мисол. Илоҳлар ҳам, мантиқан, ўз ҳокимиятини ўрнатишга тирипадилар ва бу йўлда бири иккincinnининг режаларини чиппакка чиқаришга ҳаракат қиласди. Агар Худо иккита бўлса, рақобат таъсирида бизга маълум оламни яратиш ишини бундай мукаммал ва мунаzzам равишда тутгатишнинг мантиқан имкони бўлмасди. Демак, Парвардигор – битта.

5. Бизнинг тасаввуримизга Тангри иккита деган фарз сифмайди, чунки агар икки илоҳ мавжуд деб тасаввур қилинганда, бири иккincinnининг ижодини ўзлантириши ёки бекитини табиий.

6. Юқоридаги мулодазадан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, оламдаги барча жараёнлар (fasllar алманиш-

шуви, қүёш, ой ва юлдузлар ҳаракати) ягона тартиб-интизом (тадбир) асосида амалга ошади. Буидай ягона марказлашган тартиб фақат бир раҳбар етакчилигига ўрнатилиши мумкин.

7. Олами кўплаб хилма-хил ва бир-бирига қарама-қарши таъсир кўрсатувчи нарсалар ташкил этади. Уларниг уйғун ҳолда фаолият кўрсатиши Ягона Худонинг иродасини кўрсатиб туради.

8. Биз сезадиган ва ҳис этадиган барча, беистисно, конкрет нарсалар (аъён) жисм дейилади. Жисмлар хоссалардан – табоиълардан ташкил топганки, уларниг хусусияти бир-биридан қочиш ва қаршилик қилишдир. Уларниг бир муниzzам бутуниликка уйғун ҳолда бирикуви комил илм, чексиз құдрат ва лутф ҳамда ҳикматга эга Аллоҳ томонидан назорат қилиб турилишини кўрсатади.

Мотуридий келтирган далиллардан қуйилаги икки асосий хulosани ажратиб олиш мумкин:

1. Олим «тадбир» концепциясини, яъни олам илоҳий бошқарув ва олдиндан ўйлаб қилинган режа асосида ривожланишиғо ясиини ўртага ташламоқда. Аллоҳининг ишлари (афъол) тартибли ва олий даражада мақсадга йўналтирилган. Демак, бу ишларниг бўшида рақобатлапшувчи илоҳлар эмас, биргина Аллоҳ туради ва У Ягонаидир.

2. Бирдан ортиқ илоҳ бўладиган бўлса, унда улар бир-бирига қаршилик кўрсатиши керак (таману) ва бу рақобат оламниг яратилишидаги ижодкорликка тўсқишилик қилиши турган гап. Демак, Аллоҳ ягона ва умумий ҳукмдордир.

Мотуридий ушбу мулоҳазалари билан Қуръони карим сураси ва оятларида (27:59-63, 21:22, 17:42, 23:91) айтилган фикрларни шарҳлайди.

«Тадбир» – режали бошқарув, «Тамону» – рақобат тушунчалари IX асрда яшаб, ижод этган Жаҳиз, Абул Ҳузайл, Муҳосибий каби мутакаллимларниг ишлари-

да ҳам учрайди. Ҳасрдан бошлаб Ашъарий, Табарий ва Мотуридийнинг асарларида, кейинчалик эса ҳар бир илоҳиёт билан боғлиқ асарда учрайди. Бироқ Мотуридийнинг «тадбир» концепцияси Ашъарий ва бошқаларни кидан фарқ қиласиди. Ашъарийда «тадбир» катта аҳамиятга эга бўлмай, «тамону» марказий ўринда туради. Сабаби, Ашъарийнинг олам ҳақидаги назариясида мустақил табойиъ ҳақида фикр умуман йўқ. Мотуридийда борва у ҳатто бошқарилади. Олам барча жиҳатлари билан Парвардигорга боғлиқ. Шу билан бирга, уларнинг барчasi табоиъ – хоссалардан иборат. Улар мустақил ҳаракат кучларига эга бўлиб, Аллоҳ томонидан тартибга солиниб, бошқариб турилади.

Абу Мансур Мотуридийнинг таълимоти Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари мусулмон адабиётида илоҳиёт билан боғлиқ шарҳларда асосий дастуруламал ҳисобланган. Ҳатто шаръий заминдаги тасаввуф мактаблари ҳам Мотуридий таълимотига суюнгандар. Марказий Осиё шоирларининг деярли барчаси ўзғоявий йўналишларида Мотуридий каломидан озиқланганлар.

КАЛОМ ВА АЛ-ФАЛСАФА

Ҳорун ар-Рашид даврида аббосийлар давлати қудратли салтанатга айланди. Мусулмонларга Шимолий Африкадан Ҳиндистонга қадар ёйилган катта ҳудуд тобе бўлди. Аббосий халифалар диний билимларни чуқурлаштириш заруратини ҳисобга олиб, илм-фап ривожига алоҳида эътибор бердилар. Юнон, ҳинд, паҳлавий тилларидан турли фанларга оид асарлар араб тилига таржима қилиниди. Дастлабки таржималар халифаликда яшаштган христианлар томонидан амалга оширилди. Христианлар юнонларниң кўп китобларини араб тилига таржима қилдилар. Маъмун академиясининг ташкил қилиниши

(832 й.) юонон тафаккури таъсир доирасининг янада кенгайишига, ислом фалсафаси, тиббиёт ва астрономия фанларининг ривожига сабаб бўлди. 750–1000 йиллар гача кўнгина асарлар тўғри юонон тилидан, баъзилари сурёний манбалардан таржима қилинди. Шубҳасиз, юонон файласуфларининг асарлари исломда фалсафа аталмиш фан соҳасининг пайдо бўлишида муайян ўрин тутди. Яъқуб ибн Исҳоқ ал-Киндий (в. 860–879 йиллар орасида), Абу Наср Форобий³⁸ (873–950), Ибн Сино (980–1037) ва уларнинг издошлари илмий фаолияти юонон фалсафасини исломлаштиришда ҳал қилувчи бўғин бўлди. Ушбу файласуфлар Арасту таълимоти тарғиботчилари бўлганликлари учун машҳоий (перипатетик) файласуфлар деб аталди. Фарбда уларни юонон файласуфларидан ажратиб туриш учун «ал-фалсафа» аҳли деб атадилар.

«Ал-фалсафа» аҳли мутакаллимлардан фарқли равишда, борлиқ тузилишига метафизика илми нуқтаи назаридан ёндашдилар. Метафизика борлиқнинг энг умумий қонуниятларини, моддий ва руҳоний мавжудотларни, материядан ташқаридағи олам (ғайб олами) сирсиноатлари ечимини мантиқий тушунтиришга ҳаракат қилади.

³⁸ Форобий (870–950) ўзининг «Китоб фи ихсо ал-улум ва ат-таъриф» («Илмларнинг таснифи ва таърифи ҳақида китоб») асарида тилшунослик, мантиқ, математика, табииётшунослик ва метафизика ҳақида батафсил таъриф ва тушунчалар беради. Форобий илмий билимларни қиёсий (силлогистик) ва қиёсий бўлмаган қисмларга ажратиб қарайди. Қиёсий билимларга фалсафани, каломни (метафизик дунёқараш), вазнни ва шеъриятни киритади. Силлогистик бўлмаган билимларга амалийт билан борлиқ билимларни, жумладан, тиббиётни киргизади. У фалсафани бўлишда Аристотелга эргашади. Аристотель фалсафани уч қисмга бўлгандар эди: назарий (мантиқ, физика, математика ва метафизика), амалий (ахлоқ, иқтисод, сиёсат) ва ижодий (шеърият, риторика ва санъат).

«Ал-фалсафа» йўналишини бошлаб берган илм Яъқуб ал-Киндий ҳисобланади. Тарихчилар уни Басрада, баъзилари Куфада, айримлари Ироқдаги Восиг шаҳрида туғилган дейдилар. У асли арабларнинг Ямандаги Қаҳтон қабиласининг Кинда деган тармоғидан. У дастлаб Куфада таълим олди, сўнг таҳсилни Басрада давом эттириди, кейинроқ Бағдодга қўчиб келди. Бу даврда ҳали таржима ишлари унча ривожланмаган эди. У юнон тилини ўрганди. У Маъмун (халиф. дав. 813–833) ва укаси Муътасим (халиф. дав. 833–842) ларнинг диққатини тортиди. Маъмун уни Байт ал-ҳикмага жалб қилди. У тезда кучли таржимонлардан бирига айланади. Ислом тарихчиларининг айтишларича, Киндий Ҳунайн ибн Исҳоқ, Собит ибн Фурра, Умар ибн ал-Фархон ат-Табарий каби тан олинган энг йирик таржимонларнинг тўртинчиси бўлган.

Манбаларда келтирилишича, Киндий 270 та асар ёзган. Шундан 30 га яқини фанга маълум. Унинг файласуф сифатидаги катта хизмати мусулмонларни юнон фалсафаси билан таништиргани бўлди. У «Аристотел китоблари сони ва фалсафасини ўрганиш учун нималар зарур?» асари, Птоломейнинг «Алмагест» ва Аристотелининг «Аналитика» китобларига изоҳлари орқали исломда фалсафанинг тараққиётига йўл очиб берди.

Иккинчи файласуф Абу Наср Форобий Киндийдан фарқли ўлароқ, юнон фалсафасини, хусусан, неоплатонларнинг таълимотини исломлаштириш ва такомиллантиришга уринди. У Ҳақ таолонининг ботиний (ички) ва ташқи оламга ёйилган тажаллийсининг даражалари ҳақида гапириб, унинг трансцендентал, моҳиятнинг эса абадий эквалигини тушунтириди.

У ўзининг «Уюнул масоил» (Масалалар манбаси), «Китоб ал-жадал» (Мунозара китоби), «Акциденция ва жисмлар мавжудлигининг ибтидоси ҳақида» асарларида борлиқ тузилиши бўйича атрофлича фикр юритди. Форобийдан сўнг унинг ишларини Ибн Сино бир тизимга

келтирди ва такомиллаштириди.³⁹ Ибн Сино Шарқ мантиқ олимларининг энг забардасти ҳисобланади. Унинг даврида Аристотель асарлари шарҳига асосланган Бағ-

³⁹ Ибн Сино бир неча асарлар ёзган. Манбаларда кўрсатилишича, унинг асарлари 220 дан ортиқдир. Бизгача етиб келганлари қўйидаги-лар: Китоб аш-Шифо (Шифо китоби). У тўрт китобдан иборат бўлиб, натурфилософия (табииёт), математика (риёзиёт), мантиқ ва мета-физика (илоҳиёт)га бағишлилангандир. «Китоб ал-нажот» «Китоб аш-шифо»нинг муҳтасар шаклидир. «Китоб ал-ишорот вал-таибиҳот» Ибн Синонинг охирги йирик фалсафий асари бўлиб, унда унинг фалсафий қарашлари ўз аксии топган. Унинг бошқа фалсафий асарлари, жумладан, «Китоб ал-Ҳидоя», «Уййун ал-Ҳикмат» (Ҳикмат чаш-малари), «ал-Мабда вал-маод» (Ибтидо ва интиҳо китоби), форс ти-лидаги илк фалсафий асар бўлган «Донишномаи алоий» (Алауддавла учун дошишнома), «Ҳай иби Яқзоп», «Рисолат ат-тайр» (Куш рисола-си), «Саломон ва Абсол» каби фалсафий, бадиий асарларида Шарқ фалсафасининг асосий элементлари ифодаланган.

Ибн Синонинг фалсафий ғоялари ҳақида сўз юритицдан олдин унинг асарлари борасида айтиб ўтиш муҳимдир. Унинг 180 дан ортиқ асари бизгача етиб келмаган дейилади. Мавжуд 40 га яқин ишлар унга тааллуқли деб ҳисобланса-да, аниқ эмас. Балки улар унинг ғоялари асосида шогирдлари томонидан жамланган рисолалар бўлиши мум-кин. Унинг фалсафий мушоҳадалари барча асарларида, улар филоло-гия, тиббиёт ёки бошқа фан соҳаларига тегишли бўлишидан қатъи назар ўз аксии топган. Ибн Синонинг фалсафага маҳсус бағишлилан-ган асарларини икки категорияга бўлиш мумкин: машҳорий ёки перипатетик фалсафага бағишлиланган асарлар ва «ал-ҳикмат ал-машриқи-йиги» ёки «Шарқликлар фалсафаси»га бағишлиланган асарлар.

Биринчи қисмга «Шифо» китоби, фалсафа луғати ва машҳорий ғоялари тўплами, шунингдек, унинг мантиқ, эпистемология, ақлий исерархия, қайта тирилиш ҳақидағи кичик рисолалари киради. «Шарқ-ликлар фалсафаси»га кирувчи асарлар Ибн Синонинг умрининг охирги даврларида ёзилган бўлиб, ундаги қарашлар Ибн Синонинг аста-се-кин перипатетик фалсафадан ўзгача ақлий-тафаккурий ўлчовларга эга бўлганини ҳам кўрсатади (Seyyed Hossein Nasr. The Islamic intellectual tradition in Persia. p. 78).

Генри Корбиннинг тадқиқотлари Ибн Сино фалсафасининг ана шу иоаниқ томонларини аниқлади (Henry Corbin. Avicenna and the Visionary Recital. Dallas, 1980). Ибн Синонинг «ал-Ишорот вал-таибиҳот» асари, айниқса, унинг охирги 3 боби, уч мистик достон – «Ҳайӣ

дод қадимий мантиқ мактаби қарийб сўнаётган ёди.⁴⁰ Иби Сино мантиқ илмининг янги даврини бошлаб берди. Иби Сино метафизика (илоҳиёт) ва космологияга ҳам катта ҳисса қўшди. У бу билан чекланмасдан, мантиқ илмини фалсафанинг таркибий қисмига айлантириди, гепотетик ва бўлинувчи силлогизмлар назариясини батафсил ишлаб чиқди, сифат ва сонга мувофиқ артикуляция қоидаларидан баҳс юритди. Стоикларга монанд ҳукм юритиш назариясини такомиллаштириди. Шунингдек, у мантиқий таъриф ва тасниф назарияси билан боғлиқ ўз фикрларини баён қилди. Бу ва мантиқпинг бошқа элементлари ўрта асрларда унинг бу соҳада стук олим сифатида танилишига хизмат қилди.

XI асрдан бошлаб файласуфларнинг ғоялари мантиқий фикрларига мойил халқ ичидагескин оммалаша бошлиди.

иби Яқзон», «Рисолат ал-тайр», «Саломон ва Абсол» ва унинг «Шарқликлар мантиғи» (Мантиқ ал-машриқийин) рисоласи Иби Синонинг шарқ фалсафасига доир фикрларини равшанлаштиради.

Иби Синонинг файласуф сифатидаги фаолиятига назар ташлар эканмиз, у ислом перипатетик (машший) фалсафасини энг юқори даражага кўтартганлиги тадқиқотчилар томонидан алоҳида қайд этилганини эслатиш ўринлидир. Иби Сино Аристотель ва неоплатонизм вакиллари таълимотини исломий дунёқараш асосига қўйиш ишларини бошлаб берган ал-Киндий, ал-Форобий ва бошқа файласуфларнинг ишларини такомиллаштириди ва ниҳоясига етказди. У Аристотелдан мантиқ ва физикани, афлотунчилардан метафизика ва психологияк қарашларни, стоиклар ва ҳерметиклардан баъзи элементларни ижодий ўзлаштириб, фарб тадқиқотчиларининг тили билан айтганда «ўрга асрлар фалсафаси» даврини бошлаб берди (Seyyed Hossein Nasr. The Islamic intellectual tradition in Persia, p. 69.).

Ўзининг «Мантиқ ал-машриқийин (Шарқликлар мантиғи) китобида ва бошқа асарларида ҳам ёруғлик ва ҳам Шарққа дахлдор бўлган ҳикмат ҳақида ёзди. Унинг фикрлари XII асрда Шиҳобиддин Суҳравардий томонидан «ишроқ» фалсафаси номи билан ўз такомилига етди.

⁴⁰ Seyyed Hossein Nasr. The Islamic intellectual tradition in Persia, p. 69.

Файласуфлар борлиқ муаммосига жисмлар бир-бири билан ўзаро сабаб-оқибат қонунияти орқали боғлиқлигидан келиб чиқиб ёндошилар. Уларниң фикрича, ҳар қандай оқибатнинг сабаби бор. Олам сабабий боғланган ашёлар занжиридан иборат. Унинг сабаблар ҳақидағи таълимотида тажаллий назариясининг таъсири сезилади. Тажаллий назариясини Александрияда Фило ва унинг шогирди Плотин етакчилигига ташкил этилган афлотунчилар-неоплатонлар мактаби ишлаб чиққан. Үнда барча фикрлар Ақл атрофида ривожлантирилади (юнонча Нұс (Nous), Аристотелдеги *intelligentia primus* каби). Афлотунчилар 10 та ақлни санаған (Үқули ашара): Нұс ёхуд Биринчи Ақл биринчи яратилған ва у биринчи Фариштани яраттан. Фаришта Иккинчи Ақлни яраттан ва бу жараён ўнинчи фаришта яратилғунча шу тартибда давом эттан. Барча фаришталар түрт unsur устида ишлаб бутун оламни яраттанлар. Фаришгалар «Абои ала-вий» (The superior fathers – олий оталар), улар иш олиб борган элементлар эса уммақоти сифлий (тубан даражадаги оналар – the interior mothers) деб номланған.

Форобий ишларида неоплатонлар таълимоти бир қатор ўзгаришларга учради. Хусусан, неоплатонларда материя илоҳий нурланишнинг сүниши чегараси, яъни зулмат бўлиб, пассив мавжудот бўлса, Форобийда эса актив бўлиб, табиат ва абадийликнинг субъектидир. Материя ўз-ўзидан янгиланиб, ўзгариб турувчи вужуддир. Ҳар бир сабаб – ибтидо борлиқни шакллантиришда иштирок этади. Уларниң ўzlари ҳам, уларга тааллуқли нарса-ҳодисалар ҳам ўз моҳиятига кўра икки турга бўлинадилар. Моҳиятан мавжуд бўлиши шарт ва зарурий бўлган нарсалар «вужуди вожиб», яъни зарурий вужуд деб, мавжуд бўлиши зарурий бўлмаган нарсалар вужуди мумкин деб аталди.

Шундай қилиб, «Вужуди мумкин» мавжуд бўлиши учун сабаб керак. Демак, вужуди мумкин бошқа бир нарса таъсирида вужудга келади. Энг биринчи сабаб «вужуди во-

жиб»дир ва барча қолғанлар «вужуди мумкин»дир. Шунга асосан, биринчи сабаб – Тангри таоло бўлиб, у ўзўзича мавжуд, ҳеч нарсага тобс эмас, ҳеч нарсага зарурати ва эҳтиёжи йўқдир

Аллоҳ ёхуд Бирламчи сабаб фақаттинга барча нарсаларнинг сабаби бўлибгина эмас, балки борлиқ ва тафаккурнинг комил бирлиги ҳамдир. Чунки унинг ўз борлифи ҳақида тафаккур қилгани ва уни танигани Аллоҳ Моҳими борлигини яратди.

Форобий таълимотида Аллоҳ биринчи борлиқ, биринчи сабаб, биринчи ҳаракатлантирувчи куч бўлишига қарамасдаи, ердаги ҳаётга аралашмайди. «Биринчи мөҳият барча мавжудотларнинг мавжуд бўлишига биринчи сабабдир», – дейди Форобий. У камчиликлардан холи. Қолган барча мавжудот камчиликка эга. Унинг мавжудлиги мукаммалдир. Ундан мукаммалроқ ҳеч нарса йўқ. Унинг вужуди эзгулиқдан иборат ва ҳеч нарсага муҳтож эмас. У ҳақиқат, тириклик ва ҳаётдир. Ундан барча борликлар келиб чиқади. Барча борлиқлар унинг мақсади натижасидир. У ўзи учун мавжуддир. У бошқа нарсаларнинг мавжуд бўлиши учун мавжуд деб бўлмайди. Шунинг учун ҳам ўзидан бевосита қуидаги учун Биринчи сабабдир, аммо ундан қуидагилар учун У бирламчи сабаб эмас. Чунки, инсон тобе бўлган борлиқнинг энг қуий босқичи билан биринчи борлиқ бўлган Тангри таоло муҳити орасида масофа анча узоқ ва ўртада бир қанча борлиқ босқичлари мавжуд.

Ушбу борлиқ ва босқичларнинг пайдо бўлиши қуидагида кечган. Биринчи сабаб ўзини-ўзи танийди. Айнан ана шу ўзини таниш жараёни касратнинг (кўплик) пайдо бўлишига сабаб бўлган, яъни Биринчи сабаб томонидан ўзининг борлигини таниши Биринчи ақлни пайдо қилди. Ўзининг зарурий мөҳиятини таниши Руҳни (жон) дунёга келтирди. Ўзининг имкониятини таниши эса, ўзидан алоҳида иккинчи муҳитни вужудга келтирди. Биринчи ақл иккиласми сабабдир. Иккиласми сабаб муҳити самовий

жисмлар борлигини ташкил этади. Иккиламчи сабаб борлиқлари қанча бўлса, самовий жисмлар ҳам шунчадир. Иккиламчи сабаб муҳити фаришталар оламидир.

Биринчи Ақл ўзининг борлиғини таниши ва Биринчи Сабабни англаши учинчи борлиқни пайдо қилди. Учинчи борлиқ моҳиятнан ўз вужудига эга бўлгани учун ундан зарурий равишда биринчи осмон пайдо бўлди. Ушбу учинчи борлиқнинг ўз моҳиятини ва биринчи сабабни таниши заруратан тўртинчи борлиқни яратишига олиб келди. Тўртинчи борлиқ – турқун юлдузлар муҳитидир. Шу тарзда Сатурн муҳити борлиғи, ундан Юпитер, ундан Марс, ундан Қуёш, ундан Венера, ундан Меркурий ва ниҳоят ундан тўққизинчи борлиқ – Ой муҳити дунёга келади. Ҳар бир муҳитнинг ақли ва жони (руҳи) бор. Ҳар бир муҳит ўз самовий жисмларига эга. Уларнинг зоҳирий сифати нурдир. Чунки уларнинг баъзи қисмлари нур таратади. Масалан, юлдузлар шундай жисмлардир. Баъзилари шаффоф бўлиб, юлдузлардан нур олиб, ёришиб турадилар. Барча самовий жисмлар доирасимон ҳаракатланадилар. Муҳитларни ҳаракатлантирувчи кучлар Ақллардир.

Самовий жисмларнинг борлиқлари тизими Ой муҳитида тугайди. Ундан қуйида ойости олами жойлашган. Унинг бошқарувчиси Ўнинчи Ақлдир. У Учламчи сабабдир. уни Фаол Ақл деб ҳам юритишади. У онгли жонзотларни бошқаради ва такомиллашиб боришига жавоб беради. Ойости олами моддий асос, шакл ва тўрт унсурдан иборат, ўзгарувчан оламдир. Унинг муҳити айланувчи (ёки ҳаракатланувчи) эмас, яъни Ойости оламида ҳаракатланувчи сфера йўқ.

Форобийнинг олам тузилиши ва борлиқ даражалари ҳақидаги қарашлари Афлотун ва Арасту концепцияларига тақалади. Унга биноан, ер атрофида саккиз осмон муҳити айланиб, ҳаракатда бўлади. Форобий Птоломейга эргашиб, тўққизинчи муҳитни – юлдузсиз осмонни қўйди.

Арастуниң самовий жисмлар, яъни осмонлар ҳақидағи таълимоти мұраккаб бўлиб, унда биринчи сабаб муҳитидан ташқари, ақллар ва руҳлар (жон) сони 55 тага етади. Форобий уни анча қисқартирди. Руҳ (жон) муҳитни ҳаракатга келтиради, ақл руҳга қувват береб турувчи энергетик манба ҳисобланади. Барча Ақллар ўз асосларини ва тадрижий равишда юқоридаги Ақлларни танийдилар. Юқоридагилар настдагилардан хабарсиз бўлади. Форобийда барча борлиқларниң ақли ўз муҳитига нисбатан Арастудан фарқли равишда мустақиллар. Шу билан бирга, барча қуи борлиқлар биринчи борлиқдан мустақили эмаслар ва унинг борлиғига алоқадордирлар.

Демак, шундай қилиб, Форобий бўйича, борлиқ олти асос – ибтидодан иборат:

Бирламчи сабаб – Худо.

Иккиламчи сабаб – фаришгалар олами.

Учламчи сабаб – Ақли фаол (космик Ақл ёхуд ойости олами).

Жон (руҳ, нафс).

Шакл (суврат).

Материя (модда).

Ибн Сино ҳам Форобий қарашларини давом эттиради. Бироқ Ибн Сино цантеизмга берилмади, чунки у ҳамиша Ягона Зарурий вужуд қарисида мавжуд барча нарсларниң Ақлдан (Универсал ақл) замингача имконийлигини таъкидлади.⁴¹

Иккинчи Ақл унинг схемасида ҳам ҳаракатсиз юлдузлар осмонидан юқоридаги энг баланд осмонга тўғри келади. Ўнинчи Ақл ойга тўғри келадики, ундан настга қараб ишлаб чиқариш ва айниш (ижод ва таҳриб (хароб қилиш) олами бошланади. Ойости оламида шакл ва мазмун жисмлар ҳосил қилиш учун бирлашади. Улар доимо

⁴¹ Seyyed Hossein Nasr. The Islamic intellectual tradition in Persia, p. 71.

Ўнинчи Ақл таъсирида бўлган ойости ишлари жараёнида ўзгаришига учраб борадилар, янги шаклларга кирадилар. Шунинг учун Ўнинчи Ақлга «шакл ясовчи» дейдилар (воҳиб ал-сувар).

Форобийнинг ойости олами камолот даражаларига эга. Булар «ўзлаштирма», «фаол», «имконий» ва «воқеий» ақл даражаларидир. Форобий бу масалада Афродизли Александр нуқтаи назарини ривожлантириди. Арасту икки хил ақл – мажҳул (нофаол) ақл ва фаол ақл ҳақида гапирган эдӣ. Нофаол ақл индивиддинг қобилиятларига алоқадор бўлса, Фаол ақл биринчи муҳаррикнинг (ҳаракатлантирувчи кучнинг), нарса-ҳодисалар ўргасида мутаносибликий вужудга келтирувчи мунаzzамликнинг ва умуминсоний Ақлнинг хусусиятларини ифодалайди.

Форобийда ойости оламида камолотнинг олий даржаси «ўзлаштирма ақл» даражасида намоён бўлади. «Ўзлаштирма ақл» воқеликдаги тушунчалар оламидан иборат.

Имконий ақл дегани руҳнинг қандайдир қисми ёки шундай нарсаки, моҳиятан нарсаларнинг моҳияти ва шаклини унинг моддасидан ажратга олиш қобилиятига эга ҳамда шу ишга тайёр ҳолатда бўлади. Бироқ моддий шаклларни ўзларига мавжудлик ато этиб турган моддан ажратиб тасавур қилиб бўлмайди. Буни фақат имконий ҳолатдаги ақл ажратга олиши мумкин.

Маърифатга интилиш, илмий билиш натижасида имконий ақл воқеий ақлга айланади. Бу биринчидан, индивиддинг оламни ўрганиши қобилиятини ишга туширади. Иккинчидан, ўрганиш тақозо қилинаётган нарсаларни ақл мулкига айлантиради. Ақл мавжуд нарсаларнинг шаклини қабул қилиб улгурмагунча, у имконий ақл бўлиб тураверади. Шакллар унда ифодалангандан сўнггина имконий ақл воқеий ақлга айланади.

Фаол ақлнинг имконий ақлга муносабати қуёш нурларининг кўзга нисбатан муносабати кабидир. Кўз қорон-филикда кўра олмайди. Унинг кўриш қобилияти бу ҳолат-

да имконий тарзда бўлади. Қуёш нури атрофдаги барча предмет, нарсаларни ёритсагина кўз уларни кўра бошлиди. Худди шу тарзда фаол ақл имконий ақлни воқсий ақлига айланишида ёрдам беради. Форобий буни материя (ҳаюла) ва шакл таърифи воситасида тушунтиради. Шакл – қиёфа, тузилиш ва бошқа миқдорий аниқловчиларнинг яхлитлигидир. Ҳар бир жисм икки ибтидо – материя, бошқача айтганда, моддият (Ҳаюла) ва шаклдан (суврат) ташкил топади. Масалан, курси учун тахта моддият, яъни материядир. Курсининг тузилиши – шакл. Форобий шундай фикрлашда давом этади. Материя эса нарсалар ташкил топган нарса, яъни моҳиятдир. Шакл материя туфайли мавжуддир. Материя хомашё (субстрат) сифатида биринчи сабабдир. У ўз-ўзича, шаклдан ташқарида мавжуд бўла олмайди. Материя ва шакл «табиат» (табойиль) деб номланади. Аммо шакл бу номга материядан кўра муносиброқ. Масалан, кўришни олайлик. Кўриш – моҳият. Кўз жисми – материя. Кўриш қобилияти эса – шаклдир. Улар бирлашгандагина кўриш мавжуд, дея олишимиз мумкин.

Форобий шу тарзда материянинг бирламчилигига урғу бериб бора бошлиди: Ойости дунёсини тўрт уисурнинг турли кўринишдаги бирикувлари ташкил этади. У айтадики, бирламчи ва жузъий ҳисобланган материялар ўз оддий шаклларидан мураккабга қараб (маъдан, ўсимлик, ҳайвон) ўзгариб борища таомиллашиб борадилар. Тўрт элементдан маъданлар, маъданлардаи ўсимликлар бир пофона баланддирлар. Масалан, илк модда энг тубан даражада жойлашган бўлиб, камолот нишапоялари кетма-кетлигига маъданлардан ўсимликлар, сўнг онгсиз ҳайвонлар ва ниҳоят онгли ҳайвон бўлган инсонлар жойлашади.

Шакллар ўз даражаларида кўтарилиб бориб, ўзлаштирилган ақл даражасига етиб борадилар. Бу худди икки томонлама жараёндек: аввал фаол ақл танилиши тақозо этиладиган моҳиятларни воқеликка айлантириш учун

шакларни пастга «туширади». Ушбу шакллар фаоллашиб, такомиллашишга ўгадилар ва даражалари юқорилаша бошлайди. Масалан, маъданлар, ўсимликлар, онгиз ҳайвонлар ва ақлли жонзотлар. Инсон ақлли жонзот бўлиб, у «ўзлаштирма ақл» соҳибидир. Шунингдек, у умуминсоний ақл бўлган фаол ақлнинг объектлашган кўринишидир. Бир сўз билан айтганда, у Тангри ақлининг ердаги вакилидир.

Фаол ақл олам яралиши босқичларининг бири сифатида инсонни Биринчи сабаб билан боғлади. Фаол ақл фаолияти Биринчи сабабга боғлиқ. Ўз навбатида, фаол ақл руҳ (жоп) билан боғланади. Руҳ (жоп) инсон танасида мавжуд бўлгани учун у орқали юқори босқичлар билан инсон ўртасида боғлиқлик ўриатилади. Инсон «илоҳий ҳаёт»нинг бир бўлагига айланади. Бу дегани, инсон руҳи абадий, табиийки, олам ҳам абадий эканлигии билдиради. Чунки Форобий вақтни абадий деб билар, ҳараратни белгиловчи ўлчов деб қарап эди. Бундан «ҳаракат абадий» деган ҳукм келиб чиқади. Форобий руҳий билин қувватлари ичida бошланғич ҳиссий материал беरувчи сезгиларни алоҳида таҳлил қиласиди. Сезгилар, унинг кўрсатишича, хаёл қувватига ҳам, ақл қувватига ҳам дунё тўғрисида бошланғич билим – материал етказиб берадилар. Хаёл қуввати хотира билан қўшилиб, сезгилардан ақлий билишга ўтиш босқичини ташкил этади, унинг вазифаси – ташқи дунёдан олинган образларни сақлаш ва тиклашдир. Лекин бу образлар хаёлда турлича қўшилиб, бирекиб туриши мумкин. Шу бирималардан янгича образлар ташкил топадилар. Лекин уларниңг бир қисми воқеликка мос келиши – тўғри бўлиши, айримлари мос келмаслиги – нотўғри бўлиши мумкин. Бу хаёл қуввати ақлий қувватга материални сақлаб, етказиб беради, ақлий қувват эса нировардида фаол ақл билан боғланади.

Форобий ойости олами ҳақидаги таълимотни кенгайтиришда Плотиннинг тажаллиёт таълимотидан фойдала-

нади. Бироқ ундан фарқли равишда, Форобий асосий эътиборни моддага (материя) қаратади.

Моддий олам, яъни ойости муҳитда нарсалар ҳақиқий қиёфасига, яъни материя ва шаклга эгадирлар. Биринчи сабаб ва унинг бағридан чиққан борлиқлар ўргасида уларнинг мунаzzамлигига халақит берадиган зиддият йўқ. Бироқ табиатда ундей эмас. Бунда моддий асослар шаклни қандай қабул қиласа, худди шундай тарзда ушбу шаклнинг табиатига зид бўлган қарама-қарши шаклни ҳам қабул қиласи. Жисм қанчалик мураккаб шаклга эга бўлса, қарама-қаршилик даражаси шунчалик кучли бўлади.

Материя Фаол Ақлдан маъно олаётган шакллар учун хомашё вазифасини ўтайди. «Шакл» тушунчаси Афлотунда «ғоя», Арастуда нарсалар синфининг умумий табиати ва моҳиятини англатади. Шакл моддасиз на моҳиятга, на борлиқقا эга бўлади, дейди Форобий.

Форобий таълимотида шакл ва материянинг ўзаро муносабати катта ўрин тутади. Аристотель шакл ва материя – нарсалар пайдо бўлишининг икки зарурий сабабидир дейди. Форобий унинг фикрини ривожлантиради. Форобий уларга алоҳида, мустақил мавжуд бўлган, аммо ўзаро боғланган, тенг қимматли сабаблар сифатида қарайди. Шундай бўлса-да, Форобий Арасту сингари шаклни материядан устун қўяди.

Шакл ва материянинг бир-биридан устун жойлари бор. Материя шаклсиз қийматга эга эмас. Шу жиҳатдан, шакл устун, чунки материя шакл ясашга хизмат қиласи. Шакл модданинг мавжуд бўлиши учун яратилган эмас. Балки модда шакл учун яратилгандирки, шакл борлиғи унинг вужудида яшashi керак. Шу жиҳатдан модда шаклдан устун жойи унинг шаклсиз мавжуд бўлишидир. Чунки материя ўз-ўзича мавжуддир. Шакл эса доим моддий хомашёга муҳтождир.

Шундай қилиб, Шакл материяга муҳтоҷ. Агар материя бўлмаса, шакл ҳам бўлмайди.

Форобийнинг имконийлик ва воқелик мақом-ҳолатлари ҳақидағи фикрлари ҳам мугакаллимларниңга зид. Форобийга кўра, ҳар бир нарса аввал имконий ҳолатда бўлади, шаклни қабул қилгач, воқеликка айланади. Форобий жисмлар сабаб-оқибат тамойили туфайли ўзаро муносабатда дейди. Жисмларниңг вужудга келиши ва ўзгариши имконийликдан воқеликка ўтиш жараёнида муайян заруриятдан келиб чиқади.

Аристотелниңг самовий ва заминий жисмлар ўртасида фарқлаши Форобийга ҳам хос. Аристотель самовий жисмларни алоҳида модда-эфир деб атаган. Форобий осмон жисмларининг ўзига хослигини фақат уларниң тузилишида кўради, бошқа жиҳатдан улар умумийдир. Бу умумийлик моддийликдадир. Чунончи, Форобий моддийликниң характерли хусусияти ва белгиси деб З ўлчовни – бўй, эн, чуқурликни ҳисоблайди. У ўзининг «Масалалар манбаи» асарида «осмон жисмлари тўрт элемент билан умумий хусусиятга эга бўлса-да, улар материя ва шаклдан ташкил топган бўлса ҳам, осмон сфераси ва жисмларининг бутун материяси, тўрт элементниң материясидан ҳамда улардан ташкил топган нарсалардан фарқ қиласди. Худди шунингдек, осмон жисмларининг шакли ҳам тўрт элементниң шаклидан фарқ қиласди. Зотан, уларниң ҳаммаси умумий хусусият сифатида моддийликка эгадир, уларда уч ўлчов бор. «Оlam ягона шарни ташкили қилувчи оддий жисмлардан иборат: оламдан ташқарида ҳеч нарса йўқ. Бинобарин, нарсаларниң йиғиндиси коинотни, оламни ташкил қилас экан ва ҳар қандай нарса оддий жисмлардан ташкил топар экан, у ҳолда, материядан ташкил топмаган нарсанинг ўзи йўқ», – леб хулоса қиласди Форобий. Шу тариқа моддийлик дунёга, коинотга асос қилиб кўрсатилади. Кўриниб турибдики, Форобий Биринчи Сабабни ҳам материя дейишга ҳарарат қилган. Калом фалсафасида коинот асоси атомлардан иборат. Бу атомлар руҳоний манбага эга. Улар Тангри таолониниг иродаси билан пайдо бўлиши ва У иста-

гандада йўқ бўлиши ёки яна қайта яратилиши мумкин. Форобийга кўра, жисм шаклан, табиатан ўзгариши мумкин, лекин моддий асоси бўлган тўрт элемент қолади. Чунки моддийлик абадийдир. Бу хулосага келишада Форобий табиатнинг табиий атрибутилари ва қонуниятларидан келиб чиқсан. У оламнинг чексизлигидан коинотнинг ниҳояси йўқлигидан гапиради. «Жисмлар ҳаракатда бўлади. Уларнинг замонда (вақтда) бошанини ва охири бўлиши мумкин эмас. Материяга чексиз қўшилиб борадиган акциденцияларнинг изчиллиги ҳам худди шундай чексиз. Чунки уларнинг ҳаммаси бир вақтда мавжуд бўлмайди, балки бирининг кетидан иккичиси келади».⁴² Мутакаллимлар чексизликни инкор этадилар.

Форобийда модда ва шаклга қанча эътибор қаратилган бўлса, акциденция категориясига ҳам шундай ўрин ажратилган. Моҳият жисмларнинг моҳиятини англатса, (масалан, осмон, юлдузлар, ер, сув ва ҳ.) акциденция эса нарсаларнинг сифати, белгиси ва хоссаларини билдиради, яъни акциденция моҳиятнинг турли белгиларини кўрсатади. У мустақил мавжуд бўла олмайди. У моҳиятнинг ташқи тавсифини беради ва ўткинчи бўлади: парсадан алоҳида товуш, ранг, ҳид бўлиши мумкин эмас. Акциденция бир неча турда бўлади: сифат, миқдор, нисбат, вақт, ўрин, ҳолат, фаолият ва ҳ. Бир парсага бир печа акциденция хос бўлиши мумкин. Улар ўзгарувчандир. Шу ерда у мутакаллимлар каби фикрлайди.

Форобийнинг Олам концепциясини Иби Сино янада аниқроқ ва равшанроқ ифодалади. Иби Сино зарурийлик ва имконийликни Тангрига тааллуқли соғ борлиқ ўртасидаги фундаментал фарқ сифатида фарқлайдики, бу борлиқни Аристотелча тушунишдан фарқ қиласади ва барча мавжудлик Ундан алоҳида эканини билдиради.

⁴² Хайруллаев М. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири. –Т.: «Ўзбекистон», 1971, 196-бет.

Тангри зарурий борлиқдир (вожиб ул-вужуд), мавжудотлар эса имконийдир (мумкин ал-вужуд). Улар Зарурий вужудсиз мавжуд бўла олмайди. У, шунингдек, мавжудлик ва моҳият ўртасига чегара қўяди. Улар зарурийлик, имконийлик ва имконсизлик (имтиноъ) ўртасидаги тафовутлар билан бирга Ибн Синонинг онтологияси асосини ташкил қиласиди. Барча яратилмаларда мавжудлик уларнинг моҳиятига қўшилади. Улар фақат Зарурий вужудда бир хил бўлади. Ибн Сино ислом ақидаларига мувофиқ равишда Зарурий вужуднинг ягоналигини (воҳид) таъкидлар экан, шунингдек, Аҳаднинг ўзидан бориши заруриятини, тажаллий ва ёрқин зуҳур қилиш фоясини илгари сурди: Ибн Сино дунёнинг яратилиши асосини нафақат Илоҳий ироди, балки Илоҳий табиатда кўради. Якка ва Мутглақ бўлгани учун ҳам Тангри олами яратди, бўлмаса Қуръони каримда «Ал-Холиқ» яъни Яратувчи дейилмас эди. Шу маънода Ибн Сино Аллоҳнинг илк зуҳурини ёки бошқача айтганда илк тажаллиётини Ақл (Логос ёки Универсал Ақл) деб номлайди.

Ақл Аҳадни Зарурий вужуд сифатида танийди, ўзининг имконийлигини билади ва ўзининг мавжудлиги, борлигини Аҳад зарурийга айлантирган деб қарайди. Бу уч категорияли мушоҳададан Иккинчи Ақл, Биринчи Рӯҳ, Биринчи Осмон, бутун коинотни қамраб олган яратилиш жараёни дунёга келади. Ижод – яратиш, у мушоҳадага, мавжудлик билимга боғлиқ.

Ибн Сино Оламнинг яратилиши ҳақидаги тушунтиришиларида зарурийлик ҳақидаги таълимотга катта ўрип ажратади. Унинг модели Плотин (афлотунчи) моделидан фарқ қилмайди. Шундай бўлса-да, афлотунчиларнинг Тажаллиёт тарзидаги яратилиши структурасига айrim ўзгартиришлар киритилганди. Бу моҳиятга дахлдор нарсаларга баҳо беришда намоён бўлади. Жумладан, Аллоҳ зарурий вужуд ва Ягона ҳамда бетакрор бўлиб, ўзидан қўйи даражадаги нарсаларни бевосита яратмаса-да, аммо ҳаёт бағишлайди. Аллоҳнинг айни шу сифати илоҳий

борлиқда кўпликка йўл очиб беради. Хусусан, илк тажаллиётида соф Ақл зарурий равишда вужудга келади. Ушбу Биринчи Ақл Аллоҳнинг ўзини танишига бўлган истагидан келиб чиқади. Бу ҳодиса «бошқа нарса орқали зарурий вужудга айлантириши»нинг ёрқин намунаси дир. Бироқ у Аллоҳ эмас ва ўз-ўзига имконийдир. У орқали «кўплик»нинг юзага келишига сабаб биринчи ақлнинг ўзини таниши оқибатидир. У, биринчидан, Аллоҳни ўз-ўзига зарурий вужуд эканлигини; иккинчидан, ўзининг мавжудлигини зарурийлаштирилган борлиқ эканлигини ва учинчидан, ўзининг мавжудлиги фақат имконий бўлиб, Яратувчи вужудидан катта фарқ қилишини билади. Ушбу уч билиш ўз навбатида уч нарсани: иккинчи ақлни, руҳ ва осмонлар муҳитини наайдо қиласди. Улар зарурийлаштирилган вужудлар бўлиб, шу жумладан, Биринчи ақл каби фақат битта таъсирида пайдо бўлади ва, ўз навбатида, фақат биттага таъсир қилиш орқали янги вужудни дунёга келтириши мумкин. Шу тариқа, Иккинчи ақл худди Биринчи ақл каби фикран ўзини билишга ҳаракат қилиши оқибатида учинчи ақлни, иккинчи руҳни ва муҳитни ярагади. Бу муҳит – ўзгармас (ёки турғун) юлдузлар осмонидир. Кетма-кет яратилиш жараёнида самовий сайёralарнинг ҳар бири ўз муҳити руҳи ва ақлига эга. Энг охиргиси ойдир. Ойнинг остидаги олам ўнинчи ақлдир. У фаол Ақлдир. Ундан инсон руҳлари ва моддий борлиқ ҳаётини таъминлатувчи тўрт унсур пайдо бўлди.

Ибн Сино айтадики, зарурий вужуд (Аллоҳ) Биринчи Ақлга тажаллий қилиш орқали оламга тажаллий қиласди. Аллоҳ иродаси шуни талаб қиласди. Демак, Аллоҳ иродаси умумкоинот тизими маърифатининг асосини ташкил этади. Шундай экан, тажаллиёт жараёнида Аллоҳнинг табиат ишларига аралашувига ҳожат қолмайди.

Дунёнинг яратилиши ҳақидаги фикрларда Форобий ва Ибн Сино Арастунинг дунё азалийлиги ва абадийлиги ҳақидаги таълимотига суюндилар. Сабаб-оқибат муносабатларидан келиб чиқиб, Тангри бор экан, олам мав-

жуд бўлади деб таъкидладилар. Улар шариат уламолари ва айрим илк мутакаллимларнинг Аллоҳга инсонга хос бўлган жисмоний унсурларни татбиқ этишга қарши позицияда турдилар.

Форобий ва Ибн Синога кўра, Аллоҳ – Энг юқори илоҳий борлиқдаги нарса-ҳодисаларнинг асосидир. Қолган барчаси ташқи таъсир натижасида пайдо бўлган. Уларни бир-биридан фарқ қилиб олиш учун Борлиқ ва унинг моҳиятини чуқур ўрганиб чиқиши лозим. Нимаики ташқи таъсир натижасида пайдо бўлган бўлса, ўзининг яратувчисига боғлиқ ҳолда яшайди (мавжуд бўлиб туради). Ибн Сино шундай дейди: «Бирор нарса таъсирида яралган нарсанинг ҳаёти (мавжудлиги) имконсиз ҳам эмас (чуники бусиз яшай олиши мумкин эмас), зарурий ҳам эмас (чуники у ташқи сабабга боғлиқдир). Бундай нарсанинг мавжудлиги «ўз-ўзига имконий» дейшилади. Яна: «зарурий вужуд дегани шуки, унинг мавжудлигини тан олмаслик қарама-қаршиликка олиб келади. Имконий вужуд шуки, у бор ёки йўқ десак ҳам хато бўлмайди».

Ушбу зарурий вужуд ва имконий вужудни фарқлаш оламнинг яратувчиси бўлган Аллоҳни унинг яратилмаларидан ажратиб кўрсатиш учун керак эди.

Ибн Сино зарурийликнинг икки типи ҳақида гапириш жараёнида зарурийлик ва имконийлик ўртасидаги фарқни мураккаблантириб юборади. Биринчи типга кирадиган зарурийлик нарса мавжуд эмас, деган тақдирда тўғри бўлади. Бунда нарсани мавжуд эмас дейдиган бўлсак, унда қарама-қаршиликка олиб келувчи зарурийлик сифатида Тангрини инкор қилган бўламиз. Чуники у мавжудлик Аллоҳ таърифининг таркибий қисмидир.

Ибн Сино зарурийликнинг иккинчи типини янада мураккаброқ тасвирлаган. Унга кўра, зарурийликнинг келиб чиқиши муайян Моҳиятга боғлиқдир. Агар уни ўз моҳиятида тасаввур қилсак у имконийдир. Агар уни бошиқа вужуд билан фаол муносабатда кўрсак, у зарурий-

дир. Агар бошқа вужуд билан фаол муносабатда кўрмасак, у имконсизdir.

Бу ерда Ибн Сино ниманидир вужудга келтирадиган борлиқ тури ҳақида гапирмоқдаки, у зарурий борлиқdir. Шу ерда унинг ёндашуви Форобийдан фарқ қиласди. Форобий ва юнон файласуфларининг эътибори имконий вужуд мавжуд бўлиши мумкин бўлса-да, мавжуд бўлмаган ва мавжуд бўлиши мумкин ва ҳақиқатда мавжуд бўлган нарсалар ўртасидаги фарқни аниқлашга, шунингдек, зарурий вужуд ҳар иккала юқоридаги имконий вужудларга нисбатан мавжуд бўлмаслиги мумкин эмаслигига қаратилган эди. Ибн Сино эса қабул қилинган қарашларни чалғитувчи деб топади. Форобий таълимотига «ўз-ўзига имконийлик» ва «бошқа нарса орқали зарурийлик» каби модал тушунчаларни киритади. Унингча, имконий вужуд агар унинг мавжуд бўлиши яратувчи қувватга боғлиқ равишда шарт бўлса имконий дейилади. Бирор нарса таъсирида зарурий бўлган нарсалар ўз-ўзига имконий аталмиш нарсаларнинг ўзидир. Агар нарса ўзининг моҳиятига алоқадор деб ҳисобланса, у имконийдир. Агар нарса ўзининг сабабига нисбатан фаол муносабатда деб ҳисобланса, у зарурийдир. Агар биз ушбу алоқадорлик йўқ деб ўйласак, унда нарса имконсизdir. Аммо агар нарса бошқа бирор нарсага алоқадор бўлмай, ўз моҳияти билан бўлса, унда у ўз-ўзича имконийдир. Либоснинг қанақа бичимда тикилғани ва мато қаерники эканлигини билмасдан туриб, тасаввур қилиш мумкин, дейди Ибн Сино. Бироқ либос уни вужудга келтирган жараён билан алоқадор эмаслигини тасаввур қилини қийини. Ҳар бир бирор нарсага боғлиқ бўлган нарса (мустақил бўлмаган, ҳаракатлантирувчига муҳтоҷ) уни юзага чиқарувчи нимадир билан алоқадордир. Ҳеч нарсага алоқадор бўлмаган ва мутлақ мустақил бўлган ягона вужуд Аллоҳdir. Аллоҳ ўз-ўзига зарурийдир.

Шундай қилиб, Ибн Сино бўйича, бирор нарсага боғлиқ нарса, агар у бирор нарса туфайли дуниёга келсаги-

на мавжуд бўла олади. Аллоҳ ўз мақсадига кўра олам ишларини яратишда хоҳлаган имконий мақомни ташниши ва уни вужудга келтириши мумкин.

Бирор нарсага боғлиқ нарсалар (битта сўз билан ифодалаш керак) дунёга келишдан олдин қандайдир метод-физик ҳолатда Аллоҳ иродасини кутиб турадилар.

Аллоҳ олий яратувчи сифатида барча имконий ҳолатдаги моддий ва номоддий ибтидоларни назорат қилиб турди. Ибтидолар Аллоҳнинг иродаси ишга тушгунга қадар ишловдан ўтганлар. «Бўлмаса, – дейди Иби Сино, – улар имконий ҳолатга келмас эдилар, чунки нимаики вужудга келса ундан олдинроқ вужудга келган бўлади ва имконий ҳолатда бўлади».

Ибн Синога кўра, Аллоҳ ўз назоратида чекланган. У фақат номоддий ибтидоларни назорат қиласи.

Биз юқорида вужуднинг уч тури ҳақида ганирдик. Булар: 1) мавжуд бўлиши ўз-ўзига зарурий вужудлар; 2) бошқаси сабабли зарурий равишда мавжуд, аммо имконий равишда ўз-ўзига мавжуд; 3) бошқаси сабабли зарурий вужудга эга бўлмаган, бироқ ўз-ўзига имконий мавжуд бўлган вужуд. Кўриб ўтилгандек, учинчи хилқатни иккинчисидан ажратиш қийин.

Нарсалариинг мавжудлиги, агар ташқи таъсирга боғлиқ бўлган бўлса, у имконсиз эмас, бўлмаса мавжуд бўла олмас эди. Шунингдек, ўз-ўзига зарурий ҳам эмас, унда ўз мавжудлиги учун ташқи таъсирга муҳтож бўлмаган бўлар эди. Бундай нарсаларнинг мавжудлиги ўз-ўзига имконийдир. Уни яратувчи Сабабият нуқтаи назаридан бу нарса зарурий бўлади. Агар сабаб йўқ леб ҳисобласак, бу нарса имконсиздир. Шундай экан, нарсалар ўз ичида ҳалокатга маҳкум, бироқ ўзининг мавжудлик асосманбаларига нисбатан у зарурий равишда мавжуд бўлади – «Унинг юзидан бошқа барча нарсалар ҳалок бўлғусидирлар».

Агар Имконий вужудлар Аллоҳ тажаллиёти оқибатида зарурий равишда мавжуд нарсаларга айлантирил-

ған экан, бироқ шундай олис масофада, Аллоҳ уларни қандай назорат қиласы? Уларни қандай билади ва бирини иккинчисидан афзалигини қандай мезон асосида ўлчайды? Файласуфларниң бундай хулосалари Аллоҳ-нинг ердаги тараққиет ишларида бевосита иштирокини инкор этарди.

Иби Сино космологияси, шунингдек, борлиқнинг занжирли боғлиқлиги ҳақидағи юнон файласуфлари ғоясина «Китоб ани-Шифо»да дунё фалсафа тарихида бириңчи бор атрофлича такомилига сткәзді. Бунда Иби Сино уч салтанат (минерал апёлар, ер ости конлари, ўсимликтар ва ҳайвоопт)ни батағсил таҳлил этиб, Аристотелдинг зоология ва Теофрастуснинг ботаникага оид ишларини түлдирді. Шунингдек, табиат олами ичидаги занжирни мавжудиятнинг Аҳадга стувчи универсал исархиясига сткәзади, бунда, Аҳад занжирга нисбатан устун трансцендент ҳолатда қолади. Бундан ташқари, уининг «шарқ фалсафаси»да эзотерик космология ривожлантирилганки, унда космос нафақат илмий услугда, балки инсон үндән ўтиши ва охир-оқибат устун мақомга эришиш лозим бўлган муҳит сифатида ҳам тасвириланади.

Иби Сино космологиясида фаришталар муҳим ўрин тутади. Ваҳий фариштаси деб билинган Актив (Фаол) Ақл томонидан онгда тажаллий (иллюминация) қилиш назарияси илгари сурилди.

VIII–IX асрларда шариат томонидан исломни бидъат ғоялар билан түлдирисінде айбланган мұтазила, жаҳмий, жабрийлар каби мантиқий тафаккур мактабларининг жузъий файласуфона қарашлари машшойй файласуфларнинг ғоялари оллида ҳеч нарса бўлмай қолди.

Мутакаллимлар фалсафанинг оламнинг абадийлиги, Аллоҳ моддий олам эволюциясида иштирок этмаслиги ва инсон ҳолидан хабарсизлиги, инсонларнинг ўлгаидан сүнг қайта жисмонан тирилмаслиги ҳақидағи ғояларини кескин танқид қылдилар. Фалсафанинг бундай қарашларига қарши шариат аҳли билан файласуфлар ўртаси-

да күп тортишувлар бўлиб ўтган. Биринчи машҳур баҳс таҳминан 932 йилда христиан таржимони Абу Мишр Матто ва ислом фақиҳи Абу Саъид Сирофий ўртасида бўлган. XI асрга келиб мунозаралар авжга чиққанини йирик мутакаллим олим Абу Ҳомид Фаззолий (1058–1111) фаолиятида кўришимиз мумкин.⁴³

Фаззолий кўп асарлар ёзган. Уларнинг муҳимлари сифатида «Мақосид ал-фалосифа» (Файласуфларнинг мақсади), «Тахофут ал-фалосифа (файласуфларнинг ихтилофлари), «Эҳёу улум ад-дин» (диний илмларнинг тикланиши), «Маҳак ун-назар» (нуқтаи пазарларни кўриб чиқиши), «Мишқот ул-аивор» (Нурлар зиёси), «Ал-Мунқиз мин аз-залал» (Залолатлардан қутқарувчи), «Ҳақиқатун-қавлайн» (Икки сўз ҳақиқати), «Рисолат ут-тайр» (Қуш рисоласи), «Маъқулот» (Гупунчалар) ва яна бир қатор асарларни кўрсатиш мумкин. Улар фалсафалинг турли масалаларига, калом ва тасаввуф ғояларига бағишлиланган.

⁴³ Абу Ҳомид б. Мухаммад Фаззолий 1058 йилда Эроннинг Тус шаҳри яқинидаги Фаззола деган қишлоқда туғилди. У дастлабки фиқҳий таълимни Тусда Аҳмад Розконийдан, сўнгра Журжоига бориб таниқли муҳаддис, шофиий фақиҳларидан бўлган Исмоил Журжонийдан олди. Тусга қайтиб, уч йил яшагач, Нишопурга борди ва таниқни олим Абдулмалик ибн Абу Мухаммад ал-Жувайний раҳбарлиги остида фиқҳий билимлар билан бирга, мантиқ илмини ўрганди. Устозининг вафотидан сўнг 28 ёшли Фаззолий Нишопурни тарк этиб, Бағдодга кетди. Вазир Низомулмулк унинг қобилияти ва истеъоди ҳақида эшитгач, ўзи асос солган Низомия мадрасасига таклиф этди. Фаззолий Низомулмулкнинг вафотигигача шу мадрасада мударрислик ва раҳбарлик қилди. Сўнг барча вазифаларни тарк қилиб, Маккага ҳаж зиёратига бориш баҳонаси билан саёҳатга чиқди ва Шомда Умавия жомеъ масжидида икки йилча хилватнишинлик қилиб, руҳий камолот билан шуғулланди. Сўнг Байт ул-Мақдисга бориб ўн йиллар чамаси зуҳдга берилди. Унинг «Эҳёу улум ад-дин» номли қумматли асари шу даврда яратилди. Таҳминан 50 ёшлардан ўғандаги Мисрдаги Искандария, Нишопурдаги мадрасаларда дарс берди. Умрининг охирларида Тусга қайди. Ҳовлисиининг ёнида фақиҳлар учун мадраса, суфийлар учун хонақоҳ куриб, 1111 йили вафот этгунча шу ерда вақт ўтказди.

Олимнинг «Ал-Мустасфо» асари фалсафа ва калом баҳсига бағишлиланган. «Мақосид» асари файласуфлар билан мунозара усулида ёзилган.

Олим «Илжом ул-авом ан-илм ал-калом» асарида ашъарийларнинг Аллоҳ зоти ва сифатлари ҳамда ишлари ҳақиқидаги мулоҳазаларнинг тўғрилигини таъкидлаб, каломга қарини қаратилган эътиrozларни рад этади.

Фаззолийнинг «Эҳёу улум ад-дин» асари ислом олами-даги барча эътиқодий-мистик мунозараларга чек қўйиш ва ягона мақбул таълимот остида бирлашишга чақирувчи фундаментал йўриқномадир. Унда исломий илмлар икки қисмга бўлинади. Биринчisi, муомала (инсон амаллари) илми бўлиб, диний ҳужжатларга асосланган барча илмларни, хусусан, калом илмининг ижтимоий аспектларини ўз ичига олади. Иккинчisi, мукошафа илмидир. Бу фан тасаввуфда ишорот илми билан ҳам машҳурдир. Мукошафа ғайб илмига дахлдор билимлардир. Бу ўринда Фаззолий барча мистик-кашфий таълимотларни кўзда тутади. Унинг фикрича, оддий халқ уни тушунишдан ожиз ва фаҳми етиши қийин. Бу илмни жуда кам сонли одамлар тушунади. Шу сабабли Муҳаммад Расулуллоҳ у ҳақида қисқача ва рамз-ишоралар билан тўхталиб ўтган. Қош қўяман деб кўз чиқариб қўймаслик, оддий халқни адаштириб, тўғри тасаввурлардан чалғитиб қўймаслик мақсадида мукошафа илмини китобларда тушунтириш, уни оммалаштиришга рухсат йўқдир, дейди олим. Шунинг ўзиёқ Фаззолийнинг тобора кенг қулоч ёзаётган тасаввуфдаги ирфоний ғояларнинг оддий халққа тавсия қилишни хоҳламаганлнгини англатади. «Эҳёу улум ад-дин» асарида асосан, муомала илмидан баҳс юритилади. Ушбу асарда каломнинг ижтимоий аспектлари таҳлил этилади. Уларда тасаввуф мактабларининг ижтимоий қарашлари ҳам, комил мусулмонни тарбиялашга қаратилган диний аҳком ва суннат кўрсатмалари ҳам калом принциплари доирасида бир тизимга келтирилади.

Асар тўрт қисмдан иборат. Биринчи қисмida ибодатлар ва ақойил, иккинчисида ҳар бир нарсани бажариш тартиб-одблари, яъни ҳалол ва ҳаромни фарқлаш, сухбат одоби, узлат, само ва важд, ал-амр бил-маъруф ва ан-нахй аи ил-муникур ҳақида хабардорлик борасида сўз юритилади. Учинчисида ҳалокатга элтувчи амаллар (муҳлиқот) ҳақида, яъни қалб ажойиботлари шарҳи, тилдан келадиган оғаглар, ғазаб, дунёпарамастлик ва ҳоказо иллатлар, шушингдек, нафс билан кураш, шаҳватни сингмоқ масалалари ҳақида, тўртингчисида мушжиёт, яъни нажот топинига ёрдам берувчи амаллар, яъни тавба, сабр ва шукр, Аллоҳдан қўрқин ва умид қилиш, факр ва зуҳд, тавҳид ва таваккул, муҳаббат, шавқ, ризо. Сидқ ва ихлос, ўз камолотини назорат қилиш, нариги дунё зикрини қилиш каби қатор яна бошқа масалалар ҳам ёритилган.

Газзолий табииёт соҳасида асар ёзмаган бўлса-да, калом ва фалсафа баҳсларида табиий фалларга бир неча марта мурожаат қиласди. Ҳар бир ўринда унинг қараашлари марказида жамият, дин, ахлоққа доир фалсафиј масалалар туради. «Мақосид ал-фалосифа» (Файласуфларининг мақсади), «Тахофут ал-фалосифа» (Файласуфларининг ихтилофлари), «Маҳак ун-назар» (Нуқтаи назарларни кўриб чиқиш), «Ал-Мунқиз мин аз-залал» (Залолатлардан қутқарувчи) асарларини яратишдан мақсади фалсафа тамойилларини рад этиш бўлса-да, унинг фикр ва хулосалари фалсафиј оҳангни эслатади. У тоҳ билиш жараёнида ақлий тафаккурнинг имкониятини чекласа, тоҳ дин ҳақиқатини ақл-мантиқ билан капиғ этишини юқори қўяди. Бир жойда фалсафани кескин танқид қиласа, бошқа жойда дин таълимотини ҳимоя қилиш мақсадида фалсафиј далилларни келтиради. Аллоҳ зоти ва сифати масаласи ҳақидаги ўринларда яна фалсафиј усуллардан фойдаланади.

Газзолийнинг ёзишича, математика-риёзиёт, миқдор ва саноқ билан боғлиқ фанларнинг ривожи дин аҳкомларининг инкори ёки тасдиғига таъсир кўрсатмайди. Бироқ,

сиёсий, ахлоқий фанлар динга бефарқ эмаслар, чунки уларнинг мағзини фалсафа ташкил этади. Шунинг учун ҳам Фаззолий баҳсларида асосий мавзу файласуфларнинг мулоҳазаларини танқидий кўриб чиқишига бағишланди.

У «Файласуфларга раддия» асарида файласуфларнинг мантиқан асоссиз деб ҳисоблаган уч тезиси: дунёнинг абадийлиги, Аллоҳнинг моддий дунёдан хабарсизлиги ва ўлгандан сўнг жисмоний тирилиш йўқлиги ҳақидаги ғояларини чуқур таҳлил қилиб, 17 та асосий хулосасини рад этди. Фаззолий файласуфларни бегона таълимотни тарғиб этганлари учун эмас, балки илоҳиёт билан боғлиқ (метафизик) мулоҳазаларида мантиқ ортидан қувиб, жиддий чалкашиб кетганликда ва Аллоҳнинг оламни яратишдаги ролини иккинчи даражага тушириб қўйганликда айблади.

Фаззолий баҳс мавзусига олиб чиққан асосий масалалар қўйидагилардан иборат:

Оlam, замон ва маконнинг азалийлиги.

Аллоҳ таоло зоти ва унинг сифатлари.

Аллоҳнинг ўзига хос илми ва оламнинг яратилиши.

Оlam тартиби ва юлдузлар сири.

Жавҳар (бўлинмас зарра), ибтидо ва ҳ.

Файласуфлардан фарқли, Фаззолий оламнинг вақтда чекланганлик ғоясини илгари сурди. Модомики, Аллоҳ оламларни яратишдан олдин мавжуд экан, у хоҳлаган пайтида уларни яратиш мумкин эди. Файласуфлар «Биринчи сабаб ва оламни яратилишини бир шайтада юз беради, чунки нарсанинг мавжуд бўлишини – сабабнинг мавжудлигидандир» деб ҳисобласалар, Фаззолий буни Аллоҳ ирода-ҳоҳиши билан боғлайди. Файласуфларнинг сабабият занжирининг чексизлигига алоқадор ғоялари биринчи ҳаракатлантирувчи кучга боғланади ва у ўз-ўзига зарурий, сабабдан холи моҳиятдир. Яратиш моделни бири иккинчисини яратиш асосига қурилган. Фаззолий Аллоҳнинг олам яратилишининг барча қисмларида иштирок этишини таъкидлади. Унингча, Аллоҳ олами йўқдан бор

қилған, упинг жисми ва шаклини, нарсаларни ўз ихтиёри ва иродаси билан яратган. Аллоҳ нарсанни вужудга келтиришдан олдин ҳам, кейин ҳам унинг қанақа бўлишини билади. Барча неъматлар ундандир.

У файласуфларнинг олам Худо билан бир пайтда яралган ва Биринчи сабаб фақат номоддий осмон сфераларини назорат қиласди, деган фикрига қарши далил сифатида абадий осмон сфераларининг моддий оламдаги ўзгарувчанликка сабаб бўлишини мантиқий эмас деб ҳисоблайди. Агар оқибат (осмон сфералари) абадий бўлса, улардан келиб чиқсан ўзгарувчан ва вақтинча мавжуд жисмлар ҳам абадий бўлиши керак.

Фаззолий файласуфларнинг вақт тушунчасини ҳам теран таҳлил қиласди. Арасту вақтни абадий ва узлуксиз ўзгарув, ҳаракатлар силсиласи деб ҳисоблаган. Бир сўз билан айтганда, вақт бошқа ҳаракатларни сон жиҳатдан ўлчовчи ягона ҳаракатдир. Фаззолий файласуфларнинг принципларидан келиб чиқиб, Аллоҳнинг вақтдан олдин мавжуд бўлганини таъкидлайди: «Вақт яратилган. У инсонлар тафаккурида пайдо бўлган. Бунга оламдаги ўзгарувчанлик сабабдир».

Унинг асосий қарашларини шундай жамлаш мумкин:

1. Аллоҳ сабабга эҳтиёжи бўлмаган Вужуддир. Унинг ўзи барча нарсаларга Сабабдир. Унинг мавжудлигини ақл-мантиқ билан билса бўлади. У нарсаларнииг биринчи сабабидир. Аллоҳ ваҳий орқали инсонга маълум бўлган. Аллоҳ Ягонадир, Воҳиддир. Унинг вужудида иккилиқ йўқ (яъни дуализм). Аллоҳ зоти ва сифоти билан азалий қадимдир. Баъзи сифатлари унинг зотига тааллуқлидир (зотий). Масалан, ҳаёт, қудрат, ирова, илм, кўриш, эшитиш, нутқ каби сифатлар унинг зотий сифатларидир. Ва баъзилари ундай эмас. Аллоҳ оламни йўқликдан бор қилған. Оламнинг жисми ва шаклини, нарсаларни ўз ихтиёри ва иродаси билан яратган. Аллоҳ нарсанни вужудга келтиришдан олдин ҳам, кейин ҳам унинг қанақа бўлишини билади. Барча неъматлар ундандир.

2. Фаришталар бор мавжудотлардир. Лавҳи Маҳфуз бор нарсадир. Барча пайғамбарлар унинг борлигини тасдиқлаганлар.

3. Пайғамбарлик ҳақиқатдир. Улар Аллоҳнинг юборган элчилари дидир. Аллоҳ уларни ғайб йўли билан (инсонга маълум бўлмаган йўл) билан осмону ер сирларидан огоҳ этадилар ва пайғамбарлар халқни тўғри йўлга бошлийдилар.

4. Пайғамбарларга мўъжиза ва ғайритабии ишлар қилишига қобилияг берилади.

Фаззолий эътиқодда сунний, шоғиий мазҳабидаги ашъария мутакаллими эди. У фалсафий тафаккур билан кескин мубоҳаса жараёнида ашъария ғояларини шу қадар такомиллаштиргики, бурчакда мутакаллимларининг ҳужумидан хавотирланиб турган тасаввуф нағояндадари таълимотига деярли яқинлашиб қолганини сезмай қолди. Балки бу тасодифий бўлмаган ва бунда Фаззолийнинг муҳожирлик йилларида ўтказган руҳий камолот устидаги изланишлари ўз таъсирини кўрсатган бўлиши мумкин. Фаззолийнинг асарларида қалом ва фалсафа баҳси асосий ўринда бўлса ҳам, ўз ўзидан тасаввуф фойдасига хизмат қиласидиган хулосалар ясалган ва тасаввуфнинг шариат олдида ўзини назарий жиҳатдан оқлашига имкон ва асос яратиб берилган эди. Албатта, шуни таъкидлаш керакки, Фаззолий тасаввуфни ҳимоя қилиши учун ҳаракат қилмаган. Унинг мақсади ашъария мутакаллими сифатида) шариатни ҳимоя қилиши, исломни турли ғайри исломий фалсафий ва сиёсий йўналишлардан тозалаш эди, шу сабабдан ҳам у исломни ҳам фалсафий, ҳам фиқҳий-мазҳабий, ҳам ахлоқий нуқталардан туриб ҳимоя қилишига уриди. Шунинг учун ҳам у ҳақли равишда «Ҳужжат ул-ислом», яъни ҳақиқий мусулмон унвони билан машҳурлик топди. Ҳар ҳолда Фаззолийнинг асарлари тасаввуфнинг илм майдонига эркин тушиши, Шайх Колободий ва Абу Наср Сарроҷ каби тасаввуф

назариётчиларининг концепциялари тўлиқ таи олинишига хизмат қилди.

Калом илмига бағишланган асарлар XIII асрдан бошлиб деярли ёзилмай қолди. Иби Халдун ўзининг «Муқаддима»сида «Калом илми бизнииг замонамиизда лозим эмас. Зоро, Аллоҳни инкор этувчи даҳрий ва жоҳил одамлар ҳозир йўқ. Калом илми эса шуларниң фикрларини рал этиши учун вужудга келган илм эди»,⁴⁴ деганда XII асрдан кейинги вазиятни назарда тутган. Бироқ, кейинги асарлар тарихини кўздан кечирсан, уламолар назарида дин сусайган ва бидъатлар қўпайганда яна калом ёрдамга келганини кўрамиз.

Калом шариат илмининг таркибиغا сини иб кетганлиги боис, бундан кейин Худонинг зоти ва сифатлари ҳақида сўз юритган, бидъат фирмә ва гуруҳларга қарши асарлар ёзган мутакаллимларга нисбатан фақиҳ тушучасини қўллаш одатга айланди. Калом илмининг баҳс мавзулари деярли шариат фойдасига ҳал қилинди деб хулоса қилиши хато бўлмайди.

Ислом машиюй фалсафаси ҳам XII асрда борлиқ ҳақидаги таълимот сифатида ривожланишдан тўхтади. Бироқ бу дегани фалсафа йўқолди дегани эмас эди. У Эронда Суҳравардийнинг ишроқ фалсафаси замирида яшаб қолди. Ўрга Осиёда ҳам XVIII асргача ёзилган фалсафий асарлар учрайди. Бироқ улар салафларниң асарларига шарҳлар тарзида ёзилган асарлар бўлиб, фалсафа фанига янгилик қўша олмадилар.

⁴⁴ Фитрат. Нажот йўли. (Раҳбари нажот). Тарж. Ш.Воҳидов. – Тошкент: 2001. 49-бет.

Ислом оламида калом ва «ал-фалсафа» дан тапқары илоҳиёт масалалари билан шуғулланиб келаётган яна бир оқим тасаввух эди. Тасаввух калом билап бир даврда пайдо бўлганди.

VII–VIII асрларда умавийлар ҳукмронлигининг охирги даврлари, кўпроқ, аббосийлар сулоласи даврида диний доиралар ўртасида ақидавий ва фиқҳий масалалар юзасидан кўтарилган мунозара-баҳслар, ижтимоий-сиёсий зиддиятлар ислом оламини турли фирмаларга бўлиб юборди. Уламолар орасида салтанат манфаатлари учун хизмат қилиш, дунё ҳою ҳавасларига берилиш кучайди. Дунёвий ҳаётга муносабат масаласида уламоларнинг тутган йўлини қораловчи ва уларни пайғамбар йўлидан адашганликда айбловчи уламолар тоифаси пайдо бўлди.⁴⁵ Улар фаол курашга интилмас, жамиятни тарқ этиб хилватга кетиш, узлатга чекиниш орқали жамиятга бўлган нафратини ифодалади. Зоҳидлик давлатнинг дунёвийлашуви, жамиятнинг табақаланиши, дип пешволарининг дунёвий ҳою ҳавасларга берилиши, ислом уммати орасида тафриқанинг пайдо бўлиши, мазҳаблар ва турли оқимларнинг шаклланишига исён тарзида вужудга келди. Зоҳидлар жамиятдаги ўзгаришларга Расулulloҳ йўлидан оғиши деб қарадилар. Абдураҳмон Жомийнинг «Нафаҳот ал-унс» асарида келтирилишича, суфийларнинг илк уюпимаси Абу Ҳошим (в. 767) томонидан Рамла шаҳрида ташкил этилган бўлиб, бир насроний амир томонидан уларга такя – хонақоҳ қуриб берилган.

Бу давр суфийларига хос жиҳатлар икки хил зоҳидона ҳаёт тарзида кўринади. Бири нариги дунё азобларидан сақланиши ва жаннатдан умидворлик мақсадида

⁴⁵ Бу ҳақда: Shaykh Fadhlalla Hacri. The Elements of Sufism. UK, Longmead, Shaftesbury. Dorset. 1990, pp.11-14.

хилватга чекиниш, хонақоҳларда тинимсиз ибодат, риёзат ҳамда мужоҳада билан шуғулланиш орқали Аллоҳ-нинг розилигига эришиш бўлса, иккинчиси, Аллоҳ муҳаббати ва васлига сазовор бўлиш мақсадида ўзлигидаи воз кечиб, девонавор дарбадарлик йўлини тутиш орқали жамият ва шариат қонун-қоидаларига эътиборсиз қараш кўринишида учрайди.

VIII асрнинг охирларига келиб Ироқдаги барча мистик гуруҳлар «суфийлар», уларнинг йўллари «тасаввуф» деб атала бошлади. Бунга суфийлар аталмиш зоҳидлар жамоасининг Бағдод маънавий ҳаётида етакчи кучга айлангани сабаб бўлган бўлиши мумкин.

Илк суфийлар, асосан, дин олимлари ва мулкдорлар табақаси вакиллари орасидан чиққан. Иброҳим Адҳам бунга далилдир. Суфийликнинг пойдеворини қурган машҳур зоҳидларнинг бир нечалари тарихий китобларда қайд этилгандир. Мисол сифатида VII –VIII асрларда яшаган Абу Ҳошим ас-Суфий (в. 767), Шақиқ Балхий (в. 770), Жаъфар Содиқ (в. 767), Суфён Саврий (в. 777), Абдуллоҳ иби Муборак (в. 797), Фузайл иби Аёз (в. 802) каби дин олимлари номларини келтириш мумкин.

Суфийлар Илоҳий борлиқни ҳис, илҳом, қалб билан билиш ғоясини биринчи ўринга қўйдилар. Уларнинг баъзилари диний ҳужжатларга суюниб, қайсиdir маънода мутакаллимларга яқинлашдилар. Шариат билан зоҳирни поклаш (диний илмлар, ҳадис ва фиқҳ олими бўлиши) суфийликнинг биринчи шарти деб эълон қилинди. Уларнинг етук намояндаси Ҳасан Басрий ҳисобланади. У Ҳазрат Алининг талабаси бўлиб, шариат илмларини чуқур эгаллаган олим эди. У ўткинчи дунё ҳаётидан юз ўгириш, фақатгина ёлғиз Аллоҳга йўналиб, унга таваккул қилиш, суюниш ва ҳар лаҳзада ундан қўрқмоқ лозимлигини тарғиб қилди. У қўрқувнинг эзгу амаллар қилингани катта аҳамияти борлигини уқтириди. Ҳасан Басрий инсонни ўз нафсини идора этиш ва ўз аъмол-фаолияти ҳақида тафаккур қилишга чақирди. Унингча, тафаккур – инсонга

яхши-ёмонни кўрсатувчи бир ойна бўлиб, ёмонликдан сақловчи воситадир. Шу даврда аёллар орасидан етишиб чиққан машҳур зоҳидлардан яна бири Робия Адавиядир (в. 752). У Ҳасан Басрий билан бир неча бор мулоқотда бўлган. Аммо унинг фоявий дунёқараши Ҳасан Басрий-никидан фарқ қиласди. Робия **Аллоҳга муҳаббат** фоясини илгари сурди. Унингча, жаннат орзуси ва дўзах азобидан қўрқув нажот воситаси бўла олмайди. Инсон Аллоҳни шундай севиши керакки, унинг ишқи бу дунё ҳою ҳавасларини куйдириб юбориши керак. У Аллоҳни факат Аллоҳ бўлгани учун севиш ўз борлигини Аллоҳнинг борлиғида сингдириш ва Аллоҳ жамолига эришиш фояларини илгари сурди. Агар у ҳам Ҳасан Басрий каби доимо маҳзун ҳаёт кечириб, тун-кун нола қилса-да, бу қўрқув эмас, ҳижрон нолалари эди. Робия Адавия тасаввуф тарихига «илоҳий ишқ» тушунчасини олиб кирган биринчи зоҳил ҳисобланади. Унинг тафаккур ҳақидаги фикрлари ҳам ўз даврида катта таъсир кучига эга бўлди. Унингча, тафаккур орқали инсон илоҳий сирга эриша олади. Ҳар қандай борлиқ Аллоҳда бирлашади. Коинот Аллоҳ сифатларининг тажаллийсидан иборат. Аллоҳга эришмоқнинг ягона йўли муҳаббатdir. Илк суфийлардан Саҳл иби Абдуллоҳ Тустарий (в. 896 йил) тасаввуфда «нафс» мавзусини бош мавзуга айлантиргди. Тустарий мактаби йўналиши «Мужоҳада йўли» дейилади. «Ким Аллоҳ йўлида риёзат чекмоқчи бўлса, биз уларни ҳидоятга элтамиз» шиори уларга тегишлидир. Улар Муҳаммад пайғамбаримизнинг «Биз кичик жиҳоддан катта жиҳодга ўтамиз» (Ражатуана мин ал-жиҳад ил-асғари ила л-жиҳади л-акбар) деган даъватларини асос қилиб, катта жиҳод – Нафс билан курашга чақирдилар. Саҳл иби Абдуллоҳ мужоҳадани мушоҳадага олиб борувчи ягона йўл деб ҳисоблади. Бу шариат йўлидир. Бироқ нафс Худо томонидан яратилган. Нафс – инсон табиатидир. Саҳл иби Абдуллоҳ Тустарий нафсни ўлдириш тарафдори эмас, балки уни тарбиялани тарафдоридир. Расули акрам айт-

ган: «Ким нафсиин таниса, Аллоҳни танийди» (Ман арафа нафсаҳу фақад арафа раббаҳу). Ёмондан яхши фазилатлар касб этишга ўтиш тустарийлар ғоясининг мағзидир. Шу жиҳатлари билан ушбу йўналиш тасаввубуфга писбатан шариат аҳли ғазабини камайишига кўмаклашган ластлабки мактаб ҳисобланади. Айрим суфийлар **Аллоҳ маърифатига эришишини** биринчи ўринга қўйдилар. Улар маърифат амалдан устун, Аллоҳни амаллар билан эмас, маърифат билан билиш муҳим, деган ғоялар билан чиқдилар. Ушбу мактаб Муҳосибия мактаби сифагида машҳур бўлди. Унинг асосчиси Абдуллоҳ Ҳорис Муҳосибий Басрий Ҳол (екстаз ҳолати)ни мақомдан фарқлаган. Ҳол амал мужоҳада билан муҳофазаланади. Мақом эса ҳамиша ҳолнинг даражасига қараб белгиланади. Ҳол Аллоҳнинг неъматидир. У яшини каби ёритувчи. Мақомнинг ибтидоси тавбадир. Унингча, ризо мақом эмас. Ризо Худодан бошқани кўнгилдан чиқариш демакдир (Мосиваллоҳ). Сарри Сақатий Мақомот ва ҳол тизимини тартибга солди. Қуйидаги гап шу олимга тегишилидир: «Илм Аллоҳнинг сифати ва амал банданинг сифатидир. Бир соатлик тафаккур икки олам ибодатидан яхшидир (Тафаккури соатин хайрун мин ибадатис сақалайн). Зуннун Мисрий (859) тасаввуф ҳақида илк асар ёзиб, тасаввуфнинг ҳол ва мақомларини таснифлаб берган олимдир. Унинг тафаккури Робия Адавия ғоялари таъсирида шаклланган. Унинг фикрича, Аллоҳни севиш мезони – Муҳаммад алайҳиссаломнинг суннатига астойдил амал қилиш орқали ахлоқни юксалтиришдир. Аллоҳ ва инсон ўртасида икки томонлама илоҳий муҳабbat ётади. Бу ишқ воситасида инсон Аллоҳ васлига эриша олади. Унга етишган инсон ўзининг илоҳий зотда фарқ бўлганини, содда қилиб айтганда, ўзининг илоҳийлашганини ҳис этади. У оддий мусулмонлар, мутакаллимлар, файласуфлар ва валийлар, яъни суфийларга хос бўлган билимлар даражаси ҳақида гапириб,

Энг аълоси валийларга хос билим әканлигини ва айнаш шуларгина Аллоҳни ҳақиқий маънода била олиши мумкинлигини исботлашга ҳаракат қиласди. Аммо унинг фикрлари мутакаллимлар томонидан кескин кораланди.

Ўша давр машҳур суфий мутафаккирларидан яна бири Боязид Бистомийдир (в. 874). У фиқҳ олими эди. Робия Адавия ва унинг издошлари ғоялари таъсирида тасаввуфга қаттиқ берилди, бу соҳада улкан мувваффақиятларни қўлга киритди. Жумладан, у юнон фалсафасидаги «инш» ва «ваҳдат» тушунчаларини мистик платформада шарҳлаб, «сукр» (мастлик) концепциясини ишилаб чиқди.⁴⁶ Тасаввуфда «тавҳид дарахтини Боязид эккан» деган гап шундан қолган. Унингча, инсон руҳий камолот мақомларидан ўтиб борар экан, пировард натижада Аллоҳга эришади ва ўшанда унда маст бехудлик ҳолати рўй беради. Инсон ўзининг ўзлигини йўқотади ва Аллоҳ бағрига сингиб кетади. Инсон шу ҳолатда бўлганида унинг оғзидан шариат нуқтаи назаридаи, тилга олишининг ўзи гуноҳ бўлган сўзлар чиқиб кетими мумкин. Бу кечиримлидир. Зоро, у Ҳақиқатни англайди, Аллоҳ ва инсон вужудининг ягоналигини ҳис этади. У афсонавий оламга киради ва ўзининг Олам сабабига дахлдорлигини кўради. Бу ҳолатда исмлар, сифатларининг тажаллийсини ўз атрофида кўриб, ўз зоти ва бопқаларпининг зотини кўриб, ўзида Худо зоти ва сифатларининг нусхага-

⁴⁶ Боязид Бистомий ҳақида: Али Ақбар Ҳусайниний. Мажмуат ул-авлиё. Кўлёзма. ЎзФАШИ, инв. № 1333, V боб; Абу Наср Сарроҷ. Китаб ал-Лума фи ал-тасаввуф. Р. Никольсон напри. Лейден, 1914. 459-477-бетлар; Суламий. Табакот це-суфия. Н.Шариба таҳрири остида. Қоҳира, 1953, 67-бет; Кушайрий. Рисола. Қоҳира, 1930, 80-99-бетлар; Ҳужвирий. Кашф ул-маҷжуб. Р. Никольсон таржимаси. Лондон, 1936 йил, 132-бет; H. Ritter, Abu Yazid al-Bistamî. UDMI. I, pp.932-934.

сиин кўради. Мастилик ҳолати рўй беради. Ҳақиқатни англагандан шундай маст бўладики, ўзининг моддий сезгиларидан ажралади (фано филлоҳ). Бу мақомда намоз фарз эмас, чунки айтилганки, маст пайтда намоз ўқилмасин (Ла тақраб уссалата ва антум сукара). Унинг мактаби тайфурия деб аталди. Жунайд Бағдодий мактаби эса сукр йўналишига қарама-қарши ўлароқ, саҳв, яъни ҳушёрлик концепциясини илгари сурди. Жунайд 909 йилда Наҳовандда туғилган бўлиб, Бағдодда яшаган. Тасаввуф илмини тоғаси Сирри Сақатий, устозлари Ҳорис Муҳосибий ва Муҳаммад Қассоб номли машҳур суфийлардан ўрганди. У тасаввуф илмини тартибга солишга интилган, шариат ва тасаввуфий илмларни бир-бираига мувофиқлаштиришга ҳаракат қилган илк мутафаккирдир. Унинг асосий ғояси шундан иборатки, инсон руҳий ҳол-мақомлардан юксалиб, Аллоҳ васлига эришганда саҳв, яъни ҳушёрлик йўлини танлаши керак. Шунда Мансур Ҳаллож каби шариатга хилоф гаплар ва хатти-ҳаракатларни амалга оширмайди. Аксинча, унинг шу мақомда тўхташи кейинги суфийларнинг тўғри тарбияланишига хизмат қилади. Жунайд Бағдодий, масалан, ўз қарашларини саккиз турли қалб сифатлари устига қурди, яъни ризо, эркинлик, сабр, сукут, тажарруд (оламдан ажралиш), жун-суф либос кийиш, дарвешлик ва фақирлик. Бу сифатлар пайғамбарлар ҳаётига хос бўлиб, Иброҳим, Исҳоқ, Яъқуб, Закариё, Яҳё, Мусо, Исо ва Муҳаммад Расулуллоҳга хос сифатлардир. Солик, яъни суфийлик йўлига кирган киши пайғамбарлардан бирининг йўлини танлаши мумкин ва ўз мақомини қўлга киритиши мумкин. Унинг мақоми то Аллоҳ унда ўзини намоён этмагунча давом этаверади. Масалан, Ҳазрат Усмоннинг мақоми камтарлик-тортичоқлик, Ҳазрат Алиники қалб озодлиги, Имом Ҳасанники сабр ва Имом Ҳусайнники ҳақиқатда қоим туриш мақомлари

эканлиги айтилади. Суфийлар наздида энг буюк мақом Мұхаммад Расулуллоҳницидир⁴⁷.

Бу мактабга хос бўлган асосий хусусият **муроқаба** усулининг устуворлигидадир. Жунайд Бағдодий оддий ҳаёт кечириш, фақирик, сиёсатга иассив муносабатда бўлиш, барча қийинчилкларга сабр ва сукут билан жавоб қайтариш орқали нафсни сигишин тарғиб этди.⁴⁸

Жунайд Бағдодийнинг фикр-қарашлари кўилаб суфийлар учун дастуруламалга айланган. Имом Қушайрий ва Имом Фаззолий каби буюк мутафаккирларнинг дунёқарашларига катта таъсир кўрсатган.

Суфийлар ичида зоҳидликни қоралаганлар ҳам бўлган. Шулардан бири Абу Ҳасан ибн Мұхаммад Нурийдир. У Бағдодда туғилиб, Марв ва Ҳирот оралиғидаги Бөғсу мантақасида IX аср охирида яшаган. У Зуниун Мисрийнинг шогирди бўлиб, зоҳидликни қоралаган ва «ёлғизлик-шайтонга яқинлашишидир» деган. У инсонларнинг ичидағи фикрини ўқий олгани учун ва яна айтишларича, кулганида қоронғу уй ёришиб кетгани учун «Нурий» ва ҳақиқатни гапиргани учун «Жосус ул-қулуб» – қалбларни ўғирловчи деган номга сазовор бўлган. У саҳоватиешаликни тарғиб этди. Унинг ақидаси бўйича, бу дунё қурбонлик қилиш учун яратилган, яъни инсон ўзининг энг севимли нарсасини Аллоҳ йўлида сарф қилмас экан, баҳт-саодатга эриша олмайди. У Жунайд Бағдодий билан бирга бозорларда юриб қўлидаги бор нарсларни халиқа уланиб юрар эканлар. Унинг мактаби «нуррия» деб аталди.

⁴⁷ Жунайд Бағдодий ҳақида: Али Акбар Ҳусайнин. Мажмуат ул-авлиё. Қўлёзма. ЎзФАШИ, инв. № 1333. VI боб; Суламий. Табақот. 155-163; Кушайрий. Рисола, 18, 551, 552, 584-бетлар; Жомий. Нафахот ал-үнс, 87, 89-бетлар; H. Ritter, Gunaid, IA, III, pp.241-242; Ali Hasan Abdel-Kader, The Life, Personality and Writings of al- Junaid, London, 1962.

⁴⁸ Ҳужвирий. Каشف ул-маҳжуб, 14-боб, 176-266-бетлар.

Суфийлар илк зоҳидлардан фарқли ўлароқ, энди муҳим мистик билимларни тарғиб этишга, руҳий покланиш, руҳан камолотга эришув йўлларини далиллашга ўта бошладилар. Зуннун Мисрий «суфийлар – сўз ва амали бир бўлган ва дунёдан алоқасини узганлардир», дейди. Жунайд Бағдодий тасаввуфга таъриф бериб, «обид тасаввуфда илоҳий сифатларни касб этади ва инсонийлик сифатларини йўқотади» деди.

Доимий риёзатлар ва турли руҳий машқлар ҳамда ўз «Мен»ини йўқотишга қаратилган ҳаракатлар натижасида суфийлар ўзларида ғайритабиий ўзгаришларни сездилар. Ақл ва мантиқ тушунтиришига ожиз олам сир-синоатларидан воқиф бўлдилар. Бу даврларда уларнинг мистик ҳоллари тарғиб қилинмас, улар ўзларида сезган кушуфотларни янниришга ҳаракат қилганлар. Айтиш мумкинки, шу даврларда бу соҳада йиғилган тажриба, тасаввуфдаги руҳий ҳолатлар, тажрибадан ўтган ҳол мақомларидаги илоҳий мукошафалар борасида муайян назарий хulosалар қилиш вақти келган. Абу Қосим ал-Қушайрийнинг «Рисола фил илм ал-тасаввуф» асарида тасаввуф илми дастлаб рамзлар ва ишоралар орқали таълим берилгани, суфийлар бир-бирлари билан суҳбатларда бир оғиз сўз ишлатмай ботин тилида гашлашишгани, Зуннун Мисрий биринчи бўлиб бу илмни қофозга туширгани, Жунайд Бағдодий уни такомиллаштиргани, Абу Бакр Шиблий эса бу ҳақда масжид минбаридан биринчи бўлиб халқа эълон қилгани қайд этилган.

Шу тариқа, кейинчалик юқорида мазкур бўлган мактабларнинг ғоялари негизида суфийликнинг шахс камолотига дахлдор тўрт тамал асоси яратилди. Булар:

- Шариат билан зоҳирни поклаш (диний илмлар, ҳадис ва фиқҳ).
- Тариқат билан ботинни поклаш (Нафс тарбияси).
- Мұхабbat орқали Аллоҳга яқинлик ҳосил қилиш (эзгу амаллар, зикр орқали Аллоҳ мұхаббатини қозонмоқ).

– Маърифат билан Аллоҳга эришмоқ (Илм ўрганиш, пир суҳбатлари воситасида ўз маърифатини ошириш, Аллоҳни таниш).

Суфийлик ҳаракатининг дастлабки босқичларида улар уламоларнинг мұтазила ва файласуфлар каби мантиқий фикр тарафдорлари билан олишувларидан четда туриш ва уларга берилмаётган эътибордан фойдаланиб, ўз маслакларини диний асосга қўйиш йўлларини излай бошлидилар. Бунинг йўлларидан бири суфийлик моҳияти ва тарихини Пайғамбаримиз ҳаёти, исломнинг илк даври билан боғлаш эди. Бу ниятда ҳеч қандай нотўғрилик йўқ эди. Зоро, Ислом Пайғамбари бошидан кечирган суфиёна ҳолатлар ҳақидаги маълумотлар мавжуд бўлган. Чунончи, суфия манбаларида келтирилишича, У зот бир куни хотинлари Ойшага тикилиб: «Сен кимсан?» деб сўрабдилар. У ҳайрон бўлиб: «Мен Ойшаман» деб жавоб қайтарибди. Яна сўрабдилар: «Ойша ким?» «Сиддиқнинг қизиман». Яна сўрабдилар: «Сиддиқ ким?» Жавоб берибди: «Муҳаммаднинг қайнотаси». Яна сўрабдилар: «Муҳаммад ким?» Шунда Ойша ул зотнинг ғайритабии ҳолатда эканликларини сезиб қолган экан. Бундай ғайритабии ҳолатлар – жазба, экстаз дейилиб, бундай ҳолатга тушган суфийлар оғзидан чиқиб кетган гаплар айб саналмаган. Бироқ, Боязид Бистомийнинг «Субҳаний ма азама шаний» (Субҳонман, мен улуғман ёки Мансур Ҳалложнинг «Ана л-Ҳаққи» – (Мен Худоман) деган гаплари ошкор бўлиб, худоликка даъво сифатида шариат аҳли томонидан қаттиқ қораланган.

Шариат аҳли суфийларни ўз асосларига хавф соладиган билъат таълимот деб ҳам ҳисоблашга тўла ҳақли эди. Фақиҳлар ва суфийларнинг ўзаро баҳслари уларни ўша даврларда авж олган калом баҳсларининг фаол иштирокчиларига айлантириб қўйди. Суфийлар ботинийлар жумласига киритилиб, бидъат фирмә деб эълон қилинди. Имом Раббонийнинг ёзишича, Тақийиддин Мақризий «ал-Хутат валосор» асарида табаъ тобеинлардан кей-

инги даврларда бидъат аҳли пайдо бўлиб, уларнинг ичидаги суннат аҳли «мутасаввифа» номи билан алоҳида ўрин тутганилигини қайд этган» (Мактубот, 1-жилд, 5-бет). Фақиҳлар баъзи суфийларни қаттиқ қораладилар, баъзиларини динсиз, кофириликда айбладилар. Суфийлар таъқиб остига олинди. Айниқса, машҳур фақиҳлардан Аҳмад ибн Ҳанбал, мұтазилийларга бўлгани каби суфийларга нисбатан ҳам муросасиз қарши мавқени эгаллади. У Ҳорис Мұхосибийнинг суфиёна ғояларини қоралаб, бидъат деб эълон қилди. Бу даврларда ислом метафизикасининг тобора ривожлана бошлаши ислом асосларини тушунишда турли илмий мактаблар ўртасида кескин қарама-қаршиликлар келтириб чиқарди. Шариатнинг муҳим қуролига айланган калом илми дин асослари таҳлилига дахлдор бўлган барча илмларга қарши муросасиз курашда пешқадам бўлди. Янги шаклланиб бораётган тасаввуф мактабларининг ғоялари ҳам шариат аҳлиниң ғашига тегар эди. Аммо мутакаллимларнинг мұтазила билан олиб бораётган ҳаёт-мамот жангни уларнинг диққатини тасаввудан бироз ҷалғитганга ўхнайди. Бундан фойдаланган суфий олимлар метафизикага оид четдан келган илмларини исломлаштириш, уларни ўз ақидавий асосларига мувофиқлаштириш йўлида жиддий тадқиқотлар олиб боришга муваффақ бўлдилар. Айнан мутакаллимларнинг ботил фирмалар билан кураши авжга чиққан X–XI асрларда тасаввуф назариясига оид муҳим асарлар яратилди. Жумладан, Абу Бакр Колободийнинг (в. 995) «Таарруф ли мазҳаби аҳлит-тасаввуф», Абу Наср Саррожнинг (в. 988) «Лумъа фит-тасаввуф», Абул Карим Қушайрийнинг (в. 1072) «Рисолаи Қушайрия», Абул Ҳасан Ҳужвирийнинг (в. 1077) «Кашф ул-маҳжуб ли арбобил қулуб» асарлари тасаввуф илмининг фундаментал асосларини яратиб берди. Фаззолийнинг тизимли назарий хуносалари тарқоқ ҳолда стихияли ривожланиб келаётган тасаввуф ғояларининг бир маҳражга келиш босқичига якуп ясади. Бу даврда

тасаввуф ҳаракати аяна кучайиб, мактаблар ўз асосчи-
ларининг номлари билан машҳурлик тонган эди. Ҳуж-
вирий даврида (XII аср) йирик ва машҳур мактаблар-
нинг 10 тасини санаб ўтган.

Тасаввуфнинг Бағдоддан Ҳуросонга кириб келиши ҳам
ўз тарихига эга. Унинг илм сифатида мавжудлиги Пайғам-
бар ва саҳобалар ҳол мақомлари билан қувватланиши,
силсиларда суфийларниң биринчи авлоди сифатида Му-
ҳаммад (с.а.в.), Абу Бакр, Ҳазрат Али ибн Абу Талиб, Сал-
мон Форисий, Имом Ҳусайн ва бошқаларниң зикр этили-
ши суфийлик ҳаракатига шаръий ҳуқуқ берди. Суфийлар-
ниң қарашлари IX асрнинг охирларида Ироқ, Миср, Ҳу-
росон, Мовароунихар ва ислом оламиининг бошқа диёрла-
рига ҳам тарқалиб кетди. Калом мактаблари сингари Бағ-
дод, Басрә, Куфада шаклланган тасаввуф мактаблари ис-
лом дунёсинин барча марказий шаҳарларида ўз шахобча-
ларини ташкил этишга киришдиlar. Ана шундай мақсад-
лар билан Ҳуросонга тарғибот учун келган ва бу срдаги
мистик мактаблар билан алоқа ўрнатган илк суфий Абу
Бакр Воситийдир. У асли бағдодлик бўлиб, Жунайд ҳалқа-
сига мансуб эди.⁴⁹ Бу даврларда Ҳуросон ва Мовароуниха-
рдаги мистик жамоалар суфийлар деб аталмаган. Тарихда
зоҳидлик ҳаракати сифатида қайд этилган Муҳаммад бини
Карром (в. 869) бошчилигидаги «асҳоби зуҳд ва тааббуд»,
яъни «зуҳд ва ибодат аҳли ҳаракати» ҳам, арабча истилоҳ-
да «футувват» аҳли сифатида машҳурлик тонган жавони-
мардлик ташкилоти ҳам Ҳуросон маънавий ҳаётидаги муҳим
ўрин тутарди. Нишонур ва Балх мистик мактаблари мало-
матийлик марказлари сифатида алоҳида мақомга эди-
лар. Улар футуввағояларига ўз камолотлари йўлидаги бир
даражага сифатида қаардилар. Ҳужвирий «Кашф ул-маҳ-

⁴⁹ S. Sviri, «Hakim Tirmidhi and Malamati Movement in Early Sufism». In: Classical Persian Sufism from its Origins to Rumi/ Ed. by L. Lewison. London, 1993. p. 594.

жуб» да күрсатганидек, дастлабки асрларда соликлар ва пир-муршиидлар турли номларда, жумладан, ахли маърифат, ахли ҳақиқат, орифлар, соликлар, зоҳидлар, фақирлар деб аталган.⁵⁰ Абу Абдураҳмон ал-Суламийнинг (в. 412/1021) «Рисола ал-маломатиййа» асари маломатийлик ҳақида маҳсус яратилган илк манбадир.

Унинг муқаддимасида «суфий» ва «маломатий»ларни ажратиб кўрсатишга мойиллик бор. Суфийлар ҳақида гапиргандা, кўпроқ, «хос ахли» атамасини ишлатса, маломатийларни «хоссат ул-хосса» яъни хосларнинг хоси деб улуғлайди. Суламийнинг «Рисола ал-маломатиййа» асари чет эл шарқшунослари томонидан инглиз ва француз тилларига таржима қилинган.⁵¹ Ушбу рисола юзасидан муайян илмий кузатувлар олиб борилган.⁵²

Суламий Ҳамдун ал-Қассор (в. 271/884) ҳақида алоҳида тўхталиб, уни Нишонур маломатийлик тариқатининг пешвоси деб танишириди.

Ҳамдун ал-Қассор ҳалқаси Нишонурдаги ягона маломатийлар гуруҳи бўлмаган кўринади. Чунки манбаларда шу даврда Абу Ҳафс ва Абу Усмонлар етакчилик қилиган маломатийлар ҳақида ҳам маълумотлар берилган.⁵³ Х асрда Ироқ суфий мистик мактаблари довруғи бутун ислом оламига ёйилган бўлса-да, маслакда дсярли бир хил ғояларга асослангани бошқа минтақалардаги мистик гуруҳлар ўзларини суфий деб атамаганлар. Масалан, гарчи чуқур мистик мазмунда бўлса-да, Ҳаким Термизий асарларида суфий атамаси ишлатилмаган. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Ҳаким ал-Найсабу-

⁵⁰ Ҳужвирий. Кашф ул-маъжуб, 14-боб, 176-266-бетлар.

⁵¹ The Malamatuya Epistle Roquer Deladrière: Sulami: la lucidité Implacable (Epitre des hommes u blame). Paris: Arlea, 1991.

⁵² R.Hartman «Al-Sulami's Risalat al-Malamatiyya». In: Der Islam, Vol. 8 (1917-18).

⁵³ Sara Sviri, pp. 596-597.

рий ал-Байий (в. 409/1014) томонидан ёзилган «Тарихи Нишопур» асарида IX–X асрларда Нишопурда яшаган олимлар, уламолар, машҳур кишиларнинг таржимаи ҳоллари берилган. Бу китобда 50 га яқин мистик ҳақида маълумот бор. Уларнинг бирортаси ҳам суфий ёки маломатий деб аталмаган. Улар купроқ зуҳҳод, уббод ёки музаккирин (зикр қилувчилар) деб аталган. Суфий атамаси фақат Абу Бакр ал-Воситий (в. 320/932) га нисбатан ишлатилган. Суламий Ҳаким Нишопурийдан кейинроқ ўзининг «Табақот»ида Нишопурда тасаввуф X асрда яшаган Абу Усмон ал-Ҳирийдан тарқалди, дейди («минҳу инташара тариқат ал-тасаввуф би Найсабур». Табақот, 170-бет). Суламий нишопурлик бўлиб, тапиқли хонадон вакили эди. У Абу Амр Исмоил ибн Нужайдининг шогирди бўлган. Абу Амр Исмоил Суламийнинг она томонидан бобоси бўлиб, IX аср охирларида Нишопур маломатийлик ҳаракатининг пешволаридан бўлган Абу Усмон ал-Ҳирийнинг машҳур халифаларидан эди. Шарқшунос Bulliet «Аҳволи Нишопур» асарига суюниб, Нишопур шайхларини суфий деб аташ сал кейинроқ, аниқроғи X асрдан бошлаб одатга айланганигин таъкидлайди.⁵⁴ Демак, Суламий бобосининг пири муршиди бўлган буюк маломатий орқали Бағдод ва Хурросон мистик мактаблари ўртасига умумий чизиқ тортмоқчи бўлган бўлиши мумкин.

Ироқ суфийлари ҳам уларни ўзларидан фарқлаганлар. Колободий ва Саррож хурросонлик бўлсалар-да, ўз асарларида асосан, X аср Бағдод мактаби вакиллари ҳақида маълумот берадилар. Саррож тилга олган асосий шайхлардан бири Жаъфар Хулдийдир (в. 348/959). У IX аср буюк мистикларидан Жунайд Бағдодий ғояларининг тарифиботчиси бўлган. Саррож Хурросон машҳойхлари ҳақида

⁵⁴ R.W.Bulliet. The Patricians of Nishapur. Cambridge: Harvard University Press, 1972, p. 41.

жуда қисқа түхталағы. Ҳамдун ал-Қассор ёки Ҳаким Термизийлар ҳақида умуман маълумот бермайды. Бу тасодиф бўлмай, ўша даврларда Бағдод ва Хурросон тариқатлари ўртасида бирлик бўлмаганини кўрсатади. Буни Суламий «Табақот»ида келтирилган Жаъфар Ҳулдийнинг Ҳаким Термизийга берган баҳосидан ҳам билиш мумкин: Жаъфар Ҳулдий «Мен тасаввуф ҳақида бир юз ўттиз рисола ўқиганман», – деганида мен сўрадим: «Ҳаким Термизийнинг бирор асарини ўқиганмисиз?». У жавоб берди: Мен уни суфий деб ҳисобламайман».⁵⁵

Бир қараашда Ҳулдий Ҳаким Термизийни обрўсизлантиргандек. Агар чуқурроқ мулоҳаза қилинса, бу даврларда суфий, тасаввуф истилоҳлари асосан, Бағдод мактаблари билан боғлиқ ҳолда тилга олинниши анъана бўлгани ҳисобга олинса, масала равшанлашади. Шарқшунос Сара Свирийнинг таъкидича, Суламий ислом мистикасининг шаклланиши йилларида тасаввуфга нисбатан яхлит ҳаракат сифатида тасаввур уйғотишга уринган, Нишопурда пайдо бўлган илк маломатийлик ҳаракатига ижобий қараган, Бағдод ва Хурросон машойихларини бир китобда жамлаган илк муаллифdir.⁵⁶

Ўна даврларда Нишопур ғарбда Бағдодга, жанубиғарбда Шероз ва Форс кўрфази, шарқда Марказий Осиё ва Хитойга бориладиган савдо йўли чорраҳасида жойлашганлиги учун Хурсоннинг Марв, Ҳирот ва Балх каби марказий шаҳарларидан ҳисобланар эди. Тоҳирийлар сулоласи (820–873) ҳукмронлиги даврида пойтахтга айланди.

945 йилда Бағдод Бувайхийлар қўлига ўтиб, сунний жамоалар тақиқ остига олина бошлагач, Нишонур амалда сунний ислом оламинииг бош шаҳрига айланди. Сунний олимлар, ҳунармандлар, тожирлар Нишопурга оқиб

⁵⁵ Суламий. Табақот, 434-бет.

⁵⁶ Sara Sviri, p.595.

кела боилади. Ислом оламидаги турли илмий, фиқҳий-мазҳабий, фалсафий ва суфий мактабларнинг тортишув майдонлари Нишопурга кўчди.

Тортишувлар, асосан, ҳанафийлар ва шофеийлар ўртасида кечган. Ҳанбалийлар ва моликийлар Нишопурда кам бўлгани учун уларнинг аралашуви аҳамиятли бўлмаган. Шунингдек, шиа гуруҳлари ва карромийлар ўртасида ҳам кескин зиддият мавжуд бўлган. Оима Сара Свири ўзининг Ҳаким Термизий фаолиятига бағишланган тадқиқотида бу ҳақда тўхталиб ўтади. Сара Свири ҳанафийлар ва шофеийлар ўртасидаги кураш сабабини муътазила фаолияти билан боғлади. Унингча, ҳанафийлар муътазила гуруҳига мансуб эдилар, шофеийларнинг асосий кўпчилигини эса «аҳли сунна вал ҳадис» бўлган ашъарийлар ташкил қиласр эдилар.⁵⁷ Бу фикрга қўшилиб бўлмайди. Чунки Ҳ асрга келиб муътазилага қарши курашда барча мазҳаблар бирлашиб улгурган эди. Иккинчидан, муътазила гуруҳларини фақат ҳанафийлик мазҳаби билан боғлаш ҳам тўғри эмас. Ҳ асрда муътазиланинг мавқеи тушиб кетган, уларнинг ашаддий тараффорлари бу даврларда анча кенг қулоч ёйган «кал-фалсафа» аҳли таркибиға сингган эди. Уларни бирор мазҳабга бўйсуниш жиҳатидан ажратиб кўрсатиш мушкул.

Маломатийлик ҳаракатининг қучайишига ана шу диний-мазҳабий олишувларнинг авж олиши сабаб бўлди. Уламоларнинг олимликни даъво қилиб, керак-нокерак назарияларни ўртага ташлаши, шайх ва зоҳидларнинг сохта обрў орттириш йўлида риёга зўр бериши, уларнинг ҳокимиёт ва мафкуравий стакчиликни қўлга олиш учун эътиқодни воситага айлантирганиклари айрим соғлом тақволи уламоларнинг ички норозилигини уйғотди. Улар жамиятда тобора устуворлашиб бораётган бу ижтимоий

⁵⁷ Sara Sviri., p. 586.

иллатга чап беринші, риёкорликдан сақланиши учун ўзларини маломаттаға қолдирисіш, қасддан бадном бўлиши орқали нажот топишга ошиқдилар.

Абу Наср Музаҳҳар ибн Тоҳир ал-Мақдисий (в.380/990) «Китоб ал-Бадаъ ва-л-тариҳ» асарида суфийларга таъриф берар экан, уларнинг баъзилари ибодат қонун-қоидаларига риоя қилмайдилар, айримлари ибоҳат (номуносиб амал) га асосланадилар, таъна-дашномларга парво қилмайдилар деб, таъкидлагандан, шубҳасиз, маломатийларни назарда туттган бўлиши керак. Шу билан бирга, ўша даврларда ёзилган барча асарларда маломатийларга салбий ёндашув билан баҳо берилигини эсдан чиқармаслигимиз лозим. Суламийнинг тазкира ва рисоласи ҳам шу даврда ёзилган. Бироқ, Суламий истисно. У ўзининг «Суфийлар табақаси» муқаддимасида бу тазкира мусулмон мистиклари орасида кенг тарқалган атама «ҳол арбоблари» (Арбоби аҳвол) ҳақидалигини таъкидлаб, уларга табаъинидаш бошлаб ўзининг замондошлари ичида валий даражасига кўтарилилган машоийхларни киритади.

«Табақоти суфия» асари, дарҳақиқат, илк тасаввуф тарихи, унинг таълимоги ҳақида муайян билим берувчи бош манбалардан биридир. У кейинги даврлар тасаввуф тарихини ёритиш услублари ва шаклларига асос бўлиб хизмат қилди.

Тасаввуф тарихида бурилиш ясаган яна бир манба Шайх Колободийнинг «Таарруф ли мазҳаби аҳլ ат-тасаввуф» асаридир. Абдураҳмон Жомий ўзининг «Нафаҳот ал-унс» асарида унга жуда катта баҳо берган ва тасаввуф илмининг (назарияси) яратилишидаги ўрнини алоҳида таъкидлаган.⁵⁸ Ушбу асарининг муҳимлиги шундаки, унда тарқоқ ҳолда ривожлантириб келинаётган су-

⁵⁸ Жомий ёзади «Агар таарруф набуди. тасаввуф доноста на шуди». Нафаҳот ал-унс, қўлёзма. 15^т варақ.

фиёна қараашлар шу даврларда жамиятнинг мафкуравий муҳитида стакчи ва йўналтирувчи куч бўлган қаломниң ижтимоий қараашлари билан уйғулаштирилди. Бу билан Колободий бир томондан тасаввуфни қалом ҳужумларидан сақлаб қолди ва иккинчи томондан, уни шариат илмларининг бири даражасига олиб чиқди.

«Табақот ас-суфия» асари ислом дунёсидаги турли мистик анъаналарни ва мактабларни суфийлик номи остида бирлаштирган бўлса, «Таарруф ли мазҳаби аҳլ ат-тасаввуф» суфийлик ва шаръий қалом предметларини умумийлаштирилди ҳамда тариқатларининг шу ғоялар остида ривожланишига йўл очиб берди.

Тасаввуф ғояларининг шариат асосига қўйилиши, Расулуллоҳ суннатига риоя қилиши, маърифатуллоҳ – Аллоҳни билишининг шариатга зид келмайдиган даражасигача илҳом ва ҳиссиёт ҳамда ақлий тафаккурга эрк бериш ҳақидаги асарларининг пайдо бўлиши («Таарруф ли мазҳаби аҳл ат-тасаввуф», «Рисолаи Қушайрия», «Кашф ул-маҳжуб ли арбоби-л-қулуб», «ал-Лумъа фит-тасаввуф») суфийларни тақводорлар тоифасишининг яловбардорларига айлантириди. Энди бу тоифа энг ҳурматли табақага айланди. Шариат аҳли тасаввуфий тарбиятининг имкониятларини тан олди. Буни кейинчалик Иби Халдуннинг «Муқаддима» асарида ҳам кўриш мумкин. У тасаввуфини шаръий илмлар ҳисобига қўшишга иштилади. Чунончи, Иби Халдун ёзади: «Бу илм ислом жамиятида пайдо бўлган шаръий илмларданdir. Уининг асли будир: тасаввуф аҳлиниң йўли, саҳоба ва тобеиндан бўлган салафлар назарида Ҳақ ва ҳидоят йўли эди. Тасаввуф йўлиниң асоси, дунёниң зеб-зийнатию гўзалликларидан юз ўғирмоқ, ўткинчи дунё завқларидан кўнгилни айриб, Ҳаққа йўналмоқ ва тоат-ибодатга астойдил бел боғламоқдир. Ҳижрий II асрдан (милодий VIII аср) бошлаб мусулмонлар орасида дунё севғиси кучайиб кетгач, тоат-ибодатга берилганлар тоифаси суфий ва мугасаввиф исмлари билан танилдилар... Улар чиройли либосларни тарк

этиб суф-жүп кийиб, дунёпаастларға зид иш қылғанлар. Улар зұхұң, узлат, ибодат ва тоатта қаттық берилгач, үзла-рига хос важд (жүшиші) ва бошқа ҳолшарға эга бўлдилар. Буниинг сабаби ва ҳикмати эса бундай: инсонни бошқа жониворлардан ажратиб турувчи жиҳат – ақшу идрок эга-си экаплиги. Идрок икки хил: биринчиси, илму маърифат-ли идрок бўлиб яқийн, гумон, шубҳа ва ваҳимадан ибо-рат. Иккеничиси эса, роҳат-фароғат, фам-ташвиш, қабз, баст, ризо, ғазаб, шукр ва сабр каби ўзи билан қоим бўлган ҳолларни идрок этишдир. Булар инсоннинг мумаййиз (яхши-ёмонни ажратга олувчи) сифатлари бўлиб, бир-би-рига таъсир қиласди... Бу ҳол бир нағи ибодат бўлиб, уни-дан пайдо бўлган завқ мурилұ учун бир мақом бўлади. Му-рид шу тарзда бир мақомдан бошқа бир мақомга кўтари-либ, ниҳоят асл ғоя бўлган – тавҳид ва маърифат марта-басига эришади. Бу мақомларнинг асли эса имонга таян-ган ибодат ва ихлюс бўлиб, уларга юксалган кишида ҳар мақомнинг самараси бўлган баъзи ҳоллар зуҳур этади ва натижада тавҳид, ирфон мартабасига юксалади. Агар натижада бирор камчилик рўй берса, демак олдинги ма-қом ва ҳолда нуқсонга йўл қўйилган бўлади. Шунинг учун мурид нафс ҳисоб-китобига муҳтоҷ. Мурид буни ўз завқи даражасига қараб сезади ва аввалги ҳолларни ҳисоб-китоб қиласди. Бу мақомга оз кишилар эриша оладилар».⁵⁹ Ҳинддаги жайнийлар, будда жамоаларида бўлгани каби ҳалиқнинг оммавий ҳомийлигига эришган суфийлар тари-қатларда янги-янги ғояларни ўзлантириш, исихотехника-ни янада ривожлантириш орқали руҳий камолот мақом-ларида анча юксалдилар. Перипатетик фалсафа илмининг ривожида гарб юнон фалсафаси асосий маиба ролини ўйна-ган бўлса, тасаввуфнинг кейинги ривожига ҳиндлардаги барча фалсафий-метафизик қарашлар, шунингдек, мурак-

⁵⁹ Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. Н.Ҳасан таржимаси. –Тошкент: 1999 йил, 23-24-бетлар.

каб психотехник усуллар орқали инсон руҳини озод этиш йўллари кучли таъсир кўрсатди.

Шуни ҳам ҳисобга олиш керакки. XII асрдан бошлиб, ислом доирасида илоҳиётдан баҳс қилиб юрган барча йўналишлар ва фирмалар ўзларини тасаввуфга урдилар. Натижада, тасаввуф оламида бўлиниш юз берди. Боязид Бистомий мактаби давомчилари кучайиб, тасаввуфни жиддий фалсафийлаштириб юбордилар. Жунайд Бағдодий издошлари уларнинг ҳаракатларини қоралаб, шариатга мувофиқ иш кўришни ва Расулуллоҳ суннатидан узоқлашмасликка даъват қилдилар. Уларнинг ғоялари калом илми ғояларига уйғун ҳолда ривожланди.

Шу даврдан эътиборан, жамият мафкуравий майдонида икки жиддий кучнинг ўзаро кураши бошланди деса бўлади. Зиддият Тавҳид, яъни Аллоҳ феноменига бўлган турли қараашлардан туғилди. Тасаввуф икки йўналищда ривожлана бошлади. Бири фалсафага яқин, иккинчиси каломга яқин позицияда турди. Биринчиси «вужудийлар» (улар кейинчалик «Ваҳдат ул-вужуд» таълимоти тарафдорларига нисбатан қўллана бошлади) деб, иккинчиси «шуҳудийлар» (уларнинг ғояларини «Ваҳдат уш-шуҳуд» таълимоти номи билан аталади) йўналиши деб номланди. Тасаввуф илмининг икки мустақил шахобчага ажралиши кейинги давр Марказий Осиё, Эрон ва Ҳиндистоннинг мусулмон аҳолиси маънавий ҳаёти тараққиётiga катта таъсир кўрсатди. Кейинги даврларда мутакаллимларнинг фаолиятини ҳакамлик вазифасига ўхшатиш мумкин. Мутакаллимлар ҳамиша тасаввуф тараққиётини мунтазам кузатиб турганликлари сезилади. Қачон тасаввуф оламида янги назария, янги йўналиш ва ғоялар пайдо бўлиб, унинг ислом асослари ва шариатга зарари тегадиган бўлса, шу онда мутакаллимлар ҳужумига учарар эди. Тасаввуфнинг каломга яқин турувчи намояндалари ҳам бу курашда уларга ёрдамлашар эди. Ушибу бўлиниш жараёни Ибн ал-Арабийнинг ғоялари кенг тарқала бошлиши билан ўзининг авж палласига кирди.

«ВАХДАТ УЛ-ВУЖУД» (ЯГОНА БОРЛИК) ТАЪЛИМОТИ

Вужуд муаммоси ислом фалсафасини илк шаклланиш давридан қийнаб келаётган метафизик муаммо эди. Эслали жоизки, ислом фалсафасининг илк даврларида, хусусан, унинг вакиллари ал-Киндий, Форобий, Ибн Сино ва Ибн Рушд фаолиятида «Вужуд» муаммоси кўпроқ «Мавжудлик» феномени нуқтаи назаридан диққат марказига қўйилганди. Бунда «Вужуд» муаммоси, асосан, «мавжуд»ларнинг, яъни реал нарсалар ички қонуниятининг (тузилишининг) бир қисми сифатида қаралар эди. Биринчи марта «мавжуд»дан «вужуд»га ўтиш Ибн ал-Арабий (в. 1241) концепциясида мустаҳкамланди. Бунга, қайсилир маънода, Ибн Сино таълимоти қўл келган бўлиши мумкин. Ибн Сино вужуд муаммосига «мавжуд»ни ташкил қилувчи компонент сифатида қараган ва Вужудни «Моҳият»нинг сифати (акциденти) деб билган. Айни шу мулоҳаза «Ваҳдат ул-вужуд» концепциясининг яратилишига туртки берган бўлғандир балки. Ибн ал-Арабий асарларида бу ғоя ривожлантирилиб, таълимот даражасига қўтарилди. «Ваҳдат ал-вужуд» таълимоти вужуд воқелигини ҳис қилиш ҳақидаги метафизик қарашларнинг мантиқий қурилмаси (реконструкцияси) дейиш мумкин.

Биз шу ерда «моҳият» ва «вужуд» каби метафизик тушунчалар ўртасидаги фарққа аниқлик киритиб олишимизга тўғри келади. Моҳият – бизнинг нарсаларга умумий қарашимизниң фалсафий ифодасидир. Биз ҳар кунги ҳаётимизда атрофимизни ҳар томондан ўраб олган «нарсалар», яъни «мавжуд моҳиятлар» бўлган олам билан юзма-юз келамиз. Биз кузатаётган барча нарсалар «мавжуд бўлган» нарсалардир. Ҳеч қасерда вужуд ўзининг соғ ҳолатида кўринмайди. У ҳамиша сон-саноқсиз моҳиятларнинг замирида яширин. Шу нуқтаи назардан, мавжудлик моҳият демакдир. Моҳиятнаастлар (яъни

файласуфлар) «Вужуд» категориясига моҳиятларниң сифатлари ёки мулкидан бошқа нарса деб қарамайдилар. «Ваҳдат ул-вужуд» таълимотида, аксиича, моҳият ва вужуд ўртасидаги тескари алоқадорликни кўрамиз. Вужуд бунда асосий. У ягона воқеликдир (ҳақиқат), моҳиятлар унинг сифатлари дидир.

Вужудийлар файласуфлар Моҳият деб қабул қилин тушунчани фақат Аллоҳга нисбатан ишлаталилар. Сифатларниң тажаллий қилишини Асмо, яъни исмлар дейдилар. Асмо бўлмаса, сифатлар ўзларини зоҳир қила олмайдилар. Асмо – кўзгудир. Асмо шунинг учун ҳам кўзгудирки, улар илоҳий борлиқнинг бутун сир-сиоатини кўрсатади. Бу – илоҳий тажаллиёт назариясидир. Асмо кўзгу эканлигига яна бир сабаб бор. Аллоҳ олами ни йўқдан (Адам) бор қилган. Илоҳий сифатлар адам – йўқлик сифатларига қарама-қарши равишда зуҳур этади. Йўқликда (адамда) эшитиш, нутқ, назар, амал инсон тушунган ва тасаввур қилган тарзда мавжуд эмас. Аммо у бор, яъни тажаллиётда намоёни бўлади. Эшитиш, Ганириш, Кўриш, Қудрат ва Амал (Аллоҳниң эзгу амаллари) тажаллиётда амалга ошади. Улар Аллоҳниң зотида бор. Аллоҳ зоти мукаммал бўлиб, абадий ва доимийлик сифатига эга. Адам – йўқликниң сифатлари номукаммал, вақтинча ва ўткинчилик. Аллоҳ ўз илмларини ишга солишига Ибтидоий ҳаракат ёки Ибтидоий доира дейидади. Ушбу босқични Иби ал-Арабий Муҳаммад ҳақиқати – (ҳақиқати Муҳаммадия) деб номлади. Бу истилоҳ унгача ҳам айрим суфийлар томонидан тилга олинган. Христиан илоҳиётшунослиги тарихида ушбу жараён Христос (Масиҳ) босқичи номи билан машҳур.⁶⁰

Шуни эслатипп лозимки, моҳият ва вужуд тушунчалиари инсон тажрибасининг содда даражасида бир-бирига қарама-қарши эмас. «Моҳиятнарастлию» юқорида айтил-

⁶⁰ Khan Sahib Khaja Khan, Studies in tasawwuf, Madras, 1923, p. 10.

ганидек, барча томонидан эътироф этилган табиатни жузъий билиш тажрибасининг мантиқий фалсафий ривожидир. Шу маънода «вужудпаратлик» онгимиздан ташқаридаги Вужудни ўрганиш, яъни унинг базасидаги метафизик тизимни англатади. Бунда Ҳақиқатни ҳис этишдан туғилган мистик, экстатик ҳолат назарда тутилиб, унда воқелик (Ҳақиқат) ўзини муроқаба кенгликларидаги трансендентал онгда намоён этади.

Мұхәйиддин ибн ал-Арабий назариясига кўра, олам ягона Аллоҳ вужудида пайдо бўлган. Шунинг учун барча оддий моддий-номоддий нарсаларда У мужассам. Аллоҳ ва олам, яъни бошқача айтганда, Ваҳдат ва касрат олами яхлитдир. Бутун борлиқ Илоҳ моҳиятини акс эттирувчи кўзгулардан иборат. Ибн ал-Арабий фалсафасининг биринчи фундаментал асоси шуки, фақат бир Ягона Борлиқ бор, Ундан бошқа ҳеч нарса мавжуд эмас, яъни барча мавжудлар Ягона Борлиқдир ва Ягона Борлиқ бўлинмас ҳамда на бу ерда кўп ва на у ерда кам. Мавжудликда фақат Ягона Борлиқ бор, мутлақ бўлинмас ва бир жинслидир.

Борлиқ, аммо ўзини ошкор қиласи (танийди), ўзини ошкор қилиши натижаси сифатида «зарурий Вужуд»ни англатади ва касрат Ягонадан (тарқалади) давом этади. Аммо шу жараёнда Вужуд бўлинмайди ҳам, ўзини суюлтирмайди ҳам. Бу гўё, Вужуд ўзининг бутун борлиғида тажаллий қиласи, бир шаклда бу ерда, бошқа шаклда у ерда, барча ерда билинмай ва суюлмай намоён бўлади. Аллоҳ ўз-ўзини таниш жараёнида вужудда зарурий бўлган сифатлар ва алоқалари билан намоён бўлган Вужуддир. Вужуд ўз-ўзига нарсаларнинг «аъён»ини тақдим этганда у Аллоҳ илми деб аталувчи Илмандир. «Аъён» foявий оламни ташкил этувчи Аллоҳ Илми объектидир. Худди шундай, Вужуд ташқи олам объектида кўрсатганида у халқдир (яратилган нарса), бунда Вужуд Холиқ дейилади.

Вужуднинг ўз-ўзини таниш жараёнида беш босқич белгиланган. Биринчиси, ўз-ўзини танишдаги энг устувор

Борлиқ (Вужуд) эканини билишидир. Ушбу босқич Аҳадият, Абсолют Борлиқ дейилади. Иккинчи босқич Ваҳдат дейилади, қачонки у зарурий Вужудни ажратади. Бу Вужуд келажакда оламда кўриниши лозим бўлган барча нарсаларнинг ғояларини ўзидан ўзига тақдим этганда рўй беради. Ушбу нарсаларнинг ғоявий прототиплари Аёни Собита деб аталади. Шунинг учун Борлиқ илмидаги абадий моҳиятдирлар.

Кейинги ўз-ўзини таниш босқичи Воҳидия босқичидир. Бунда Борлиқ ўзининг ғоявий прототипларини нусхалари орқали танийди. Аёни Собита Вужуд илмидан ташқарида ўзларича намоён бўла олмайдилар ва ҳамиша Субут (субстанция) мақомида қоладиларки, бу мақом мавжудликка нисбатан номавжудлик мақомидир, Ибн ал-Арабий уларни маъдум, яъни номавжудлик деб атайди.

Кейинги уч босқич Вужудининг турли номларицир. Руҳлар шаклидаги Вужуд – таайиуни руҳи, тимсолий (символик) шакллардаги Вужуд – таайиуни мисолий ва охиргиси, жисмлардаги Вужуд – таайиуни жасадий деб аталади. Ушбу кўринишлар ҳад ва чегарага эга, ғоявий кўринишлар эса ўлчов ва андозасиздир. Мазкур беш босқичли ўз-ўзини таниш жараёни Вужудининг беш кўринишни дейилади.

Ибн ал-Арабий бўйича, «борлиқнинг бирлиги (ваҳдат) нуқтаи назаридан қаралса, борлиқ яхлит бўлгани учун унинг оламдаги кўриниши (сојси) ҳам Аллоҳдир, чунки Аллоҳ – Ягоиадир (ал-Воҳид), Яккадир (ал-Аҳад), оламнинг турфашакллиги (касрат) шуктаи назаридан эса Аллоҳ – оламдир.⁶¹ Илоҳий Ибтидо – бутун борлиқнинг ўзиридир, У абадий ва шу вақтнинг ўзида ҳамиша ҳаракатда, чексиз тажаллийдадир. Аллоҳ тажаллийси чексиз имконга эга, шунинг учун бу олам турфахиллиги ҳам чексиз. Шабистарий 1311 йилда «Гулзори асрор» деган достоп ёзиг, 18 та саволга жавоб берганда, шу масала-

⁶¹ Муҳийиддин ибн ал-Арабий. Фусус ал-ҳикам. Байрут, 1980, 103-бет. Бундан кейинги иқтибослар шу китобдан келтирилган.

ларни шеърий баён қилган. Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий асарларида ҳам бу ҳақида фикр юритилган.

Иби ал-Арабий оламининг илоҳий вужудга ўхшашлигини тан олмайдиганларни жиддий танқид қиласиди.

«Вужуд» шундай воқеликнинг ҳақиқатидирки, уни инсон ўз миясининг файритабиий имкониятларини ишга солгандага кузата олади. Исломда миянинг бундай имконияти бир қанча техник истилоҳлар билан белгиланади. Шулардан бири «кашф» дейилади. У «очмоқ» маъносини беради. Бу кечинманинг ички, ботиний тузилиши фано ва бақо истилоҳлари билан белгиланади. Фано – йўқ бўлган нарсани англатади. Худди буддавийликдаги нирванага ўхшайди. Бунда инсон «Мен»и тўлиқ йўқолади. Ведантадаги инсон руҳи «Атман»нинг «Браҳма» билан қўшилиши фанога ўхшаш. Бақо – тирилмоқ, қолмоқни англатади. У руҳоний мақом бўлиб, бунда бир марта «йўқлик» ичидаги эриб кетган ва вужуд бирлигининг абсолют мавҳумиятида йўқолиб кетган нарсалар (солик) Адам – йўқликнинг кенгликларида қайта жонланади.

Касрат (кўплик, борлиқ) олами ўзининг беҳудуд турли шакллари билан яна инсон кўз ўнгидага гавдалана ва ривожлана бошлайди. Аммо «бақо»да кўринган касрат олами билан фано босқичидан кузатиладиган касрат олами айнан эмас. Фанода солик олам ашёларининг қандай қилиб ғуборга айланиб, ўзининг моддийлигини йўқотиши ва вужуд бағрига сингиб кетишими кузатади. Бақода эса ўша нарсаларниң ҳақиқий моҳияти аниқланади.

Ушбу концепциянинг моҳияти унинг «Фусус ал-ҳикам» (1230 йилда ёзилган)⁶² ва «Футуҳот ал-Маккия» асарларида очиб берилгандир.

⁶² Фусус (фасс) «узукдаги қимматбаҳо кўз» маъносини англатади ва қимматбаҳо тош деганда Аллоҳ маърифатининг турли қирраларини ифодалаган пайғамбарлар назарда тутилади. Асар 27 бобдан иборат бўлиб. Одам Атодан Мұхаммад (с.а.в.) гача бўлган пайғамбарларга бағишиланган.

Ибн ал-Арабий борлық ягоналиги концепциясынинг монистик асосини икки шланда күриб чиқади. Уларни шартли равишда, «космик» ва «феноменал» деб атап мумкин. «Борлық ягоналиги» уч даражада күринади: Абсолют, Асмо ва моддий (феноменал) олам даражалари.

Биринчи даражадаги борлықни Ибн ал-Арабий Вужуди мутлақ, Аллоҳ деб номлади: «Мен таъкидлайманки, бириңчиси ўзи билан ўзи мавжуддир. Мавжудлик борлықдан ташқари бўлиши мумкин эмас. Аксинча, У вужуди мутлақ бўлиб, унинг ўзидан бошқа манба (мабда)си йўқ. Қисқаси, бу абсолют борлық чексиз ва мустақилдир. Алҳамдулиллоҳ, У Аллоҳдир, Тириклир, Абадийдир ва Құдратлидир» (Фусус, 65-б.). У ягона мавжуд воқеликдир (Хақиқат). Оламнинг пайдо бўлиши – Аллоҳнинг «ўз моҳиятини кўриш учун» ўзини ошкор этишидир. Бунинг сабаби – «слфизлик ғами». Аллоҳ ўзини танитишни, исмларини билдиришини хоҳлаган ва оламни яратишдан мақсад шудир.⁶³ Ибн ал-Арабий бу фикрларида машҳур қудсий ҳадисга таянади: «Довуд пайғамбар Аллоҳдан бу оламни нега яратганини сўраганида, Аллоҳ: «Мен бир хазина эдим ва маълум бўлишни хоҳладим. Шунинг учун оламни яратдим», деб жавоб қиласди. Ибн ал-Арабий ёзади: «Бироқ Аллоҳ тўлиқ тажаллий этмайди. У қорон-филик пардаси (жисмоний вужудлар) ва ёруғлик пардаси (нафис руҳлар) ортида яшириндир. Чунки олам дағал ва нафис материядан ясалган» (Фусус, 54-б.). Шундай мулоҳаза ҳиндуййларнинг ведаларида ҳам бор: Илоҳ «лила» – илоҳий ўйин пайти устига парда «майю» ёпиб олади.

Борлық ягоналигидаги иккинчи даража Асмо оламидир. Тажаллий (Аллоҳнинг кўриниши) 2 босқичда кечади: Биринчиси, унинг исмларида илоҳий борлық намоён бўлади, иккинчиси, ҳиссий оламнинг турли шаклларида.

⁶³ Қаранг: Corbin H. Creative Imagination in the Sufism of Ibn Arabi. Princeton, 1969, p. 184.

Асмои ҳусна, яъни Эзгу исмлар бир томондан. ўз соҳиби билан айнан, бошқа томондан эса, ўзининг маълум аҳамияти билан ажралиб туради: ҳар бири Ягона вужуднинг (ваҳдатнинг) бир қиррасини очади ва моҳиятган ўз вазифаси билан бошқа Исламлардан ажралиб туради. Бу ҳолат исмларнинг чекланганлик ҳусусиятига эгалиги ва уларнинг касрат (кўплик) гуруҳига тобе эканлигини англатади. Қуръони каримда 99 исм келтирилган бўлса-да, Ибн ал-Арабий фикрича, улар беҳисоб.

Моддий оламда Исламлар ўз ифодаси, кўринишини тоингаи. Ўз павбатида, Асмои ҳуснада Ҳақиқат тажаллийси мавжуд. Асмои ҳусна яширин оламда (олами ғайб) Аллоҳнинг кўринишишидир. Моддий олам – Илоҳий вужуднинг «шаҳодатлар олами (олам шуҳуд)да зоҳир бўлишидир. Ҳақиқий, вужуди мутлақ – Аллоҳдирки, унинг моҳияти(зоти)нинг зуҳури оламдир. Ваҳдат ул-вужуд бир вақтнинг ўзида ҳам вужуднинг моддий оламга нисбатан алоҳидалигини, ҳам у билан бирлигини билдиради.

Ибн ал-Арабий айтади: «Биз илоҳий бағрикенгликнинг илоҳий асмодаги кўринишининг мевасимиз» (Фусус, 153-б.). Асмои ҳусна нур янглиғдир ва унинг шарофати билан Аллоҳ сояси у яратган оламга тушади. Нурсиз соя бўлмаганидек, нур ҳам ўзини ёлқинлантирувчи манбасиз бўлмайди. Ваҳдат ул-вужуд бир вақтнинг ўзида ҳам вужуднинг моддий оламга нисбатан алоҳидалигини, ҳам у билан бирлигини билдиради. Асмо, шундай қилиб, Вужуди мутлақ (Абсолют) ва Вужуди муқайяд (феноменал, моддий олам) ўртасидаги муҳитдир. Демак, Асмо, яъни исмлар Абсолют ва моддий олам ўртасидаги занжир ҳалқаси бўлиб, Абсолютга нисбатан тобе, моддий оламга нисбатан ҳукмдор ҳолатидадир.

Ибн ал-Арабий Умум (кулл) ва қисм (жузъ) маъноларини тушунтиришига ўтганда ўз фикрларини мураккаб сүфиёна истилоҳлар билан ифодалайди. Унинг «асмои ҳусна»си фақат илоҳий сифатларни белгиловчи теологик категориялар эмас, балки фалсафий ғоялар (ал-умур ал-

куллия) ҳамдир. Умум ва қисм ўртасидаги алоқа ва уларнинг Аллоҳ билан нисбати қандайлигини тушунтирар экан, Ибн ал-Арабий «Умумий (универсал) ғоялар алоҳида мавжуд эмас, онгда аниқ ва равшан бордир», дейди (Фусус, 51-52-б.). Яна: «Нимаики фардий (алоҳида нарса) бўлса, у шу ғоялардан келиб чиқади, шундай бўлса ҳам улар ақл билан қаттиқ боғлиқдирлар ва ақл иштирок этмайдиган алоҳида индивидуал тажаллиёт йўқ» (Фусус, 52-б.).

Учинчи даража моддий оламдир. Уни Мұхәммаддин ибн ал-Арабий «Вужуди муқайяд» (Чекланган вужуд) деб номлайди. Қисқа қилиб тушунтирганда, Ҳақиқат (Вужуди мутлақ) – Аллоҳдирки, унинг моҳияти – зотининг зуҳури оламдир.

Ваҳдат ул-вужуд тизимида илоҳий вужуд шуҳуд (феноменал, моддий) оламидан ҳамиша ўзининг бирламчи ҳолатига қайтишига ҳаракат қиласи: «Барча воқелик бошдан-охир Ундан ва фақат Худодан таралади ва Унга қайтади» (Фусус, 49-б.). Ибн ал-Арабийнинг таълимотида инсон ёки олам Аллоҳ илмидан келиб чиқади ва дунё тажрибасини ўтаб, яна ўз воқелигига (айн) қайтади. Фақат биргина моҳият мавжуд. У ўзининг «кўйилги»ни (касрат) ўз илмидан ташқарида жијолантирилди. Бу тажаллиётда зоҳир бўлган илм – Унинг Ўзидир.

Ибн ал-Арабий ғояларига ўхшаш қарашлар антик давр грек файласуфлари фалсафий муроҳазаларида кўплаб учрайди. Масалан, бундай ғоялар антик давр файласуфлари (э.ав. VI–V асрлар) Ксенофон Колофоныский, Парменид, Гераклитарниң фалсафий муроҳазаларида ҳам учрайди. Ибн ал-Арабий бу ғояни концепция даражасига олиб чиқди.

Афлотун ўзининг архетишлар ҳақидаги таълимотида фақат бир дунёвий Руҳ мавжуд бўлиб, унинг бағрида инсоният руҳлари мавжудлиги ҳақида гапирган. Шунга биноан, Универсал (коинот) индивидиумдан олдин мавжуд бўлган. Қуръони каримнинг бир қанча оятларида

«Лавҳ ул-Маҳфуз», «Китоби мубин» борасида айтилган хабарлар (Аҳзоб сураси, 6-оят; Ёсин сураси, 12-оят) қайсиdir маънода, архетиплар ҳақидаги таълимотда акс этган ғояларни эслатади.

Мұхәммәдиддин ибн ал-Арабий фикрлари Плотин ғояларида акс этган. Уинингча, «касрат (күйлик, турфахиллик) бевосита Ягонадан эмас, балки Ақлдан тарқалған. Ақл ўзи ибтидодан олган ғояни руҳга беради. Ақл уни ўзининг шури билан ёлқинлантиради, унга онг беради, бир сүз билан айтганды, унда ўз қиёфасини муҳрлайды. Аммо Ақл Биринчи вужуднинг нусхаси бўлса ҳам у касратга эга. Биринчи Вужуд Ягонадир, у ҳеч қандай қиёфа, шаклга эга эмас. Шуни тан олмоқ зарурки, Биринчи ибтидо касратдан холидир. Акс ҳолда, у ўзидан юқори турадиган Воҳидга муҳтож бўлиб қолар эди».⁶⁴

Неоплатончиларнинг таълимоти Абу Наср Форобий томонида исломлаштирилди ва такомиллаштирилди. У Ҳақ таолонинг ички (ботиний) ва ташқи оламларга ёйилған аксининг даражалари ҳақида гапириб, бу аксининг онгдан ташқари (трансцендент) ва моҳиятнинг абадий эканлигини тушунтируди. Шундай бўлса ҳам Мұхәммәдиддин ибн ал-Арабий таълимоти юнон мутафаккирлари ғоялари таъсирида яратилған дейиш унча тўғри эмас. Чунки тасаввуфда билим илҳом воситасида қўлга киритилади. Суфийларнинг ҳар бири ўз ҳоли даражасида бу билимларни кашф қиласиди. Ибн ал-Арабий «Футуҳот ул-Маккия» асарини Маккадаги ҳаётчи чоғида рўй берган руҳий ҳолатлар, файз ва илҳомлар туфайли, «Танзилоти мавсилия» асарини эса Мосулда яшаган пайтида ўзига келган илҳомлар сабабли ёзганилигини айтиб ўтган. У ёзади: «Аллоҳга ҳамдлар бўлсинки, илм борасида ҳазрати Рассулulloҳдан бошқасига тақлид қилмадим. Билимларимиз батамом нуқсондан холи сақланган бўлиб, нақл ва

⁶⁴ Плотин. Избранные тракты. –Минск-Москва: 2000, с. 222.

ривоятга суюнмайди. Билимимиз ваҳий калом эмас, ваҳий илҳомдир. Бизнинг ва бу йўлдагиларнинг билим маинбай ақлу тафаккур эмас, файзи илоҳийдир... «Футуҳот»нинг бирор қисмини иродамга ва ақлимга асосланиб ёзганим йўқ. Ҳақ таоло илҳом орқали қай тарзда етказган бўлса, ўша тарзда ёздим...»

Шуни ҳам эътибордан соқит қилмаслик керакки, Ибн ал-Арабий ўз руҳий кечинмалари ва назариясини асослашида ўзигача кенг доирада маълум бўлган юонон файлласуфлари истилоҳлари ва фалсафий баён усулидан фойдалангани кўриниб туради. Муҳйиддин Ибн ал-Арабий бўйича, олам сабабий яратилмаган, балки, Аллоҳ имида мавжуд бўлгаи. Унинг илми унинг зоти каби абайдидир. Бу, худди қороғи музейда чироқ ёқилганда барча нарсалар бирдан ёришиб кетганига ўхшаш ҳол. Илм чироқ мисол ёритганда борлиқ, олам даражамадаража тараққий этди ва ниҳоят зуҳур этди. Илмнинг ушбу хоҳии Моҳиятдаги нуқсон – етишмовчилик эмас. Бир томондан, бунда зуҳур этиш эмас, Унинг ўзини сингдириб бориши кузатилади ва иккинчи томондан, У ўзини ўзидан ажратади ва шунда унинг сифатлари зуҳур этади. Илоҳий вужуднинг зуҳур қилиш шаклларининг сонсаноқсизлиги тажаллиётнинг доимий, узлуксиз жараёни натижасидир: Илоҳий тартиб (ал-амр) – тўхтосиз ҳаракатдир, ботиндан зуҳурга (кўринишга) ўтишдир (Фусус, 203-б.).

Хулоса шуки, оламдаги турфаҳиллик яратилган ва Илоҳий вужудга нисбатан иккинчи даражалидир. Олимлар бу неоплатоник ғояни антик философия вакили Прокл (410–485) таъсирида Ибн ал-Арабий шундай шарҳлаган деган фикрни билдирганлар.⁶⁵ Прокл учлигида Ягона (Аҳад, Елиное) дастлаб ўзида сокин бўлади, сўнг ўз че-

⁶⁵ Қаранг: М. Степанянц, Восточная философия, – Москва: 2001, с.36.

гарасидан чиқади ва ниҳоят, яна ўзига қайтиб келади. Ваҳдат ул-вужуд тизимида ҳам моддий (феноменал) оламдаги ўз исм ва сифатига эга бўлмаган илоҳий вуҷуд ҳамиша ўзининг дастлабки ҳолатига қайтишга ҳаракат қилади: Барча воқслик бошдан охир Ундан ва факат Худодан тарагиди ва Унга қайтади (Фусус, 49-б.).

Ягонага (Аҳад) қайтиш комил инсон тарафидан амалга оширилади. Комил инсон илоҳий ижодкорликнинг гултожи, ўнинг такомилидир. У узукдаги қимматбаҳо томп янглиғ олам гавҳаридир. У гўё ёмбига уриладиган муҳр янглиғ Аллоҳ хазиналарининг тамал тошидир. Шу маънода инсон Аллоҳ халифаси бўлиб, ўнинг яратилмалари ни худди хазинанинг муҳри каби асрайди (Фусус, 50-б.).

Аллоҳ биринчи ва комил инсон Одам Атога рух ато этгунга қалар олам ғубор босган кўзгу шаклида эди. Ибн ал-Арабий Қуръони каримдаги Сод сурасининг «Эй Иблис, «қўлим» билан яратган нарсага сажда қилишдан сени нима ман этди?! Кибр қилдингми ёки сен (одамга нисбатан) олий (зот)лардан эдингми?!» дейилган 75-оятга суюниб, Одам Ато икки шаклга эга: зоҳиран моддий олам шакли ва ботинан «худо», яъни илоҳий асмо ва сифатлар йиғиндисидан иборат эканлиги ғоясини илгари сурди.

Инсон – энг олий хилқат. У илоҳий кўринишларнинг барча шаклларини ўзида синтезлаштирган. Унда «бор мавжудотнинг сифати бор» (Фусус, 50-б.), унда оламнинг бор воқелиги (ҳақойиқ) мужассамдир (Фусус, 55-б.). Бошқа барчаси Худо сифатларининг ҳисобсиз томонларининг бирини акс эттиради. Олам макрокосм (олами акбар) бўлса, инсон – микрокосмдир (олами сафир). Бониқача айтганда, вужуднинг бирлиги тамойили (Ваҳдат ул-вужуд) аниёлар олами ичидаги ҳам татбиқ этилади (Румий шундай дейди: «Сен кўринишда олами суғро бўлсанг ҳам. Моҳиятда олами кубросан»).

Олами суғро ва олами кубро ғоялари қадимий шарқ диний фалсафасида, шунингдек, антик файласуфлар

Анаксимен, Пифагор, Гераклит ва Эмпедоклдан тортиб стоиклар ва неоплатоникларгача бўлган антик файласуфларда учрайди. Орфей ва Гностикларнинг қарашларида ҳам бор. Даосизмда ҳам бор,⁶⁶ Фаззолийда ҳам⁶⁷ учрайди. Фаззолий «Инсон катта оламга ўхшатиб яратилган, у кичик пусхадир» дейди. Бироқ Фаззолий оламга мутакаллимларга хос назар билан қараган. Ибн ал-Арабий эса инсонни катта оламдан ажратмайди. Инсон ўзида ҳам илоҳий, ҳам жисмоний манбага эга бўлгани учун Худо ва олам ўртасидаги ҳалқа сифатида илоҳий ва моддий дунёнинг бирлигини таъминлайди.

Инсон – қалбига илоҳий моҳият сингдирилган мавжудот. Суфий символикасида қалб бир вақтнинг ўзида, ҳам илоҳий билимлар махзани, ҳам мистик билиш органи (аъзоси) ҳисобланади. Ушбу хулоса вужудийлар наздида ҳадиси қудсийда «На осмон ва па ер, балки қулимининг қалбida мен борман» деб айтилгани билан тасдиқланади. Қалб худди кўзгу қаби илоҳий нурни акс эттиради, унда Ҳақ қиёфасини кўриш учун уни яхшилаб тоzлаш керак. Ҳақиқат йўлига кирган соликнинг барча ҳаракати ана шу зандни кетказишга, яъни ахлоқан камолга эришишга қаратилган.

Инсон сезгилари «илоҳий соя» бўлган илоҳий тажалистни ҳис этиши мумкин. Аммо бу соя тушган жой, Ибн ал-Арабий бўйича, рангли ойнага ўхшайди. У илоҳий нурни турли рангда жилолантиради. Ойна шаффоф нурга ўз рангини беради» (Фусус, 103-б.).

Суфийлар Қуръони каримда айтилган: «Биз самоларга, срга, тоғларга ... бердик, аммо улар рад этдилар ва фақат инсон уни кўтарди» (33:72) оятини инсоннинг илоҳийт махзани (хазинаси) эканлигига тасдиқ келтиради-

⁶⁶ Горохова Г.Э. Универсализм раннего даосизма. Dao и даосизм в Китае. -М.: 1982, с.22

⁶⁷ Наумкин, Абу Хамид ал-Газали. -М.: 1980, с.302

лар. Инсоннинг жоҳиллиги шундаки, у ҳақиқатни ўз вуҷудидан излаб топини кераклиги ҳақидаги ўз зиммасидаги бурч ва вазифани унугиб қўйди. Зотан Ҳақни билиш зоҳирий «мен»дан воз кечиши ва ҳақиқий «мен»ни ўрнатиш орқали қўлга киради.

Суфийни ҳақиқатга етказадиган йўлбошчи – Ишқидир. Бу ҳиссият тахайюлни уйғотади. Тахайюлсиз «ғаввос» уммон тубидан «ҳикмат дурлари»ни олиб чиқа олмайди. «Агар кимда фаол тахайюл бўлмас экан, у муаммоларнинг меҳиятини оча олмайди. У қўрдир» дейди Ибн Арабий.

Билим қалбда яширин (қалб – илм маҳзани) дейиш орқали, мистик аслида Имон ҳақиқатини назарда тутади. Инсон олам яратилишининг сир-синоати, ғайб олами сирларини ақлан идрок этишда қийналгач, билимсизликдан қутилиши ва руҳий барқарорликка эга бўлиш учун эътиқодга берилади. Эътиқод Вужуди мутлаққа чексиз муҳаббат туйғусини ўстиради.

Баъзи олимлар фикрича, ишқ концепцияси асли христиапликдан бошланган бўлиб, дастлаб шу ғояларни ҳаворийлардан Павел ва Юҳанно мактуб-мурожаатларида кўриши мумкин, баъзилар Қадимги Аҳдда ҳам мавжуд» дейдилар.⁶⁸

Ҳақни севинига чақириқлар Веда матнларида ҳам учрайди. Қуръони Каримда ҳам Аллоҳга бўлган муҳаббат орқали ҳақиқатни билиш мумкинлигига ишора этилган қатор ояглар бор.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, шариатда Аллоҳни севишлан кўра кўнроқ, ундан қўрқиши, унинг амрларига бўйсуниш, Худонинг қаҳр-ғазабига боис бўладиган амаллардан сақланиши тарғиб этилса, тасаввуф ирфонида Аллоҳни севиш ғояси энг марказий ўриила ту-

⁶⁸ Майоров Г.Г. Формирование средневековой философии. –М.: 1979. с. 45.

ради. Шеърият ишқни атрофлича ҳассос куйлаш ва ифодалаш учун яхни имкониятга айланди.

Мұхәммәд ибн ал-Арабий «Фусус»да Аллоҳни аәлларда мүшоҳада қилиши нега әнг самарали ва такомилиға еттан усул эканлигини тушунтиришпен ҳаракат қиласы (Фусус, 217-б.). Ушбу мүшоҳада объект ва субъекттің турли қутбға мансублігидан келиб чиқади. «Аллоҳни бевосита мүшоҳада қилиншнинг имкони йўқ, чунки У ўз зоти билан бу дунёдан алоҳида» (Ўша срда), инсон (яъни әркак) мүшоҳада учун ўзига ўхшатиб яратилган аәлни объект қилиб олади. Ибн ал-Арабий «аәл әркакнинг қиёфадошидир... агар әркак Аллоҳни аәлда мүшоҳада қиласа, демек суст диққат қилған бўлади» (Аллоҳ тажаллийси сифатида), агар у аәл унинг жисмидан (қовурғасидаи) яратилганидан келиб чиқиб Аллоҳни ўзида мүшоҳада қиласа, демек фаол мүшоҳада қилған бўлади (Аллоҳ ўз тажаллийсига қарагандек).

Суфий ишқининг чек-чегараси йўқ, чунки билим чапимаси тугаймас маибадир.

Суфий учун ҳақиқий билимни бошқаларга етказиппенинг реал воситаси (таждиғнни кучайтирадиган) рамзлар ва символлар орқали сўзлашдир. Шунинг учун суфия адабиёттида масал, рамз, метафора ва ишоралар кўн учрайди. Айниқса, кўн тарқалган жуфт метафоралар шарвона ва шам, булбул ва гул, булар ҳаммаси Ошиқ ва Маъшуқни, яъни ҳақталаб суфий ва Ҳақни ифодалайди. Инсон «Мен»и ва олам «Мен»и томчи ва уммон образлари орқали, ҳақиқатни билиш мастилик билан, Ҳақиқат – май воситасида, Пайғамбар ёки пир-соқий образлари орқали ифодаланади.

Мұхәммәд ибн ал-Арабий бўйича, «Худо – ҳамма нарса демак. У ҳатто ноқис нарсалар ва зътиrozга лойиқ сифатларда ҳам зуҳур қиласи» (Фусус, 80-б.). Ҳар бир нарсанинг тескари қутби бордир. Аллоҳнинг жуфт сифатларининг кўриниши сифатида эзгулик ва ёвузликнинг бўлиши объектив ҳолатдир. Бу ҳолат Ҳақининг ўзини зу-

ҳур этиш хоҳини натижасидир. Инсон ўз фаолиятида эркеп иродага эга, хоҳласа эзгуликка, хоҳламаса ёвузликка эргашади. Бу Одам Атодан мерос. Суфийлар ҳар бир ёмонликда Аллоҳнинг эзгулик иродасини кўрадилар. Одам Ато гуноҳ қилмаса, Ерга халифа бўлмасди, шайтон – Иблис ҳам Аллоҳ бандаси, унинг душмани эмас. У инсоннинг имтиҳон этилини жараёнида иштирок этади. Мансур Ҳаллож, Аттор асарларида Иблис ҳақидаги фикрлар шу хулосага олиб боради.⁶⁹

Муҳьиддин ибн ал-Арабийнинг «Ҳақиқий имон тамоман кашф ва шуҳудга асосланади. Кашфда қатъяни хато бўлмас, аммо диний ҳужжат келтиришда янгилишилар бўлар» деган мулоҳазаси эндигина тинчиган ислом илмий доираларида янги қўзғалишга сабаб бўлди. Унинг таълимоти бутун моддий борлиқ, инсон ва Худо бир эканлигини тарғиб этар эди. Ушбу қарашнинг тан олиниши шариат қонун-қоидаларини иккинчи даражали деб қарашга олиб келар эди. Шунинг учун мутакаллимлар мазкур таълимотни шариатга таҳдид деб эълон қилдилар. Тасаввуф олимлари ичida ҳам мазкур концепцияга муносабат жиҳатидан икки бир-бирига қарама-қарши гурӯҳ шаклланди. Бири мазкур ғояни қўллаб-қувватласа, иккинчиси диний ҳужжатларни инкор қилиш инсон тафаккури ва таҳайюлига чексиз эрк берилшига олиб келади ва ижтимоий тартиботни бузуб юборади, деб хавотирга тушдилар. Ислом оламида қайта бошлиланган баҳс-мунозаралар натижасида узоқ замонлардан бери каломнинг бақувват зарбалари таъсирида бош кўтара олмай юрган ўнлаб ботил илмий гурӯҳлар жонланга бошлиди. Улар ушбу назарияни байроқ қилиб, ўзларининг эски иддаоларини халқ орасида ёйишга уриндилар.

Ислом жамиятида ўзаро муҳолифатда бўлган уч кучли мафкуравий оқим етакчилик қила бошлиди. Бири «вужу-

⁶⁹ Степанянц, с.57.

дийлар мактаби» намояндалари бўлган «Ваҳдат ул-вужуд» тарафдорлари, иккинчиси «шуҳудийлар» номи билан танилган шаръий асосдаги тариқат суфийлари ва учинчи сини мутакаллимлар ва фақиҳлар гуруҳи ташкил этди.

Шундай қилиб, Мұхәйиддин ибн ал-Арабий (1165–1240) томонидан яратилган «Футуҳоти Маккия» ва «Фусус ал-ҳикам» (1230–1240) асарларида кўтарилиган ғоялар тасаввуфнинг ана шу йўналишда эришган ютуқларининг натижаси бўлди. Файласуфларнинг қарашларида устувор бўлган мистик-метафизик қарашлар унинг «Ваҳдат ул-вужуд» (Ягона Борлик) таълимотида турли кўринишларда ўз аксини топди.

Ушбу мистик-илоҳий таълимотни шеъриятдаги рамзлар, ҳижрон ва ишқ йўлидаги машаққатлар, ошиқ ва маъшук образлари орқали ифодалаш одатга айланди. Фаридиддин Аттор (1181–1235), Жалолиддин Румий (1207–1273) каби машҳур шоирлар ана шу таълимотнинг жўшқин тарғиботчиларига айландилар.

ШИҲОБИДДИН СУҲРАВАРДИЙ ВА УНИНГ ИШРОҚ ФАЛСАФАСИ

Суҳравардийнинг ишроқ фалсафаси Ибн ал-Арабийнинг «Ваҳдат ул-вужуд» таълимоти билан бир даврда дунёга келди. «Ваҳдат ул-вужуд» Илоҳий вужуд асосларини, Суҳравардий таълимоти Илоҳий Моҳият (Зот) асосларини ўрганишга қаратилган илмдир.

Ишроқ фалсафаси мусулмон халқлари тафаккури тарихида муҳим ўрин тутади. Эрон олими Саййид Ҳусайн Наср Суҳравардий ҳаёти ва фаолиятига бағишлиланган тадқиқотида Ишроқ фалсафаси сафавийлар ҳукмронлиги даврида шиа мафкурасини мустаҳкамлаш ишларида асосий таълимот даражасига кўтарилиганини,⁷⁰ Ҳинд

⁷⁰ Sayyid Husayn Nasr, Suhrawardi and the School of Ishraq, p. 146.

ўлкасига ислом фалсафасиининг тарқалишида айнан Ишроқ таълимоти катта хизмат кўрсатганлигини алоҳида таъкидлаган.⁷¹

Шайх Шиҳобиддин Суҳравардий ҳижрий 549 (мил. 1153) йилда Эроннинг ғарбий қисмида жойлашган Занжон шаҳри яқинидаги Суҳравард қишлоғида туғилди. Мадрасани тугатгач, саёҳатни ихтиёр этди. У Эроннинг турли бурчакларида бўлиб, суфий пирлар билан суҳбатлар қурди, уларнинг ҳаёти, турмуш тарзи ва таълимотлари билан яқиндан танишди. Зикр йиғилишларида иштирок этди. Сўнгра Суриядаги машҳур суфий жамоалари, файласуфлар ва илм арбоблари қошида турли таълимотларни ўрганди.

Шиҳобиддиннинг ўзига хос тафаккур тарзи, илоҳиётга оид мулоҳазалари халқ орасида ёйилиб, тарафдорлар ҳам топилди. Улар асосан, «ал-фалсафа» аҳли бўлиб, улар шариатнинг ўткир зарбаларига дош беролмай йўқликка маҳкум бўлган ўз қарашларини «Ишроқ назарияси»да кўргандек элилар. Чунки у физик жараёнларни перипатетиклар каби таҳлил этганди. Шунингдек, бу таълимот исломда мантиқий тафаккурга нисбатан ижобий қарашни шакллантириш йўлларини излаётган мурасасоз зиёлиларнинг ҳам таъбига мувофиқ келди. Сабаби, таълимотда фалсафанинг бош масалалари таҳлилида мистик-метафизик қарашларга асосланилган эди. Шу билан бирга, унинг метафизикаси, мистик хулосалари Арастунинг илоҳиётидан анча фарқли, ҳатто Ибн Синоннидаи ҳам фарқ қиласарди. Суҳравардий асарларида физик жараёнлар руҳоний таҳлиллар орқали метафизик ҳодисаларга боғланган. Ишроқ таълимотига кўра, Руҳ нур бўлиб, у коинот кенгликларидағи зулмат қаърида изланиши лозим. Унинг метафизикаси айни шу нур

⁷¹ Sayyid Husayn Nasr, The Persian Works of Shaykh al-Ishraq, p. 157.

ҳақидағи таълимот бўлиб, унда ақлий рационал мунюхададан мистик мушоҳада устунилик қиласарди.

Тез орада Суҳравардийнинг таълимоти Ажам ўлкаларига ёйила бошлади. Ҳалаб ҳокими Малик Зоҳир уни саройга таклиф этди. Шоҳга Суҳравардийнинг суҳбати ёқиб, унга саройда қолишини таклиф этади. Суҳравардий бир оз фурсат саройда яшайди. Бироқ салтанат ва шарият устуни бўлган диний уламолар Суҳравардийнинг айрим мулоҳазаларини ислом дини учун хавфли деб тоидилар. Улар Малик Зоҳирдан уни қатл этишини қатъий талаб қилдилар. Малик бу талабни рад этди. Шунда диний уламолар Султон Салоҳиддиннинг ўзига мурожаат қилиб, ундан Суҳравардийни зинданбанд қилиши ҳақида фармони олий чиқаришини талаб қилдилар. Султон давлатнинг қудратли уламолари раъйига қарши боришга ожиз эди. Шу тариқа Суҳравардий зинданга ташланади. У кўп ўтмай милодий 1191 йилда 38 ёнида зинданда вафот этади.

Манбаларда унинг 50 дан ошиқ илмий ишлари бўлганлиги ҳақида маълумотлар келтирилган. Суҳравардийнинг илмий жамоатчиликка маълум бўлган илмий асарлари, асосан, 4 та катта фундаментал асарни ташкил этади. Уларнинг учтаси машҳоиййунлар (ал-фалсафа аҳли, перипатетиклар) фалсафасига бағишиланган. Тўртичиси Ишроқ назарияси ҳақидағи «Ҳикмат ул-ишроқ» асаридир.

Олимнинг бизгача етиб келган яна бир қанча асарлари юқоридагиларнинг турли даврларда бўлакларга бўлиниб кўчирилган фасллари, боблари ёки қисқартилган вариантлари дидир. Улар форс ва араб тилларида ёзилган бўлиб, қуйидагилардан иборат:

1. Партавнома (Шуъланома).
2. Ҳаёкил ан-нур (Нур асослари).
3. Алвоҳ-и имодий (Имодуддинга аталган дорилар).
4. Лугат-и мурон (Чумоли тили).

5. Сафир-и симурғ (Симурғ навоси).
6. Рузе бо жамоати суфиён (Суфийлар жамоасида ўтказилган бир кун).
7. Рисола фи ҳолот ат-туфулийя (Болалик ҳолатла-ри ҳақида рисола).
8. Овози пари Жаброил (Жаброил фаришта қаноти ово-зи).
9. Ақл-и сурх (Алвон фаришта).
10. Бўстон ал-қулуб (Қалблар бўстони).
11. Эътиқод ал-ҳукамо (Ҳакимлар эътиқоди).
12. Ламаот (Шуълалар).
13. Фурбат ал-ғарбия (Ғарб ғариблиги).
14. Рисола фи ал-мeyerож (Мeyerож ҳақида рисола).
15. Язданшиноҳт (Худони таниш).

Суҳравардийни файласуф ҳам, суфий ҳам дейиш мумкин. У Ибн Синонинг «Рисолат ат-тайр» (Қуш рисоласи) асарини форсийга таржима қилган, «Рисолат ал-ишиқ» ва «Ишорот ва танбиҳот» асарларини Қуръони карим ва ҳадиси шариф воситасида шарҳлаган. Унинг бир нусхаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик илмий-тадқиқот институти қўллэзмалар фондида сақланади. Кўриниб турибдики, Суҳравардий Ибн Сино таълимотини муайян даражада ўрганганд. Шу билан бирга, Фаззолийнинг «Мишқот ал-анвор» асари унинг дунёқарашида катта бурилиш ясаганини ва ишроқ назариясининг яратилишида катта аҳамият касб этганини унинг ўзи эътироф этган. Айрим ўринларда суфийлар каби фикрлагани ва Мансур Ҳалложга мурожаат қилгани бу таълимотнинг кўпроқ тасаввуф билан боғлиқ ҳолда кўриб чиқиши нотўғри бўлмаслигини кўрсатади.

Эрон олими Сайд Ҳусайи Насрнинг ёзишича, Суҳравардий ёруғлик ва зулмат рамзларини ифодалашда, фаришталар олами тасвирида зардуштийлар таълимоти таъсирида бўлган. У Қадимги Миср, Халдей, Сабай (мил. авв. 800 йиллар) минтақаларида ривожланган таъ-

лимотларниң таъсирида яратылған херметицизм анъанаидардан таъсирланған.⁷²

Сұхравардий асарларининг муңдарижаси бир хил бүлмаса-да, тузилиш ва мазмун жиҳатидан, шунингдек, истилоҳлари билан бир-бирига ўхшашидир. Табиийки, уларниң барчасида муаллифнинг хос услуги, шунингдек, ишроқ ҳикматининг тили ва аҳамиятли символлари акс этгани.

Хар бир асар муаллифининг ўз бошидан кечирған руҳий тажрибаларига асосланади. Таълимот аниқ ва равшан тушунтирилмагандек туғолса-да, бироқ «Маҳбуб» (Аллоҳ) билан бирлашув иштиёқида сафар қилаётганинг (солик) турли йўллар орқали руҳоний камолотта, демак, «Ҳақиқат»га эришиши жараёни жуда чиройли очиб берилған.

«Ҳикмат ул-ишроқ» Сұхравардийнинг энг буюк асари бўлиб, мутафаккирнинг асосий таълимоти шу асарда баён қилингандир. У ҳижрий 582 (мил. 1186) йилда бир неча ой давомида ёзиб тугатилған. Асар муқаддима, 2 қисмдан иборат. Биринчи қисмда мантиқ ва иеринатетик фалсафанинг айrim жиҳатлари таңқид қилингандар бўлса, иккинчи қисмда нур таълимоти, фаришталар, борлиқ тузилиши, руҳий тавҳид масалалари ёритилған.

Сұхравардий «Ҳикмат ул-ишроқ» асари муқаддимасида ўз фалсафасининг қадимиј таълимотлар билан алоқаси ва моҳиятини шундай тушунтиради: «Мен ушбу китобни ёзишдан олдин юнон фалсафасига доир бир неча асарлар ёзганман. Аммо ушбу китоб улардан фарқ қилади ва ўзига хос услугуга эга. У юнон фалсафаси асосланадиган мантиқий тажриба орқали әмас, балки кўпроқ мантиққа асосланған илҳом, қашф, завқ орқали қўлга киритилди. Бунда зуҳд амалиёти катта ўрин тутди. Биз

⁷² S.H. Nasr. The Islamic Intellectual Tradition in Persia, Gurzon Press. 1996, p. 127.

ақлий тафаккурға эмас, ботиний мүшөхада ва илҳомга асосланғанмиз. Хулосаларимиз асоссиз ҳиссиётлардан ва гумонлардан мутлақо холидир. Бизнинг эътиқодимиз суфийларнинг эътиқоди билан бир хилдир. Буюк Афлотун (Платон) нинг ҳам эътиқоди шу йўлда бўлган. Афлотундан олдин ўтган ва Идрисгача бўлган барча файласуфлар ҳам шу йўлда бўлганлар.

Қадимгилар ўз фикр-мулоҳазаларини халқ тўғри қабул қилолмаслигини чуқур идрок этиб, уларни рамз ва ишорот билан ифодалаганлар. Бу рамз ва ишоротларда Ишроқ фалсафасининг мағзи бўлган Нур ва Зулмат концепцияси яцирин. Аммо бизнинг таълимотимиз Моний ва унинг издошлари илгари сурган, ширк ва дуализмга олиб келувчи таълимотдан тубдан фарқ қиласди».⁷³

Суҳравардийга кўра, метафизика нуқтаи назаридан ҳам, тарихий жиҳатдан ҳам, ишроқ фалсафаси қадимги тафаккур инъикоси бўлиб, у кўироқ интуитив, яъни суфийлар тили билан айтганда «завқ» оқибатида кашф этилган илмдир. Яна ҳам соддароқ айтадиган бўлсак, ботиний кўз билан илғаб олинган ва уни тушунтириб бериш амримаҳол бўлган тасаввурлар мажмуидир.

Журжоний ўзининг «Таълифот» асарида ишроқийларни «Афлотун (Платон) издошлари» деб атайди. Суҳравардийнинг ўзи «Мутараҳот» асарида ишроқ фалсафаси манбаларини Эронзаминнинг буюк афсонавий подшоҳлари Қаюмарс, Фаридун ва Кайхусравларнинг фалсафасидан излайди.

Ислом фалсафасидаги марказий бош масала – бу Борлиқ, бошқача айтганда, Вужуднинг моҳиятга нисбатан бирламчи ёки бирламчи эмаслиги масаласидир. Моҳият сўзи арабча «мо» нима? саволини, «ҳият» – «у» олмошини англатувчи «ҳия» сўзидан ясалган бўлиб, «у нима?» маъносини англатади ва нарсанинг мавжудлиги аниқ ёки

⁷³ Иқтибос манбаси: Ўша асар, р. 129.

шубҳали кўринганда унинг ич-ташини, бошқача айтгандан зотини ўрганишга нисбатан айтилади. Ишроқийлар вужуд ва моҳият юзасидаи баҳс қилишни қоралайдилар. Улар бўйича, Моҳият борлиқнинг ўзиdir. Суҳравардий ўзининг илк «Сафири симурғ» («Симурғ йўлланмалари») асарида ваҳдатнинг беш даражасини кўрсатиб ўтади:

1. «Ла илоҳа иллоллоҳ» (Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ). Бу мақомдаги обидлар Аллоҳнинг ягоналигини эътироф этадилар ва Ундан бошқа илоҳга сифишишни қоралайдилар.

2. «Ла ҳува илло ҳува» (Унинг ўзидан бошқа У йўқ). Яни, дунёда фақат У (ҳува) бор, ундан бошқа, учинчи шахсни ифодаловчи «у»нинг ўзи йўқ. Демак, «у» (ҳува) дейилганда ҳам фақат Аллоҳ назарда тутилади.

3. «Ла анта илло анта» (Сендан бошқа ҳеч нарса йўқ). Бу мақомда Аллоҳдан ташқарида бирор нарса бор, деган қарааш қораланаади.

4. «Ла ана илло ана» (Илоҳий «Мен»дан бошқа «Мен» йўқ). Бунда «Мен» олмоши фақат Аллоҳга хослиги, танҳо Аллоҳ «Мен» дейинига ҳақлилигига ақида қилинади.

5. «Ва куллу шайъин холиқун илло важҳуҳу» (Унинг Юзидан (вужудидан) бошқа барча нарсалар ҳалокатга (йўқликка) мансуб) даражаси энг охирги ва олий даражадир.

Суҳравардий асарларида илк суфийларнинг таърифлари кўп келтирилган. Лекин улар асл матнларда шундай бўлганми ёки кейинчалик киритилганми бу ҳозирча аниқ эмас. Бироқ, Суҳравардий ва Ибн ал-Арабий таълимотларидаги ўхшашлик манбаларда эътироф этилган. Унда ҳам ҳидоятга бошлагувчи ёки илҳом берувчи йўлбошчи пирлар қутб, имом деб аталиб, маърифат мақомлари ҳам тасаввуф таълимотида кўрсатилганидек, Илоҳий ваҳдат сари юксаклашиб боради ва шаҳодат (мушоҳада) даражалари билан белгиланади.

Ишроқ таълимоти, Суҳравардий айтишича, Платон ва Аристотель фалсафасининг, зардуштийлик ва Ҳермес

(Идрис пайғамбар) ғояларининг уйғун таълимотидир. Суҳравардий матнлари Қуръон ва ҳадислардан келтирилган иқтибосларга бой.

Ғаззолий каби мутакаллим шариат уламоларининг фалсафа аҳли билан олиб борган аёвсиз кураши милодий XII асрда арастучиларниң мавқеини жилдий заифлаштириди. Бироқ фалсафаний ижтимоий тафаккур доирасидан чиқариб ташшашининг иложи бўлмади. Фалсафанинг элементлари Суҳравардийнинг «ишроқ ҳикмати» ва Иби ал-Арабийнинг тасаввуфий таълимотига кўчди. Суҳравардий ва Иби ал-Арабий деярли замондош әдилар. Улар турли ёрда яшаган бўлсалар-да, қарашлари ўхшаш әди. Умрларининг охири бир давлат ҳудулида, Суриядаги ўтди. Бирин Дамашқда вафот этган бўлса, иккинчиси Ҳалабда жон таслим қилиди. Бу икки буюк олимниң таълимотлари машриқзамин мусулмон юртларида ўзларидан кейинги ислом фалсафаси, исломий тафаккур тараққиётida аҳамиятли бўлди.

Ҳар иккала таълимот ҳам «Илоҳий ҳақиқат»га даъвогар илм бўлиб майдонга тушиди ва «Ал-фалсафа»нинг рационализмини интеллектуал интуиция, бошқача айтганда «завқ» билан алмаштирилар. Иби ал-Арабий таълимоти кўпроқ ислом жамиятининг сунний аҳолиси орасида ёйилган бўлса, Ишроқ фалсафаси асосан иши мазҳаби кенг тарқалган Эрон ва Ироқ интеллектуал-маънавий ҳаётida катта таъсир кучига эга бўлди. Алишер Навоий «Насойим ул-муҳаббат» асарида Жомийга тегишли маълумотга суюниб, Иби ал-Арабий ва Шайх Шиҳобиддин Суҳравардий ўртасида бўлиб ўтган бир мулоқот тарихини келтирган: «Ва баъзи акобир дедиларки, ул мулоқот Ҳарам тарафида экандур. Ҳар бирин алардин яна бириға наззора қилиб ўтрушубдурлар, онизки, ораларида каломе воқе бўлғай. Аидин сўнгра Шайх Шиҳобиддин ҳолини алардин (Иби ал-Арабийдан) сўрубдурлар. Алар дебтурларким, «У бопдин оёқ суннатга гарқдур». Сўнг Шайх Шиҳобиддиндан Иби ал-Арабий-

нинг ҳолини сўрубдурилар. Дебдурки, (Ибн ал-Арабий) «ҳақиқатлар денгизидур». ⁷⁴ Ушбу маълумот Жомийнииг «Нафаҳот ал-унс» тазкирасида мавжуд. Жомий бу маълумотни «Тарихи Ёфии»дан иқтибос этганини таъкидлаб ўтган.⁷⁵ Назаримизда, Жомий ушбу маълумотни бериши орқали ғоятда нозик ихтилофий масалани ечиб берган. Маълумки, мазҳаблар ўргасидаги асоссиз тортишувлар айрим пайтларда илм тараққиётига тўсқинлик қилиб келган. Шу жиҳатдан ўша давларда суннитлар орасида Суҳравардийнииг таълимотига ва аксиича, шиаларда Иби ал-Арабий таълимотига ёвқараш кайфият бўлгап бўлиши мумкин. Мулоқотда икки забардаст илоҳиётшунос олимнииг бир-бирига берган баҳосини келтириш орқали Жомий ҳар иккаласининг суннит ва шиалар учун бирдек азиз бўлиши лозимлигини уқтиради.

Ишроқ фалсафаси (Ҳикмат ул-ишроқ) моҳияти ҳақида гапирадиган бўлсак, араб тилида «ишроқ» – ёруғлик маъносини беради. Машриқ сўзи ҳам шундан ясалган. Этимологик жиҳатдан ҳар иккала сўз бир ўзакка эга ва нур таралишини англаради. Бунииг устига, «машриқиййа», яъни «шарқий» сўзи ва «мушриқиййа», яъни «ёруғ» мағзи араб тилида бир хил ёзилади. Шарқиниг ёруғлик билан боғлиқ рамзий ифодаси ишроқийлар томонидан кўн ишлатилган. Шунинг учун «Ҳикмат ул-ишроқ» таълимоти аслида «Ёғду фалсафаси» деб номланганими, «Шарқ фалсафаси» дебми, апиқлаш қийин. Иби Синонииг «Шарқ мантифи» номли асари арабчада «Мантиқ ушмашриқиййин» деб аталади. Шиҳобиддин Суҳравардийнииг мазкур таълимоти айнан шу, Иби Сино қаламига мансуб асар ғояси таъсирида яратилган. Шу жиҳатдан айрим олимлар Суҳравардийнииг таълимотидан мурод

⁷⁴ Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат, МАТ, 17-жилд. – Тошкент: 2001, 395-бет.

⁷⁵ Абдураҳмон Жомий. Нафаҳот ал-унс. Босма. 496-бет.

ёғду ёки нур эмас, балки Шарқ фалсафасидир, дейдилар. Бу гапларда жон бўлиши мумкин. Чунки, Суҳравардийнинг ўзи эътироф этишича, Ибн Сино Шарқ фалсафасини тиклашга ҳаракат қилган, аммо етарли манбага эга бўлмаган. Дарҳақиқат, Ибн Синонинг «Ҳай иби Яқзон», «Рисолат ал-тайр», «Соломон ва Абсол» асарларидағи илоҳиёт концепциясида юнон фалсафаси таъсири сезилмайди. Суҳравардийнинг Ибн Сино асарларини форсийга таржима қилгани, «Ҳикмат ул-ишроқ» асарининг Ибн Сино томонидан Аристотелнинг «Илоҳиёт» асарига ёзилган шарҳ мазмунига жуда яқин туришини ҳисобга олсак, «Шарқ» ва «Ишроқ» лафзлари бир мазмунни ифодалаган, деган хulosага келиш мумкин. Аммо Эронда бу таълимот кўпроқ ёғду маъноси билан боғлиқ ҳолда талқин этилади.

Ишроқ фалсафаси моҳияти «Ҳикмат ул-ишроқ» асарининг «Нур» фаслидан бошланади.

Суҳравардийнинг баён услуби Ибн Сино услугига ҳамоҳанг бўлиб, унинг таълимотини тушуниш учун «ал-фалсафа» масалалари ва ғоялари билан яхши таниш бўлиш лозим. Ўшанда Суҳравардий қўллаётган истилоҳлар, у айтмоқчи бўлган фикр ўқувчига осон етиб боради. Масалан, у нурлар Нури (Нур ул-анвор) сифатида тақдим этган нарса фалсафада Абсолют Воқелик ёки Илоҳий Моҳият деб аталади. Фалсафадаги жисм ва шакл, ўзини таниш (ўзидан ҳабардорлик) феномени ва акциденция (аъроз) муносабатлари Суҳравардийда ҳам баён этилади, бироқ платформа ўзгача. Аристотель таълимотининг мағзини ташкил этган «шакл ва мазмун» ҳақидаги таълимот Суҳравардийда ўзгача талқин этилади. Аристотель таъриф берган «шакллар» Суҳравардийда қўриқловчи нурлар, яъни ҳар бир мавжудотнинг муҳофазасига жавоб берувчи фаришталарга айлантирилган. Материя тушунчаси зулмат тушунчаси билан алмаштирилган. Жисм – материя белгиси. У жисмни бирлашиш ва ажralиши хусусиятига эга ташқи оддий, жузъий субстанция

(жавҳари босит) сифатида таърифлайди. Ушбу субстанция ўз мавжудлигига кўра жисм деб аталади, шакл кўринишига қараб қўйи материя дейилади. Зулматнинг акси Нурдир. Демак, руҳоний олам нурлар оламидир. Унинг барча мушоҳадалари «Нур концепцияси» доирасида очиб берилади. Суҳравардий бўйича, бутун борлиқ нур ва зулмат даражаларидан ташкил топган. Коинот нур ва зулматнинг 18000 оламидан иборат. Барча оламлар ана шу бирламчи Нурнинг ёйилиш ва ёритиш даражаларини ўзида акс эттиради.

Суҳравардий Воқеликни нур ва зулмат турларига мувофиқ равишда тасвирлайди. Агар нур ўзича мавжуд бўлса, у ҳақиқий нур (нури жавҳарий) ёки тоқ нурдир (нури мужаррад). Агар у бирор нарсага боғлиқ бўлса, унда аклиденциал нурдир (нури арозий).

Худди шунингдек, агар зулмат ўзича мавжуд бўлса, у мавҳум зулматдир (ғасоқ) ва агар ўзидан бошқа нарсага боғлиқ бўлса, «шакл»дир.

Ушбу тасниф идрок даражаларига ҳам боғлиқ. Борлиқ ўзидан хабардор ёки ўз ҳолидан бехабар бўлиши мумкин. Бундай дейилишининг маъноси шуки, иомоддий (бирламчи) нур, Худо, фаришталар, архетиплар ва инсоний руҳлар Борлиқнинг ўзи билан ўзи мавжудлигини билдиради. Агар У ўзининг қанақалигини танишни истаб, бошқа вужуддан ўзига назар солишини истаса, бу акцидентал нурдир, масалан, юлдузлар ёки олов каби.

Борлиқ ўзи билан ўзи мавжуд бўлса-ю, ўзидан хабардор бўлмаса, яъни танимаса, бу барча шаклга эга жисмларни ташкил этган хира нурдир. Агар у ўзидан бехабар бўлса-ю, ўзидан бошқа нарса томонидан эътироф этилса, бу ранглар ва ҳидларга ўхшашиб шакллардир.

Барча мавжудоглар Олий Нур, бошқача айтганда, Нур ул-анворнинг ишроқи, яъни ёғдусининг ифодасидир. Нур ул-анвор ўз мулкининг ҳар бир гўшасида бошқарувчиларни, масалан, осмонларда қўёшни, моддиятда оловни, инсон қалбида муқаддас нурни жойлаштирган.

Инсон рухи моҳиятап нурдан иборат, шунинг учун инсон нурни кўрганда завқлапади, зулматдан қўрқади. Коинотдаги барча сабабий яратилмалар охир-оқибат Нур ул-анворга қайтади. Оламдаги барча ҳаракатлар, улар осмонлардами, моддиятдами, бариси Тарбиячи нурларнинг ишидир. Тарбиячи нурлар Нур ул-анвор нурлари-нинг ёғдусидан ўзга парса эмас, аслида.

Нур ул-анвор хира жисмлар макони – Зулматга етганича бир қашча босқичлардан ўтиб заифлашиб боради. Ҳар бир босқич мавжудотлар устидан ҳукмронлик қилувчи муайян фаришталарниң оламлари дир. Фаришталарнинг босқичларини санашида Суҳравардий арастучилар Форобий ва Ибн Синонинг Ақылар ҳақидаги таълимотига эрганимайди. У зардуштийларниң илоҳиёт тизими-ни асос қилиб олади.

Ҳикмат ул-ищроқда коинот яхлитлиги моддий ва руҳий оламларниң физик ва руҳоний жиҳатлари фаришталар олами билан уйғуликтада олиб қаралади.

Суҳравардий Нур ул-анворниң (баъзи ўришларда Нур ул-аъзам) биринчи порлашини Баҳман фариштаси ёки «Ёвуқ (яқин) нур» деб атайди (Нур ул-ақраб). Мазкур Нур ўргала парда йўқлиги туфайли Нур ул-анворниң ҳар порлашида ёғдуланиб туради. Иккинчи порлашида триумфал нур (нур ул-қоҳир) вужудга келди. У бирдан икки ёруғлик маибасидан, бевосита Нур ул-анвордан ва Ёвуқ нурдан ёғдуланади. Шу тариқа Нур ул-анворниң ҳар порлашида муайян нурлар (фаришталар) пайдо бўлди. Ушбу нурларниң барчаси ўзидан олдин яратилган нурлардан, зарурий тарзда Ёвуқ нурдан ва Нур ул-анвордан ёғдуланади. Масалаи, Учинчи нур 4 марта ёғдуланади: 2 марта ўзидан олдинги нурдан, 1 марта Нур ул-анвордан ва 1 марта Ёвуқ Нурдан. Тўртинчи Нур саккиз марта: гўрт марта ўзидан олдинги нурдан, 2 марта иккинчи нурдан. 1 марта Ёвуқ Нурдан ва 1 марта Нур ул-анвордан ёғдуланади. Суҳравардий ушбу нурларни фаришталар деб атайди.

Фаришталар шу тартибда «ал-уммаҳ», яъни «оналар» оламини ташкил қиласылар. Бу оламда фаришталар сони Аристотель космологиясидеги Ақллар сонидан анча күп.

Ҳар бир фаришта ўз даражасига кўра қўйидагилари га нисбатан қаҳр мақомида, яъни ҳукм ўтказувчи даражасида бўлади, худди шунингдек, қўйи даражадаги фаришта ўзидан юқоридагига нисбатан муҳаббат мақомида бўлади. Шу билан бирга, ҳар бир нур – фаришта юқори Нур ва қўйи Нур ўртасидаги пардадир (барзах). Фаришталар шу тартибда Нур ул-анвордан ёғдуланиб турадилар ва Унга муҳаббат мақомида бўладилар. Нур ул-анворнинг муҳаббати ўзига қаратилган, зеро Унинг гўзалиги ва комиллиги Унинг ўзига хосдир.

Фаришталарининг мусбат ва манфий моҳияти бор. Уларнинг мусбат, яъни эркаклик жиҳати улуғлик, нур билан ёритиш ва мустақиллик қобилияtlарицир. Улар энди бир-бирини яратувчи оналар эмас, балки, кўироқ, моҳиятни муйайи вазифага эга фаришталардир. Шунинг учун улар мутакофия фаришталар деб аталади. Суҳравардий уларни Платон архетипларига (ғоялар) менгзайди ва нур турларининг пешволари (арбоб ул-анвор) деб атайди. Демак, ҳар бир тур оламда ўз Ибтидоси – архетипни сифатида фаришталардан бирига эга, бошикача айтганда, бу оламдаги ҳар бир нарса-ҳодиса фаришталардан бирининг тилсими ҳисобланади. Масалан, сув Хурдод фариштапининг тилсими, маъданлар Шаҳривор фариштанинг тилсими, ўсимликлар фаришта Мурдодпининг тилсими, олов Урдибекшентники ва ҳоказо.

Шунинг учун ҳам бу фаришталар тилсим арбоблари деб аталади (арбоб ул-тилисм).

Суҳравардий уларни Амшоспандес (Зардуштийликдаги Амеша Спанта илоҳларининг умумлашма номи – Ш.С.) номи билан ҳам белгилайди ва бунда зардуштийлик илоҳларини Платон ғояларига татбиқ этмоқчи бўлади. Бироқ бу фаришталар Платон таълимотидаги каби мавҳум ва руҳий объектлар эмас, балки аниқ ҳамда фақат инсон

тафаккурида моҳият касб этувчи мавжудотлардир. Ушбу фаришталар оламдаги барча ҳаракатларни содир этувчи, ўзгаришларни келтириб чиқарувчи реал бошқарувчилардир. Улар бир вақтнинг ўзида нарсалар борлигининг ибтидолари ва ақллариидир.

Фаришталарнинг мағнӣ, яъни аёллик жиҳати бўлган муҳаббат, қарамлик ва нурдан жилоланиш хусусиятлари юлдузли осмонни яратди. Бу осмон фаришталарнинг умумий мулкидир. Юлдузлар фаришталарнинг Нур уланвордан ўзлаштирилган жиҳатларининг кўзга кўринимас кристаллашувидан ҳосил бўлган. Ушбу «моддийлашув» кўринувчи осмонлар ортида бўлган фаришталар олами, яъни соғ нурдан иборат Шарқ билан ёғдули осмонлардан заминий мавжудотларга қараб тобора қуюқлашиб борувчи моддиятни ўзига қамраган Farb ўргасидаги чегарани белгилайди.

Фаришталар (ёки архетиплар) табақасидан яна бир табақа ҳосил бўлган бўлиб, улар орқали нур турлари бошқарилади. Суҳравардий бу ўрта табақани «анвор ул-мудаббири», яъни мураббий нурлар, баъзи ўринларда «анвори иснаҳбодий», яъни лашкарбоши нурлар деб атайди.

Мазкур ўрта табақанинг самовий муҳитларда қиласидиган ҳаракати табиатдан эмас, балки муҳаббат туфайлидир.

Испаҳбод нурлар, шунингдек, инсон руҳининг асос – марказидир. Ҳар бир нур алоҳида бир шахснинг фариштасидир. Жами инсоният учун бир нур борки, у фаришта Жаброилдир. Инсоният руҳи шу нурининг кўришиши бўлиб, у одамзод ва ғайб олами ўргасидаги воситачи, Шарқ (Эзгулик) нурлари унда мужассамдир. У, шунингдек, инсон руҳини ёритадиган барча билимларнинг ифодасидир. Мазкур фаришта Илоҳий Руҳ сифатида ҳам Биринчи ва Олий Ақлдир, У биринчи пайғамбардир. Охириги пайғамбар Мұҳаммад ҳам удир. У одамзодининг архетини (рабб ул-навъ ул-инсон) ва Илоҳий илмнинг олий ифодасидир.

Суҳравардий жисмларни шакл ва материяга бўлмайди. Балки унинг жисмларни бўлишдаги ёндашуви жисмларнинг нурни қабул қилиш даражасига асосланган. Барча физик жисмлар ҳам оддий, ҳам мураккабдир.

Оддий жисмлар уч турга бўлинади: а) нурнинг ўтишига қаршилик қилувчи (ҳожиз); б) нурни қабул қилувчи (латиф); в) нурни қабул қилувчи ва уни турли даражаларда ўтказувчи (муқтасид) жисмлар. Улар ҳам, ўз навбатида, бир неча босқичларга бўлинадилар. Осмонлар нурланини даражасига кўра биринчи категорияга мансуб жисмлардир. Осмонлар остидаги моддиятга тааллуқли зарралар 1-категорияда ерни, 2-категорияда сувни, 3-категорияда ҳавони ташкил этадилар.

Мураккаб жисмлар худди шундай, зарраларниг хоссаларига, кам-кўплигига қараб юқоридаги категорияларнинг бирига тааллуқлидирлар. Барча жисмлар мөҳиятсан соғ ва нурнинг турли даражалари ўртасидаги чегарадир (барзах). Ушбу нурдан улар ёғду оладилар ва ёғду сочадилар.

Суҳравардий жисмларнинг ўзгариши зарраларнинг ўзаро бирикишидан ҳосил бўлади деб ҳисобламайди. Мисол сифатида кўзалдаги сув иситилганда унга олов сингади, деган ўта жўн тажрибавий мантиқий фаразни инкор этади. Олим сув иситилганда унинг ҳажми ўзгар маслигини ҳисобга олиб, олов зарралари унинг таркибига кирмайди, жисмнинг сифат ўзгариши (сувнинг исинши), бирламчи сифатлар ва янги таркибий ўзгаришларнинг барча қисмларига тегишли сифатларга боғлиқ деб хулоса қиласди. Бу сифатлар, яъни сувнинг совуқлик ва оловнинг иссиқлик сифатларидан ўзгача сифат Нур оситасида пайдо бўлиб, жисмнинг ўзгаришига сабаб бўлади.

Суҳравардий бўйича, оламда сезилувчи барча ўзгаришлар Нурнинг турли босқичларида юз беради. Зарралар осмонлар қархисида заифдирлар, худди шундай осмонлар ҳам руҳлар қархисила, руҳлар Ақллар қарши-

сида, Ақылар Үмумкоинот Ақли қаршиисида, у эса Нур ал-анвор қаршиисида заифдир.

Ушбу зарралар ёки бошқача айтганда, оддий жисмлар алоҳида Нурлар (фаришта) қарамоғида бўлган маъданлар олами, ўсимликлар олами ва ҳайвонот оламини ўзида акс эттирган бирикмаларнинг шакллари билан қоришиб туради. Минераллар оламидаги барча мавжудотлар «нурланган жисм»лардир (нуроний барзах). Уларнинг доимийлиги осмошлиар кабидир. Олгин ва лаъл каби турли қимматбаҳо тошларнинг инсонга завқ бағишилаши уларнинг қаъридаги нур сабаблидир. Зоро, ушбу Нур инсон қалбидаги нур билан қардонидир. Минераллар ичидаги нур замин субстанциялари (Ибтидолар) фариштаси Исфандармуз томонидан бошқарилади. Зарраларнинг қоришувидан ҳосил бўладиган такомиллашув уларнинг қувватини оширади. Бу қувватлар уларни бошқарарадиган нурнинг «каъзолари»дир. Юксакроқ ривожланган ҳайвонлар ва инсонда бу янада кучли намоён бўлади. Инсон микрокосм сифатида коинот образини ўзида жамлаган. Инсон инсониятни бошқарарадиган испаҳбод нурнинг ўздир. Руҳга хос нарсалар, қобилиятлар барча элементларни ёритувчи нурнинг қирраларидир. Ушбу нур тафаккур ва хотира қувватини ёритади.

Ушбу нур жисм билан, яни ҳайвоний руҳ (жон) билан боғлиқ. У жигарда жойлашган бўлиб, тана ўлганда уни тарқ этади ва ўзининг фаришталар оламидаги асл ватанига қайтади. Бу муҳаббат нури бўлиб, хоҳин-истак қувватини туғдиради, чунки унинг ҳукмдори тоқатиззликка олиб кслувчи қаҳрдир.

Суҳравардий турли руҳларни шифилатларини санаща Ибн Синонинг руҳлар ҳақидаги таълимотини бироз ўзгариш билан қабул қиласиди. Суҳравардийнинг таснифи қуйидагича:

Наботот руҳи

Озиқланмоқ
Ўсмоқ

жозиба
сақланмоқ

Кўпаймоқ
Итармоқ

ҳазм қилмоқ

Ҳайвоний руҳ

Ҳаракатланиш
Истак-хоҳиши

шаҳват
ғазаб

Инсон, юқоридаги сифатлар ва беш ташқи ҳиссий сезгилардан ташқари, яна беш ички ҳиссий сезгига эга. Улар моддий ва руҳоний олам ўртасида кўприк вазифасини баъжарадилар ҳамда макрокосмик даражада ўз мислларига, яъни нусхаларига эгадирлар. Ушбу ҳиссий сезгилар қўйидагилардир:

Муштарак сезгилар – барча ташқи ҳиссий сезгиларнинг қабул қилиниш маркази бўлиб, миянииг олд қисмида жойлашган.

Хаёл (фантазия) –

муштарак ҳисснинг қайд бўлиш ўрни бўлиб, мия олд қисмининг орқасида жойлашган.

Ваҳм (Идрок) –

ҳиссий сезгиларга тегишли бўлмаган ҳиссий нарсаларни бошқаради ва миянииг ўрта қисмида жойлашган.

Тахайюл (тасаввур) – шаклларни таҳлил қиласди, синтезлайди ва ясади. У гоҳида Идрок (ваҳм) билан бирлашиб кетади. Миянииг ўрта қисмида жойлашган.

Хотира –

Идрокнинг қайд бўлиш ўрни. Миянииг ўрта қисмида жойлашган.

Мазкур фазилатлар «нафси нотиқа» – ақл қувватидандир. У руҳоний оламга тегишли ва тананинг асиридир. Гоҳида у муваққат танада ўзининг асл ватанини унтиб қўяди ва ўлим ёки зуҳд натижасида ҳушёр тортади.

«Ҳикмат ул-ишроқ»нинг охирги фасли қиёмат ва руҳоний ваҳдат масалаларига бағишлиланган.

Рұх ўзининг асл ватанига қайтади ва покланади. Ҳар бир рұх камолотнинг қайси даражасида бўлмасин, Нур ул-анворга талпинади, упинг хушвақтлиги Ундан равшанлашишидадир. Кимки улуғвор нурлардан равшанлашмас экан, ҳақиқий завқни туймайди, дейди Суҳравардий. Оламдаги ҳар бир қувонч туйғуси маърифат (билим) завқининг инъикосидир. Ўлимдан сўнг ҳар бир муайян покланиш босқичларидан ўтган рұх кўринувчи осмондан юқоридаги фаришталар (архетиплар, ғоялар) оламига йўналади ва заминий шакларнинг асл моҳиятини ташкил қилган товушлар, қараашлар, таъмларда иштирок этади. Зулм ва кибр билан булғанган руҳлар (асҳоби шақоват) эса, аксинча, хаёл иссанжасида бўлган, жинларнинг зулмат оламида муаллақ қолган суратлар оламига борадилар. Маърифат мақомларини эгаллаган тақводорларнинг руҳлари фаришталардан юқоридаги оламга йўл олдилар.

Суҳравардий таснифи бўйича, инсон руҳлари поклик даражаларига кўра фарқланадилар. Масалан, рұх на бу дунё, на у дунё қайғусида бўлмаган боланинг ёки эси оғган одамнинг руҳи каби содда ва пок бўлиши мумкин; содда бўла туриб, пок бўлмаслиги, дунёвий нафсга боғланган бўлиши мумкин. Шу жиҳатдан бундай инсонлар ажали етгунча азоб чекадилар; руҳ содда бўлмаса ҳам комил ва пок бўлиши мумкин ҳамда ажал етгунча руҳоний оламдан узоқлапимаган бўлади. Бундай инсон Худонинг тажаллийсидан чексиз завқ олади. У, шу билан бирга, булғанган рұх бўлиши ҳам мумкин ва шу жиҳатдан, ажал етгунча танани тарқ этишдан ҳам, руҳоний ибтидодан бегона бўлишдан ҳам хавотирда бўлади. Аммо бу оғриқли хавотир аста-секин уни моддий оламдан совутади ва ўз ўрнини руҳоний завқга бўшатиб беради; руҳ иуқсонли, бироқ пок бўлиши ҳам мумкин. Унда комилликка интилиш ҳисси кучли бўлади. Шу жиҳатдан унда, гарчи нафсга боғлиқлик аста-секин йўқолса-да, ажалигача қийналади; яна шундай руҳ ҳам бўладики, у комил эмас, пок

ҳам эмас. Бундай ҳолатда инсоннинг руҳи жиддий тарбияга, ҳайвоний сифатлардан тозаланмоққа муҳтож. Шу жиҳатдан ҳам у руҳини тарбиялаши, уни ҳайвоний эмас, фариштасифат қўлмоғи лозим.

Руҳ эгаллаши лозим бўлган олий мақом – пайғамбарлар мақомидир (нафси қудсия). Бу мақомни эгаллаганлар самовий овозларни эшитадилар, руҳоний суратларни кўра оладилар. Пайғамбарларнинг ва буюк авлиёларнинг руҳлари покликнинг шундай даражаларига эришадиларки, худди Илоҳий Ибтидо жисмларга таъсир ўтказгандек моддий дунёга ўз таъсирини ўтказишлари мумкин. Ҳатто улар фаришталарни (архетиплар, ғоялар) ўз хишишларига бўйсундира оладилар.

Пайғамбарларнинг билимлари барча илмларнинг асосидир. Муҳаммад (с.а.в.) меърож кечасида коинот юқорисидаги барча борлиқ мақомларидан ўтиб, Илоҳий даргоҳга сафар қилди, бошқача айтганда, ўз Руҳи ва Ақли орқали Илоҳий «Мен»ига ўтди. Ушбу сафар маърифат мақомларининг рамзиdir. Маърифатга йўл кўрсатиш ва жамият қонунларини ўрнатиш учун пайғамбар зарурдир. Инсон яшаш учун мияга, жамият эса қонунларга муҳтождир. Шунинг учун пайғамбарлар инсонлар ўртасида уйғуликини ўрнатиш мақсадида нариги оламдан хабарлар келтирадилар. Комил инсон маърифатли инсондир. Пайғамбарлар энг кўп маърифатга эгадирлар. Уларнинг яхшиси мурсал пайғамбарлардир. Муҳаммад пайғамбарлик силсиласининг олий нуқтаси ва охири бўлиб, пайғамбарлик муҳри ҳисобланади.

Суҳравардий таълимоти, асосан, XIII асрдан бошлаб кенг ёйилган. Бунда унинг издоши Шамсиддин Муҳаммад Шаҳразурийнинг хизмати катта. Олимнинг «Талвиҳот» асарига ёзган шарҳи ишроқ таълимотини муфассал тушунириб берган илк асардир. Асириддин Абҳарий гарчи машҳоий фалсафаси тарғиботига бағишлиланган «Ҳидоя» асари билан машҳурлик тонгани бўлса ҳам, кейинги асари бўлмиш «Кашф ул-ҳақойиқ фи таҳрир ал-

дақойиқ»ни тұлалигича Сұҳравардий таъсирида ёзган.⁷⁶ Биз машхұр мутафаккир олим Носириддин Тусийни церипатетик (машшой) фалсафанинг яшовчанлигини таъминлашға катта ҳисса қўшган «Ал-ишорот ва’л-танбихот» асарига ёзган шарҳи туфайли Ибн Сино фалсафасининг асосий тарғиботчиларидан ва давомчиларидан бири сифатида биламиз. Мулла Садранинг Абҳарий «Ҳидоя»сига ёзган шарҳида Тусий Сұҳравардийнинг таълимоти билан таниш бўлибгина қолмасдан, илоҳиёт масалаларида унинг таъсирида бўлганлигини қайд этган. Аллома Ҳиллий ва Қутбиддин Шерозий каби олимлар ҳам Сұҳравардий асарларига шарҳлар ёздилар. Жалолиддин Давоний (XV аср) ва Абдураззоқ Лоҳижий (XVII аср) каби олимлар томонидан Сұҳравардийнинг «Ҳаёкил ан-нур» асарига ёзилган шарҳлар бу таълимотнинг Марказий Осиё, Ҳинд ва Эрон халқлари зиёлилари орасида кенг тарқалганидан дарак беради. Бобурийлар саройида Сұҳравардий асарлари эъзозланган. Асарларининг бир қисми санскрит тилига таржима қилинган.

Ўз даврида Сұҳравардийнинг ирфоний таълимотига шариат уламоларининг жиддий мухолифатда бўлиши ишроқ ҳикматининг келажагини хавф остига қўйганлиги боис, Сұҳравардий ва Ибн ал-Арабий таълимотларини синтезлашға уринишлар бўлган. Масалан, Ибн ал-Арабийнинг буюк тарғиботчиларидан бўлган Қутбиддин Шерозий шу ишни амалга оширишга уринган мутафаккирлардан биридир.

⁷⁶ S.H Nasr. p. 161.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

МАНБАЛАР

1. **Абу Али Ибн Сино.** Фалсафий қиссалар. Нашрга тайёрловчи ва таржимон А.Ирисов, Тошкент, Ўзабабийнашр, 1963.
2. **Абу ал-Ҳасан ал-Ашъарий «Мақолот».** Қоҳира, 1950 (араб тилида).
3. **Абу Наср Сарроҷ.** Китаб ал-Лума фи ал-тасаввуф. Р. Никольсон напри, Лейден, 1914.
4. **Абу Райҳон Беруний.** ал-Асила ва-л-Ажиба. С.Ҳ. Наср ва М. Мөҳеззәҳ таҳрири остида. Техрон, 1973.
5. **Абу Ҳомид Ғаззолий.** Кимёи саодат. Нашрга тайёрловчи Маҳкам Андижоний, Абдуллоҳ Умар Тошкандий. Тошкент, 2005.
6. **Абу Ҳомид Ғаззолий.** Эҳёу улум ад-дин. А.Азимов ва тарж. гуруҳи. Тошкент, 2003.
7. **Абу Ҳомид Ғаззолий.** Эҳёу улум ад-дин. Таржимон Фиёсиддин Жалол, Тошкент, 2005.
8. **Али Ақбар Ҳусайнний.** Мажмуат ул-авлиё. Қўлёзма, ЎзФАШИ, инв. № 1333,
9. **Алишер Навоий.** Насойим ул-муҳаббат, МАТ, 17-жилд, Тошкент.
10. **Аҳмад Сирҳиндиј.** Мабда ва маод, Тошбосма, Ҳинд.
11. **Аҳмад Сирҳиндиј.** Мактубот 1-3 жилд: ЎзФАШИ, Қўлёзмалар фонди №5858, №5036, №6268, №10785, №10742, №10548-1, №10951, №11241, №11021.
12. **Жомий.** Нафаҳот ал- унс. Тазкира. Қўлёзма. Шахсий кутубхона.
13. **З.М.Бобур.** Бобурнома. Тошкент, Юлдузча, 1989.
14. **Марғиноний Б.** «Ҳидоя». 1-жилд. Тошкент, Адолат, 2000.
15. **Муҳаммад Ҳошим Киншимиј.** «Насойим ул-қудс». Қўлёзма. Шахсий кутубхона.
16. **Муҳийиддин ибн ал-Арабий.** Фусус ал-ҳикам, Байрут, 1980.
17. **Насафий Азизиддин.** Зубдат ул-ҳақойиқ. Тошкент, 1995.
18. **Сирҳиндиј Маорифи ладуния ЎзФАШИ,** Қўлёзмалар фонди №482-5, №1488-3, №5655-2 .

19. **Сирхиндий.** Рисола дар радди равофиз ЎзФАШИ, Қўлэзмалар фонди №482-6. ҳижрий 1079 йилда кўчирилган.

20. **Сирхиндий.** Мабда ва маёд ЎзФАШИ, Қўлэзмалар фонди №2274-1, №482-1, №517-1, №5473-1, №3996-4, №7517-5, №5505-3, №505-3.

21. **Суламий.** Табақот ас-суфия, Н.Шариба таҳрири остида. Қоҳира, 1953.

22. **Форобий.** Рисолалар. Тошкент, 1975.

23. **Қуръони карим.** Ўзбекча изоҳли таржима. Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. Тошкент, 2001, 2004.

24. **Кушайрий.** Рисола, Қоҳира, 1930.

25. **Хужвирий.** Кашиф ул- маҳжуб. Р. Никольсон таржимаси. Лондон, 1936.

ЎЗБЕКТИЛИДАГИ АДАБИЁТЛАР

1. **Алиқулов Ҳ.** Жалолиддин Давоний. Тошкент, 1992.

2. Ашараи мубашила (Мұхаммад пайғамбарнинг 10 саҳобаси ҳақида қисса). Нашрга тайёрловчи А. Ҳакимжонов. Тошкент, 1994.

3. **Булгаков П.Г.** Абу Райҳон Беруний. Тошкент, «Фан», 1973.

4. Буюк сиймолар, алломалар (Ўрта Осиёлик машҳур мутафаккир ва донишманлар) 1-китоб. Нашрга тайёрловчи акад. М.Хайруллаев. Тошкент, 1995.

5. Имом ал-Мотуридий ва унинг ислом фалсафасида туттган ўрни. Халқаро конференция материаллари. Самарқанд, 2000.

6. **Исҳоқов С.** Бурҳониддин Марғиноний ва фиқҳ илми. Тошкент, Адолат, 2000.

7. **Комилов Н.** Тасаввух ёки комил инсон ахлоқи. Биринчи китоб. Тошкент, 1996.

8. **Комилов Н.** Тасаввух: Тавҳид асрори. Иккинчи китоб. Тошкент, 1999.

9. **М. Иномхонов.** Мавлоно Лутфуллоҳ Чустий/ «Имом ал-Бухорий сабоқлари», 2/2000.

10. **Мансур А.** Имом Аъзам – буюк имомимиз. Тошкент, 1999.

11. **Маҳмуд Асъад Жўшон.** Ислом, тасаввух ва ахлоқ. Туркчадан С.Сайфуллоҳ тарж. Тошкент, 1999.

12. **Нуритдинов М.** Тафаккур шуълалари. Тошкент, 1998.

13. Нуритдинов М. Юсуф Қорабоғий ва XVI—XVII асрларда ижтимоий-фалсафий фикр. Тошкент, 1991.
14. Обидов Р. Қуръон, тафсир ва муфассирлар. Тошкент, Мовароуннахр, 2003.
15. Ризоуддин ибн Фахруддин. Хулафои рошидин. Ислом тарихидан тўрт лавҳа. Тошкент, 1992.
16. Саййид Муҳаммад Хотамий. Ислом тафаккури тарихидан. Н. Комил таржимаси. Тошкент, 2003.
17. Саодат калити (пайғамбаримизнинг юксак ахлоқлари ва ибратли ҳаётларидан лавҳалар). Нашрга тайёрловчи Й. Эшбек. Тошкент, 2001.
18. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Farb. Тошкент, Ўзбекистон, 1997.
19. Туар У. Тасаввуф тарихи. Туркчадан Н. Ҳасан тарж. Тошкент, 1999.
20. Уватов У. Имом ал-Мотуридий ва унинги таълимоти. Тошкент, Фан, 2000.
21. Уватов У. Муслим ибн ал-Ҳажжож. Тошкент, 1995.
22. Уватов У. Муҳаддислар имоми. Тошкент, 1998.
23. Ульрих, Рудольф. Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти. Тошкент, 2001.
24. Фалсафа. Қисқача изоҳли лугат, Тошкент, «Шарқ», 2004.
25. Ҳасаний М., Қиличева К. Фиждувоний илм аҳдлари хотирасида. Тошкент, 2003.
26. Шайх Нажмиддин Кубро: Мақолалар. Mac. муҳ. Э. Юсупов. Тошкент, 1995.
27. Қадимги ва ўрта аср Farbий Европа фалсафаси. Тошкент, 2003.
28. Қодиров З. Имом Аъзам (ҳаёти ва фиқҳ усуслари) Тошкент, Мовароуннахр, 1999.
29. Қориев О. Ал-Марғионий-машхур фиқҳшунос. Тошкент, 2000.

РУСТИЛИДАГИ АДАБИЁТЛАР

1. Абу Райхан Беруни. Избр. произведения. Ташкент, 1963.
2. Бертельс Е. Суфизм и суфийская литература // Избр. труды: Т.3. Москва, 1965.
3. Болтаев М. Абу Али ибн Сина – великий мыслитель, учёный энциклопедист средневекового Востока. Ташкент, 1980.

4. **Васильев Л.** История религий Востока. Москва, 1999.
5. **Г.Э. фон Грюнебаум.** Классический ислам (600-1258). Москва, 1988.
6. **Гуннар Скирбекк, Нилс Гиле.** История философии. Москва, «ГИТС Владос», 2000.
7. **Игнатенко А.** В поисках счастья. Москва, 1989.
8. **Майоров Г.Г.** Формирование средневековой философии. М., 1979.
9. **Наумкин.** Абу Хамид ал-Газали. М., 1980.
10. Переселение душ. Сборник статей. Москва, 1994.
11. **Плотин.** Избранные тракты. Минск-Москва, 2000.
12. Свет из глубины веков. // Отв. ред. А.Азизходжаев. Ташкент, 1998.
13. **Степанянц М.Г.** Восточная философия. Москва, 2001.
14. Суфизм в контексте мусульманской культуры: Сборник статей / Под ред. Н.Пригарина. Москва, 1989.
15. Суфизм в Центральной Азии. Зарубежные исследования/ Сост. и отв. ред. А.Хисматуллин. С.-Петербург, 2001.
16. **Ульрих, Рудольф.** Аль-Матуриди и суннитская теология в Самарканде. Алматы, 1999.
17. Учение ал-Матуриди и его место в культуре народов Востока. Сборник докладов участников межд. конф., провед. 19-20 ноября 1999 г. Ташкент, 2000.
18. **Хайруллаев М.** Фараби: эпоха и учение. Ташкент, 1975.
19. **Юнг К.** Архетип и символ. Москва, 1991.

ИНГЛИЗТИЛИДАГИ АДАБИЁТЛАР

1. **A History of Muslim Philosophy**, vol. 1, Wiesbaden, 1963. Ed. by M.M.Sharif.
2. **A.J.Arberry**, Avicenna on Theology, London, 1951.
3. **Ali Hasan Abdel-Kader**, The Life, Personality and Writings of al-Junaid, London, 1962.
4. **Conze**, Edward. Buddhism: a short history. Oxford, 2000.
5. **Corbin H.** Creative Imagination in the Sufism of Ibn Arabi. Princeton, 1969
6. **Delli, David.** Guide to Hindu religion. Boston, Mass, 1981.
7. Dictionary of the Middle Ages, Vol. 2, Collier Macmillan Canada Press, New York, 1988.

8. **Djahangir.** Tuzuk-i Djahangiri. Ed. Sayed Ahmad Khan, Aligarh 1281/1864
9. **Edward Tylor.** Religion in primitive culture. Gloucester, Mass.: P.Smith, 1970.
10. **Eller, Meredith.** The beginning of the Christian religion: a guide to the history and literature of Judaism and Christianity. London, 1924.
11. **Fakhry Majid.** A history of Islamic philosophy. Columbia University Press, 1970.
12. **Frank R.M.** The Neoplatonism of Gahm Ibn Safwan//Le Museon N78, 1965.
13. **Glazenapp, Helmuth von.** Buddhism-a non-theistic religion. London, 1970.
14. **H.Corbin.** Avicenna and Visionary Recital. New York, 1960.
15. **A. Heinen,** Islamic Cosmology, Beirut, 1982;
16. **Jackson, Robert.** Approaches to Hinduism. London, 1988.
17. **Khan Sahib Khaja Khan.** Studies in tasawwuf, Madras, 1923
18. **Khalid Ahmad Nizami.** A History of Sufism in India. Vol II
19. **Muhammad Lutfi al-Jum'ah.** History of Islamic Philosophy in the East and West, Cairo, 1966.
20. **Murad H..** The Life and Works of Hakim al- Termidi // Hambard Islamicus II,1(1979), p.65-90.
21. **Oliver Leaman.** An introduction to medieval Islamic philosophy. Cambridge University Press, 1984.
22. **Penney, Sue.** Hinduism.Oxford, 1988.
23. **R.Hartman** «Al-Sulami's Risalat al-Malamatiyya». In: Der Islam, Vol. 8 (1917-18).
24. **R.W.Bulliet.** The Patricians of Nishapur .Cambridge:Harvard University Press,1972.
25. **Read Carveth.** Man and his superstitions. 2nd ed. London: Senate, 1995.
26. **Schimmel, A.** Mystical Dimensions of Islam, Chapel Hill,1975.
27. **B.Radtke.** Al-Hakim at-Termidi. Freiburg,1980.
28. **S. Sviri.** «Hakim Tirmidhi and Malamati Movement in Early Sufism». In: Classical Persian Sufism from its Origins to Rumi/Ed. by L. Lewison. London,1993.
29. **S.H. Nasr.** The Islamic Intellectual Tradition in Persia, Gurzon Press, 1996.

30. **Seyyed Hossein Nasr**, An Introduction to Islamic Cosmological Doctrines, Cambridge (USA), 1964.
31. **Seyyed Hossein Nasr**. The islamic intellectual tradition in Persia. Gurson Press, 1996.
32. **Seyyed Hossein Nasr**. Three Muslim sages, Cambridge, 1964.
33. Shaykh Fadhlalla Haeri. The Elements of Sufism. UK,Longmead, Shaftesbury,Dorsei,1990.
34. **Smith M.** Studies in Early mysticism in the Near and Middle East, London, 1931.
35. **Smith, Jonathan**. Imagining religion: from Babylon to Jonestown, Chicago, 1982.
36. **Stutley**, Margaret. Hinduism: the eternal low. Wellingbeurgh: Crucible, 1989.
37. **T.Izutsu**. The Concept and Reality of Existence, Tokyo, 1971.
38. The History of Philosophy:East and West. London, 1953.
39. The Malamatiyya Epistle Roquer Deladriere: Sulami: la lucidite Implacable (Epitre des hommes u blame). Paris: Arlea, 1991.
40. The sacred east: Hinduism, Buddhism, Confucianism, Daoism. Shinto/ gen. editor C. Scott Littleton. London, 1999.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I ҚИСМ. ЎЗБЕК МУМТОЗ АДАБИЁТИ ОЗИҚЛАНГАН ҚАДИМИЙ ТАЪЛИМОТЛАР	
ВЕДА АДАБИЁТЛАРИДА ҲАҚИҚАТ МАВЗУСИ	14
УПАНИШАДЛАР	19
ТАВРОТ АДАБИЁТЛАРИДА ПАЙҒАМБАРЛАР ТАРИХИ	30
ХРИСТИАНЛИҚДА ИЛОҲИЙ ИШҚ ГОЯСИ	48
II ҚИСМ. ЎЗБЕК МУМТОЗ АДАБИЁТИНИНГ ИСЛОМИЙ САРЧАЦМАЛАРИ	
ИСЛОМИЙ ИЛМЛАР	62
ФОЯЛАР ПҮРТАНАСИ ЁҲУД КАЛОМ ИЛМИНИНГ	
ПАЙДО БЎЛИШИ	84
КАЛОМ ВА АЛ-ФАЛСАФА	111
ТАСАВВУФ МАКТАБЛАРИ	139
«ВАҲДАТ УЛ-ВУЖУД» (ЯГОНА БОРЛИҚ) ТАЪЛИМОТИ	158
ШИҲОБИДИН СУҲРАВАРДИЙ ВА УНИНГ ИШРОҚ	
ФАЛСАФАСИ	173
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР	193

Адабий-бадиий нашр

ШУҲРАТ СИРОЖИДДИНОВ

**ЎЗБЕК МУМТОЗ АДАБИЁТИНИНГ ФАЛСАФИЙ
САРЧАШМАЛАРИ**

Муҳаррир
Гавҳар МИРЗАЕВА

Техник муҳаррир
Вера ДЕМЧЕНКО

Бадиий муҳаррир
Уйғун СОЛИХОВ

Мусаҳҳиҳ
Зокир ЗАМОНОВ

Компьютерда саҳифаловчи
Феруза БОТИРОВА

Босишига 30.09.2011 й.да руҳсат этилди. Бичими 84x108 1\32.

Босма тобоғи 6,25. Шартли босма тобоғи 10,50.

Гарнитура «LexTimes Сур+Uzb». Газета қоғоз.

Адади 1000 нусха. Буюргма № 253

Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.

Лицензия рақами: АI № 198. 2011 йил 28.08 да берилган

«Ёшлилар матбуоти» босмахонасида босилди.

100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол қўчаси, 60.

Мурожсаат учун телефонлар:

Нашр бўлими – 278-36-89; Маркетинг бўлими – 128-78-43
факс – 273-00-14; web-сайтимиз: www.ibook.uz
e-mail: yangiasr@ibook.uz; yangiasravlodij@mail.ru



ISBN 978-9943-08-776-7

9 789943 087767